Дарҳақиқат, Президентимиз айтганидек, “биз – Ўзбекистон фуқаролари жамиятимизнинг сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий қиёфаси шиддат билан ўзгариб, ҳаётимизда янгича муносабатлар, янги имконият ва қадриятлар шаклланаётганини ҳаммадан ҳам кўпроқ ҳис этмоқдамиз. Айниқса, “инсон ҳуқуқ ва эркинликлари”, “қонун устуворлиги”, “очиқлик ва ошкоралик”, “сўз эркинлиги”, “дин ва эътиқод эркинлиги”, “жамоатчилик назорати”, “гендер тенглик”, “хусусий мулк дахлсизлиги”, “иқтисодий фаолият эркинлиги” сингари фундаментал демократик тушунча ва ҳаётий кўникмалар ҳозирги вақтда реал воқеликка айланиб бораётгани эътиборлидир”.

Айни пайтда яна бир ҳақиқатни унутмаслигимиз лозим, дейди Президентимиз ўз интервьюсида: бугунги Ўзбекистон – бу ҳали том маънодаги, биз орзу қилаётган, интилаётган Янги

Ўзбекистон эмас. Ҳали бу маррага етиш учун олдимизда жуда олис ва машаққатли йўл турибди. Йўлимиз шу пайтгача осон бўлгани йўқ, бундан кейин ҳам осон бўлмайди. Лекин биз дадил олдинга боришдан, керак бўлса, кутилмаган, аммо пировард натижаси самарали ва халқимиз манфаатларига жавоб берадиган ноанъанавий қарорлар қабул қилишдан чўчимаслигимиз зарур [2].

Бу кўп йиллар давлат бошқарувининг энг қуйи бўғинидан бошлаб, ўрта ва энг юқори поғонагача – барча босқичларда масъул лавозимларда ишлаган, Олий Мажлис депутати сифатида фаолият олиб борган, шунингдек, эски бошқарув тизимининг барча нуқсон ва камчиликларини, аҳолини қийнаётган дарду муаммоларни кўпроқ билган инсоннинг жавоби эди.

Шу ўринда қайд этиш керакки, жамиятни мутлақ янги босқичга, олдингисидан кескин фарқ қиладиган тизимга ўтказиш осон эмаслиги, ислоҳотлар даврида улардан тоядиган ҳатто ваъдаларига хиёнат қиладиган ҳамроҳлар учраши ҳам айни бор гап (коррупцияга берилиш, лаганбардорлик, сотқинлик, лоқайдлик, бепарволик, ишёқмаслик, эътиқоддаги беқарорлик, енгил-елпи ҳаётга интилиш, тезроқ муваффақиятга эришиш ва эътибор топиш ва бошқ).

Яна таъкидлаш зарурки, бу сўзлар замирида мамлакатимизда мавжуд сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий воқеликка реалистик муносабатни, яъни давлат ва халқ тақдири, миллат келажаги, ислоҳотларнинг муваффақияти учун туну кун беҳаловат бўлиш, шахсий жавобгарлик Президент Шавкат Мирзиёевга хос бўлган фазилатни кўриш мумкин. Фалсафа ва сиёсий илм аҳли дунёни, ижтимоий борлиқни узлуксиз ўзгартириш, янгилашни прагматизм фалсафаси, деб аташади. Шу боис Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг қарашлари прагматизм фалсафаси билан йўғрилган. Сабаби, давлатимиз раҳбарининг мунтазам равишда ислоҳотларга узлуксизлик бахш этиши, уларни ҳар бир босқич, фасл талабларига мос мувофиқлаштириб бориши ижтимоий ҳаётимизга динамизм, ҳаракатлантирувчи куч беради.

Шу ўринда Президентимизнинг ёшларимизга ҳаётдан маъно излаш, билим, ақл-идрок, интеллектга ишонтиришга қаратилган фалсафий қарашлари эътиборлидир. Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2021 йилнинг 31 август куни Ўзбекистон Қаҳрамони Иброҳим Ғафуровни юксак унвон билан табриклар экан, устоз адибимизнинг босиб ўтган йўлига берган алоҳида таърифини келтирамиз: “Мен “Бобурнома”ни кўп-кўп ўқишга, Бобурнинг ҳаёт йўлини ўрганишга ҳаракат қиламан. Биласизларми, Бобурда умуман ҳаловат бўлмаган. Унинг ҳаёт йўли машаққатлар ва курашларда ўтган, фақат меҳнат қилган. Иброҳим аканинг ҳам ҳаётида ҳаловат бўлмаган, умри меҳнатда ўтган. Ҳозирги адабиёт соҳасидаги барча ёзувчи ва шоирларимиз бу инсонни устоз, дейди. Бу инсонга ҳалоллик ва поклик бўйича муносиб бўлишга ҳаракат қилади. Очиқ гап, мен Эркин Воҳидов ва Абдулла Орипов билан дўст эдим. Абдулла Орипов билан Зомин мактабини ташкил қилган эдик. Эркин Воҳидов билан эса кечалари ҳам гаплашардик. Эркин аканинг бир гаплари бўлар эди: агар ўзбек тилининг буюклигини билишни хоҳласанг, Иброҳимжондан сўраш керак. Севиб гапирардилар. Иброҳим ака адабиётимизнинг ана шундай забардаст намояндаси. Иброҳим акага ўхшаган ҳалол инсонлар бизга ўрнак бўлиши керак. Ҳаётда, меҳнатда, умрда. Битта стол, ручка ва битта хона. Бошқа бирор нарсани бу инсон ўзи учун эп кўрмаган. Мана шундай инсон, албатта, Ўзбекистон Қаҳрамони бўлишга лойиқ!” [6].

Янги Ўзбекистонни барпо этиш концепциясининг ташаббускори бўлган давлатимиз раҳбари барча соҳалар

қаторида алоҳида эътиборни таълим масалаларига қаратди. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2021 йилнинг 17 августида “Янги Ўзбекистон” газетаси бош муҳаррирининг саволларига жавобларида: “Имом Бухорий бобомиз тўплаган муборак ҳадислардан бирида: “Ёшликда ўрганилган илм тошга ўйилган нақш кабидир”, деб айтилади. Буюк алломаларимиз ана шундай ҳикматларга амал қилиб, илм-фан соҳасида юксак кашфиётларни амалга оширганлари ва умумбашарий тафаккур ривожига беқиёс ҳисса қўшганлари тарихдан яхши маълум. Ана шундай қутлуғ анъаналарни давом эттириб, юртимизда янги хоразмийлар, фарғонийлар, берунийлар, ибн синолар, мирзо улуғбеклар, навоийларнинг тарбиялаб етказиш нафақат вазифамиз, балки тарих ва келажак олдидаги муқаддас бурчимиздир”, деганларида ёшлар таълим-тарбиясининг нақадар долзарб ва ҳаёт-мамот масаласи эканлигини англаймиз.

Интервью давомида “таълим” тушунчаси 13 маротаба зикр қилинган. Президентимиз бошчилигида сўнгги йилларда олий таълим соҳасида қўлга киритилган ютуқлар қаторида олий ўқув юртларининг сони 2 баробар (77 дан 141 тага), умумий қамровнинг 3 баробар (9 фоиздан 28 фоизгача), қабул квотасининг 3 баробар, давлат грантларининг 2 баробар (21 мингтадан 47 мингтага) оширилгани таъкидланди.

Бу борада Ўзбекистон Қаҳрамони Иброҳим Ғафуров бугунги кундаги интилишларимиз самарали бўлиши учун эса ҳаётимизнинг мазмунига, мундарижасига айланадиган амалий ишлар кераклиги ҳақида сўз юритар экан қуйидагиларни таъкидлайди: “Шу ўринда тарих саҳифаларига бир назар ташлаб ўтайлик. Мирзо Улуғбекнинг ҳаётини ўрганиб шу хулосага келдимки, у темурийлардан бўлса ҳам ҳеч қачон урушни хоҳламаган. Ўша пайтларда Мовароуннаҳр маркази бўлган Самарқандга ҳар томондан ҳужумлар бўлиб турган. Бир томондан мўғуллар, бир томондан кўчманчи қипчоқлар обод юртимизга тез-тез кўз олайтириб туришган. Кўчманчиларнинг ҳеч нарсаси йўқ-да, фақат талон-торож билан, подани ҳайдаб, бегона уйларни вайрон қилиш, талончилик билан шуғулланишган. Улуғбек уларнинг барчасини қириб ташлаши мумкин эди, лекин уришишни хоҳламайди. У кўпроқ мадрасалар қуришни, йўллар барпо қилишни, боғлар яратишни истайди. Ғиждувондан тортиб Тошкентгача, Тошкентдан Туркистонгача жуда кўплаб жойларга саноқсиз мадрасалар қурдирган. Мирзо Улуғбек даврида шаҳар ва қишлоқлар роса гуллаб-яшнаган. Мана шу интилишлари, саъй-ҳаракатлари билан у Ренессанснинг маъно-мазмунини, моҳиятини очиб берган. Мадрасалар очибгина қолмасдан, ҳазрат Улуғбек халқимизнинг кўзи осмонларни кўрсин, юлдузларни ўргансин, деган ниятда осмон жисмларини кузатиш мумкин бўлган улкан илмий маскан – расадхона қурдирган. Яъни халқимизнинг нигоҳини коинотга қаратган, кўзини очган беназир олим эди. Шавкат Мирзиёев нима учун янги Ўзбекистон тушунчасини, юксак орзуларни, мақсадларни бизнинг қалбимизга, онгу шууримизга олиб кирди? Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Бобур Мирзо каби боболаримиздек бунёдкор, ташаббускор, илмпарвар янги авлодлар тарбияланишини, камол топишини истаяпти. Аждодларимиз қанчадан-қанча тарих, тил қатламларини, илм-фан кашфиётларини яратиб кетишган. Демак, Учинчи Ренессанс юзага келиши учун бугунги авлодлар камида Шавкат Аюповдек, Муҳаммад Аҳмедовдек, Муножат Йўлчиевадек бўлиши керак!.

Яна бир муҳим гап шундаки, Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг: “Ҳеч ким ҳеч қачон унутмаслиги керак: қанчалик қийин бўлмасин, қанча маблағ ва имконият талаб қилинмасин,

Ўзбекистоннинг биронта фуқароси ўз ҳолига ташлаб қўйилмайди”, деб алоҳида таъкидлаганлари фуқароларимизда ўз ишонган тоғи, уни ҳимоя қиладиган давлати борлигига қатъий ишончни янада орттирди. Ўзбекистон фуқароси деган мақом юксалтирилди, бу мақом эгаси ҳимоя қилинадиган, унга алоҳида ғамхўрлик ва меҳр кўрсатиладиган обрўга эга бўлди.

Камбағаллик юртимизда кўп йиллар “ёпиқ мавзу” бўлиб келди. 2020 йил 24 январь куни Олий Мажлисга Мурожаатномада давлатимиз раҳбари бу ҳақда очиқ-ойдин гапирди ва тарихимизда биринчи марта камбағалликни қисқартириш устувор вазифа сифатида белгиланди.

Давлатимиз раҳбари камбағалликни енгиб ўтиш масаласини беш йилдан бери ечишга интилиб келади. Бу ғоя ҳам халқни рози қилиш фалсафасининг асосини ташкил қилади. Шу замонда ҳам уйсиз-жойсиз, кулбаларда, капаларда ҳаттоки ғорларда яшаб юрган оилалар бор эди. Давлатимиз раҳбари томонидан уларнинг барчасига уй бериш ғояси кўндаланг қўйилди. Агар уй олишга кучи етмаса, узоқ муддатли кредит асосида бериш, жуда бўлмаса эл-юрт, қариндош-уруғ ёрдами билан бошпанали қилиш ғояси ўртага ташланди. Уй-жойли бўлган ана шу одамларнинг руҳиятини кўз олдингизга келтиринг. Ахир уларнинг ҳам орзу-ниятлари, бола-чақаси бор. Фарзандларини одам қилай, уларга шароит яратиб берай деб яшайди, лекин қўли қисқалиги туфайли уй-жой қилолмаган. Кулбада, чайлада, ижарада сарсон яшаб юришга мажбур бўлган. Энди бу бахтиёр инсонлар қалбига қулоқ тутинг, улар давлатимиз раҳбаридан қанчалар миннатдор эканига гувоҳ бўласиз.

Мана беш йилдирки, барча фуқароларнинг ҳаёти, имкониятлари, оилавий аҳволи чуқур ўрганилиб, ҳокимлар, сектор раҳбарлари, турли давлат идора масъуллари, жойлардаги саховатпеша инсонлар, ҳомийларга бириктирилиб, ҳеч кимнинг иложсиз ҳолга тушишига йўл қўйилмади. Одамлар янги Ўзбекистон давлатининг нафасини, меҳрини, ғамхўрлигини ўзларида ҳис этмоқдалар.

Маълумки, давлатларнинг ташқи сиёсати уларнинг миллий манфаатларини ифодалайди ва ички сиёсатини тўғридан тўғри давом эттиради. Ташқи стратегияни шакллантиришда дунё, мамлакат, минтақа, иқтисодий, сиёсий, интеллектуал, географик ва бошқа имкониятлар ҳисобга олинади.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг “Янги Ўзбекистон” газетаси бош муҳарририга берган интервьюсида сўнгги йилларда мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг муҳим йўналишлари қаторида очиқ, прагматик ва конструктив ташқи сиёсат соҳасида эришилаётган натижалар ҳам алоҳида тилга олинди. “Ўзбекистон бугун ўзининг узоқни кўзлаган сиёсати билан минтақамиз ва жаҳондаги сиёсий жараёнларнинг фаол иштирокчисига айланди. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Парламентлараро Иттифоқ, Европа Иттифоқи, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги, Ислом ҳамкорлик ташкилоти каби халқаро ва минтақавий ташкилотлар билан ҳамкорлигимиз янги босқичга кўтарилди” [2], – деди Президентимиз ўз интервьюсида.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Ислом ҳамкорлик ташкилоти, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги каби халқаро тузилмалар билан алоқаларни янги босқичда давом эттирмоқда. Европа тикланиш ва тараққиёт банки (ЕТТБ) Ўзбекистонга қайтди. ЕТТБ билан ҳамкорлигимиз тикланди. Улар шаффофликни ошириш ва маҳаллий статистикани мувофиқлаштириш борасида ҳукумат билан ишламоқда.

Жумладан, 2016–2020 йиллар оралиғида Ўзбекистоннинг Марказий

Осиё давлатлари билан товар айирбошлаш ҳажми қарийб икки баробар ошди. Ташқи инвестициявий ҳамкорлик алоқалари фаоллашиши натижасида қўшма инвестиция компаниялари барпо этилмоқда. Яна бир муҳим жиҳати шуки, савдо-сотиқ, саноат, энергетика, транспорт, қишлоқ хўжалиги ва иқтисодиётнинг бошқа тармоқларида муҳим ҳамкорлик лойиҳалари амалга оширилмоқда. Ҳукумат, вазирлик ва идоралар даражасидаги ўзаро алоқаларнинг турли форматлари яратилди. Форум, саноат кўргазмалари ва ярмаркаларни ўтказиш анъана тусини олди. Давлатимизнинг халқаро ва минтақавий платформалар доирасида ҳамкорлик алоқалари кенгайгани эса янада қувонарлидир. Зеро, бир неча йил аввал Марказий Осиё давлатларининг БМТ, МДҲ, ШҲТ, ИҲТ, Туркий кенгаш ва бошқа қатор халқаро платформаларда умумий позицияда ҳаракат қилишини тасаввур этиш ҳам имконсиздек, эди гўё.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда юритилган қатъий ва изчил ташқи сиёсат, жумладан иқтисодий, ҳарбий, ижтимоий-маданий, цивилизацияга йўғрилган ислоҳотлар мамлакатимизнинг халқаро майдонда нуфузини оширди. Айтиш мумкинки, ҳозирги замоннинг барча қудратли мамлакатлари Ўзбекистонни халқаро ҳамжамиятда ўз ўрни ва махсус миссиясига эга давлат сифатида тан олади. Бу Ўзбекистон ташқи сиёсатининг энг кўзга кўринган ва тарихан муҳим натижаларидан биридир[7] .

Янгича сиёсий муҳитни шакллантириш, ўзаро ишонч ва қўллаб-қувватлашни мустаҳкамлаш, истиқболли дастур ва лойиҳаларни амалга оширишда, ҳеч шубҳасиз Ўзбекистон раҳбари томонидан белгилаб берилган, пухта ўйланган ва узоқни кўра оладиган янги ташқи сиёсат стратегиясининг аҳамияти беқиёс. Шу нуқтаи назардан бир йил муқаддам Президентимиз ташаббуси билан Марказий Осиё халқаро институтининг ташкил этилиши том маънода юртимизда илмий-амалий тадқиқотларга асосланган, изчил, тизимли ташқи сиёсат юритилаётганидан далолат. Бу каби ишларнинг муваффақияти мамлакатнинг иқтисодий, молиявий, инновацион, технологик ва инсон салоҳияти ўсиши, изчил амалга оширилаётган кенг ислоҳотлар самарасидир.

Сўнгги беш йил мобайнида Ўзбекистоннинг халқаро муносабатлари тизимида юз берган энг йирик ўзгаришлар негизида Президент Шавкат Мирзиёев юритаётган дунёга очиқлик, кенг қамровли халқаро ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган сиёсат ётади. Натижада тарихан қисқа даврда Ўзбекистон дипломатияси сиёсатчи, иқтисодчи олим, моҳир дипломат Содиқ Сафоев ҳақли равишда таъкидлашича, Ўзбекистон дипломатияси йирик ютуқларга эришди[7]. Яъни:

Биринчидан, мамлакатимизнинг халқаро обрўси ва таъсири мисли кўрилмаган даражада ортди. Бунга мисоллар кўп. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти атиги бир неча йил ичида Ўзбекистон томонидан киритилган тўртта резолюцияни қабул қилди. Бу – катта ютуқ.

Иккинчидан, қисқа давр мобайнида Ўзбекистон раҳбари дунёда энг нуфузли давлатлар томонидан янги формациядаги ва катта обрў қозонган арбоб сифатида тан олинди. Бу бугунги даврда Ўзбекистоннинг мавқеини ошириш, миллий мақсадларимизни илгари суришнинг жуда муҳим омилидир.

Учинчидан, барча қўшниларимиз, МДҲ доирасидаги анъанавий ҳамкорларимиз билан ўзаро ишонч руҳидаги муносабатлар янги мазмун билан бойитилиб, ривож топди. Айни вақтда саноати ривожланган давлатлар ва етакчи халқаро ташкилотлар билан муносабатлар илгари ҳеч қачон кузатилмаган поғонага кўтарилди.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН МАНБАЛАР


1.Темур тузуклари. – Т., 2014. – 8 б.

2. Янги Ўзбекистон демократик ўзгаришлар, кенг имкониятлар ва амалий ишлар мамлакатига айланмоқда. – Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Янги Ўзбекистон” газетаси бош муҳаррири Салим Дониёровнинг саволларига жавоблари (интервьюси) // Янги Ўзбекистон. – 2021. – 17 авг.

3. Мустақиллик монументининг очилиш маросимида // Янги Ўзбекистон. – 2021. – 1 сент.

4. Ватанимиз мустақиллиги – биз учун куч-қудрат ва илҳом манбаи, тараққиёт ва фаровонлик асоси. –Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 30 йиллик байрамига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи // Янги Ўзбекистон. – 2021. – 1 сент.

5. “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги фармони // Халқ сўзи. – 2017. – 8 фев

6. Ватанимизнинг юксак мукофотлари топширилди // Янги Ўзбекистон. – 2021. – 31 авг.

7. *Сафоев С. С.* Янги Ўзбекистон халқаро муносабатларнинг замонавий тизимида //Янги Ўзбекистон. – 2021. – 1 сент.

**Ш. О. Мамадалиев,**
*ИИВ Академияси Ижтимоий гуманитар фанлар кафедраси бошлиғи, фалсафа фанлари доктори профессор*

# САЙЛОВ: МИФ ВА ҲАҚИҚАТ

**Аннотация.** Мақолада сайлов – тарихий эволюциясига эга бўлган сиёсий ҳодиса эканлиги, жаҳон сайлов амалиётида парламент ва президентлик сайловлари кўп маротаба ўтказилганлигига эътибор қаратилган. Мустақиллик йилларида Ўзбекистон халқи ҳам парламент ва президентлик сайловларида иштирок этиб, давлат ҳокимиятининг вакиллик органларини сайлаб, сиёсий тажриба орттирганлиги ҳақида сўз юритилган.

**Таянч сўзлар:** сайлов, парламент,сиёсий ҳодиса, давлатчилик, миф, “ахборот уруши”, “мухолафат”.

**Аннотация.** В статье уделяется внимание выборам как политическому явлению, имеющему свою историческую эволюцию, о чём свидетельствует проведение множества парламентских и президентских выборов в мировой истории. Также говорится об участии народа Узбекистана в годы независимости на президентских, парламентских выборах, выборах местных органов власти и обретении соответствующего политического опыта.

**Ключевые слова:** выборы, парламент, политическое явление, государственность, “информационная война”, “оппозиция”.

**Annotation.** The article focuses on elections as a political phenomenon that has its own historical evolution, as evidenced by the holding of many parliamentary and presidential elections in world history. The article also deals with the people of Uzbekistan, who participated in the presidential, parliamentary elections, elections of local authorities during the years of independence and acquired the relevant political experience.

**Key words:** elections, parliament, political phenomenon, statehood, “information war”, “opposition”.

Сайлов – тарихий эволюциясига эга бўлган сиёсий ҳодиса. Тарихий генезисига кўра, сайлов – танлов демак.

Давлатчилик пайдо бўлганидан буён сайлов кенг ёки тор доирада амал қилиб келинади. Масалан, қадимги Римда (мил. авв. 510 йил) император, сенат ва халқ йиғини давлатнинг асосий органлари ҳисобланган. Халқ йиғини император ва сенатни сайлаган. Сайлов ғолиби ҳар хил асосан оқ ва қора рангли тошларни қутига ташлаш ёки бақир-чақир орқали аниқланган.

Ўзбек давлатчилигининг қадимги тарихида ҳам сайловлар бўлган. Масалан, қадимги Даван (Паркана) давлатида подшо оқсоқоллар кенгаши томонидан сайланган ва кенгаш олдида жавобгар бўлган.

Жаҳон сайлов амалиётида парламент ва президентлик сайловлари кўп маротаба ўтказилган. Масалан, биринчи парламент 1226 йилда Англияда, биринчи Президент (Жорж Вашингтон) эса 1789 йилда АҚШда сайланган. Ҳозирда жамоатчилик орасида сайлов билан боғлиқ турли мифлар мавжуд.

Биринчи мифга мувофиқ, сайлов – Ғарб давлатларининг кашфиёти бўлиб, барча авторитар сиёсий режимлар демократлаштирилиши лозим. Бунда оммавий демократлаштириш ёки бир қутбли дунё ғояси илгари сурилади. Унга кўра, демократия, сайлов Ғарбдан Шарқ мамлакат-

ларига тарқалган. Шу сабабли айрим сиёсий кучлар Шарқ, айниқса, Яқин Шарқни ғарб мезонлари асосида демократлаштиришга ҳаракат қилишмоқда. Мисол учун, 2001–2021 йилларда Афғонистонга нисбатан қўлланилган "Енгилмас эркинлик" операцияси мағлубиятга учради. Германия Федератив Республикасининг канцлери А. Меркель Афғонистондаги Ғарб сиёсати хато бўлганлигини расман эътироф этди.

Иккинчи миф – давлат ҳокимиятини сайловларсиз рангли инқилоблар орқали амалга ошириш ғояси. XXI асрнинг иккинчи ўн йиллигида Тунис, Миср, Ливия, Ироқ ва Сурияда амалга оширилган "араб баҳори" инқилоблари ушбу ғоянинг вайронкорлигини тасдиқлади. Шунингдек, Ироққа нисбатан қўлланилган "Саҳродаги бўрон" операцияси ҳам ижобий натижасиз якунланди. Албатта, инсоният тарихида революция ҳокимиятни қурол орқали зўравонлик йўли билан алмаштириш воситаси сифатида талқин этилади.

Замонавий рангли инқилобларнинг анъанавий революциялардан асосий фарқи "ахборот уруши" ва "маънавий босим" кўрсатиш орқали ҳокимиятни эгаллашдир. Рангли инқилобда мавжуд ҳокимият обрўсизлантирилади, халқнинг ҳокимиятга ишончсизлиги вужудга келтирилади. Сўнгра норозилик намойишлари ташкил қилиш орқали ҳокимият ағдарилади. Революция қандай номланишидан (қурол ёки маънавий босим орқали) қатъи назар, ноқонуний ҳокимият алмашинувидир.

Учинчи миф – сайлов мухолафатсиз бўлмайди. Бундай ёндашув мухолафат ҳақидаги ноилмий талқинлар маҳсулидир. Сиёсатшунослик фанида "мухолафат" деганда парламентда депутатлик ўринларига эга бўлган ҳокимият партиясидан кейинги ўринларда турувчи сиёсий партиялар тушунилади. Сайлов натижаларига кўра, сиёсий партиялар ҳокимият партияси ва мухолиф партияларга ажралади. Бунда қандай номланишидан қатъи назар парламентда кўп депутатлик ўринларига эга партия – ҳокимият партияси, оз ўринга эга партия эса мухолиф партияга айланади. Бинобарин, парламентда депутатлик ўрнига эга бўлмаган сиёсий партияни мухолиф, деб номлаш "йўқ нарса"га ном бериш билан баробардир. Яширин фаолият юритаётган норасмий партиялар ноқонуний ҳисобланади. Демак, мухолиф партия ёки ҳокимият партияси сайлов жараёнида эмас, сайлов натижасига кўра маълум бўлади. Мухолафат билан ҳокимият партияси ўртасида ўтиб бўлмас "қизил чизиқ" йўқ. Сайлов натижаларига кўра, улар ўрин алмашишлари ҳам мумкин. Масалан АҚШда икки юз йилдан буён иккита партия (республикачилар ва демократлар) ўртасида ҳокимият алмашиб туради. Бугун Жон Байден бошчилигидаги демократик партия – ҳокимият партияси, АҚШнинг собиқ Президенти Д. Трамп аъзо бўлган республикачилар партияси эса мухолиф ҳисобланади.

Юқорида келтирилган фикрлардан кўриниб турибдики, демократия ва сайлов билан боғлиқ билимлар етишмаслиги оқибатида ижтимоий онг даражасида субъектив ёки бир томонлама фикрлар пайдо бўлмоқда. Айниқса, мухолафат масаласида фанда сукут сақлашга йўл қўйиб бўлмайди. Шуни унутмаслик керакки, "мухолафат" – демократия мезони эмас. Мухолафат – сунъий ҳодиса ҳам эмас, у объектив зарурат асосида пайдо бўлади. Сайлов натижаларидан олдин ҳокимият партиясини аниқлаб бўлмаганидек, мухолиф партияни ҳам аниқлаб бўлмайди. Сайлов натижаларидан олдин у ёки бу партияни "мухолафатчи", деб аташ туғилмаган инсонга исм қўйишни эслатади. Қолаверса, мухолафат – якка шахс эмас. У уюшган сиёсий бирликнинг хусусиятидан келиб чиқиб, муомалага киритиладиган сиёсий тушунчадир.

Жаҳон сайлов жараёни амалиётида сайловни бойкот қилиш, "сайловда

иштирок этмаслик”, “ҳамма ҳаммага қарши овоз беради”, каби деструктив (бузғунчи) даъватлар ҳам учрайди. Улар шаклан демократик кўринса-да, мазмунан демократияга ҳам, сайлов тўғрисидаги “Фуқароларнинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро пакт” ва миллий қонунчилик талабларига ҳам зид ҳодисалардир. Демократия, ҳуқуқий давлат қонунга итоаткорликни талаб этади. Ҳуқуқий давлатда хоҳлаган қонунга итоат қилиш ёки қилмаслик, яъни қонунларни танлаб итоат қилиш ҳуқуқи йўқ. Ҳуқуқий давлат қонунлар билан бошқариладиган адолат ва меҳр-оқибат билан тартибга солинадиган, душман эмас, балки дўст қидириб фаолият юритадиган давлатдир.

Ўзбекистон – ҳуқуқий, суверен демократик давлат. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаи эканлиги, фуқароларнинг суверен ҳуқуқлари, жумладан сайлаш ва сайланиш ҳуқуқи эътироф этилган. Мустақиллик йилларида Ўзбекистон халқи олти маротаба парламент (1994, 1999, 2004, 2009, 2014, 2019 йй.) ва беш маротаба президентлик (1991, 2000, 2007, 2015, 2016 йй.) сайловларида иштирок этиб, давлат ҳокимиятининг вакиллик органларини сайлади ва сиёсий тажриба орттирди. Маълумки, Марказий сайлов комиссияси 2021 йил 23 июль куни навбатдаги президентлик сайлови кампанияси бошланганлигини эълон қилди. Президентлик сайлови 2021 йил 24 октябрь куни ўтказилди. Навбатдаги президентлик сайлови аввалги сайловлардан қуйидаги жиҳатлари билан фарқланади:

– сайлов Янги Ўзбекистон сиёсий муҳитида, янгиланган Сайлов кодекси талаблари асосида (30 дан зиёд ўзгартиш ва қўшимчалар киритилган) фуқароларнинг сиёсий фаоллиги ошган ҳамда хорижий давлат ва халқаро ташкилотларнинг ички ва ташқи сиёсатимизга ишончи ортган шароитда ўтказилмоқда;

– сайлов хорижий давлат ва халқаро ташкилотларнинг таклиф ва тавсиялари, шунингдек сайловчиларга қулай шароит яратиш мақсадида илк бор октябрь ойида (яъни, илиқ ҳавода, йиғим-терим якунланиш палласида) ўтказилмоқда. (Бундан буён сайловлар вакиллик органининг ваколат муддати тугашидан уч ой олдин октябрь ойининг учинчи якшанба куни ўтказилади);

– сайловда илк маротаба бешта партия (ЎзЛиДеП, Миллий тикланиш, Адолат, ХДП ва Экологик партия) иштирок этмоқда. Илгари иккита ёки тўртта партия номзодлари иштирок этган (масалан, 2016 йил 4 декабрдаги сайловда тўртта партия: ЎзЛиДеП, ХДП, Адолат, Миллий тикланиш партиялари қатнашган). Марказий сайлов комиссияси томонидан сайлов компанияси бошланганидан буён қуйидаги ишлар амалга оширилди;

– президентлик сайловини ўтказувчи 14 та сайлов округи ташкил этилди ва округ сайлов комиссиялари тасдиқланди;

– округ сайлов комиссиялари томонидан 10 мингдан зиёд сайлов участкалари тузилди (ўтган сайловда уларнинг сони 9 383 та бўлган);

– бешта сиёсий партиянинг съездлари ўтказилиб, президентликка номзодлар (август ойининг охирларида Миллий тикланиш ва Экологик партияларнинг съездида Алишер Қодиров ва Нарзулла Облақулов, 6 сентябрда Адолат партияси томонидан Баҳром Абдуҳалимов, 8 сентябрда ХДП томонидан Мақсуда Ворисова, 9 сентябрда ЎзЛиДеП партиясидан Шавкат Мирзиёев) кўрсатилди ва уларнинг сайловолди дастурлари қабул қилинди;

– сиёсий партиялар томонидан президентликка номзодларни қўллаб-қувватловчи сайловчилар имзоси йиғилиб, имзо варақалари Марказий сайлов комиссиясига топширилди. Сайлов кампаниясининг навбатдаги тарғибот-ташвиқот босқичи Марказий сайлов комиссияси томонидан президентликка

номзодлар рўйхатга олиниб, уларга тегишли гувоҳномалар топширилганидан сўнг бошланади. Тарғибот-ташвиқотдан кўзланган асосий мақсад – сайловчиларни сиёсий партияларнинг сайловолди дастурларига ишонтириш ҳамда президентликка номзодларни қўллаб-қувватлашга чақиришдан иборат.

Сайловчилар олдида турган вазифалар:

президентликка номзодларнинг сайловолди дастурларини чуқур ўрганиш;

номзодларнинг шахсий фазилатлари, билим ва тажрибаси, дунёқарашининг кенг ва торлиги билан танишиш;

тарғибот ва ташвиқот жараёнини доимий кузатиш ва қизиқтирган саволларга жавоб олиш;

овоз бериш куни сайлов участкаларига келиб, ўзи муносиб деб билган номзод учун овоз беришдан иборат.

Албатта, Ўзбекистон сайлов қонунчилигига мувофиқ, сайловда овоз бериш ихтиёрийдир. Аммо шуни унутмаслик керакки, ўз Ватанини севган, ўзи, оиласи ва келажагига бефарқ бўлмаган, мустақил фикрга эга инсон сайлов участкасига келиб, муносиб деб топган номзодга овоз бериб, ўзининг халқпарвар ва ватанпарварлигини намоён этади. Ватанпарварлари кўп юрт эса ҳеч қачон енгилмайди. Айрим хорижий давлатларда (Германия, Греция ва бошқа) сайловда иштирок этиш мажбурий ҳисобланади, иштирок этмаган фуқаролар маъмурий жавобгарликка тортилади. Ўзбекистонда сайловларда ихтиёрий овоз бериш принципи халқ ва ҳокимият ўртасидаги ўзаро ишонч маҳсулидир. Ҳозирги пайтда дунё бўйича сайловчиларнинг сайловларда иштирок этишнинг ўртача кўрсаткичи 50–60 фоиздан ошмайди. Плюрал сайлов тизими амал қиладиган давлатларда эса сайловчиларнинг иштироки 30 фоиздан кам. Халқаро сайлов тажрибасида сайловчилар рўйхатига киритилган сайловчиларнинг камида 33 фоизи иштирок этган бўлса, сайловлар ўтказилган ва уларнинг натижалари ҳақиқий деб топилади.

Ўзбекистон сайловчилик амалиётида президентлик сайловлари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Маҳаллий кенгашларга ўтказилган сайловларда сайловчиларнинг иштироки 80 фоиздан кам бўлмаган. Бу кўрсаткич фуқароларимизнинг сиёсий фаоллиги ҳамда Ватан тақдирига дахлдорлик туйғусининг амалий ифодасидир. Ҳеч шубҳа йўқки, янги Ўзбекистон руҳиятида ўтказилган навбатдаги сайлов сайловчиларнинг сиёсий маданияти янада юксалганлигини намоён этди.

*М. Қуронов,*
*Республика Маънавият ва маърифат маркази раҳбарининг биринчи ўринбосари, педагогика фанлари доктори, профессор*

# УЧИНЧИ РЕНЕССАНС ОМИЛЛАРИ

**Аннотация.** Мақолада Учинчи Ренессанс омиллари ҳақида фикр юритилади. Шунингдек, маънавият ва маърифат, мафкуравий тарбия – Ватаннинг ўғил-қизлари сифатида ишлаш ва яшаш бурчини эслатиши баён этилган.

**Таянч сўзлар:** Учинчи Ренессанс, маънавият, маърифат, Янги Ўзбекистон, маданий код, миллий код, инновацион фикрлаш.

**Аннотация.** В статье говорится о факторах Третьего Ренессанса, а также о важности для молодёжи страны помнить о духовности и просвещении, идеологическом воспитании, долге жить и трудиться во благо Родины.

**Ключевые слова:** Третий Ренессанс, духовность, просвещение, Новый Узбекистан, культурный код, национальный код, инновационное мышление.

**Annotation.** The article deals with the factors of the Third Renaissance, as well as the importance for the youth of the country to remember about spirituality and enlightenment, ideological education, the duty to live and work for the good of the Motherland.

**Keywords:** The Third Renaissance, spirituality, enlightenment, New Uzbekistan, cultural code, national code, innovative thinking.

Мустақиллигимизнинг 29 йиллигига бағишланган тадбирда Президентимиз Ш.М.Мирзиёев “Янги Ўзбекистон” иборасига алоҳида тўхталиб, “Халқимизнинг улуғвор қудрати жўш урган ҳозирги замонда Ўзбекистонда янги бир уйғониш – Учинчи Ренессанс даврига пойдевор яратилмоқда, десак айни ҳақиқат бўлади”, деган эди. Бу бежиз эмас. Зеро, ўз тарихида икки ренессанс кўрган мамлакатимизнинг гербида Ҳумо қуши қанот кериб турибди. Ҳумо – қайта тикланиш, юксалишнинг ҳамда жаҳон цивилизация марказларидан бири, қадимий ва навқирон Ўзбекистон рамзи – Ренессанс рамзи.

Ўтган икки Ренессанс пойдеворини яратган аждодларимиз жаҳон аҳлига диний ва дунёвий илмларнинг аслини ўргатишган. Дунёнинг етук олимлари бизнинг боболаримиз билан танишликлари, уларга шогирдликлари, уларнинг китобларини ўқиганликлари билан фахрланишган. Бизга бугун мана шу шон, мана шу шараф дарвозаси қайта очилмоқда. Кейинги йилларда дунё ижтимоий фанларида маданий код, миллий код тушунчалари кенг қўлланилмоқда. Маданий код бу – аждодлардан мерос қолган ноёб маданий хусусиятлар. Улар халқнинг рамзларида, гоҳ англанган, гоҳ англанмаган ҳолда хулқ-автор, одатларида намоён бўлади. Маданий код ўзбекча айтганда “асли қонида бор нарса”га тўғри келади.

Имом Бухорий, Термизий, Ибн Сино, Марғиноний, Беруний, Насафий, Фарғоний, Замахшарий, Мотурудийларнинг меросхўрларимиз. Улар ўзларидан 1000 йил кейин Ислом Академияси, Ислом Цивилизацияси марказини қуриш ҳуқуқини олиб, бизга бериб кетдилар. Икки Ренессансни яратган боболар қони бугун бизнинг томирларимизда оқаётир. Шундай экан Янги Ўзбекистонда қайта тикланиш тажрибасини қаердан излашимиз керак?

Бу саволга жавобни ҳазрат Алишер Навоий тайинлаб кетганлар: “Ҳар не истарсен, ўзингдин истагил”. Шунинг учун Учинчи ренессанс омилларидан бири ва энг муҳими – миллий интеллектуал ресурсларимиз, дея оламиз.

Шу ўринда 2019 йилнинг 31 декабрида “Узлуксиз маънавий тарбия Концепцияси” тасдиқланди. Унга кўра, 30 ёшгача бўлган ўқувчи-ёшларда Ватанга садоқат, тадбиркорлик, иродалилик, мафкуравий иммунитет, меҳр-оқибатлилик, масъулиятлилик, бағрикенглик, ҳуқуқий маданият, инновацион фикрлаш, меҳнатсеварлик каби таянч фазилат, ижтимоий компетенциялар ривожлантирилади. Булар оилавий тарбияда ижтимоий буюртмага айланади. Шу вақтгача натижаси мавҳум бўлиб келган тарбия мана шу таянч фазилатларда натижа топади. Мукаммал компетенция-фазилатлар билан мустақил ҳаётга кириб борган ўғил-қизларимиз ўзини ҳам, Ватанини ҳам бахтли қиладилар.

Мактаб, оилалар учун “Узлуксиз маънавий тарбия Концепия”синг инновационлиги нимада? Илгари Ўзбекистоннинг 1–18 ёшгача бўлган болалар, ўсмирлар ёшига мос қандай маънавий талабларга жавоб бериши керак?”, “Бир йиллик тарбиянинг натижалари қандай бўлди?”, деган аниқ савол қўйилмаган. Қўйилса ҳам “Ҳамкорликда кўп тадбирлар ўтказдик. Энди, болалар катта бўлса, маълум бўлади-да, тарбияси”, деган фикрлар билдирилган ёки 5–6 нафар иқтидорли ёшларни кўрсатиб, тарбиявий ишлар ютуғи, дейилган. Болалар ғайратли рақсга тушишар, шеърни кўзлари ёниб, дона-дона ўқишар, бироқ шеър, рақс тугагач, кўзлари бўм-бўш, ҳамма қатори бўлиб қолишар эди. Чунки тарбия оғзаки, амалий эмас эди. Фазилатлар тренингларда ўргатилмас, шу сабаб натижа фазилатга айланмасдан, билим даражасида қолиб кетар эди.

Энди: “Бугун мактабларни битираётган ёшларимиз Учинчи Ренессансга хизмат қилишга тайёрми?”, деган саволга: “Ҳамкорликда кўп тадбир ўтказганмиз, тарбияси катта бўлса билинади-да”, дейиш ўзини алдаш. “Ҳа энди тарбия, маънавиятни ўлчаб бўлмайдида, бошиям, охириям йўқ-ку”, дейиш тўхтайди. Миллий ғоянинг тарбияга қандай жорий бўлаётгани амалда, ҳамма жойда, болаларимиз фазилатларида ҳар куни ёшига мос кўриниб, эшитилиб туради.

Маънавият ва маърифат, мафкуравий тарбия бизга Ватаннинг ўғил-қизлари сифатида ишлаш ва яшаш бурчини эслатади. Учинчи Ренессанс нима, ким учун кераклигини халққа унинг орзулари билан боғлаб уқтиради, кўрсатади. Тушунган халқ – ғоя билан қуролланган халққа айланади. Ўз миллий ғоясини англаган халқни эса тўхтатиб бўлмайди.

“Учинчи Ренессанс” омилларидан яна бири – аҳолининг инновацион фикрлашига боғлиқ. Бунинг учун инновацион яшаш – ҳар бир шахс, оила, зиёлининг ҳаёт тарзига айланиб, ҳар бир ўзбекистонлик ўз соҳасининг инноватори бўлиши керак. Яъни ҳар бир ота-она, тадбиркор, фермер, ўқитувчи, санъаткор, журналист, боғча тарбиячиси, имом, талаба, қурувчи, олим, провайдер, тикувчи, тарғиботчи, маҳалла раиси: “Нима қилсам ишимнинг самараси ошади?”, деб ўйлансин. Ижод қилсин, бош қотирсин. Ўз ишига, ҳаётига янгиликлар киритиб яшасин. Ана шунда бахтнинг ўзи унга қараб келаверади. “Узлуксиз маънавий тарбия Концепцияси”да ўн таянч фазилатнинг бири инновацион фикрлаш этиб белгиланганлигининг ҳикмати ҳам шунда. Ҳаракатдан баракат.

Тарихда бир кишининг инновацион фикрлаши бутун бошли халқни ҳалокатдан сақлаб қолганига мисоллар бор. Жумладан, дунёдаги энг катта гонорар II асрда Рим императори Марк Аврелий томонидан шоир-методист Оппианга берилган экан. Оппиан севги, ишқий ўртанишлар ҳақида эмас, балиқчилик ва

ов қилиш қоидалари ҳақида 20 000 байтли икки достон ёзган эди. Император достонларнинг ҳар бир сатри учун бир олтин тангадан қалам ҳақи беради [1]. Чунки одамлар бу достонларни ўқиб, куйлаб, эшитиб, балиқ тутиш, ов қилиш қоидаларини ўрганиб олишади. Мана шу битта артпедагогик инновация халққа балиқ тутиш маҳоратини ўргатиб, уни очликдан сақлаб қолган.

Учинчи Ренессанс маънавияти ёшларимиз, халқимизни инновацион фикрлаш, ўйлаш, яшашга ўргатишни талаб қилади. Бунинг учун нафақат болалар боғчалари, мактаб, лицей, институтлар, балки оилаларда ҳам болаларимиз онгига замон руҳини сингдиришни ўргатиш ҳам фарз, ҳам қарзга айланмоғи мақсадга мувофиқдир.

Миллий ғоя – халқ орзуси, ниятининг ифодаси. У миллий ривожланишнинг янги талабларидан келиб чиқиб янгиланиб туради. Ўз чиқишларидан бирида Президентимиз “Миллий ғоя нима учун керак?”, деган саволни ўртага ташлади. Жавобини ҳам бир жумлага жо қилиб, “Ватанни севиш учун”, деди. Имом Муҳаммад Ғаззолий: “Ватаннинг ҳам ҳақлари бўлади. Уларнинг биринчиси шу Ватанда яшаганда тинч-хотиржам, шукрона қилиб яшаш ҳаққидир. Шунингдек, Ватандан кетганда уни соғиниш, Ватан камситилганда ғазабланиш, Ватанга ҳужум қилинганда уни ҳимоя қилиш ҳам Ватаннинг шу юртда туғилиб-ўсганлар зиммасидаги ҳаққидир”, деган эди. Учинчи Ренессанс биздан ана шу фарзандлик ҳақларини, севгисини – Ватанни уйимиздек, халқимизни оиламиздек севишни сўраяпти. Чунки фақат садоқатли севги, меҳр-оқибат инсонни янги, яхши келажак яратишга сафарбар қилади, мададкор бўлади.

Учинчи Ренессанс инсон маънавиятидаги юксалиш ва янгиланишдан сезилади ва бошланади. Бу эса миллий характеримизга маънавий инновациялар киритишни талаб қилмоқда. Аслида энг қийин, аммо энг тўғри йўл ва ресурс шу. Бу халқимиз характерини кучли фазилатлар – ирода, тиришқоқлик, меҳнатсеварлик, инновацион фикрлаш, тадбиркорлик билан кучайтиради. Бунинг учун ўта аниқ илмий педагогик-психологик тадқиқотларни мунтазам ўтказиб боришимиз зарур. Уларда “Учинчи Ренессанс учун халқимиз характерида қайси фазилатларни кучайтириш керак?”, “Қайсилари бор?”, “Нималар етишмаяпти?”. “Қайси иллатлар Учинчи Ренессансни бошлашимизга халақит беради?”(масалан, ҳасад, кўролмаслик, исрофгарчилик, лоқайдлик, ёлғон, меҳрсизлик, ғийбат...), деган ўйлар бўлмоғи лозим ва уларни бир тизимга солиш, дадил жорий қилиш мақсадга мувофиқ. Нега деганда, юқорида таъкидланганидек, Учинчи Ренессанс, аввало, ўзбекистонликларнинг маънавиятида, характерида рўй беради.

Маънавий Ренессанс қанча кучли бўлса Учинчи Ренессанс шунча тез, самарали бўлади. Ана шунда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар маънавиятдаги, характеримиздаги ислоҳотлар билан қўллаб-қувватланади. Бунинг учун илгари учраб турган “Маънавиятни ўлчаб бўлармикан?”, деган иккиланишлардан воз кечишимиз керак. Зеро, аждодларимиз Биринчи ва Иккинчи Ренессансларни илмдан нажот олиб яратишган. Демак, Учинчи Ренессансда ҳам “Илмдан ўзга нажот йўқ ва бўлмағай”(Имом Бухорий).

Ҳар соҳанинг илми бор. Учинчи Ренессанс тарбия, маънавий-маърифий соҳанинг ихтисослашувига боғлиқ. Ана шунда жамият ёшларимиздан кутаётган таянч фазилатлар, уларнинг реал ҳаётда қандай намоён бўлаётганини диагностик ўрганиш имконини яратади. Натижада “Узлуксиз маънавий тарбия Концепцияси” асосида ҳар бир ўзбекистонликда таянч фазилатларни илмий асосда кучайтиришга эришилади. Учраётган маънавий иллатларни қуритиб бориш

мумкин бўлади. Бунда ҳар бир инсон билан амалий ишлаш, энг миллий-замонавий технологияларни жорий қилиш зарур.

Президентимиз ўз чиқишларидан бирида: “Курашга тайёрланган, курашган одам ютади”, деган эди. Учинчи Ренессанс биздан қийинчиликларга қарши курашга тайёр бўлишимизни тақозо қилади. Бу тайёрлик барча соҳаларни қамраб олиши ва ҳамма жойда, ҳар биримизда намоён бўлиши лозим.

Масалан, халқ ўз ватандош тадбиркорларини, тадбиркорлар ўз халқини қўллаб-қувватлаши керак. Миллионта “Мен”дан аҳил битта “Биз”га кўтарилиш умумхалқ ҳаракатига айланиши керак.

Демак, миллий ғоя – мотивациянинг таъсири, рўёби иқтисодиётда, кундалик ҳаётда кўриниб турса, Учинчи Ренессанс йўлида ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилар аҳил, қарс икки қўлдан бўлса, биз янада бирлашамиз.

Миллий ғоя одамларга Учинчи Ренессанс ким учун, нима учунлигини, аҳамиятини тушунтиради. У берган мотивация ётганни – ўтиришга, ўтирганни – туришга, турганни – юришга, юрганни – югуришга ундайди. Рағбат бериб, шавқлантиради. Тушунтиради. Чунки “Нега?”лигини билмаган тушунмаган одамлар бирлашмайди. Қўшилса ҳам, кўр-кўрона, юзаки ишлайди. Бири ишласа, иккиси томошабин бўлади. Миллий ғояда ўз манфаатини кўрганлар бирлашиб, ихтиёрий, завқ билан ишлайди. Натижада ҳаётидан рози бўлади.

Миллий ғоямизнинг ижтимоий мазмун-моҳиятини бир сўзда айтса, бу сўз – розилик. Бу тушунча Учинчи Ренессансни тушуниш ва тушунтириш, амалга ошириш учун фундаментал, жипслаштирувчи асос бўлади. Зеро, миллий ғоя рўёби халқнинг муайян вақт ва маконда ўзини бахтли деб ҳис қилишида, бу эса унинг шукроналарида – ҳаётдан розилигида намоён бўлади.

Албатта, буларнинг барчаси учун тинчлик, мустақилликни жон қадар мустаҳкам, кафолатли ҳимоялашимиз керак. Мустақиллик ҳарбий, ғоявий ва сиёсий ҳимояланади. Бунда ҳам ўтмишдан сабоқ чиқариш керак. Биз ҳар гал мустамлака бўлиб, оёқ-қўлларимизга кишан тақишганида бир нарсадан афсусланганмиз – халқнинг бирлашмаганидан. Халқнинг бирлашмагани сабаби, ҳаммани “Биз”, деган байроқ остига бирлаштирадиган ғоя бўлмаганлиги. Натижада “Биз” бўлиб енгадиган куч “мен”ларга парчаланиб, мағлуб бўлганмиз.

Бугун бизда “мен”ларни “Биз” қиладиган ғоя бор. Бу Учинчи Ренессанс ғояси. Қурилаётган Учинчи Ренессанс пойдеворини ғоявий ҳимоя қилишимиз керак. Биз уни превентив, ўз вақтида ҳимоя қилмасак, уни бузишлари мумкин.

Чунки бизга узоқлардан аламнок тикилиб, давлат ва халқ орасига пона қоқишга уринаётганлар бор. Бу маънавий, ғоявий ҳужум. Уларга жавоб беришимиз ва жавобимиз илмий асосда бўлиши керак. Нима учун? Чунки илмий асосда бўлмаса, биз қилаётган тадбирлар бир марталик, ўткинчи бўлиб қолади. Шу маънода миллий ғоя тарғиботини илмий асосга қуришга қаратилган саъй-ҳаракатлар ниҳоятда зарур.

Ўзбекистонда Учинчи Ренессанс ибораси ижтимоий тармоқларда кенг муҳокама қила бошланди. Кимлардир “Мана бу бошқа гап”, ўрнидан туриб, олқишлади. Кимдир мамнун жилмайди. Кимлардир ўйланиб қолди. Кимлардир... саросимага тушди. Афсуски ҳамма кўриб турган нарсаларни кўрса ҳам, “кўрдим”, демайдиганлар бор. Facebook, You Tube саҳроларида саргардон, қилмишларидан дили тўла армон, ёмонламаса оч қоладиган кўролмасвойлар бор. Уларни ислоҳотларимиз шиддати довдиратяпти, ҳансиратяпти. Ўзбекистонда сўнгги тўрт йил ичида 43та янги олий таълим муассасаси ташкил этилиб, уларнинг сони

121тага етгани куйдиряпти. Илмга рағбат ва кўпроқ оддий оилаларнинг фарзандлари талаба бўлаётгани қийнаяпти, уларни...

Ана шундайларнинг нафасларидан тарқаладиган ғоявий вируслардан келажак авлодни ҳимоя қилишимиз лозим. Бундан ҳам яхшиси – ёшларимизни ёт ғоялардан, ёвуз кучлардан ўзини ҳимоя қилишга ўргатиш жоиз. Чунки билимсиз ёшлар кўп ва тез алданади. Билимсиз йигит-қиз ўзининг қаршисида, дисплейдаги фирибгарнинг сохта самимияти, ширин сўзига учади. Адашади. Алданади. Фирибгарлар чиройли кулиб, табассум билан ёқимли сўзласа, ўзбек эриб кетишини яхши билади. Ана шунда танқидий, таҳлил деворидан ошиб ўтса бўлди, ўлжа қўлда.

Бизнинг Учинчи Ренессанс ҳақидаги эзгу ниятимизни эшитган айримлар ўртанмоқда. Уларга ҳам қийин. Фитна-фасод қилмай, деса, тирикчилик қилиш керак. Фитнасини факт билан урсанг, “Нега?”, деб ёзғиради. Қор ёғса ҳам, ёғмаса ҳам, қуёш чиқса ҳам, шамол турса ҳам, тинса ҳам ватанини, маънавиятни ёмонлайди, чунки у ислоҳотлар натижаларини мисоллар билан гапиряпти. Уйсизлар уйли бўлаётганини, йиғлаётган камбағал кулаётганини мисоллар келтириб, ёниб тарғиб тилаяпти. Кўролмасвойнинг фикрича, яратилаётган қулайликларни, халқ ризоликларини гапирсанг, маддоҳ бўларкансан. Кўриб, кўрмадим, деб, жим, ношукур юрсанг, уларга дўст бўларкансан. Қўшилиб ёмонласанг, биродар, жонажонсан. Бугунги фирибгар алдаш илми – нейролингвистик дастурлаштиришнинг ҳадисини олган. Демак, ҳар бир йигит-қиз бу дастур нималигини ҳам олдиндан билиб қўйиши керак. Билимни қалқон қилиб ёшларимизга тренингларда ўзини ҳимоя қилишни машқ қилдириб, ўргатиб боришимиз лозим.

**ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР**

1. Ziyo istagan qalblar uchun. @Ziyouzcom. – 2017. – 24 дек.

***Х. Т. Одилқориев,***
*юридик фанлар доктори, профессор*

# НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАР ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУННИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МУАММОЛАРИ

**Аннотация.** Мақолада "Норматив ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида"ги қонуннинг энг муҳим хусусиятлари ҳақида сўз юритилган. Норма ижодкорлиги фаолиятининг конституциявийлик, қонунийлик, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда уларнинг устуворлиги каби масалаларга кенг тўхталган.
**Таянч сўзлар:** қонун устуворлиги, қонунчилик, норма ижодкорлиги, қонун ҳужжати, конституциявий қонун.

**Аннотация.** В статье анализируются важные аспекты Закона "О нормативно-правовых документах", а также освещаются вопросы конституционности, законности нормотворческой деятельности, приоритета защиты прав и законных интересов физических и юридических лиц, интересов общества и государства.
**Ключевые слова:** приоритет закона, законодательство, нормотворчество, законодательный документ, конституционный закон.

**Annotation:** The article analyzes important aspects of the law "On normative-legal documents", also widely covers the issues of constitutionality, the legality of rule-making activities, the priority of protecting the rights and legitimate interests of individuals and legal entities, the interests of society and the state.
**Keywords:** priority of the law, legislation, rule-making, legislative document, constitutional law.

Жамиятимиз демократикислоҳотлар туфайли янгиланаётган ва инновацион ривожланиш йўлига ўтаётган ҳозирги шароитда қонун устуворлигини таъминлаш, қонунчилик ҳужжатларини яратиш жараёнини тартибга солиш, қонун ва қонуности ҳужжатларини тизимлаштириш, уларнинг ўзаро мутаносиблигига эришиш кун тартибидаги долзарб масалалардир.

2021 йил 20 апрелда қабул қилинган "Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида"ги янги қонун қонунчилик ҳужжатларини чиқариш асослари ва уларнинг тартибга солиш предметини аниқ белгилаш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни лойиҳалаштириш ва расмийлаштиришда юридик техника, хусусан, қонунчилик техникаси талабларига риоя этилиши, ҳуқуқий нормаларнинг амалга ошиш механизмларига эга бўлишини таъминлаш, уларнинг нисбати ва таснифланишини ҳуқуқий жиҳатдан асослашга йўналтирилганлиги билан эътиборга моликдир.

Қонуннинг энг муҳим хусусияти шундаки, у Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш Концепциясини тасдиқлаш тўғрисида"ги фармонида ифодаланган янги ғояларни ҳаётга жорий этишга қаратилган. Булар: норма ижодкорлиги жараёнига "ақлли тартибга солиш" моделини жорий этиш

орқали сифатини тубдан ошириш; қонунларнинг сўзсиз устуворлиги, уларнинг тўғридан-тўғри ишлаш механизмларига эга бўлиши ҳамда уларда ҳаволаки нормаларнинг имкон қадар истисно этилиши; идоравий ҳужжатлар кўламининг кескин қисқартирилиши, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тизимлаштириш каби ғоя ва талаблардан иборат.

Аввало, “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги қонунда норма ижодкорлиги фаолиятининг конституциявийлик, қонунийлик, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ҳамда, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда уларнинг устуворлиги, ошкоралик, илмийлик, ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишнинг тизимлилиги ва комплекслилиги ҳамда ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишнинг барқарорлиги принциплари мустаҳкамланган.

Маълумки, Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик тизими норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қуйидаги турларини ўз қамровига олади. Булар: Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси; конституциявий қонунлари; қонунлари; мамлакат Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари; Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари; Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари; вазирликлар, давлат қўмиталари ҳамда идораларнинг қарор ва буйруқлари; маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг қарорлари.

Мамлакатимиз қонунчилигининг мазмуни Қонуннинг 7-моддасида шундай ифодаланган:

“Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қонунчилик ҳужжатлари бўлиб, улар Ўзбекистон Республикасининг қонунчилиги тизимини (таъкид бизники – Х.О.) ташкил этади.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари қонун ҳужжатларидир(?).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг буйруқлари ҳамда қарорлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари қонуности ҳужжатларидир”.

Шу ўринда айрим мулоҳазалар юзага келади.

Биринчидан, мазкур моддада ифодаланган “...Олий Мажлис палаталарининг қарорлари қонун ҳужжатларидир”, деган қоида юридик жиҳатдан ҳам, назарий жиҳатдан ҳам тўғри эмас. Зеро, парламент палаталарининг қарорлари соф юридик маънода “қонун” ҳисобланмайди.

Иккинчидан, “қонун ҳужжатлари” деган термин назарий жиҳатдан тамомила мантиқсиз сўз бирикмасидир. Таассуфки, “қонун ҳужжатлари” ибораси қарийб чорак асрдан зиёд вақт мобайнида расмий ҳужжатларда, ҳуқуқий-сиёсий лексиконимизда кенг қўлланиб келмоқда.

Хўш, бу ибора тилимизга қандай кириб қолди? Ўзбекистон сиёсий мустақилликка эришгач, кўплаб русча атамалар ўзбек тилига таржима қилина бошлади. Ана шу жараёнда рус тилидаги “законодательные акты” термини шошилинч равишда “қонун ҳужжатлари” тарзида таржима қилинган кўринади.

Ушбу терминнинг мантиқсизлиги, нотўғрилиги нимада эканлигини изоҳлашга ҳаракат қиламиз. “Қонун ҳужжатлари” сўзлари рус тилига ўгирилса, “документы закона”(?) тарзида жаранглайди. Ўзбек тилида ҳам бу ибора маъносиз. Аслида, қонуннинг ўзи – ҳужжат. Ҳар сафар унинг ҳужжат эканлигини таъкидлайвериш шарт эмас. Бу борада теранроқ фикр юритилса, қонундан ташқари унинг яна қандайдир ҳужжати бордек маъно чиқади. Яна бир мулоҳаза: агар “қонун ҳужжати” ибораси тўғри бўлса, унда нега “фармон ҳужжати”, “қарор ҳужжати” деган ибораларни қўлламаймиз?

Қисқаси, қонун ҳам, фармон ва қарор ҳам норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг

алоҳида турларидир (қаранг: Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисидаги қонуннинг 6-моддаси). Демак, юқорида таъкидланганидек, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар – қонунчилик ҳужжатлари бўлиб, улар қонунлар ва қонуности ҳужжатларига бўлинади (7-модда).

Афсуски, "Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида"ги янги қонунда "қонун ҳужжатлари" ибораси 12 марта учрайди (қаранг: 7, 11, 14, 20, 30, 57-моддалар). Қонуннинг 57-моддасида – "қонун ҳужжатлари", 59-моддасида эса "қонунчилик ҳужжатлари" деган иборалар ишлатилган. Бизнинг фикримизча, кейингиси тўғри ва маъқул.

Таҳлил этилаётган муаммо борасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 10 февраль куни қабул қилинган "Қонунчилик ҳужжатлари ижросини самарали ташкил этишда давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг шахсий жавобгарлигини кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПФ-6166-сон фармони ибратлидир. Фармонда қонунлар, Президент фармон ва қарорлари, ҳукумат қарорлари қонунчилик ҳужжатлари маъносида ишлатилиши таъкидланган. Бошқача айтганда, фармонда "қонун ҳужжатлари" деган ибора бирон марта ҳам (!) қўлланилмаган. Бу тўғри йўналишдир.

"Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида"ги қонунда амалиётдаги муаммоли масалалардан бири бўлиб келаётган конституциявий қонунларнинг ҳуқуқий мақоми аниқ кўрсатилган. Хусусан, унда Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилишини назарда тутувчи қонунлар конституциявий қонунлар тарзида қабул қилиниши қатъий белгилаб қўйилди. Ушбу қоиданинг киритилиши, ўз навбатида, конституциявий қонунларни қабул қилиш амалиётига аниқлик киритиб, Конституцияга тузатишлар киритилишини назарда тутувчи қонунларга конституциявий қонун мақомини берди. Бунда яна шуни қўшимча қилиш лозимки, конституциявий-ҳуқуқий тартибга солиш предметига тааллуқли қонунлар қабул қилинганда ҳам улар констиуциявий қонун тарзида қабул қилиниши лозим.

Шу билан бирга, қонунда ҳуқуқий принцип ва нормаларни мустаҳкамловчи, бирлаштирувчи, тизимлаштирувчи ҳамда ижтимоий муносабатлардаги энг муҳим соҳаларнинг комплекс ҳуқуқий тартибга солинишини таъминловчи қонунлар кодекслар тарзида қабул қилиниши мумкинлиги қайд этилди (9-модда).

Қонунда тегишли ижтимоий муносабатларни қонуности ҳужжатлари билан тартибга солиш доираси ҳам белгиланди. Хусусан, унинг 11-моддасида қонуности ҳужжатларида қонун даражасида тартибга солиниши лозим бўлган масалалар бўйича нормалар белгиланишига йўл қўйилмаслиги кўрсатилди. Бизнингча, ушбу моддада аксарият Европа мамлакатларида амал қиладиган ва инсон ҳуқуқлари устуворлигини ифода этадиган қуйидаги муҳим мезонни ҳам эътироф этиш мақсадга мувофиқ бўлади: "Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига дахлдор масалалар (уларни чеклаш ёки кенгайтириш) фақат қонун билан тартибга солинади". Фикримизча, мазкур қоида қонунларнинг нуфузини оширишга, уларнинг устувор бўлишини таъминлашга хизмат қилган бўларди.

Ушбу қонунда ҳозирги кунгача баҳс-мунозараларга сабаб бўлаётган муҳим бир масалага ойдинлик киритиш, яъни Ўзбекистон Республикаси Президенти қайси масалалар бўйича фармон, қарор чиқаради, деган саволга аниқ жавоб бериш керак, деб ҳисоблаймиз. Бу саволга Конституциямизнинг 94-моддасида умумий тарзда жавоб берилган: "Ўзбекистон Республикаси Президенти Конституцияга ва қонунларга асосланиб ҳамда уларни ижро этиш юзасидан республиканинг бутун ҳудудида мажбурий кучга эга бўлган фармонлар, қарорлар ва фармойишлар чиқаради". Аммо умумий тарздаги

қоидани аниқлаштиришнинг қуйидаги вариантини биз аввалроқ ҳам таклиф қилганмиз: “Президент – давлат бошлиғи сифатидаги ваколатларининг амалга оширилиши бўйича Фармон, ижро ҳокимияти мазмунига оид, Вазирлар Маҳкамаси ваколати доирасига кирувчи масалалар бўйича ҳуқуқий ҳужжат чиқарганда, у қарор тарзида бўлади” [1].

Яна бир масала. Қонунчилик амалиётимизда “идоравий меъёрий ҳужжатлар” деган категория кўп учрайди. Қонуннинг “Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг буйруқлари ҳамда қарорлари” деб номланган 14-моддаси ана шу тоифадаги ҳужжатларга бағишланган. Фикримизча, мазкур моддани “Вазирлик ва давлат қўмиталарининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари” деб номлаш тўғрироқ бўлар эди. Зеро, Конституциямизда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари тизимида “идора” деган алоҳида тузилма назарда тутилмаган, амалдаги қонунчилигимизда ҳам “идора” (“ведомство”) тушунчасига таъриф берилмаган. Назаримизда, қонун чиқарувчи орган “идора” тушунчаси остида “департамент”, “инспекция”, “агентликлар” ва бошқа тузилмаларни назарда тутган бўлса керак. Аммо 14-модданинг мазмунига кўра, улар норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилишга ҳақли бўлмаслиги керак.

Шунингдек, мазкур моддага мувофиқ, “вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар, агар уларга қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари билан тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш ёки ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш бўйича ваколатлар берилган бўлса, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиши мумкин”.

Фикримизча, вазирликлар, давлат қўмиталари ва мансабдор шахсларга норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиш ваколати фақат Конституция, конституциявий қонун ёки махсус қонун билан берилиши ўринли бўлади. Масалан, Ўзбекистон Республикасининг “Вазирликлар ва давлат қўмиталари тўғрисида”ги алоҳида қонунини қабул қилиб, унда тегишли давлат органларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиш предмети (доираси) ва ваколатини аниқ мустаҳкамлаб қўйиш мақсадга мувофиқ. Бундай қонуннинг қабул қилиниши, шунингдек, амалда идоравий норма ижодкорлигини қисқартиришга ҳам сезиларли кўмак берган бўлар эди.

Қонундаги янгиликлардан яна бири – “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тасдиқланадиган низомлар, қоидалар, йўриқномалар ва бошқа ҳужжатлар” деб номланган 17-модда. Тўғри, давлат органларининг қарор ҳамда буйруқлари билан тасдиқланадиган низомлар, қоидалар, регламент ва йўриқномалар аксарият ҳолларда норматив мазмун касб этади. Шунингдек, мазкур моддада “стратегия”, “концепция”, “доктрина”, “дастур” каби ҳужжатлар ҳам саналган. Бироқ уларга норматив-ҳуқуқий ҳужжат мақомини бериш тўғри бўлмаса керак (!) Қолаверса, ушбу ҳужжатларнинг маъно-мазмунини очиш, уларни асослаш мазкур Қонуннинг предметига кирмайди. Бу иш билан ҳуқуқшунослик фани, ҳуқуқ назарияси шуғулланади.

Ҳуқуқ ижодкорлиги ташаббуси ва унинг субъектлари мавзуси “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги қонунда батафсил ифодасини топиши лозим бўлган яна бир жиддий масаладир. Аммо янги Қонунда ушбу муҳим институт етарли ёритилмаган. Бизнингча, 20-моддада қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи билан қонуности ҳужжатлари бўйича ташаббус кўрсатиш институтини аниқ фарқлаб, тавсифлаш лозим эди. Масалан, республика Президентининг фармон ва қарорлари, Ҳукумат қарорлари, шунингдек, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари қабул қилиниши бўйича ҳуқуқ ташаббускорлигининг субъекти кимлар бўлиши мумкин? Ушбу норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг

лойиҳасини тайёрлаш ва тақдим этиш механизмлари қандай? Улар қай тарзда амалга оширилади? Қонунда бундай саволлар жавобсиз қолган.

20-модданинг “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлашни ташаббус қилиш”, деган номи ўзбек тили нуқтаи назаридан мутлақо ғализ чиққан. Чунки ўзбек тилида ҳеч қачон “ташаббус қилиш”, деб гапирилмайди. Ушбу сўз бирикмасининг қўлланиши тилимизнинг салоҳиятига мос эмас ва унинг гўзал имкониятларига, пурмаъно тароватига соя солади. Мазкур модда “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни яратиш соҳасидаги ҳуқуқ ташаббускорлиги ва унинг субъектлари”, деб номланса тўғри бўларди.

Ушбу модданинг ҳозирги мазмуни эса ҳуқуқ ташаббускорлигини қўллаб-қувватлашга эмас, балки чеклашга йўналтирилган: “Ўзбекистон Республикасининг қонунлари (таъкид бизники – Х.О.), Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари лойиҳаларини тайёрлашни ташаббус қилишга фақат, башарти давлат органларида кўтарилаётган масалаларни ёки муаммоларни қонунчиликда назарда тутилган механизмлар ва маъмурий тартиб-таомиллар орқали ҳал этиш ваколатлари мавжуд бўлмаса, йўл қўйилади. Жисмоний ва юридик шахслар тегишли давлат органларига норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаларини тайёрлаш тўғрисида таклифлар киритишга ҳақли” (20-модда).

Кўриб чиқилаётган Қонунда норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини тайёрлаш (21-модда) ва норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини тайёрлашни ташкил этиш (22-модда) масалалари ўрин олган. Ушбу моддаларнинг умумий мазмуни том маънодаги (классик) қонун нормасини эмас, балки норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳасини тайёрлаш бўйича йўриқнома ёки услубий қўлланма қоидаларини эслатади. Бундай моддаларни қонунга киритишдан қонунлар ва бошқа қонунчилик ҳужжатларида ҳаволаки нормаларни истисно этиб, уларнинг бевосита, тўғридан-тўғри амал қиладиган ҳужжат бўлишига эришиш мақсади кўзлангани маълум. Аммо бир мақсадга эришиш учун асрлар мобайнида қарор топган, сайқалланган қонуншунослик илми ва қонунчилик техникаси талабларидан воз кечиш мақсадга мувофиқмикин(?!). Башарти, шундай тенденция давом этадиган бўлса, қонунларимиз тобора йўриқнома (инструкция) тусига эга бўлиб қолиши мумкин.

Бугун қонунлар ва ҳуқуқ нормаларини яратиш жараёнида социологик таҳлил ва тадқиқотларга кенг ўрин беришни ҳаётнинг ўзи талаб қилмоқда. Зеро, ҳуқуқий норма ижодкорлигининг дастлабки босқичидан охиригача, яъни ҳуқуқий норматив ҳужжатни яратиш ғояси пайдо бўлишидан тортиб (муайян ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишга бўлган ижтимоий эҳтиёжни аниқлашдан тортиб), токи уни расман юридик норматив тарзда ифодалаш, тегишли ҳужжат шаклида расмийлаштириш, қабул қилиш ва амалий ҳаётга жорий этишгача бўлган барча хатти-ҳаракатлар (фаолият) ҳуқуқий социология нуқтаи назаридан ўрганилиши, теран таҳлил этилиши зарур. Бунда, энг аввало, ҳуқуқ ижодкорлигига таъсир этиши мумкин бўлган иқтисодий (моддий), сиёсий, ижтимоий, маънавий-мафкуравий, маданий ва бошқа ижтимоий омил (фактор)лар имкон қадар тўла инобатга олиниши, яратилажак норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар жамият ривожланишининг объектив қонуниятларига, тараққиёт эҳтиёжларига мос ҳамда жамият ҳаёти билан уйғун бўлишига, халқимиз онги ва руҳиятига осон сингишига жиддий эътибор қаратиш лозим.

Юқоридаги мулоҳазалардан келиб чиқиб, Қонуннинг 23-моддасида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳасини

тайёрлашда жамоатчилик фикрини ўрганиш билан бир қаторда, мазкур жараёнда кенг қамровли социологик тадқиқотлар ўтказилишини, унинг ҳуқуқий механизмларини назарда тутиш фойдадан ҳоли бўлмас эди. Шундай мазмундаги норманинг қонунчилигимизга киритилиши ҳуқуқий амалиётимизда ниҳоятда муҳим янги институт бўлмиш – қонунчилик социологияси ривож топишига кенг йўл очиб берган бўлар эди. Маълумки, бугунги кунда Ўзбекистонда 1200 дан зиёд қонунлар, бир неча мингдан ортиқ қонуности ҳужжатлар амалда. Бироқ ҳозиргача уларнинг бирортаси амалиётда қандай самара бераётганлиги у ёки бу тарзда социологик тадқиқ ва таҳлил этилмаган. Демак, уларнинг ижтимоий ҳаётимиздаги ролини аниқ илмий асосланган тарзда баҳолай олмаймиз. Яна бир лингвистикага оид мулоҳаза: мазкур 23-моддада "ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш" жумласи беш карра ишлатилган. Бу ўринда "жиҳатдан" деган сўз ортиқча. Ҳуқуқшунослик фанида шаклланган, умумэътироф этилган терминологияга мувофиқ, "ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш" деб ишлатилади.

Шунингдек, таҳлил этилаётган модданинг биринчи қисми 7-кичик бандида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳасини ишлаб чиқувчининг зиммасига қуйидаги мажбурият юклатилмоқда: ишлаб чиқувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатни амалга ошириш учун зарур бўладиган молиявий-иқтисодий харажатларга бўлган эҳтиёжни, уларнинг ўрнини қоплаш миқдорлари ва манбаларини белгилайди.(?)

Фикримизча, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар амалиётга киритилгач, унинг ишлаши учун зарур бўладиган молиявий-иқтисодий харажатларни аниқлаш талабини, айниқса, уларнинг ўрнини қоплаш миқдор ва манбаларини белгилашдек мураккаб вазифани "ишлаб чиқувчи"га юкланиши оқилона ва реал иш бўлмаса керак. Бундай масъулиятнинг лойиҳа тайёрловчи субъектларга юклатилиши уларнинг ҳуқуқ ташаббускорлигини чеклаши мумкин. Маълумки, қонунлар лойиҳаси Қонунчилик палатасига киритилишида уларнинг молиявий-иқтисодий асослантирилиши Вазирлар Маҳкамасининг хулосаси билан амалга оширилади.

Таҳлил этилаётган Қонуннинг 25-моддаси норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳасининг экспертизасига бағишланган. Унда лойиҳаларнинг иқтисодий, молиявий, илмий, лингвистик, экологик экспертизалардан ўтказилиши мумкинлиги мустаҳкамланган. Лойиҳаларнинг ҳуқуқий экспертизасига эса алоҳида моддалар белгиланган (26–28-моддалар).

Мазкур Қонунни яна бир демократик институтни, яъни норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳасини жамоатчилик экспертизасидан ўтказишни ифодаловчи янги модда билан тўлдириш мақсадга мувофиқдир. Жамоатчилик экспертизаси фуқаролик институтлари ёки уларнинг вакиллари томонидан амалга ошириладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг лойиҳаларини комплекс таҳлил этилишига қаратилган фаолият бўлиб, бунда у лойиҳаларнинг Конституция ва амалдаги қонунчилик ҳужжатларига мослиги, фуқароларнинг конституцияий ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига мос бўлишини аниқлашга йўналтирилади. Экспертиза натижаси асослантирилган хулосада намоён бўлади ва у давлат органлари ҳамда мансабдор шахслар учун таклиф ва тавсиялар тарзида ҳокимият органлари томонидан тегишли қарорларни тайёрлаш ва амалга ошириш жараёнида фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини имкон қадар тўла ҳисобга олиш мақсадларида фойдаланилади.

Жамоатчилик экспертизасининг асосий мақсади ваколатли ҳокимият органлари томонидан қарорларни қабул қилиш ва уларни амалга оширишда фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳисобга олиниши ва уларнинг норматив-ҳуқу-

қий ҳужжатларда кафолатланишига эришишдан иборат. Жамоатчилик экспертизаси воситасида ҳал этиладиган асосий вазифа – қабул қилинаётган қонунчилик ҳужжатлари ижтимоий адолат тамойилларига мос бўлиши, уларда жамият манфаатлари, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари устувор акс эттирилишига эришиш, шунингдек, жамият ҳаётининг турли соҳаларида сифатсиз ҳуқуқий ва бошқарув қарорлари қабул қилинишига йўл қўймаслик ёки қабул қилинган қарорларнинг номутаносиб ижро этилишининг олдини олишдан иборат.

Жамоатчилик экспертизаси демократик ижтимоий институт сифатида бутун жамиятнинг иродасини, шу жумладан фуқаролик жамияти институтларининг мужассамлашган фикрини аниқлаш ҳамда уларни норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар мазмунига сингдиришга хизмат қилади.

Шундай қилиб, жамоатчилик экспертизаси кенг халқ оммаси турли қатламларининг эҳтиёжлари ва манфаатларини аниқлаб, уларни норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳасида акс эттириш (ифодалаш) борасида муҳим аҳамият касб этади[2].

Янги Қонунда “ҳуқуқий эксперимент” институтининг мустаҳкамланганлиги унинг ижобий жиҳатларидан биридир. Ҳаётга киритилиши режалаштирилаётган ҳуқуқий қоида ва механизмларни дастлабки тарзда чекланган ҳудудда, баъзи субъектлар доирасида синовдан ўтказиш ҳуқуқий эксперимент ҳисобланади. Шу боис Қонуннинг 34-моддаси 1-қисмидаги “чекланган ҳолда” сўзларидан кейин “синов тарзида тажрибадан ўтказиш ва” жумлаларини қўшимча қилиш мақсадга мувофиқдир. Бу ҳуқуқий эксперимент таърифига янада аниқлик киритади.

Қонуннинг 32-моддаси 6-қисмида “қиёсий жадвалсиз киритилган Ўзбекистон Республикаси қонун лойиҳаси кўриб чиқилмайди”; 5-қисмида эса ишлаб чиқувчи “таҳлилий қиёсий жадвал тайёрлаши шарт”, деган қатъий талаблар акс эттирилган. Тўғри, қонун лойиҳасига илова қилинадиган қиёсий жадваллар фойдали материал. Аммо уларнинг тайёрланиши ва тақдим этилиши қатъий талаб бўлиши ва усиз “қонун лойиҳаси кўриб чиқилмайди”, деб чекланиши тўғри эмас. Буни тавсия тарзидаги нормага айлантириш лозим. Қолаверса, қиёсий жадваллар барча қонунлар лойиҳаси учун зарур бўлмаслиги ҳам мумкин.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниб, ҳаётга жорий этила бошлангач, уларнинг тегишли соҳада ҳуқуқий тартибга солиш самарадорлигини аниқлаш ва таъсирини баҳолаш (35-модда) механизмларини янада аниқроқ ва мукаммалроқ ифодалаш зарур, деб ҳисоблаймиз. Чунки ушбу модда ҳаволаки қоида билан якунланган. Эътибор қилинса, ҳозирги қонун ижодкорлигининг устувор талабларидан бири ҳаволаки нормаларни истисно қилиш (чеклаш, қисқартириш) эди-ку! Мазкур Қонунда ўндан зиёд ҳаволаки қоидалар мавжудлигини таъкидлаш жоиз.

Шундай қилиб, “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги янги қонун аввалгисига нисбатан бир қадар мукаммаллаштирилганлиги тайин. Унинг қай даражада бугунги кун эҳтиёжларига жавоб беришини эса Қонуннинг ҳаёт синовидан ўтишида, амалиётда қўлланилишида кузатиш мумкин. Албатта, вақт олий ҳакам.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Батафсилроқ маълумот олиш учун қаранг: *Одилқориев Х.Т.* Президент фармонларининг ҳуқуқий табиати // Ҳаёт ва қонун. – 1994. – № 4. – Б. 14.

2. Батафсилроқ қаранг: *Одилқориев Х.Т.* Қонун лойиҳаларининг жамоатчилик экспертизаси: моҳияти, механизми ва шакллари // Давлат ҳокимияти ва ҳуқуқий тизимни демократлаштириш. – Т., 2014. – Б. 40–50.

*И. Исмаилов,*
*ИИВ Академияси Ички ишлар органларининг маъмурий фаолият кафедраси бошлиғи, юридик фанлар доктори, профессор*

# ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ БОШҚАРУВ ТИЗИМИДА ЯНГИ ТАРТИБ ВА МЕХАНИЗМЛАР

**Аннотация.** Мақолада ички ишлар органлари бошқарув тизимига жорий этилаётган янги тартиб ва механизмларнинг мазмун-моҳияти ҳамда уларни амалга оширишга қаратилган чора-тадбирлар тизимли ёндашув ва таҳлил асосида кўриб чиқилган.

**Таянч тушунчалар:** ички ишлар органлари; бошқарув тизими; янги тартиб ва механизмлар; маҳалла ҳуқуқ тартибот маскани; “Smart маҳалла” ахборот дастури; “профилактик-огоҳлантирувчи мурожаат”;

**Аннотация.** В статье на основе системного подхода и анализа рассматриваются содержание и сущность новых порядков и механизмов, внедряемых в систему управления органов внутренних дел, а также меры их осуществления в практической деятельности.

**Ключевые слова:** органы внутренних дел, система управления, новые порядки и механизмы, махаллинский пункт правопорядка, информационная система “Smart маҳалла”, “предупредительно-профилактическое обращение”.

**Annotation:** The article considers the essence of the new procedures and mechanisms introduced in the management system of organs of internal affairs and the measures aimed at their implementation based on a systematic approach and analysis.

**Keywords:** organs of internal affairs, management system, new orders and mechanisms, Neighborhood station of law and order, “Smart Neighborhood” Information Program, prophylactic-warning application, optimization of organizational structure and positions.

Турли хил кўринишдаги таҳдидлар кўпайиб ва кучайиб бораётган шароитда жамиятда тинчлик ва осойишталикни сақлаш, унинг ҳар бир аъзоси ҳуқуқлари, эркинликлари, қонуний манфаатлари ҳимоясини таъминлаш давлат, хусусан, ички ишлар органларининг энг долзарб ва мураккаб вазифаларидан бири бўлиб қолмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 мартдаги “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6196-сон фармони [1] мазкур вазифаларни амалга оширишни мутлақо янгича ёндашув ва механизмлар жорий этилиши орқали таъминлашни назарда тутмоқда.

Фармон мазмунидан кўриниб турибдики, ички ишлар органларининг бир-бири билан боғлиқ бўлган: а) жамоат хавфсизлигини таъминлаш; б) ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш; в) жиноятчиликка қарши курашиш соҳасидаги фаолиятини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш қуйидаги йўналишларда комплекс чора-тадбирлар амалга оширилишини тақозо этмоқда.

Биринчидан, ички ишлар органлари фаолиятини ташкил этишнинг мутлақо янги механизмлари жорий қилинмоқда.

Иккинчидан, ички ишлар органлари таянч пунктлари негизида маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканлари босқичма-босқич




ташкил этилмоқда ва уларнинг фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинди [2].

Учинчидан, профилактика инспекторига масофадан туриб мурожаат юбориш ва уни кўриб чиқиш жараёнини кузатиб бориш, аҳоли билан тезкор мулоқотни йўлга қўйиш, профилактика инспекторлари ва сектор раҳбарлари фаолиятига баҳо бериш имконини берувчи “Smart маҳалла” ахборот дастури[3]: дастлаб Тошкент ва Самарқанд




вилоятларида[4]; жорий йилнинг якунигача республиканинг бошқа ҳудудларида ишга туширилади.

Бундан ташқари, вилоят, туман ва шаҳар ички ишлар органлари раҳбарлари томонидан ҳар ой якуни бўйича ҳудуддаги криминоген вазият юзасидан аҳолига Интернет тизимидаги ахборот ресурслари орқали “профилактик-огоҳлантирувчи мурожаат” қилиш амалиёти жорий этилмоқда[5] .

Тўртинчидан, туман ва шаҳар ички ишлар органлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш мақсадида:

а) Тошкент шаҳридаги 24 та ички ишлар бўлимлари ва айрим тузил-

маларининг раҳбарлик лавозимлари мақбуллаштирилиб, бўшатилаётган штат бирликлари пойтахт ички ишлар органларининг профилактика ва тергов-тезкор тузилмаларини кучайтиришга йўналтирилди;

б) жойлардаги криминоген ва ижтимоий вазиятдан келиб чиқиб, туман ва шаҳар ички ишлар органларининг ташкилий-штат тузилмаларини шакллантириш ва мунтазам ўзгартириб бориш тартиби жорий этилди;

в) туман ва шаҳар пробация бўлинмалари тегишинча туман ва шаҳар ички ишлар органларининг бевосита бўйсунувига ўтказилиб, пробация ҳисобига олинган шахсларни кунлик назорат қилишда профилактика инспекторлари билан ҳамкорлик механизмлари белгиланди.

Тошкент шаҳри тажрибасига асосан республиканинг барча ҳудудларидаги ички ишлар бўлимлари (бўлинмалари) ва айрим тузилмаларининг раҳбарлик лавозимларини мақбуллаштириш ҳамда бўшайдиган штат бирликларини жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасига йўналтириш чоралари кўрилди.

Мазкур фармон билан белгиланган талабларни инобатга олган ҳолда ҳудудий ички ишлар органларининг янги ташкилий-штат тузилмалари ишлаб чиқилди.

Бешинчидан, ички ишлар вазирлигининг ҳуқуқбузарликлар профилактикасини, жамоат хавфсизлигини, жиноятчиликка қарши курашни ва жиноят учун тайинланган жазолар ижросини таъминловчи турдош соҳавий хизматлари фаолиятини бошқариш ва мувофиқлаштиришни такомиллаштириш мақсадида қуйидаги институционал тузилмалар ташкил этилди:

Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, ички ишлар вазирининг ўринбосарлари ташкил этилган тегишли департаментларнинг бевосита раҳбарлари ҳисобланиб,




улар департаментларга қўйилган вазифаларнинг самарали амалга оширилиши учун масъулдир.

Жазони ижро этиш бош бошқармаси Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги Жазони ижро этиш департаменти этиб қайта ташкил этилди.

Мазкур фармон билан ўрнатилган

янги тартибга мувофиқ:

а) Жазони ижро этиш департаменти бевосита ички ишлар вазирига бўйсунади ва у ички ишлар органларининг жиноий жазоларни ижро этиш тизимини ривожлантириш ва унда қатъий интизомни таъминлаш учун масъул ҳисобланади;

б) ички ишлар органларининг барча тергов ҳибсхоналари ва жазони ижро этиш муассасалари ҳудудий ички ишлар органларининг тузилмавий-функционал бўйсунувидан чиқарилиб, Жазони ижро этиш департаменти бўйсунувига ўтказилди;

в) тергов ҳибсхоналари ва жазони ижро этиш муассасалари фаолиятини самарали йўлга қўйиш ва уларда кунлик назоратни олиб бориш Жазони ижро этиш департаменти тизимида ташкил этилган 6 та минтақавий мувофиқлаштириш марказлари томонидан амалга оширилади.

Олтинчидан, ҳудудий ички ишлар органларининг тузилмаси ва раҳбар лавозимларини мақбуллаштириш орқали мавжуд куч ва воситалардан самарали фойдаланишни таъминлаш мақсадида:

Қорақалпоғистон Республикаси ички ишлар вазирининг, вилоят, туман ва шаҳар




ички ишлар органлари бошлиқларининг ўринбосари – Жамоат хавфсизлиги хизмати бошлиғининг асосий вазифалари этиб:

патруль-пост ва йўл-патруль хизмати бўлинмалари фаолиятини, шунингдек, маҳаллалар ва жамоат жойларида манзилли профилактик тадбирлар ўтказилишини мувофиқлаштириш;

муқаддам судланган ва пробация ҳисобига олинган шахслар билан ишлаш ҳамда ички ишлар органларининг тунги хизматини ташкил этиш белгиланди.

Еттинчидан, мазкур фармонга мувофиқ Ички ишлар вазирлигининг ҳуқуқий статистикани юритишни такомиллаштириш, унинг криминоген вазиятни таҳлил қилиш ва жиноятчилик динамикасини прогноз қилишдаги ролини ошириш мақсадида Ҳуқуқий статистика ва тезкор-ҳисоб маълумотлар маркази унинг ҳудудий бўлинмалари ҳамда Жамоат хавфсизлиги масалалари илмий-амалий тадқиқотлар маркази ташкил этилди ҳамда уларнинг асосий вазифалари белгиланди.

Ҳуқуқий статистика ва тезкор-ҳисоб маълумотлар маркази[6] ва унинг ҳудудий бўлинмалари Ички ишлар вазирлиги Тезкор-маълумотлар бошқармаси негизида, шунингдек, Бош прокуратуранинг Жиноий-ҳуқуқий статистика бошқармаси ва унинг

ҳудудий бўлинмалари тугатилиб, унинг вазифалари ва 120 та штат бирликлари, уларни сақлаш учун кўзда тутилган Давлат бюджети маблағлари билан биргаликда ички ишлар органларига ўтказилиши ҳисобига ташкил этилмоқда.

Жамоат хавфсизлиги масалалари илмий-амалий тадқиқотлар маркази[7] ички ишлар органларининг мавжуд штатлари доирасида шакллантирилиб, унинг фаолиятини самарали ташкил этиш учун масъул этиб бевосита Ички ишлар Вазири белгиланди.

Фармон билан ички ишлар органлари тизимини янада такомиллаштириш бўйича “йўл харитаси” тасдиқланди ва қуйидагилар унинг асосий йўналишлари этиб белгиланди:

а) замонавий таҳдидларни ҳисобга олган ҳолда ички ишлар органлари




фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича ташкилий ўзгартиришларни амалга ошириш;

б) маънавий-маърифий ишларнинг самарали механизмларини жорий этиш, шунингдек, малакали кадрларни узлуксиз тайёрлаш тизимини яратиш;




в) ички ишлар органлари фаолиятига рақамли ва замонавий ахборот технологияларини кенг жорий этиш;

г) ички ишлар органлари ходимлари ва улар оила аъзоларининг ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоясини ҳамда маиший шароитларини яхшилаш.

Мазкур йўналишларда ислоҳотларни амалга ошириш бўйича қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш[8],

тизим учун мутахассислар тайёрлашнинг мутлақо янги тизимини жорий этиш, ходимларнинг малакасига қараб хизмат бўйича ўсишини таъминлаш, шунингдек, куч ва воситаларни самарали бошқаришда раҳбар кадрларнинг интеллектуал ва профессионал салоҳиятини янада ошириш[9] бўйича белгиланган комплекс чора-тадбирларнинг тизимли равишда амалга оширилиши ички ишлар органларини аҳолига ўз вақтида ва сифатли ёрдам кўрсатадиган, ҳар бир ходими томонидан “Халқ манфаатларига хизмат қилиш”ни ўз хизмат бурчи деб биладиган ижтимоий йўналтирилган профессионал тузилмага айлантиришга хизмат қилади.

**ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР**


1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 2 апрелдаги ПҚ-5050-сон қарорига 1-иловасига мувофиқ “Маҳалла ҳуқуқ-тартибот маскани тўғрисида Низом” тасдиқланди. https:nrm.uz/contentf?doc=656886_&products=1_vse_zakonodatelstvo_uzbekistana.

2. “Smart маҳалла” жорий этилишидан мақсад нима? Унинг қандай афзаллик ва қулайликлари мавжуд? https://nuz.uz/uz/zhamoat/1195873; “Smart маҳалла” барча қулайликлар бир манзилда. http: mahalladosh.uz/post?id=9139.

3. Самарқанд вилоятида “Smart mahalla” ахборот дастури ишга тушди. https: iiv.uz/oz/news/samarqand-viloyatida-smart-mahalla-axborot-dasturi-ishga-tushdi.

4. https://iibb.uz/uz/menu/profilaktik-ogolantiruvchi-murozhaat; https://samviib.uz/uz/preventive

5. Статистика ортидан қувмаслик керак. https://xdp.uz/partiya-yangiliklari/2871; Ҳуқуқий статистика ва тезкор-ҳисоб маълумотлар маркази фаолияти босқичма-босқич рақамлаштирилади. https://ejarima.uz/news/u-u-ij-statistika-va-tezkor-hisob-ma-lumotlar-markazi-faoliyati-bos-qichma-bos-qich-raqamlashtiriladi.

6. Ички ишлар органлари фаолиятига янги механизмлар жорий қилинади. https://www.norma.uz/qonunchilikda_yangi/ichki_ishlar_organlari_faoliyatiga_yangi_mehanizmlar_joriy_qilinadi ; Ички ишлар вазирлиги тузилмасида Жамоат хавфсизлиги масалалари илмий-амалий тадқиқотлар маркази ташкил этилади. https://ejarima.uz/uz/news/ichki-ishlar-vazirligi-tuzilmasida-jamoat-xavfsizligi-masalalari-ilmiy-amaliy-tadqiqotlar-markazi-tashkil-etiladi.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 мартдаги ПФ-6196-сон фармони https://lex.uz/docs/5344118; 2021 йил 2 апрелдаги ПҚ-5050-сон қарори https://www.lex.uz/ru/docs/5353841

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 15 апрелдаги ПҚ-5076-сон қарори https://lex.uz/docs/5377619.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 апрелдаги ПФ-5005-сонли Фармони https://lex.uz/docs/3159827.

***Д. Ғ. Рахимов,***
*Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги*
*Давлат бошқаруви академияси таянч докторанти*

# ЎЗБЕКИСТОНДА ДАВЛАТ ХИЗМАТИНИ ТАСНИФЛАШНИНГ НАЗАРИЙ-ҲУҚУҚИЙ МУАММОЛАРИ

**Аннотация.** Мақолада давлат хизматини таснифлаш бўйича назарий ёндашувлар ва Ўзбекистон Республикаси амалиётини таҳлил қилиш мақсад қилинган. Унда давлат хизматини таснифлаш бўйича маҳаллий ва хорижий олимларнинг қарашлари, таклиф этаётган назарияларининг ўзига хослиги ва уларнинг ўзаро қиёсий таҳлили ўрганилган. Шунингдек, давлат хизматининг таснифлаш бўйича Ўзбекистон Республикаси амалиёти соҳага оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида таҳлил қилинган. Тадқиқотда маҳаллий ва хорижий олимларнинг назариялари, Республикамиз қонунчилиги таҳлили ва ўзаро нисбати ҳамда ривожланган хорижий мамлакатлар тажрибасидан келиб чиқиб, бир қанча амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Таянч сўзлар:** давлат хизмати, давлат хизматчиси, давлат фуқаролик хизмати, махсус хизмат, давлат хизмати таснифи, раҳбар, мансабдор шахс, мутахассис.

**Аннотация.** В статье проведен анализ теоретических подходов к классификации государственной службы и практики Республики Узбекистан. Исследуются взгляды отечественных и зарубежных ученых на классификацию государственной службы, специфику предлагаемых теорий и их сравнительный анализ. Также была проанализирована практика Республики Узбекистан по классификации государственной службы на основе соответствующих нормативных актов. В ходе исследования разработан ряд практических предложений и рекомендаций, основанных на теориях отечественных и зарубежных ученых, анализе и взаимодействии законодательства республики, а также опыте развитых стран.

**Ключевые слова:** государственная служба, государственный служащий, государственная гражданская служба, специальная служба, классификация государственной службы, менеджер, чиновник, специалист.

**Annotation.** The article aims to analyze the theoretical approaches to the classification of civil service and the practice of the Republic of Uzbekistan. The article examines the views of local and foreign scholars on the classification of the civil service, the specificity of the theories they propose and their comparative analysis. Also, the practice of the Republic of Uzbekistan on the classification of civil service was analyzed on the basis of relevant normative legal acts. The study developed a number of practical proposals and recommendations based on the theories of local and foreign scientists, the analysis and interaction of the legislation of the Republic, as well as the experience of developed countries.

**Keywords:** civil service, civil servant, state civil service, special service, civil service classification, manager, official, specialist.

Маъмурий ҳуқуқ институтининг муҳим тармоқларидан бири давлат хизмати ҳисобланади. Шунингдек, давлат хизмати давлат бошқарувининг энг муҳим элементи, яъни давлат бошқарувини амалга ошириш механизми ҳамдир. Давлат хизмати ва давлат хизматчиларини таснифлаш бўйича бир қанча назариялар мавжуд бўлиб, бу борада Д.М.Овсянко, Ю.Н.Старилов, Х.Р.Алимов кабиларнинг қарашлари муҳим аҳамият касб этади. Жумладан, таниқли рус ҳуқуқшуноси Д.М.Овсянко масалага кенгроқ ёндашганлигини

кўриш мумкин. Унинг фикрича, давлат хизматчиларини: давлат ҳокимияти органларининг фаолият доирасига қараб (республика ва маҳаллий), давлат хизматининг хусусиятларига (фуқаролик ва милитарланган), ҳокимиятнинг бўлиниш тамойилига (қонунчилик, ижро ва суд тизимидаги давлат хизматчилари), мансаб ваколатларининг ҳажмига (мансабдор шахслар ва мансабдор шахслар таркибига кирмайдиган бошқа хизматчилар), хизмат муддатининг давомийлигига (маълум бир муддатга тайинланадиган, белгиланмаган муддатда тайинланган, синов муддати билан тайинланган) кўра таснифлаш мумкин [1].

Таниқли рус олими Ю.Н.Стариловнинг давлат хизматчиларини таснифлаш борасидаги қараши ҳуқуқшунос Д.М.Овсянко қарашидан деярли фарқ қилмайди. Ю.Н. Старилов давлат хизматчилари: давлат-хизмат ҳуқуқий муносабатларининг давом этишига (умрбод, муайян муддат, муддати белгиланмаган, синов муддатли); ҳаракат доирасига қараб (республика ва маҳаллий) таснифланишини таъкидлайди. Унинг классификациясида давлат хизматчиларининг билим даражаси ва профессионал тайёргарлигига қўйилган талаблардан келиб чиққан ҳолда, олий, бош, катта, кичик гуруҳларга бўлиниши алоҳида ўрин тутади [2].

Ўзбекистонлик олим Х.Р.Алимов эса давлат хизматчиларининг қуйидаги тўртта гуруҳга бўлинишини таъкидлайди: [3]

1. Раҳбарлар. Одатда раҳбарлар ўзлари бошчилик қилувчи ташкилотларнинг кундалик ва хўжалик фаолиятини олиб бориш, уларнинг ишини йўналтириш, назорат қилиш, мажбурий кўрсатмаларни бериш ҳуқуқига эга бўлишади. Улар таркибига вазир, давлат қўмитаси раиси, бошқарувчи, директор, ректор каби Республика даражасидаги юқори мансабдорлар киради. Раҳбарлар юридик адабиётларда кўпинча мансабдор шахс сифатида ифода этилади. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 15-модда иккинчи қисмига биноан мулк шаклидан қатъи назар корхона, муассаса, ташкилотда муайян мансабни эгаллаб турган шахс, башарти унга раҳбарлик, ташкилий, фармойиш бериш, текширув-назорат вазифалари ёки моддий бойликлар ҳаракати билан боғлиқ бўлган вазифалар юклатилган бўлса, мансабдор шахс ҳисобланади. Кўриниб турибдики, мансабдор шахс ҳам раҳбарлар, ҳам назорат функциясини амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлган бошқа хизматчилар (масалан, ички ишлар, санитария назорати органларининг ходимлари ва ҳоказолар) бўлиши мумкин [4].

2. Асосий таркиб. Мазкур гуруҳга кирувчи давлат хизматчилари ташкилотдаги асосий функционал вазифаларни бажарадилар, лекин улар раҳбарлар каби юридик аҳамиятли ҳаракатлар (масалан, ишга олиш ва ишдан бўшатиш) ни бажармайдилар. Бу гуруҳ давлат хизматчиларига инженер, иқтисодчи, агроном, архитектор, шифокор, ўқитувчи, илмий ходим кабиларни киритиш мумкин.

3. Ёрдамчи хизматчилар. Мазкур гуруҳга кирувчи хизматчилар давлат ташкилотининг функцияларини бажариши учун шароит яратиб беради. Улар таркибига котиб (котиба)лар, иш юритувчилар, курьерлар, машинисткалар, лаборантлар, экспедитор кабиларни киритиш мумкин.

4. Маъмурий ҳокимият вакиллари. Х.Р.Алимов бу гуруҳни давлат хизматчиларининг алоҳида гуруҳи сифатида талқин этади. Улар ўз ваколатлари доирасида бошқа шахсларга, хизмат бўйсунувидан қатъи назар бажарилиши мажбур бўлган кўрсатмаларни бериши мумкин. Маъмурий ҳокимият вакиллари судьялар, прокурорлар, депутатлар, Қуролли кучлар, ички ишлар органлари, хавфсизлик хизмати органларининг бошлиқлар таркибига кирувчилардан иборат, дейиш мумкин.

Д.М.Овсянко ва Ю.Н.Стариловларнинг давлат хизматини таснифлаш бўйича таклифлари умумий аҳамият касб этиб, аксарият мамлакатлардаги таснифлашга мос келади. Х.Р.Алимовнинг давлат хизматчилари классификацияси миллий хусусиятлардан келиб чиқиб, таклиф этилган. Мазкур таснифланишдаги “асосий таркиб” бугунги кунда давлат ташкилотларида фаолият юритаётган мутахассислар ва уларга тенглаштирилган лавозимлардан иборат.

“Ўзбекистон Республикасида кадрлар сиёсатини ва давлат фуқаролик хизмати тизимини тубдан такомиллаштиришга оид биринчи навбатдаги чора-тадбирлар” 5843-сонли Президент фармони билан Ўзбекистонда давлат хизмати функционал жиҳатдан давлатнинг махсус хизмати ва давлат фуқаролик хизматига бўлинган. Давлатнинг махсус хизмати Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларидаги ҳарбий хизмат ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлардаги хизматдан иборат бўлиши белгиланган [5].

Ўзбекистон Республикасида давлат хизматининг ҳарбий хизмат соҳаси ҳуқуқий жиҳатдан етарлича тартибга солинган, дейиш мумкин. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларидаги ҳарбий хизмат Ўзбекистон Республикасининг “Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида”ги [6], “Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари резервидаги хизмат тўғрисида”ги [7] қонунлар, “Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳарбий хизматни ўташ тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги Президент қарори [8] ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан фаолият юритади.

Ўзбекистон Республикасида давлат фуқаролик хизмати ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлардаги давлатнинг махсус хизмати тизимларига кирувчи идораларнинг аниқ рўйхати қонунчиликда белгиланмаган. Илмий нуқтаи назардан қаралса, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлардаги давлатнинг махсус хизмати тизимига суд, прокуратура, давлат хавфсизлик хизмати, ички ишлар органлари, божхона, солиқ каби органлардаги хизматни мисол сифатида келтириш мумкин[9]. Аксарият норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардан хулоса қилинса ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар суд, прокуратура, давлат хавфсизлик хизмати, ички ишлар органлари, божхона, солиқ органлари билан бир қаторда, миллий гвардия, фавқулодда вазиятлар ва адлия органларини ҳам ўз ичига олади[10]. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлардаги хизмат ҳар бир ҳуқуқни муҳофаза қилиш органи фаолиятини тартибга соладиган махсус қонунлар билан мустаҳкамлаб қўйилган. Масалан, 2016 йил 16 сентябрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги [11], 2018 йил 5 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати тўғрисида”ги [12] қонунлар ўз соҳасига оид махсус хизматни тартибга солади.

Давлат хизматини таснифлашдаги энг катта муаммо давлат фуқаролик хизмати билан боғлиқ, дейиш мумкин.

Биринчидан, давлат фуқаролик хизматига оид давлат органлари ва идораларининг аниқ рўйхати шакллантирилмаган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 9 декабрда “Республика давлат бошқаруви органлари тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги 3358-сонли фармони қабул қилинган бўлиб, унда Республика давлат бошқаруви органлари тизими вазирлик, агентлик, марказ, инспекция, қўмита ва давлат қўмиталаридан иборат бўлиши белгиланган[13]. Лекин мазкур фармон давлат фуқаролик хизмати билан боғлиқ идораларни тўлиқ акс эттирган, дея олмаймиз. Сабаби унда санаб ўтилган Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Давлат божхона қўмитаси давлатнинг махсус хизмати ҳисобланади. Давлат фуқаролик хизмати эса Республика

давлат бошқаруви органлари билан бир қаторда, маҳаллий давлат ҳокимиятининг ижро органлари, вилоят, шаҳар ва туман ҳокимликларидан иборат.

Иккинчидан, давлат фуқаролик хизмати лавозимларининг Давлат реестрини шакллантириш лозим. Мазкур масала қисман Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 3 июлдаги "Давлат хизматчиларининг лавозим маошларига йигирма фоизли устама ҳақ белгилаш тўғрисида"ги 339-сонли қарори билан қисман тартибга солинган, холос. [14] Мазкур қарорда вазирлик, идора ва ҳокимликларда фаолият юритувчи давлат хизматчиларининг рўйхати берилган. Лекин мазкур рўйхат умумий давлат хизматчиларига тааллуқли бўлиб, унда суд ва прокуратура органларидаги давлат хизматчилари лавозимлари ҳам берилган.

Шунингдек, давлат хизматчиларининг лавозим ваколатлари бўйича таснифи ҳам белгиланмаган. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2003 йил 9 декабрда 1288-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Молия вазирлигининг "Ходимлар сонини тартибга солиш ва бошқарув таркибини таъминлаш учун харажатларни мақбуллаш бўйича норматив ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида" қарорида ташкилотлардаги ходимлар таркиби тасдиқланган. Унга кўра, ташкилотлардаги ходимлар таркиби раҳбарлар (маъмурий ва бошқарув ходимлари), бошқарув ходимлари мутахассислари, ишлаб чиқариш ходимлари, ёрдамчи ходимлар техник ходимлар, хизмат кўрсатувчи ходимлардан иборат бўлиши белгиланган[15]. Лекин мазкур норматив-ҳуқуқий ҳужжат фақатгина давлат хизматига тегишли эмас. У ҳам давлат органларидаги, ҳам хусусий соҳадаги ходимлар таркибини белгилаб беради. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ташаббуси билан мазкур қарорнинг янги лойиҳаси ишлаб чиқилиб, 2021 йилнинг 1 апрелида Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари порталига муҳокама учун қўйилди. Қарорнинг амалдаги таҳрири матни фақатгина рус тилида бўлиб, лойиҳа ўзбек тилида ишлаб чиқилди [16]. Лекин қарор лойиҳасининг мазмуни амалдаги таҳрирдан деярли фарқ қилмайди. Амалдаги таҳрирда ҳам, қарор лойиҳасида ҳам Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари бошқарув, хизмат кўрсатувчи ва техник ходимларнинг лавозимлар номенклатураси берилган бўлиб, унинг "Бошқарув ходими лавозимлари рўйхати" деб номланган иккинчи бобида давлат бошқарув органларининг республика даражасидаги раҳбарият таркиби белгилаб қўйилган. Фикримизча, уларнинг таркибига "агентлик, марказ, қўмитанинг бош директори, директори, раиси ва уларнинг ўринбосарлари" ва "республика давлат бошқарув органлари ҳузуридаги республика муассасаси раҳбари ва унинг ўринбосарлари" жумлаларини қўшиш мақсадга мувофиқ. Сабаби "Республика давлат бошқаруви органлари тизимини такомиллаштириш тўғрисида"ги 3358-сон Президент фармонида вазирликлар, давлат қўмиталари, қўмиталар, агентликлар, шунингдек улар ҳузурида ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида ташкил этиладиган давлат бошқаруви тузилмалари республика давлат бошқаруви органлари жумласига кириши белгилаб қўйилган.

"Ўзбекистон Республикасида кадрлар сиёсати ва давлат фуқаролик хизмати тизимини тубдан такомиллаштиришга оид биринчи навбатдаги чора-тадбирлар" Президент фармони дастурида давлат фуқаролик хизматчиларининг лавозимларини ваколатларга (сиёсий, маъмурий ва техник) ва уларнинг даражаларига (миллий, республика, вилоят ва туман (шаҳар) қараб таснифлаш асосида давлат фуқаролик хизмати лавозимларининг давлат реестрини тасдиқлаш бўйича

Президент қарори лойиҳасини ишлаб чиқиш белгиланган [17].

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги томонидан ишлаб чиқилган “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида”ги қонун лойиҳасининг 21-моддаси “Давлат лавозимларининг гуруҳ ва категориялари” деб номланиб, унда давлат фуқаролик хизматчилари раҳбарият (раҳбар, раҳбарнинг биринчи ўринбосари, раҳбар ўринбосари, раҳбар маслаҳатчиси), таркибий тузилма раҳбарияти (департамент раҳбари, раҳбар маслаҳатчиси, департамент раҳбарининг биринчи ўринбосари, департамент раҳбари ўринбосари, бошқарма бошлиғи, бошқарма бошлиғи ўринбосари, бўлим бошлиғи, раҳбар ёрдамчиси, бўлим бошлиғи ўринбосари, сектор бошлиғи), мутахассислар (бош мутахассис, етакчи мутахассис, катта мутахассис, мутахассис) дан иборат бўлиши таклиф этилган. Қонун лойиҳасининг 3-модда 6-хатбошиси “Ушбу қонуннинг амал қилиши давлат органлари ва ташкилотларининг ёрдамчи (техник ва хизмат) лавозимидаги ҳамда давлат органлари ва ташкилотларининг ташкилий тузилмасига кирувчи тижорат ташкилотлари ходимларига нисбатан татбиқ этилмайди”, деб белгиланган[18]. Яъни лойиҳага кўра, давлат органлари ва ташкилотларининг ёрдамчи, хусусан, техник ходимлар давлат фуқаролик хизматчи мақомига эга бўлмайди. Лекин “Ўзбекистон Республикасида кадрлар сиёсатини ва давлат фуқаролик хизмати тизимини тубдан такомиллаштиришга оид биринчи навбатдаги чора-тадбирлар” Президент фармони дастурида давлат фуқаролик хизматчиларининг лавозимларини ваколатларга (сиёсий, маъмурий ва техник) қараб таснифлаш таклифи илгари сурилган бўлиб, қонун лойиҳасини такомиллаштиришда мазкур масалага эътибор қаратиш лозим.

Учинчидан, давлат муассасаларида фаолият юритувчи таълим ва тиббиёт ходимларининг давлат фуқаролик хизматидаги ўрни масаласи ҳам очиқ қолмоқда. Аксарият давлатларда таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаси ходимлари судья, прокурор, ташқи ишлар хизмати ходимлари, полиция ва ҳарбий соҳа вакиллари билан бир қаторда, давлатнинг махсус хизмати таркибига киритилган. Бундай ҳолатни Корея Республикасида кўриш мумкин [19]. Шунингдек, Буюк Британияда ҳам судья, ҳарбий хизматчи, полиция ва маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органлари ходимлари, ўқитувчи ҳамда соғлиқни сақлаш хизмати ходимлари давлатнинг махсус хизмати ҳисобланади. Лекин Буюк Британияда махсус хизмат вакиллари ва фуқаролик хизматчилари ўзаро давлат хизматчиларини эмас, ижтимоий (оммавий) сектор хизматчиларини ташкил этади. Чунки “давлат хизмати” “фуқаролик хизмати” билан бир маънода қўлланилади [20]. Францияда давлат хизматчиларининг барчаси иккита йирик гуруҳга бўлинган бўлиб, биринчи гуруҳ давлат маъмуриятидаги фуқаролик ишлари билан шуғулланувчи ходимлар, шунингдек, маҳаллий жамоат ташкилотлари ва ижтимоий соҳага доир муассаса ходимлари (шу жумладан, ўқитувчилар ва шифокорлар)дан, иккинчи гуруҳ ҳарбий хизматчилар, суд ва парламент ходимларидан иборат. Шунингдек, ваколат ва функцияларининг аҳамияти ҳамда мураккаблигига кўра, фуқаролик ишлари билан шуғулланадиган ходимлар 4 та гуруҳга “A”, “B”, “C”, “D” иерархик категория (табақа)ларга бўлинган бўлиб, ўқитувчилар энг юқори “A” гуруҳга мансубдир [21]. Германияда ҳам давлат хизматчилари таркибига бошқарув органлари ходимларидан ташқари, таълим муассасаларида фаолият юритаётган ходим ва профессор-ўқитувчилар, судья, вазир, Федерал банк аъзолари, шунингдек полиция, ҳарбий хизматчилар, темир йўл, почта муассасаларининг ходимлари ва бошқалар киритилган [22].

Хулоса қилганда, давлат хизматини таснифлаш бўйича ягона ёндашув мавжуд бўлмай, олимлар бу борада ўз назарияларини таклиф этишади. Улар давлат хизматини таснифлашда бир қанча мезон ва хусусиятларга эътибор қаратишади. Шу сабабли таснифлаш умумийлик касб этмайди. Айнан тадқиқотчи олимларнинг қарашлари асосида барча давлатларда давлат хизматини таснифлаш бўйича турлича асослар шаклланиб боради. Юқорида кўриб чиқилганидек, мамлакатимизда давлат хизмати институти давлатнинг махсус хизмати ва давлат фуқаролик хизматига бўлинди. Бу эса тизимнинг норматив-ҳуқуқий базасини такомиллаштириш эҳтиёжининг пайдо бўлишига олиб келди. Шу нуқтаи назардан бир қанча таклиф ва тавсияларни илгари суриш, уларни амалиётга жорий қилиш давлат хизматини таснифлашнинг юридик бўшлиқларини бартараф этади, дейиш мумкин.

Биринчидан, давлатнинг махсус хизмати ва давлат фуқаролик хизматига кирувчи идораларнинг реестрини шакллантириш ва уни норматив-ҳуқуқий ҳужжат билан тартибга солиш лозим.

Иккинчидан, давлат фуқаролик хизмати лавозимларининг Давлат реестрини шакллантириш, унда давлат фуқаролик хизматчиларининг лавозимларини таснифлаш давр талабига айланмоқда. Бу давлат фуқаролик хизматига кенг жорий қилинаётган “меритократия принципи” ва “карьера модели”нинг механизмларини такомиллашувига хизмат қилади.

Учинчидан, давлат муассасаларида фаолият юритувчи педагог ва тиббиёт ходимларининг давлат фуқаролик хизматидаги ҳуқуқий мақомини аниқ белгилаш лозим. Ўрганилган хорижий мамлакатлар тажрибасидан келиб чиқиб, уларга ҳам давлат фуқаролик хизматчига берилиши назарда тутилаётган унвон ва мартабаларни жорий қилиш мақсадга мувофиқдир.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:


1. *Овсянко Д.М.* Понятие и классификация государственных служащих // http://www.konspekt.biz/index.php?text=34698.

2. *Старилов Ю.Н.* Служебное право. – М., 1996.– С. 345–355.

3. *Алимов Х.Р.* Административное право Республики Узбекистан: Учебник. – Т., 1999. – С. 113–116.

4. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 30.03.2021 й., 03/21/679/0256-сон.

5. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 04.10.2019 й., 06/19/5843/3900-сон.

6. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. – 2002. – № 12. – 217-модда.

7. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 19.04.2018 й., 03/18/476/1087-сон; 26.08.2020 й., 03/20/634/1218-сон.

8. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 13.09.2019 й., 07/19/4447/3747-сон.

9. Давлат хизмати: ўқув қўлланма // Э.Т.Хожиев, Г.С.Исмаилова, М.А.Рахимова. – Т., 2015. – Б. 12.

10. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 28.08.2019 й., 06/20/5792/0981-сон

11. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 24.05.2019 й., 03/19/542/3177-сон.

12. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 06.04.2018 й., 03/18/471/1022-сон.

13. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 06.04.2018 й., 06/18/5399/1018-сон.

14. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори. Давлат хизматчиларининг лавозим маошларига йигирма фоизли устама ҳақ белгилаш тўғрисида // https://lex.uz/pages/forpda.aspx?lact_id=1191841.

15. Национальная база данных законодательства, 15.05.2018 г., № 10/18/1288-4/1221.

16. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари муҳокамаси портали. Ходимлар сонини тартибга солиш ва бошқарув таркибини таъминлаш учун харажатларни мақбуллаш бўйича норматив ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида // https://regulation.gov.uz/uz/d/35275.

17. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 04.10.2019 й., 06/19/5843/3900-сон.

18. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари муҳокамаси портали. Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида // https://regulation.gov.uz/uz/document/18047.

19. *Сук К.П.* Давлат бошқарувида инсон ресурслари 2018 йил нигоҳида. 2018. – Б. 46.

20. Working for Stabilisation Unit // https://www.gov.uk/government/organisations/stabilisation-unit/about/recruitment.

21. Archive: Public employment – France // https://ec.europa.eu/eurostat/statistics-explained/index.php?title=Archive:Public_employment_-_France&oldid=369054.

22. The federal public service // https://www.bmi.bund.de/EN/topics/administrative-reform/federal-public-service/federal-publi-service-node.html.

***Ш. М.Саидов,***
*Бош прокуратура Академияси*
*таянч докторанти*

# ПРОКУРАТУРА ОРГАНЛАРИНИНГ ҲУҚУҚ ИЖОДКОРЛИГИ ФАОЛИЯТИДАГИ ИШТИРОКИНИНГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ

**Аннотация.** Ушбу мақолада прокуратура органларининг ҳуқуқ ижодкорлиги фаолиятидаги иштирокининг айрим шакллари таҳлил қилинган. Жумладан, ҳуқуқ ижодкорлиги фаолиятида прокуратура органларининг иштирок шаклларидан ҳисобланган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш, уларнинг ҳуқуқий мониторингини олиб бориш каби масалалар ёритилган. Прокуратуранинг ҳуқуқ ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш бўйича илмий-амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Таянч сўзлар:** прокуратура органлари, ҳуқуқ ижодкорлиги, қонунчилик ташаббуси, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, ҳуқуқий экспертиза, ҳуқуқий мониторинг.

**Аннотация.** В данной статье анализируются некоторые формы участия органов прокуратуры в правотворческой деятельности. В частности, освещаются такие вопросы, как проведение антикоррупционной экспертизы нормативно-правовых документов, которые рассматриваются как формы участия органов прокуратуры в нормотворческой деятельности, проведение их правового мониторинга. Разработаны научно-практические предложения и рекомендации по совершенствованию работы прокуратуры по правотворчеству.

**Ключевые слова:** органы прокуратуры, правотворчество, законодательная инициатива, нормативно-правовые акты, правовая экспертиза, правовой мониторинг.

**Annotation.** This article analyzes some forms of participation of the prosecutor's office in law-making activities. In particular, such issues as conducting an anti-corruption examination of regulatory legal documents, which are considered as forms of participation of the prosecutor's office in law-making activities, conducting their legal monitoring, are highlighted. Scientific and practical proposals and recommendations for improving the work of the prosecutor's office have been developed on law-making activity.

**Keywords:** prosecutor's office, law-making, legislative initiative, normative legal acts, legal expertise, legal monitoring.

Прокурорларнинг ҳуқуқ ижодкорлиги фаолиятидаги иштироки қонун устуворлигини таъминлаш, бирлик ва қонунийликни мустаҳкамлаш, инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини, жамият ва давлатнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида прокурорлар томонидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш бўйича ўз ваколатларини амалга оширишига қаратилган.

Таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори қонунлар ёки бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ўзгартириш, тўлдириш, бекор қилиш ёки қабул қилиш тўғрисидаги таклифлар билан шахсан ташаббус қилиши ёхуд бошқа ваколатли органга ёки мансабдор шахсга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга. Бартараф этиш юқори турувчи давлат органи ёки мансабдор шахснинг ваколатига кирадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардаги бўшлиқлар ёки бошқа камчиликлар аниқланганда прокурор тегишли юқори турувчи прокурорга зарур ўзгаришларни киритиш тўғрисида таклифлар билан

мурожаат қилади. Уларда бундай таклифлар киритилишини асослантириш ва уларни қабул қилиш зарурати акс эттирилади. Таъкидлаш лозимки, прокурорлар бундай таклифларни киритишга агарда уларнинг қабул қилиниши қонунийликни мустаҳкамлаш, инсон ва фуқаро ҳуқуқларини ҳимоя қилишга кўмаклашадиган бўлса нафақат ҳақли, балки мажбур ҳамдир.

Қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи берилган субъектларнинг қонунчилик ташаббуси билан мурожаат қилиши маълум оқибатларни, хусусан, қонун чиқарувчининг киритилган қонун лойиҳасини кўриб чиқиш ҳамда регламент ва белгиланган тартибга мувофиқ тегишли қарор қабул қилиш мажбуриятини келтириб чиқаради.

Зеро, ҳар қандай ҳуқуқий муносабат ўзаро, бир-бирига мос келадиган субъектив ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг мавжудлиги билан тавсифланади. Юридик мажбуриятнинг йўқлиги субъектив ҳуқуқни амалга оширишнинг имконсизлигини англатади. “Ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг мувофиқлиги ҳолатида ҳуқуқий муносабатларнинг келишилганлиги ва бирлигига эришилади, ҳуқуқий муносабатлар субъектларининг эҳтимолий турлича хулқ-атворининг олди олинади ва улар ўртасидаги зарур ўзаро таъсирга эришилади” [1]. Бинобарин, агар прокурорнинг ҳуқуқ ижодкорлиги таклифи билан мурожаат қилиш ҳуқуқи тегишли органларнинг ушбу таклифларни кўриб чиқиш мажбурияти билан тўғри келиши лозим. Бу борада В.Г.Бессарабов: “прокурорнинг ташаббускор мурожаатлари умумий тартибда, албатта, кўриб чиқилиши керак. Бунда прокуратуранинг давлат механизмидаги ўрни ва роли, прокуратура томонидан киритилган таклифларнинг асосланганлиги даражаси ва аҳамияти ҳисобга олинади. Прокурорнинг тегишли тарзда кўриб чиқилган ва маъқулланган таклифлари қонун чиқарувчи органга қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъекти томонидан ўз номидан киритилади” [2], деб ёзади.

Бош прокуратуранинг ҳуқуқ ижодкорлиги фаолиятида иштирок этишини таъминлаш, қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш Бош прокуратуранинг махсус таркибий бўлинмаси – Қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш муаммоларини таҳлил қилиш бошқармасига юклатилган. Юқоридагиларни инобатга олиб, мазкур бошқарма зиммасига Бош прокуратура томонидан ишлаб чиқилган ҳамда белгиланган тартибда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳамда Вазирлар Маҳкамасига киритилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаш бўйича прокуратура органларининг фаолиятини мувофиқлаштириш вазифасини ҳам юклаш тўғри бўларди. Қонун лойиҳасини Олий Мажлис палаталарида ҳимоя қилиш бўйича вакиллар гуруҳи таркибига Бошқарманинг масъул ходими киритилиши шартлигини ҳам белгилаб қўйиш тўғри бўларди. Бундай амалиёт АҚШ ва Қозоғистон Республикасида учрайди. Бу борада В.П.Рябцев ҳам қонунчилик ҳокимияти органида Бош прокуратуранинг вакили институтини таъсис этиш тўғрисидаги таклифни илгари суради[3].

Ҳозирги вақтда ҳуқуқ ижодкорлигига қўйилган талаблар ҳам тобора такомиллашиб, ушбу жараёнда жамоатчилик иштироки, пухта ўйланган ҳужжатлар қабул қилиш механизмлари жорий этилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўз аҳамиятини йўқотган қонунчилик ҳужжатларини қайта кўриб чиқиш тизимини жорий этиш орқали мамлакатда ишбилармонлик муҳитини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 27 сентябрдаги ПФ–6075-сон фармони ҳамда “Тартибга солиш таъсирини баҳолаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари

тўғрисида” 2021 йил 15 мартдаги ПҚ–5025-сон қарорига асосан мамлакатимизда босқичма-босқич қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг тартибга солиш таъсирини баҳолаш тизими жорий этилди. Шу билан бирга, юқоридаги фармонга мувофиқ, давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларига ўзларининг марказий аппаратлари тузилмасида белгиланган штат бирликлари доирасида тартибга солиш таъсирини баҳолашга масъул ходимларни белгилаш топширилган. Ҳозирги вақтда прокуратура ҳам ҳуқуқ ижодкорлигининг фаол иштирокчисига айланганлигини инобатга олиб, Бош прокуратура томонидан ишлаб чиқилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳасининг тартибга солиш таъсирини баҳолашдан ўтказиш вазифасини Қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш муаммоларини таҳлил қилиш бошқармасига юклаш мақсадга мувофиқ. Зеро, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 14 мартдаги ПҚ–2833-сонли қарорига мувофиқ, Бошқармага ноюридик мутахассисликдаги (иқтисодчилар, молиячилар, социологлар ва бошқалар) зарур билим ва тажрибага эга юқори малакали кадрларни ишга қабул қилиниши мумкинлиги ҳам прокуратура тизимида тартибга солиш таъсирини баҳолашни айнан мазкур бошқарма негизида амалга ошириш мақсадга мувофиқлигини кўрсатади.

Прокурорларнинг ҳуқуқ ижодкорлиги фаолиятида иштирок этишининг яна бир шакли бу – Бош прокуратурага киритилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини экспертизадан ўтказиш, келишиш ёки хулоса тақдим этишдир. Бунда Бош прокуратура унга киритилган муайян лойиҳаларнинг мазмуни бўйича таклифлар ҳамда ушбу таклифларни асослантирувчи зарурий таҳлилий материал ва ҳисоб-китобларни тақдим этади.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини экспертизадан ўтказиш ва келишиш бир-бири билан чамбарчас боғлиқ. Чунки лойиҳа экспертизадан ўтказиш натижалари бўйича эътирозларсиз ёки эътирозлар билан келишилади. Айни дамда “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 30-моддасида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини келишиш тартиби белгиланган. Унга кўра, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган органга киритилгунига қадар манфаатдор давлат органлари ва ташкилотлар ҳамда қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда бошқа давлат органлари ва ташкилотлар билан норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини келишишнинг махсус ахборот тизими орқали электрон шаклда мажбурий тартибда келишилади.

В.П.Рябцев бу борада Бош прокуратуранинг ҳуқуқ ижодкорлиги фаолиятида иштирокининг ўзига хос шаклларидан бири бу қонунчиликда белгиланган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни белгиланган тартибда келишиб беришидир, деб ёзади. Муаллифнинг фикрича, келишиш шакли тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасининг қонунийлиги устидан назорат қилиш усули сифатида фойдаланилади[4]. Шу каби ёндашувни ўз ишларида В.А.Кузьмин, Е.В.Китрова ва А.Ю.Винокуровлар ҳам қўллаб-қувватлаганлар .

Таъкидлаш лозимки, 2021 йил 20 апрелдаги “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг ЎРҚ–682-сон қонуни билан тасдиқланган Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини, шунингдек, уларга илова қилинадиган ахборот-таҳлилий материалларни юридик-техник жиҳатдан расмийлаштиришнинг

ягона услубиётнинг 7-боби "Лойиҳани манфаатдор органлар ва ташкилотлар билан келишиб олиш"га бағишланган бўлиб, унинг 102-бандида мажбурий тартибда келишиб олинадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжат ва ташкилотлар рўйхати белгиланган.

Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 22 мартдаги 242-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Регламентининг 33-бандида ҳам ишлаб чиқувчи томонидан тайёрланган Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг ҳужжат лойиҳалари келишилиши мажбурий бўлган манфаатдор вазирликлар ва идоралар белгиланган.

Фикримизча, "Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни билан тасдиқланган Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари, шунингдек, уларга илова қилинадиган ахборот-таҳлилий материалларни юридик-техник жиҳатдан расмийлаштиришнинг ягона услубиётнинг 102-бандини ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг Регламентининг 33-бандини қуйидаги мазмундаги еттинчи хатбоши билан тўлдириш мақсадга мувофиқ:

"Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси билан – қонунийлик муҳитига, инсон ҳуқуқ ва эркинликларига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган, шунингдек, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, жиноятчиликка қарши курашиш, жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш, юридик жавобгарлик белгилаш, ижро иш юритуви ва жазони ижро этишга таалуқли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг лойиҳалари".

Ҳуқуқшунос олимлар орасида қонун лойиҳалари ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ҳуқуқий экспертизасини ўтказишни прокурорнинг ҳуқуқ ижодкорлиги фаолиятида иштирок этиш шакли сифатида таснифлаш масаласида якдил фикр мавжуд эмас. Масалан, А.И.Гальченко, Р.Р.Аблăскин ва бошқалар айрим муаллифлар томонидан юқоридаги фаолиятни прокуратура органларининг ҳуқуқ ижодкорлиги фаолиятида иштирок этиш шаклларига киритишларини асоссиз, деб ҳисоблайдилар[5]. Н.П.Дудин ва И.И.Головколар эса ушбу йўналишни прокурорнинг ҳуқуқ ижодкорлиги фаолиятидаги иштироки шакллари сифатида қарайдилар[6]. Биз ҳам бу борада сўнгги муаллифларнинг фикрини қўллаб-қувватлаймиз.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ҳуқуқий экспертизаси прокуратура томонидан давлат органларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларининг қонунийлигини назорат қилишда самарали восита ҳисобланади. Ҳуқуқий экспертиза туфайли прокуратура давлат органлари фаолиятида Конституция ва қонунларнинг бузилишини муваффақиятли аниқлаган ҳолда унинг олдини олиш имкониятига эга бўладилар. Бу борада А.И.Баженов таъкидлаганидек, "прокуратура органлари амалиётида ҳуқуқий экспертизанинг мақсади қонунийликни мустаҳкамлашдан иборатдир" [7]. Фикримизча, норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш жараёнида прокуратура органлари лойиҳанинг ижросини таъминлайдиган процессуал механизмлар тўлиқ мавжудлигига эътибор қаратишлари лозим.

Прокуратура органлари фаолиятининг хусусиятларидан келиб чиқиб, шунингдек, Бош прокурор қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи асосида қонун лойиҳаларини Олий Мажлис Қонунчилик палатасига тўғридан тўғри киритиш ваколатига эгалигини инобатга олиб, фикримизча, прокуратурага ҳам коррупцияга қарши экспертиза ўтказиш ваколатини бериш мақсадга мувофиқ. Д.Р.Паштов норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг коррупцияга қарши экспертизасини ўтказиш прокуратуранинг ҳуқуқ ижодкорлиги фаолиятида иштирок этиш функциясини амалга оширишнинг асосий йўналишларидан бири, деб ёзади[8] .

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда коррупциоген омиллар аниқланганда, прокурор ушбу ҳужжатни қабул қилган орган, ташкилот ёки мансабдор шахсга аниқланган коррупциоген омилларни бартараф этиш усулини таклиф қилган ҳолда норматив-ҳуқуқий ҳужжатни ўзгартириш тўғрисидаги талабни киритади.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг коррупцияга қарши экспертизасининг аҳамияти норматив ҳужжатларда коррупциявий омилларни аниқлаш, сифатни таъминлайдиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш бўйича ижобий талабларни шакллантириш имконияти, шунингдек, коррупциявий амалиётларнинг олдини олишга йўналтирилганлик билан боғлиқдир[9].

Прокурорларнинг ҳуқуқ ижодкорлиги фаолиятида иштирок этишининг хорижий мамлакатларда кенг қўлланилаётган яна бир шакли бу – прокуратура органлари томонидан ҳуқуқий мониторингни амалга оширишдир.

Сифатли ҳуқуқий маконни шакллантириш, қонун ижодкорлиги субъектлари ўртасидаги муносабатларни нормаллаштириш, қонунларнинг ҳақиқатан ҳам самарали ишлаши учун бугунги кунда ҳуқуқий мониторингни амалга ошириш жуда муҳимдир[10].

Кейинги йилларда ҳуқуқий мониторинг ҳуқуқ ижодкорлиги субъектлари ва ҳуқуқни қўлловчилар ўртасидаги самарали ҳамкорлик шакли сифатида кўрилмоқда[11]. Бошқача айтганда, прокуратура органлари томонидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни мониторинг қилиш – бу прокуратура органлари томонидан давлат органларининг ҳуқуқ ижодкорлиги фаолияти ва уларни амалга ошириш тўғрисидаги ахборотни тўплаш, қайта ишлаш ва тизимлаштириш бўйича фаолияти.

Мамлакатимизда ҳуқуқий мониторинг билан боғлиқ масалалар “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ҳуқуқий мониторингнинг замонавий механизмлари асосида қонун ҳужжатлари ижросининг самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 2 ноябрдаги ПҚ–4505-сон қарорига[12] мувофиқ амалга оширилади.

Ҳозирги замонавий шароитда ҳуқуқий мониторинг қонун ижодкорлиги фаолиятида прокуратура иштирокининг асосий ташкилий шаклларидан бири бўлиб, прокуратура органлари томонидан олиб бориладиган мониторинг предмети ҳуқуқ ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш амалиётида қонунийлик ҳолати ҳисобланади. Бунда прокуратура томонидан ҳуқуқий мониторингнинг амалга оширилиши давлат органларининг ҳуқуқ ижодкорлиги функциясини амалга оширишда унинг иштирок этиши учун зарурий шарти ҳисобланади.

Ҳуқуқий мониторинг прокуратура фаолиятининг самарадорлигини сезиларли даражада ошириш имконини беради ва прокурорлар томонидан бундай фаолиятни амалга ошириш ижтимоий муносабатларини ҳуқуқий тартибга солиш эҳтиёжларини аниқлаш, қонун ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш, қабул қилиш ва қўллаш босқичларида талаб қилинади[13].

Бундан ташқари, прокуратура органлари томонидан ҳуқуқий мониторинг ўтказишнинг норматив-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш зарур. Хусусан, “Прокуратура тўғрисида”ги қонун ва ҳуқуқий мониторингга оид қонунчиликда прокуратура томонидан ҳуқуқ ижодкорлиги фаолияти ва ҳуқуқни қўллаш амалиётида қонунийлик ҳолатини ҳуқуқий мониторинг қилиш бўйича нормалар билан тўлдириш, Бош прокурорнинг буйруғи билан прокуратура органлари томонидан ҳуқуқ ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш амалиётида қонунийлик ҳолатини

мониторинг қилиш бўйича йўриқнома тайёрлаш ва тасдиқлаш, унда ҳуқуқий мониторингни амалга ошириш учун ахборотни йиғиш, умумлаштириш, таҳлил қилиш ва баҳолаш усулларини, якуний ҳужжатлардан фойдаланиш шакли, тузилиши ва тартибини, мониторингни амалга оширувчи мансабдор шахслар ва бўлинмаларнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари, жавобгарлиги ва ўзаро ҳамкорлигини атрофлича белгилаш зарур.

Давлат органлари ва ташкилотлар томонидан қонунларнинг ижро этилишини назорат қилиш жараёнида уларни такомиллаштириш мақсадида ҳуқуқий мониторингни амалга ошириш прокуратура органлари фаолиятининг муҳим йўналишларидан бири бўлиши лозим.

Прокуратура ҳуқуқий мониторинг доирасида ҳуқуқ ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш фаолиятидаги қонунийлик ҳолатини кузатиш имкониятига эга бўлади. Ҳуқуқий мониторинг прокурорларга қонунчиликка зид бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қонунчиликка мувофиқлаштириш ва уларнинг қабул қилинишига йўл қўймасликка эришишга имкон беради.

Прокурорларнинг мониторинг фаолияти ҳуқуқ ижодкорлиги жараёнида қонунийлик ҳолатини давлат томонидан назорат қилишнинг асосий шакли ҳисобланади. Шу билан бирга, прокуратура органлари томонидан олиб борилаётган мониторинг қонун чиқарувчи орган томонидан чиқарилаётган қонунларнинг бажарилишини назорат қилишнинг зарур воситаларидан бири бўлиб хизмат қилади[14].

Маълумки, ҳуқуқ ижодкорлиги субъектлари, шу жумладан Олий Мажлис ҳам қонунчилик ҳужжатлари ижросини бевосита назорат қилиш имкониятига эга эмас. Шу боис ушбу жараёнда прокуратура органлари билан ҳамкорлик қонунларга аниқ риоя қилмаслик ҳолатларини аниқлаш ва уларни бартараф этиш имконини беради.

Прокуратура мониторинг натижаларидан фойдаланган ҳолда фуқароларнинг мурожаатларига жавоблар беради, маърузалар қилади ва парламент палаталарига, уларнинг қўмиталари ва комиссияларига қонунийлик ҳолати тўғрисида маълумот бериши мумкин бўлади[15]. Прокуратура органлари томонидан ҳуқуқий мониторингнинг амалга оширилиши ҳуқуқ ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш амалиётида қонунийликни мустаҳкамлаш бўйича прокуратура органларининг ўз вақтида чоралар кўришини таъминлайди[16].

Прокурорлар ҳуқуқий мониторингни қонунийлик ҳолати тўғрисидаги маълумотларни тўплаш ва умумлаштириш, таҳлилий ва ахборот ишларини олиб бориш, шунингдек, жамоат бирлашмалари ва бошқа нодавлат тузилмалар билан ҳамкорлик қилиш орқали амалга ошириши мумкин.

Прокуратура ходимларини қонунийлик ҳолати мониторингини амалга ошириш бўйича кўникмаларини шакллантириш мақсадида уларни ўқитиш учун ўқув дастурларини тузиш ва малакасини ошириш бўйича ўқув машғулотларига киритиш, шунингдек, ўқув-услубий семинар, симпозиум, конференция ва давра суҳбатларини ўтказиш мақсадга мувофиқ.

Шунингдек, прокуратура томонидан ўтказиладиган қонунийлик ҳолати мониторингининг ахборот билан боғлиқ таркибий қисмини ривожлантириш, хусусан, Бош прокурор томонидан Олий Мажлис Сенатига тақдим этиладиган ўз фаолияти ҳақидаги ҳисоботнинг муҳим қисмига айланиши керак.

Бош прокурорнинг прокуратура органлари томонидан ҳуқуқ ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш амалиётида қонунийлик ҳолатини мониторинг қилиш бўйича йўриқномани тасдиқлаш бўйича алоҳида буйруғини ишлаб чиқиш

ва тасдиқлаш, унда бундай фаолият субъектлари ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик методикаси, ҳажми, мазмуни ва тартибини белгилаш мақсадга мувофиқ.

Прокуратура органлари томонидан ҳуқуқий мониторингни ўтказиш билан боғлиқ фаолиятини мувофиқлаштириб бориш вазифасини Бош прокуратуранинг Қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш муаммоларини таҳлил қилиш бошқармасига юклаш ўринли бўларди.

Юқоридагилар билан бир қаторда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ҳуқуқий мониторингнинг замонавий механизмлари асосида қонун ҳужжатлари ижросининг самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида" 2019 йил 2 ноябрдаги ПҚ–4505-сон қарорига[17] ҳам тегишли ўзгартиришлар киритиш, бунда мазкур тизимда прокуратура органлари иштирокини назарда тутиш лозим.

Хулоса қилиб айтганда, прокуратуранинг ҳуқуқ ижодкорлиги фаолиятида иштирок этиши қабул қилинаётган ҳуқуқий ҳужжатлар сифатини оширишга имкон беради. Зеро, прокурорлар ўз ваколатларига кўра, ҳуқуқ ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти ҳолати тўғрисида кенг ва ҳар томонлама маълумотларни жамлайдилар, улар ижтимоий муносабатларнинг деярли барча соҳаларида ҳуқуқий тартибга солиш зарурлигини аниқлаш ва мамлакатдаги қонунийлик ва ҳуқуқ-тартибот ҳолатини ҳар томонлама таҳлил қилиш ва баҳолашни амалга ошириш имконига эгадирлар.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР


1. *Радько Т.Н.* Теория государства и права. – М., 2009. – С. 443.

2. *Бессарабов В.Г.* Организация и деятельность Российской прокуратуры (1996–2006). – Нальчик, 2006. – С. 62.

3. *Рябцев В.П.* Прокурорский надзор: Курс лекций. – М., 2006. – С. 252–253.

4. Комментарий к Федеральному закону "О прокуратуре Российской Федерации" / Под общ. ред. Ю.И.Скуратова. – М., 1996. – С. 39.

5. *Кузьмин В.А., Китрова Е.В.* Комментарий к Федеральному закону от 17 января 1992 г. № 2202-1 "О прокуратуре Российской Федерации" // СПС "КонсультантПлюс"; *Винокуров А.Ю.* Согласование Генеральным прокурором Российской Федерации нормативных правовых актов: вопросы правового регулирования и правоприменительной практики // Вестник Академии Генеральной прокуратуры Российской Федерации. – 2014. – № 2 (40). – С. 80–81.

6. *Шалумов М.С., Шалумова Н.Э.* Участие в правотворческой деятельности как функция современной российской прокуратуры // Актуальные проблемы российского права. – 2015. – № 5.

7. *Дудин Н.П., Головко И.И.* Участие прокуратуры в правотворческой деятельности: конспект лекции для слушателей ФПППК. – Санкт-Петербург , 2014. – С.10 –11.

8. *Баженов А.И.* Юридическая экспертиза в практике работы органов прокуратуры // Вестник ТГУ. – 2009. – №8 (76). – С. 389–390.

9. *Шалумова Н.Э.* Организация работы правоохранительных и судебных органов по реабилитации: Монография. – Кострома, 2008. – 210 с.

10. *Хабриева Т.Я.* Формирование правовых основ антикоррупционной экспертизы нормативных правовых актов // Журнал российского права. – 2009. – № 10. – С.5; *Винокуров А.Ю.* Требование прокурора об изменении нормативного правового акта при выявлении в нем коррупциогенных факторов // Законность. – 2012. – № 2. – С. 10–14.

11. *Чеснокова М.Д.* Мониторинг законодательства и правоприменительной практики: опыт субъектов Российской Федерации // Журнал российского права. – 2010. – № 8. – С. 89–95.

12. Сборник материалов межрегионального научно-практического семинара по проблемам мониторинга законодательства и правоприменительной практики в субъектах Российской Федерации. – М., 2007. – С. 21–22.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ҳуқуқий мониторингнинг замонавий механизмлари асосида қонун ҳужжатлари ижросининг самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 2 ноябрдаги ПҚ–4505-сон қарори // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 02.11.2019 й., 07/19/4505/3987-сон.

14. *Капинус О.С., Казарина А.Х., Иншаков С.М., Тищенко В.Н.* Анализ состояния законности и правопорядка в Российской Федерации: схема и методические рекомендации. – М., 2009.

15. *Горохов Д.Б., Спектор Е.И., Глазкова М.Е.* Правовой мониторинг: концепция и организация // Журнал росс. права. – 2007. – № 5. – С. 29–30.

16. *Мыцыкова О.И.* Участие прокуратуры в правотворческой деятельности как важнейший механизм укрепления законности в стране и исполнения международных обязательств // Прокурорская и следственная практика. – 2004. – № 3. – С 110–112.

17. *Бабаев С.Н.* Участие прокуратуры в реализации правотворческой функции // Вестник Воронежского государственного университета. – 2014. – № 3. – С. 48–49.

18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ҳуқуқий мониторингнинг замонавий механизмлари асосида қонун ҳужжатлари ижросининг самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 2 ноябрдаги ПҚ–4505-сон қарори // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 02.11.2019 й., 07/19/4505/3987-сон.

***М. Д. Зиядуллаев,***
*юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD)*

# МИНИМАЛ ИСТЕЪМОЛ ХАРАЖАТЛАРИНИНГ ЖОРИЙ ЭТИЛИШИ ИЖТИМОИЙ ТАЪМИНОТ ОЛУВЧИЛАРГА ҚАНДАЙ АФЗАЛЛИКЛАР БЕРАДИ

**Аннотация.** Ушбу мақолада республикамизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг натижадорлиги, иқтисодий ривожланиш жараёнларидан аҳолининг барча қатламлари, шу жумладан кам таъминланган аҳолининг манфаатдорлиги, хусусан, камбағалликни қисқартиришга қаратилган чора-тадбирлар, халқаро тажрибалар, камбағаллик иборасини илк маротаба расман эълон қилинганлиги, минимал истеъмол саватчаси, яшаш минимумлари ва минимал истеъмол харажатлари ҳамда уларнинг ҳисоблаб чиқариш усуллари ёритилган.

Шунингдек, минимал истеъмол харажатлари эълон қилингандан кейин пенсия миқдори кам бўлган шахсларнинг ижтимоий таъминотидаги ўзгаришлар, аҳолининг умумий даромадларининг децил гуруҳларга бўлиб ўрганилиши, дунё давлатларида кам таъминланганлик даражалари каби маълумотлар мазмун-моҳияти очиб берилган.

**Таянч сўзлар:** минимал истеъмол саватчаси, яшаш минимуми, минимал истеъмол харажатлари, болаликдан ногиронлик нафақалари, минимал ёшга доир пенсия, боқувчисини йўқотганлик пенсиялари, реал истеъмол харажатлари, мутлақ (абсолют), нисбий ва субъектив усуллар.

**Аннотация.** В статье рассматриваются проводимые в стране реформы, направленные на интересы всех слоев населения в процессе экономического развития, в том числе малообеспеченных, в частности, меры по сокращению бедности, международный опыт, а также первое официальное объявление таких словосочетаний, как минимальная потребительская корзина, прожиточный минимум и минимальные потребительские расходы и методы их расчета.

Также раскрывается суть таких понятий, как изменения в социальной защищенности малообеспеченных людей после объявления минимальных потребительских расходов, изучение общих доходов населения в децильных группах, уровень бедности в странах мира.

**Ключевые слова:** минимальная потребительская корзина, прожиточный минимум, минимальные потребительские расходы, пособие по детской инвалидности, минимальная пенсия по старости, пенсия по случаю потери кормильца, реальные потребительские расходы, абсолютный, относительный и субъективный методы.

**Annotation.** This article describes the effectiveness of the reforms carried out in the country, the interests of all segments of the population in the process of economic development, including the poor, in particular, measures to reduce poverty, international experience, as well as the first official announcement of the phrase “poverty”, minimum consumer basket, living wage and minimum consumer costs and methods of calculating them. It also reveals the essence of the data, such as changes in the social protection of poor people after the announcement of the minimum consumer spending, the study of the total income of the population in decile groups, the level of poverty in the countries of the world.

**Keywords:** minimum consumer basket, living wage, minimum consumer spending, child disability allowance, minimum old-age pension, survivor’s pension, real consumer spending, absolute, relative and subjective methods.

Маълумки, Ўзбекистон тарихида илк бор камбағаллик масаласи 2020 йилнинг 24 январида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий

Мажлисга Мурожаатномасида кун тартибидан ўрин олди ва у ижтимоий-иқтисодий сиёсатнинг асосий устувор йўналишларидан бирига айланди.

Шу ўринда мамлакатда ижтимоий-иқтисодий соҳаларда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг натижадорлигини таъминлаш, иқтисодий ривожланиш жараёнларидан аҳолининг барча қатламлари, шу жумладан кам таъминланган аҳолининг манфаатдорлигини ошириш, хусусан, камбағалликни қисқартиришга қаратилган чора-тадбирларнинг манзиллилигини таъминлаш мақсадларини инобатга олиб, халқаро тажрибадан фойдаланган ҳолда аҳоли ўртасида ижтимоий нафақа ва моддий ёрдам пулини тўлаш ёки уларнинг миқдорини ошириш орқали ушбу муаммони ҳал этиш мумкин, деган фикрлар мавжуд. Бу бир томонлама ёндашув бўлиб, муаммони тўла ечиш имконини бермайди. Зеро, камбағалликни камайтириш – бу аҳолида ишчанлик, шижоат, тадбиркорлик руҳини уйғотиш, инсоннинг ички куч-қуввати ва салоҳиятини тўлиқ рўёбга чиқариш, янги иш ўринлари яратиш бўйича комплекс иқтисодий, ижтимоий сиёсатни амалга оширишга қаратилган бўлиши лозим. Бундан ташқари, камбағалликдан чиқиб кетишнинг энг муҳим омилларидан бири бу инсондаги кучли интилиш, ўз кучига таянган ҳолда, аниқ мақсад сари манзилли ҳаракат қилишдир.

Хўш камбағаллик ўзи нима?

Камбағаллик бу – ижтимоий-иқтисодий ҳодиса сифатида мамлакатнинг иқтисодий ривожланиш даражаси билан бевосита боғлиқ ҳисобланади.

Жаҳон банки томонидан берилган таърифга кўра, камбағал бу – шахс ёки оиланинг иқтисодий ҳолатининг ифодаси. Яъни уларнинг минимал зарурий эҳтиёжларини қондиришга имкони йўқлиги, муҳтожлик ҳолати ҳамда яшашга шароитлари етишмаслигини англатади.

Ҳозирги кунда дунёда камбағалликни белгилашнинг қуйидаги усуллари мавжуд. Булар – мутлақ (абсолют), нисбий ва субъектив усуллар.

Жаҳон банки ва Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан бугунги кунда камбағалликни баҳолашда мутлақ (абсолют) усулидан кенг фойдаланилмоқда.

Бу, яъни мутлақ (абсолют) усул белгиланган яшаш минимумига тўғри келадиган камбағаллик чегарасини аниқлаш ва уни аҳоли даромади ёки харажатлари билан таққослашга асосланган. Бунда инсон минимал даражада зарур маҳсулот ёки ҳаётий шароитларни таъминлаш учун бошқа зарурий товар истеъмол қилолмаса, у камбағал ҳисобланади. Мутлақ камбағаллик – ижтимоий кўмакка муҳтож кишиларни аниқлаш учун ўлчанади.

Яшаш минимуми ўзи нима ва у нима учун керак?

Содда қилиб айтганда, яшаш минимуми – муайян вақт давомида инсон ҳаёти ва унинг саломатлигини сақлаш учун зарур маҳсулот, товар ва хизматларнинг энг кам тўплами. Яъни овқатланиш, кийиниш, коммунал ва бошқа хизмат ҳақини тўлаш, энг зарур дори-дармонларни харид қилиш ва ҳ.к. Буларнинг барчаси маҳсулотлар саватчасини бутлаш учун асос бўлиб хизмат қилади. Бу маълумотлардан, ўз навбатида, тирикчилик учун зарур энг кам миқдорни белгилаш мақсадида фойдаланилади.

Истеъмол саватчаси, яшаш минимуми билан минимал истеъмол харажатларининг фарқи нимада?

Истеъмол саватчаси – инсон саломатлиги ва унинг умри мобайнидаги ҳаётий фаолиятини таъминлаш учун зарур бўлган истеъмол товарлари ҳамда хизматлар тўплами. Истеъмол саватининг рўйхати ва таркиби жами аҳоли, шунингдек алоҳида ижтимоий-демографик гуруҳлар учун аниқланади.

Яшаш минимуми – кам таъминланган аҳолининг бюджет тузилмасига тўғри келадиган истеъмол саватининг харажатлар қийматини ифодалайдиган ижтимоий стандарт бўлиб, ўз ичига солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни олади.

Минимал истеъмол харажати – инсонларнинг соғлом ҳаёт кечиришлари учун зарур озиқ-овқат маҳсулотларининг минимал энергиявий ва ноозиқ-овқат ҳамда хизматлар харажатларининг ҳисобланган қийматлари йиғиндиси бўлиб, уй хўжаликларининг реал истеъмол харажатлари таркибини ўрганиш асосида аниқланади.

МДҲ давлатларида асосан истеъмол саватчаси ва яшаш минимуми тушунчалари ишлатилади. Мисол учун, Россия Федерациясида 1997 йилдаги "Россия Федерациясидаги тирикчилик учун зарур энг кам миқдор тўғрисида" ва 2012 йилдаги "Россия Федерациясида истеъмол савати тўғрисида"ги қонунлари амал қилади. Россия Федерациясида истеъмол саватчаси ҳар 5 йилда белгиланади ва эълон қилинади. Истеъмол саватчасининг 50 фоизини Озиқ-овқат маҳсулотлари, 25 фоизини ноозиқ-овқат товарлари ва 25 фоизини хизматлар ташкил этади[1].

Қозоғистон Республикасида озиқ-овқат саватчаси илмий асосланган озиқ-овқат маҳсулотлари истеъмолининг физиологик нормалари бўйича ҳисоблаб чиқарилади. Ноозиқ-овқат товарлари ва хизматларга харажатларнинг қатъий белгиланган улуши минимал истеъмол саватчаси қийматининг 45 фоизи миқдорида белгиланади. Бунда, қозоғистонликларнинг истеъмол саватчасидаги озиқ-овқат маҳсулотлари улуши 55 фоизи, ноозиқ-овқатлар улуши 25 фоиз, хизматлар улуши эса 20 фоизни ташкил этади[2].

Европа давлатларида камбағаллик чегарасини аниқлашнинг нисбий усули кенг қўлланилади. Бунда шахс даромади умумий аҳоли даромадининг жамига нисбатан таққослаш орқали аниқланади (масалан: аҳоли даромадлари ўрта даражасининг (медианасининг) 50 фоизи, 60 фоизи ва ҳ.к.).

Венгрия, Эстония, Латвия, Черногория, Чехия каби давлатларда аҳоли даромадлари медиана қийматининг 60 фоиздан кам қисми камбағаллик чегараси сифатида қабул қилинган бўлса, мазкур кўрсаткич мос равишда Польшада 50, Германияда 75 фоизни ташкил этади.

Кам таъминланганлик даражаси ҳар бир давлатда ўз аҳолисининг умумий ижтимоий-иқтисодий ҳолатидан келиб чиқиб баҳоланади. МДҲ давлатларида кам таъминланганлик даражаси умумий аҳолига нисбатан Озарбайжонда 5,1%, Арманистонда 23,5%, Беларусь Республикасида 5,6%, Тожикистонда 27,4%, Қозоғистонда 4,3%, Қирғизистонда 22,4%, Молдовада 9,6%, Россия Федерациясида 12,6% ва Украинада 1,3% ни ташкил этган бўлса[3], Европа Иттифоқи давлатларида кам таъминланганлик даражаси Германияда 16,0%, Испанияда 21,5%, Францияда 13,4%, Италияда 20,3%, Польшада 14,8%, Словакияда 12,2% ни ташкил этмоқда[4]. Америка Қўшма Штатларида кам таъминланганлик даражаси 11,8 % ташкил этган бўлса, ушбу кўрсаткич Канадада 9,5 % га тенг ҳисобланади[5].

Мамлакатимизда камбағаллик даражасини аниқлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ва тегишли вазирлик ҳамда илмий тадқиқот институтлари томонидан Жаҳон банки экспертлари билан ҳамкорликда ўрганишлар олиб борилди. Ўрганишлар натижасида камбағаллик даражасини аниқлаш учун озиқ-овқат, ноозиқ-овқат маҳсулотлари ва хизматлардан иборат ҳамда бир киши учун зарур бўлган минимал истеъмол харажатлари қиймати тушунчаси киритилди. Мазкур усулнинг ўзига хослиги аҳоли реал истеъмоли таркиби ва характеридан (consumption

behavior) келиб чиқади. Бугунги кунда республикамизда минимал истеъмол харажатлар қиймати 440 минг сўмни ташкил этилиши эълон қилинди ва ушбу қиймат босқичма-босқич қайта кўриб чиқилиши белгиланди.

Минимал истеъмол харажатларига нималар киритилган? Қандай ҳисоб-китоб қилинган?

Давлат статистика қўмитаси томонидан мунтазам равишда уй хўжаликлари сўрови ўтказиб келинади. Мазкур сўров натижалари бўйича олинган маълумотлар асосида аҳолининг даромад ва харажатларидан келиб чиқиб, аҳоли 10 та гуруҳга (10 фоизлик) ажратилди ва қуйи 30 фоиз учун (чунки ушбу гуруҳларда даромадлар ошишига ҳамоҳанг тарзда озиқ-овқат учун харажатлар деярли бир хил ўсиши кузатилади) озиқ-овқат, ноозиқ-овқат ва хизматларга харажатлар хусусияти ўрганилди.

**Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг умумий даромадларини 10 фоизли гуруҳларга бўлинган ҳолда нотекис тақсимланиши**

(уй хўжаликлари танлама кузатувлари маълумотларига асосан)[5]

| Децил гуруҳлари | 2015 й. | 2016 й. | 2017 й. | 2018 й. | 2019 й. | 2020 й. |
|---|---|---|---|---|---|---|
| I децил | 3,7 | 3,8 | 3,9 | 3,9 | 3,7 | 3,4 |
| II децил | 5,3 | 5,4 | 5,5 | 5,4 | 5,3 | 5,1 |
| III децил | 6,3 | 6,4 | 6,4 | 6,4 | 6,4 | 6,2 |
| IV децил | 7,2 | 7,3 | 7,2 | 7,3 | 7,3 | 7,1 |
| V децил | 8,0 | 8,1 | 8,1 | 8,1 | 8,2 | 8,1 |
| VI децил | 9,0 | 9,1 | 9,1 | 9,1 | 9,2 | 9,1 |
| VII децил | 10,0 | 10,2 | 10,2 | 10,3 | 10,5 | 10,5 |
| VIII децил | 11,4 | 11,5 | 11,6 | 11,7 | 12,1 | 12,1 |
| IX децил | 13,5 | 13,8 | 13,9 | 14,1 | 14,7 | 14,8 |
| X децил | 25,6 | 24,4 | 24,1 | 23,7 | 22,6 | 23,5 |

Ушбу гуруҳда умумий харажатларнинг қарийб 67 фоизи озиқ-овқат маҳсулотлари, қолган 33 фоизи ноозиқ-овқат товарлари ва хизматлар улушига тўғри келади. Шунга кўра, керакли калория ва озиқ-овқат қийматидан келиб чиқиб, зарурий минимал харажатлар миқдори ҳисоблаб чиқилди.

Маълумот учун, ФАО томонидан Ўзбекистон Республикасида бир киши ўртача кунига 2100–2300 ккал озиқ-овқат маҳсулотлари истеъмол қилиши кераклиги тавсия этилган. Ушбу усул умумий ёки стандарт ёндашувлардан фарқли равишда кам даромадли аҳолининг реал истеъмоли хусусиятларини акс эттиради. Бошқача қилиб айтганда, кам даромадли аҳолининг керакли калория ва қийматдаги озиқ-овқат, ноозиқ-овқат маҳсулотлари ва хизматлар учун минимал харажатлари миқдори аниқланади.

Таъкидлаш лозимки, бу усул ва ёндашув жаҳон амалиётида кенг қўлланиб келинаётган мезонлардан бири бўлиб, халқаро экспертлар томонидан ҳозирда Ўзбекистон учун энг мақбул ва тўғри келадиган ёндашув сифатида тавсия этилмоқда.

Мазкур усул ва мезон бизга келажакда камбағалликни қисқартириш бўйича

кўрилаётган чора-тадбирларни аниқ, манзилли ташкил этишда амалий жиҳатдан қўл келадиган механизм бўлиб хизмат қилади.

Кутилаётган натижалар нималардан иборат?

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида таъкидланганидек, 2021 йилда иқтисодий ислоҳотларнинг пировард мақсади камбағалликни қисқартириш ва аҳоли фаровонлигини ошириш мақсадида қатор вазифаларни белгилаб берди. Жумладан:

– камбағалликни қисқартириш борасида комплекс ёндашув ва ностандарт усуллар жорий этилиши, яъни камбағал аҳолининг асосий эҳтиёжларини кафолатли таъминлаш бўйича халқаро экспертлар билан чуқур таҳлил асосида ҳисоб-китобларни якунига етказилиши;

– "Аҳолининг минимал истеъмол харажатлари қиймати" жорий этилиши;

– мазкур ёндашув аҳолининг камбағал қатламига кредит, ижтимоий нафақа ёки уй бериш билан биргаликда, таълим, соғлиқни сақлаш, касб-ҳунарга ўқитиш, ичимлик суви, энергия ва йўл инфратузилмаси билан боғлиқ комплекс муаммоларни ҳал этишни назарда тутиш ва эҳтиёжманд аҳолини тўғри аниқлаш, шу асосда улар билан манзилли ишлаш тизимини яратилиши;

– ижтимоий кафолатларни бир тизимга келтириб, уларни минимал меъёрлар даражасида босқичма-босқич таъминлаш бўйича дастур ишлаб чиқилиши[6].

Минимал истеъмол харажатларининг расмий белгиланиши аҳолининг ижтимоий ҳаёт тарзига қандай таъсир қилади?

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 39-моддасида: Ҳар ким қариганда, меҳнат лаёқатини йўқотганда, шунингдек боқувчисидан маҳрум бўлганда ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқига эга. Пенсиялар, нафақалар, ижтимоий ёрдам бошқа турларининг миқдори расман белгилаб қўйилган тирикчилик учун зарур энг кам миқдордан оз бўлиши мумкин эмаслиги белгиланган.

Ушбу норма республикамиз мустақилликка эришгандан қарийб 30 йил мобайнида ҳаракатсиз тарзда фаол бўлиб келди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномасида айнан камбағаллик ибораси расман биринчи бор эълон қилинди ва амалга оширилиши зарур бўлган ташкилий ишлар белгилаб берилди.

Республикамизда эълон қилинган минимал истеъмол харажатларидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан жорий йилнинг 4 июнида "Аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштиришга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармони қабул қилинди. Унга кўра аҳоли турмуш даражасини оширишга қаратилган чора-тадбирлар изчиллигини таъминлаш ва ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларни қўллаб-қувватлаш механизмларини янада такомиллаштириш мақсадида 2021 йилнинг 1 июлидан бошлаб:

а) ёшга доир энг кам пенсия миқдорида ва ундан кам пенсия олувчи шахсларга пенсияни ҳисоблаш базавий миқдорининг 20 фоизи миқдорида қўшимча тўлов жорий этилди. Иш стажи тўлиқ бўлмаган чоғдаги пенсияларнинг энг кам миқдори 256 675 сўмдан 400 000 сўмга оширилди;

б) умумий белгиланган ёшга доир ва ногиронлик бўйича пенсиялар миқдори 565 000 сўмга етказилди;

в) зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган нафақа миқдори 315 030 сўмдан 400 000 сўмга етказилди;

г) боқувчисини йўқотганлик пенсияси олувчиларнинг ҳар бир меҳнатга қобилиятсиз оила аъзоси учун қўшимча тўлов жорий этилди ва пенсия олувчиларнинг бир нафар меҳнатга қобилиятсиз оила аъзоси учун пенсиянинг энг кам

миқдори 256 675 сўмдан 400 000 сўмга оширилди.

Нафақа олувчи оилаларнинг барча аъзоларини қамраб олиш мақсадида уларнинг бир нафар меҳнатга қобилиятсиз оила аъзоси учун нафақа миқдори 400 000 сўм ва кейинги ҳар бир меҳнатга қобилиятсиз оила аъзоси учун 150 000 сўмдан қўшилиши белгиланди;

д) болаликдан ногиронлиги бўлган шахсларга бериладиган нафақа ойига 513 350 сўмдан 565 000 сўмга оширилди[7].

Хулоса ўрнида минимал истеъмол харажатларини белгиланиши, аҳолининг ижтимоий қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштиришга, яшаш минимуми учун етарли бўлмаган пенсия ва нафақа олувчиларнинг Конституция билан белгилаб қўйилган ҳуқуқларини рўёбга чиқишига яна бир асос бўлиб хизмат қилади.

Босқичма-босқич, энг кам пенсия ва нафақалар миқдори минимал истеъмол харажатларидан кам бўлмаган миқдорида белгиланиши йўлга қўйилади.

Буларнинг барчаси республикамизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг аҳоли турмуш даражасини оширишга, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларни қўллаб-қувватлашга ҳамда аҳоли фаровонлиги ва унинг тўла тўкис ҳаёт кечиришига замин яратиш мақсадларига қаратилганлигидан далолат беради.

Зеро, янги Ўзбекистонда барча инсонлар келажакда эмас, балки бугун бахтли ва фаровон яшашга ҳақлидирлар.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР


1. http://publication.pravo.gov.ru/Document/View/0001201712130015.
2. https://online.zakon.kz/Document/?doc_id=35276520#pos=0;0https://online.zakon.kz/Document/?doc_id=35276520.
3. “Мониторинг показателей ЦУР в регионе СНГ 2015-2018”.
4. https://ec.europa.eu/eurostat.
5. https://www.povertyusa.org/facts,https://www.statcan.gc.ca/eng/topics-start/poverty.
6. www.stat.uz.
7. https://president.uz/uz/lists/view/4057.

***А. А. Худойбердиев,***
*ИИВ Академияси Давлат ҳуқуқий фанлар ва инсон ҳуқуқларини таъминлаш кафедраси бошлиғи ўринбосари вазифасини бажарувчиси, юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент*

# ОММАВИЙ ТАДБИРЛАР ЎТКАЗИШДА ЖАМОАТ ТАРТИБИНИ САҚЛАШ ВА ХАВФСИЗЛИГИНИ МАЪМУРИЙ-ҲУҚУҚИЙ ТАЪМИНЛАШНИНГ АҲАМИЯТИ

**Аннотация.** Мақолада оммавий тадбирларни ўтказишда жамоат тартиби ва хавфсизлигини маъмурий-ҳуқуқий таъминлаш бўйича ҳозирги кундаги муаммолари таҳлил этилган.
**Таянч сўзлар:** Оммавий тадбир, оммавий йиғилишлар, оммавий тартибсизликлар, жамоат тартиби, жамоат жойлари, хавфсизлик.

**Аннотация.** В статье проанализированы современные проблемы и значение административно-правового обеспечения по охране общественного порядка и безопасности при проведении массовых мероприятий.
**Ключевые слова:** массовое мероприятие, массовые собрания, массовые беспорядки, общественный порядок, общественные места, безопасность.

**Annotation.** The article analyzes the current problems and the importance of administrative and legal support for the protection of public order and security during mass events.
**Keywords**: Mass event, mass meetings, mass riots, public order, public places, security.

Жамоат тартиби ва хавфсизлигини муҳофаза қилишда давлат ҳокимияти, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда давлат ташкилотлари ва нодавлат тузилмаларнинг фаолияти, жамоатчиликнинг иштироки бир қатор тамойилларга – бундай фаолият турини ташкиллаштириш, мазмунини белгилаб берадиган асосий қоидалар, ғояларга асосланади. Жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги давлат сиёсатининг энг муҳим принциплари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, қонунлари ва қонуности ҳужжатларида ўз ифодасини топган. Жамоат тартиби ва хавфсизлигини муҳофаза қилиш ижтимоий, конституциявий ва маъмурий ҳуқуқ фанларида предметли ёритилган. Тамойиллар ҳодисаларнинг моҳиятини, ижтимоий муносабатлар тараққиётининг ҳақиқий жараёнларини ўзида акс эттиради, яъни улар объектив хусусиятга эга. Жамоат тартиби ва хавфсизлигини муҳофаза қилиш тамойиллари у ёки бу ҳолатда ўзаро бири-бири билан боғлиқ тизимни ташкил қилади. Жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш самарадорлигига мазкур тизимнинг барча тамойилларидан ва ҳар биридан алоҳида-алоҳида фойдаланиш орқали эришилади. Айни пайтда, тизимдан у ёки бу тамойилни ажратиб олиш ҳар бир тамойилнинг ролини аниқ белгилашга имкон беради ва уларни амалиётда қўллашни осонлаштиради.

“Ўтган давр мобайнида ички ишлар органлари тизимини такомиллаш-

тириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Айниқса, ички ишлар органларининг маҳаллаларда жамоат тартибини сақлаш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш учун ташкил этилган қуйи бўғинини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш бўйича салмоқли ишлар қилинди”[1].

Жамоат тартиби ва хавфсизлигини муҳофаза қилиш тамойиллари тизими ижтимоий-ҳуқуқий ва ташкилий-ҳуқуқий тамойиллардан таркиб топади.

Ижтимоий-ҳуқуқий гуруҳга умумижтимоий хусусиятга эга бўлган ва хавфсизлик даражаси ҳамда субъектнинг у ёки бу жойда бўлишидан қатъи назар жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлашни амалга оширадиган тамойиллар киради. Ижтимоий-ҳуқуқий тамойиллар жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлашнинг асосий ишончли қоидалари ҳисобланади. Ташкилий-ҳуқуқий тамойиллар сирасига шундайлар кирадики, улар асосида жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш амалда ташкил қилинади, яъни уларнинг барча турлари ягоналиги ва ўзаро боғлиқлиги, улар устидан тегишли давлат органлари ва жамоат институтларининг назорати каби омилларга амал қилинади. Юқорида келтирилган тамойиллар измига бўйсуниб, жамоат тартиби ва хавфсизлигини муҳофаза қилишнинг энг мақбул йўналишини танлаш, хавфсизлик субъектлари ўртасида жамоат хавфсизлигини таъминлаш вазифаларини бажариш бўйича ваколатларни оқилона тақсимлаш, бир-бирини такрорлашни бартараф қилиш мумкин бўлади.

Юқорида зикр қилинган жамоат тартиби ва жамоат хавфсизлигини муҳофаза қилиш шуни англатадики, унда ҳар бир одам ўз ҳаёти, соғлиғига қарши ҳар қандай тажовуздан муҳофаза қилиниш, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига тажовуз қиладиган ғайриқонуний хатти-ҳаракатлардан ҳимояланиш учун хавфсизлик субъектларига мурожаат қилиш борасида тенг ҳуқуққа эга. Мазкур ҳуқуққа жамоат тартиби ва хавфсизлигини муҳофаза қиладиган субъектларнинг фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш ва у бўйича зарур чоралар кўриш мажбуриятлари мос келади. Ушбу тамойил жамоат хавфсизлиги объектларига нисбатан хавфга тенг равишда жавоб беришни, таъсир чорасини тўғри қўллашнинг ўз вақтида таъминлашни талаб қиладики, жамоат хавфсизлиги соҳасида қонунбузарликни содир этган ҳар бир шахс адолатли жавобгарликка тортилсин, ғайриқонуний қилмишга яраша адолатли жазо берилсин, токи у айбсиз жавобгарликка жалб қилиниб, жазо ёки жаримага тортилмасин. Жамоат хавфсизлигини таъминлашга йўналтирилган фаолият қачонки уни таъминлайдиган субъектлар объектив қонуниятларни билиб, ундан онгли фойдаланса, уларни энг долзарб манфаатларга “хизмат қилишга мажбур қилса” шундай пайтда натижали бўлиши мумкин. Кўриниб турибдики, қонунларни билиш жамоат тартиби ва хавфсизликини таъминлаш масалаларини илмий ҳал қилишнинг зарурий шарти сифатида намоён бўлади. Объективлик тамойили ҳодисаларнинг ижтимоий муҳитдаги мавжуд қийинчилик ва қарама-қаршиликларни ҳақиқий ҳолатини ҳисобга олиш, таҳлил қилишни тақозо қилади. Бундан ташқари, жамиятнинг табиий муҳит билан ўзаро боғлиқлик қонуниятини ҳам ҳисобга олиш муҳим ҳисобланади, чунки табиат яшаш воситаларининг муҳим манбаи бўлиши билан бир вақтда, ижтимоий жараёнларга кутилмаган белгиларни олиб киради, баъзан улар ижтимоий жараёнлар маромига салбий таъсир қилади. Хусусан, мазкур омилни жамоат хавфсизлиги соҳасида эътиборга олиш муҳим аҳамият касб этади. Чунки табиат офатлари ва бошқа табиий ҳодисалар

шахс, жамият ва давлат хавфсизлигига жуда катта салбий таъсир кўрсатади. Жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлашда субъектив омил ҳақиқий шарт-шароитга таянган тақдирдагина, фақат сезиларли ўрин тутиши мумкин. Субъективизм ўзбошимча қарор қабул қилишга олиб келиб, оқибатда ўз вақтида ижро этилмайди. У куч ва воситаларни беҳуда сарф қилиниши, хавфсизликни таъминлаш бўйича фаолиятга рахна солиш, жамоат тартиби ва хавфсизлиги субъектларига нисбатан ишончнинг сўнишига олиб келиши мумкин. Аммо жамиятнинг объектив қонуниятлари ўз-ўзидан, одамларнинг онгли фаолиятидан ташқарида, улар ҳаракатларининг натижали бўлишини таъминламайди. Демак, қонунларни қўллаш одамларнинг фаолиятини қонунларнинг талабига мослаштиришдир.

Бундан хулоса шуки, жамият қонунларидан фойдаланишда объектив қонуниятлар билан одамларнинг субъектив фаолиятлари ўртасидаги боғлиқлик мавжуд экан.

Ҳуқуқшунос олимларни фикрича, илмийлик асосида маълумотларни чуқур таҳлил қилиш, долзарб муаммоларни аниқлаш, режалаштириш, хавфсизликни таъминлаш бўйича истиқболдаги чораларни режалаштириш, муаммоларни ҳал қилишнинг оптимал вариантларини ишлаб чиқиш, белгилаб олинган режаларни амалга оширишнинг энг самарали йўллари, воситалари ва услубларини танлашни тақозо қилади[2].

Объективлик фаолият мақсадларига эришиш йўлларини аниқлаш масалаларини ҳал қилишга нисбатан энг кам куч ва воситалар талаб қиладиган комплекс ва тизимли ёндашувни талаб этади. Хавфсизликни таъминлашга нисбатан объектив илмий ёндашув хавфсизликни таъминлаш бўйича ишларни ташкиллаштириш ва бевосита фаолиятни олиб боришда фаннинг хулоса ва тавсияларидан самарали фойдаланиш ҳамда хавфсизликни таъминлаш бўйича амалда ўзини оқлаган чораларни аниқлаш, улардан фойдаланиш мақсадида ўз тажрибасини ўрганиш, умумлаштириш, қабул қилинган қарорларнинг оқибатларига ҳаққоний баҳо беришни назарда тутади.

Маълумки, ҳар кунги ҳаётдаги объектив қонуниятлар одамларнинг юриш-туриши, муайян мақсадлари сари интилиши ва ҳаракатлари орқали намоён бўлади. Хавфсизликни таъминлаш тамойиллари қаторига аниқлик элементи ҳам киради. Мазкур тамойилнинг моҳияти хавфсизликни таъминлашда ҳам ички, ҳам ташқи вазиятларга оид ишончли маълумотлар асосида объектив қонунларнинг турли шаклларда намоён бўлишини ҳисобга олиб, уларни ҳаётнинг аниқ шарт-шароитларига нисбатан қўллашда муҳим ўрин эгаллайди.

Айрим ҳуқуқшунос олимлар оммавий тадбирларни ўтказишда жамоат тартиби ва хавфсизлигини маъмурий ҳуқуқий таъминлашнинг аҳамиятли хусусиятларидан бири сифатида самарадорлик тамойилига алоҳида эътибор қаратадилар. Самарадорлик тамойилининг моҳияти шундан иборатки, у жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлашнинг мақсад ва вазифаларига энг кам куч, восита ва вақт сарф қилиш орқали эришишда кўринади. Жамоат тартибини ҳар қандай ижтимоий соҳада, шу жумладан жамоат хавфсизлиги соҳасида таъминлаш моддий, молиявий ва инсон ресурсларига боғлиқ бўлади[3]. Амалиётда қўлланиладиган самарадорлик мезонларига одатда вазифани бажариш харажати миқдори, муддати, уни қопланиш муддати ва бошқа кўрсаткичлар киради.

Мазкур тамойилнинг талаблари масалани ҳал қилишни оптималлаштиришдан, яъни хавфсизликни таъминлаш бўйича қарор лойиҳаларининг турли вариантларини ишлаб чиқиш, уларни

қиёслаш ва энг оптимал вариантини танлашдан иборат.

Жамоат тартибини муҳофаза қилувчи субъектнинг вазифаси масаланинг ечимларини иложи борича юқори эҳтимоллик даражаси билан аниқлаш ва ўрганиш, башарти хавфсизлик субъекти ихтиёрида барча ресурслар етарли бўлса, хавфсизлик мақсадларига эришишни енгиллаштиради. Бундан ташқари, мазкур ечимлар хавфсизлик муҳитига таъсир қиладиган катта-кичик, ички ва ташқи вазият омилларини у ёки бу қарор ё ҳаракатнинг ижтимоий оқибатларини ҳам эътиборга олиши зарур. Хавфсизликни таъминлашнинг самарали воситалари ичида хавфсизликни таъминлашнинг рағбатлантириш, моддий манфаатдорлик, ўз ишининг натижалари учун масъулият каби оптимал услубларни танлаш муҳим ўрин эгаллайди. Самарадорликни ошириш ишида хавфсизлик субъектларига оқилона ташаббус ва мустақил фаолият учун кенг майдон яратиб бериш муҳим аҳамият касб этади.

Демак, самарадорлик хавфсизлик тизимининг оптимал даражада ишлашини таъминлайдиган, жамоат тартиби ва хавфсизлигини муҳофаза қиладиган субъектлар олдида турган вазифаларни муваффақиятли бажарилишига кўмак берадиган муҳим тамойил ҳисобланади.

Жамоат тартиби ва хавфсизлигини муҳофаза қилувчи субъектлар хавфсизликни таъминлаш бўйича устувор йўналишларни белгилаб беради, комплекс дастурларни ишлаб чиқади ва амалга оширади, илмий тадқиқот ишларини олиб боради, хавфсизлик соҳасида қонун-қоидалар, стандартлар ва бошқа норматив ҳужжатларни ишлаб чиқишда қатнашади, хавфсизликни таъминлаш соҳасини кадрлар билан таъминлаш бўйича республика миқёсида дастурлар ишлаб чиқади.

Албатта, тинчлик ва осойишталик бўлмаган жойда сиёсий, ижтимоий, маданий ва иқтисодий ривожланишлар ҳам бўлмайди. Оммавий тадбир даврида кичик бир ҳуқуқбузарлик ҳолатидан оммавий тартиббузарлик ёки катта талафотлар келтирувчи оммавий жиноий ҳаракатлар бошланиб кетиши мумкин. Оммавий тадбирни ўтказишда жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш оммавий тадбирлар ўтказиладиган жойларни қурилишига (қурилиш лойиҳасига) хавфсизлик бўйича қўйиладиган талаблардан бошланиши керак. Республикамизда кўплаб жамоат иншоатлари, оммавий тадбирлар ўтказиладиган жойлар қурилмоқда. Лекин аксарият ҳолларда ушбу иншоатларни лойиҳасини тайёрлашда жамоат хавфсизлиги, ёнғин ва йўл ҳаракати хавфсизликлари инобатга олинмай қолмоқда. Айни пайтдаги мавжуд қонун ва бошқа қонуности ҳужжатларимизда тегишли ваколатли органларнинг хавфсизлик масаласи бўйича талабларини бажариш ёки лойиҳаларни тайёрлашда уларнинг ҳам рухсатини олиш қатъий белгилаб берилмаган. Бу эса оммавий тадбирлар ўтказиладиган жойларни қурилишида жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминланиши борасидаги маъмурий ҳуқуқий муаммолар мавжудлигидан далолат беради.

Бизнинг фикримизча, оммавий тадбирларнинг ўтказилиш жойига жамоат хавфсизлиги тамойиллари асосида қўйилган талаблар ҳам ўзининг қонуний ечимини топмаган. Бунинг натижасида айрим ҳолларда оммавий тадбирлар ўта муҳим ва тоифаланган объектлар, чегара ҳудудлари, жазони ижро этиш муассасаларига туташ жойларда ҳам ўтказилиши кузатилмоқда. Бу эса оммавий тадбир ўтказишдаги жамоат тартиби ва фуқаролар хавфсизлигига бўлган таҳдидни кескин оширади. Ушбу муаммоли ҳолатни ҳал этиш оммавий тадбирлар ўтказишда жамоат тартиби ва фуқаролар хавфсизлигини тўлиқ таъминлаш учун қонун ишлаб

чиқилишини тақозо этади ва ушбу қонунда қуйидагиларни киритиш лозим бўлади:

Оммавий тадбирлар ўтказилиши тақиқланадиган жойларга қуйидагилар киради:

1) хавфли ишлаб чиқариш объектлари ҳамда фойдаланиши махсус хавфсизлик техникаси қоидаларига риоя этилишини талаб этадиган бошқа объектларга бевосита туташ ҳудудлар;

2) кўприк йўллар, темир йўл магистраллари ҳамда темир йўллар, нефть, газ ва маҳсулот ўтказиладиган полосалар, юқори кучланишли электр узатиш линиялари;

3) Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қароргоҳлари, суд бинолари, озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазони ижро этувчи муассасалар ва биноларига бевосита туташ ҳудудлар;

4) чегара зонаси, агар бунинг учун ваколати бор чегара идораларининг махсус рухсати бўлмаса.

Шунингдек, тарих ва маданият ёдгорликлари ҳисобланувчи объектлар ҳудудларида оммавий тадбир ўтказиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва маҳаллий ҳокимият органлари томонидан бундай объектлар хусусиятларини инобатга олган ҳолда белгиланади.

Ҳозирги даврдаги мавжуд норматив ҳуқуқий ҳужжатларда оммавий тадбир ташкилотчилари, давлат ҳокимият органлари, юридик ва жисмоний шахслар бўлиши белгиланган, лекин ҳаракатдаги қонун ҳужжатларида ўрнатилган қоидаларда жисмоний шахс сифатидаги ташкилотчиларнинг аниқ ёшлари белгиланмаган. Ташкилотчи бўла олмайдиган жисмоний ва юридик шахслар таркиби эса кўрсатилмаган. Бу эса давлат бошқарув органлари ва ички ишлар органлари томонидан оммавий тадбирларни ўтказишга масъул ташкилотчилар билан бўладиган ижтимоий муносабатларда кўп ҳолларда муаммоли ҳолатларни юзага келтирмоқда ёки ташкилотчилар томонидан норозиликлар туғилишига сабаб бўлмоқда. Юқоридаги қайд этилган маъмурий-ҳуқуқий ҳолатларни ҳал этиш учун бизнинг фикримизча, оммавий тадбирларни ўтказиш тўғрисидаги қонун ишлаб чиқилиб, унга оммавий тадбир ташкилотчиси бўла олмайдиган шахсларнинг киритилиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Қуйидагилар оммавий тадбир ташкилотчиси бўла олмайди:

1) суд томонидан муомала лаёқатига эга эмас ёхуд чекланган муомала лаёқатига эга деб топилган шахс, шунингдек, суд ҳукми бўйича озодликдан маҳрум қилиш жойида сақланаётган шахс;

2) фаолияти тўхтатилган ёки тақиқланган ёхуд ўзи қонунда белгиланган тартибда тугатилган сиёсий партия, бошқа жамоат бирлашмаси ва диний бирлашма, уларнинг минтақавий бўлинмалари ва бошқа таркибий тузилмалар.

Бизнинг фикримизча, ҳозирги кундаги жиддий муаммолардан бири оммавий тадбирлар ўтказиладиган жойларда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашдаги маъмурий-ҳуқуқий муаммолардир. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисидаги қонунида[4], оммавий тадбирлар ўтказиладиган жойларни қурилиш лойиҳасига Ички ишлар вазирлигининг Давлат йўл ҳаракат хавфсизлиги бошқармаси томонидан белгиланган ҳудудда транспорт воситаларининг ҳаракат хавфсизлиги ва сақлаш жойлари бўйича қўйиладиган талаблар тўғрисида ҳуқуқий ваколатлари белгиланмаган. Бунинг натижасида охирги даврларда қурилаётган ўйингоҳ, концерт заллари, ресторан, супермаркет ва бошқа оммавий тадбирлар ўтказиладиган жойлардаги транспорт ҳаракатлари ёки тўхташ жойлари, умуман йўл ҳаракати хавфсизлигига жавоб бермайди.

Юқорида қайд этилганларни инобатга олган ҳолда Ўзбекистон Республикасининг йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисидаги қонуннинг 9-моддасига қуйидагича қўшимча киритиш таклиф этилади:

– “оммавий тадбирлар ўтказиладиган жойларни қурилиш лойиҳаларига йўл ҳаракати хавфсизлиги талаблари инобатга олинганлиги юзасидан ўз муносабатларини билдиради”;

– “оммавий тадбир ўтказиш даврида маҳаллий ҳокимият билан келишилган тартибда туташ ҳудудлардаги транспорт ҳаракатларини чеклаш ёки йўлларда транспорт ҳаракатларини умуман тақиқлайди”.

**ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 апрелдаги “Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5005-сонли Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2017. – № 15. – 243-м.

2. *Россинский Б.В., Старилов Ю.Н.* Административное право. – М., 2010. – 45 с.

3. *Юсупов Х.А.* Организационно-правовые вопросы охраны общественного порядка и безопасности в современных условиях: Дис. ... канд.юрид.наук. – М., 2003. – 141 с.

4. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. – 1998. – № 5, 6. – 99 модда.

***С. С. Шарипов,***
*ИИВ Академияси Ички ишлар органларининг маъмурий фаолияти кафедраси доценти, юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD)*

# ПАТРУЛЛИК ХИЗМАТЛАРИНИНГ ЖАМОАТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ БЎЙИЧА ИЛҒОР ХОРИЖ ТАЖРИБАСИНИ АМАЛИЁТГА ЖОРИЙ ЭТИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

**Аннотация.** Мақолада хорижий давлатларнинг полиция тизимларида жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш ҳамда патруллик турларининг вужудга келишининг ижтимоий зарурати ва шаклланиш жараёни, патруллик хизматлари фаолиятини ташкил этиш технологияси ва дастурий таъминотига оид тажрибалар АҚШ, Франция, Хитой, Япония ва Бирлашган Араб Амирлиги каби давлатлар полиция хизматининг мисолида илмий таҳлил қилинган. Мазкур илғор хориж тажрибасидан келиб чиққан ҳолда, юртимизнинг жамоат тартиби ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш тизимидаги патруллик хизматларини такомиллаштиришга оид таклиф ва тавсиялар берилган.

**Таянч сўзлар:** жамоат тартибини сақлаш, жамоат хавфсизлигини таъминлаш, полиция, ички ишлар органлари, патруль, пост, патруллик хизмати, полиция технологияси, технологик таъминот, дастурий таъминот.

**Аннотация.** В статье научно проанализирован процесс формирования обеспечения общественного порядка и безопасности, социальная необходимость появления различных видов патрулей, а также технология организации деятельности и программного обеспечения патрульных служб в передовых полицейских системах зарубежных стран, в том числе США, Франции, Китая, Японии и Объединенных Арабских Эмиратов. На основе данного передового зарубежного опыта были даны предложения и рекомендации по совершенствованию патрульных служб в системе обеспечения общественного порядка и общественной безопасности нашей страны.

**Ключевые слова:** охрана общественного порядка, обеспечение общественной безопасности, полиция, органы внутренних дел, патруль, пост, патрульная служба, технологическое обеспечение, программное обеспечение.

**Annotation.** The article scientifically analyzes the process of formation of ensuring public order and security, as well as the social necessity and emergence of different types of patrols, technologies for organizing the activities and software of patrol services in advanced police systems of foreign countries, including the United States, France, China, Japan and the United Arab Emirates. On the basis of this advanced foreign experience, proposals and recommendations were made to improve patrol services in the system of ensuring public order and public security of our country.

**Keywords:** protection of public order, ensuring public security, police, internal affairs bodies, patrol, sentry, patrol service, police technology, technological support, software.

Маълумки, бугунги кунда халқчил ва демократик тамойилларга асосланган янги Ўзбекистон давлатини, эркин фуқаролик жамиятини барпо этмоқдамиз. Шу мақсадда, аввало, бебаҳо бойлигимиз бўлган тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлашга энг муҳим устувор вазифа сифатида эътибор қаратилмоқда.

Мамлакатимизда жамоат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашишнинг яхлит тизимини шакллантириш, ички ишлар органларининг энг қуйи бўғинидан республика даражасигача самарали фаолиятини йўлга қўйиш ва замонавий иш услубларини жорий этиш орқали мамлакатимизда ҳуқуқ-тартибот, қонунийликни мустаҳкамлаш, аҳолининг тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш мақсадида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда [1]. Бунинг натижасида жорий йилнинг олти ойи якунига кўра, мавжуд 9 минг 251 та маҳалладан қарийб 50 фоизида бирорта ҳам жиноятга йўл қўйилмаганини алоҳида таъкидлаш лозим. Бу, албатта, ислоҳотларимизнинг ижобий самарасидан далолат бериб, ишларимизни изчил давом эттиришни тақозо этади [2].

Дарҳақиқат, юртимиз шаҳарларининг шиддат билан ривожланиб, тобора замонавий қиёфа акс этиб бораётгани унинг марказий кўчалари ва бошқа жамоат жойларида жамоат тартиби ва хавфсизлигини замон талаблари асосида таъминлашни талаб қилмоқда. Айниқса, жамоат хавфсизлигини таъминлашда патруллик хизмати томонидан аҳолига хизмат кўрсатиш ва кенг жамоатчилик билан ҳамкорлик қилишнинг таъсирчан механизмларини яратиш, патруллик хизматларини янги авлод технологиялари ва дастурий тизимлар билан таъминлаш орқали уларнинг иш самарадорлигини ошириш ҳамда хизмат фаолиятини мақсадга мувофиқ моделлар асосида ташкил этиш (моделлаштириш) каби масалалар муҳим аҳамият касб этмоқда.

Президентимиз таъкидлаганларидек, “бугунги кунда ички ишлар органлари фаолияти самарадорлигини ошириш учун ривожланган хорижий давлатларнинг илғор тажрибасини чуқур ўрганган ҳолда, амалий фаолиятга янгича иш услублари ва механизмларини, хусусан, рақамли технологияларни кенг татбиқ этиш вазифасига алоҳида эътибор қаратишимиз лозим” [3].

Тадқиқот натижаларидан келиб чиқиб айтиш мумкинки, барча давлатларда жамоат тартибини сақлаш ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш муҳим масалалардан бири бўлиб, ушбу вазифа билан шуғулланувчи таркибий бўлинмаларни бошқариш турли замонавий шакл ва усуллар орқали амалга оширилади. Ушбу соҳада ҳар бир давлат ўзига хос тажрибага эга бўлиб, уларни ўрганиш ҳамда юртимизда жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш тизимига татбиқ этиш бугунги кунда долзарб масалалардан биридир.

Илм-фан ривожланиб борган сари, жаҳон давлатларининг ички ишлар органлари (полиция) жамоат хавфсизлигини таъминлаш, жиноятларни олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашда замонавий технологиялардан кенг фойдаланган ҳолда хизмат олиб бормоқдалар. Одатда ривожланган ва замонавий технологияларни юқори даражада ишлаб чиқарадиган ёки импорт қиладиган мамлакатларда бундай имконият янада юқори бўлиши табиий. Полиция технологияси деганда, полиция томонидан кенг ишлатиладиган илмий ва технологик усуллар (ахборот-дастурий таъминотлар), техникалар ва жиҳозлар тушунилади. Полициянинг технологик таъминоти, давлат томонидан амалга ошириладиган шароит ва сиёсий муҳитга боғлиқ. Шаҳар полицияси кичик шаҳар ва қишлоқ полициясидан кўра кўпроқ технологияларга таянади, қолаверса, полиция кучларининг ҳарбийлашганлик даражаси унинг қурол-яроғ таъминотига таъсир қилади [4].

Бугунги кунда полиция тизимидаги патруллик хизматларининг зиммасидаги вазифаларини самарали бажариши сўзсиз уларни замонавий скутерлардан тортиб, жиҳозланган хизмат автотранспорт

воситалари, тўлиқ жиҳозланган кўчма штаб автобусларигача бўлган турли хил транспорт воситалари билан таъминлашни талаб қилади. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, дунёнинг бир қатор ривожланган давлатлари, хусусан, АҚШда жамоат тартибини сақлаш борасида патруллик қилиш учун спорткарлари (sport-utility vehicles – SUVs)дан фойдаланилади. Европа ва Японияда Америка Қўшма Штатлари ва Канадага қараганда кичикроқ бўлган ва маҳаллий автосаноатларда ишлаб чиқарилган стандартлардан фойдаланилади. Ҳозирда Германия, Италия, Бирлашган Араб Амирлиги ва Саудия Арабистони каби давлатларда полиция ходимлари патруллик қилиш учун Porsche, BMW, Ferrari каби автоконцернлар томонидан махсус ишлаб чиқарилган юқори тезликдаги қимматбаҳо спорт автомобилларидан ҳам фойдаланадилар.

Айтиш жоизки, ривожланган хорижий давлатларда патруллик қилиш учун автотранспорт воситаларининг танланишидаги яна бир муҳим омил бу – атроф-муҳит ва об-ҳавонинг ҳолати. Масалан, ҳудуднинг кенглиги, рельефнинг нотекислиги ёки йўлларнинг текис ва равонлиги ёхуд қор билан қопланганлиги автопатрулда хизматни ташкил этишни тақозо этади. Шунингдек, кўпгина хориж давлатларида сув сарҳадларини патруллик қилиш тури ҳам мавжуд бўлиб, унда полиция ходимлари томонидан  кичик ва ўрта моторли ҳамда усти очиқ қайиқлардан фойдаланилади. Шу билан бирга, катта ботқоқлик ва ўрмонлар бўлган жойларда, мегаполисларда ҳаво кемаларида ҳам патруллик қилиш йўлга қўйилган бўлиб, унда ходимлар парракли қайиқлар, самолёт ва вертолётдан фойдаланадилар. Бунда вертолётларда патруллик қилиш энг кенг тарқалган тур ҳисобланиб, улар юқори интенсивликдаги ёруғлик мосламалари билан жиҳозланади ва ердаги зарур жойни қўшимча ёритишни таъминлайди. Ривожланган давлатларда полиция ходимлари томонидан патруллик қилиш учун катталиги бир кишилик ўчоқ (самолёт)дан тортиб то кўп қиррали реактив ўчоқ (самолёт)гача бўлган турлари ишлатилади. Ўчоқ (самолёт) ларда қўлланиладиган яна бир қурилма – пассив инфрақизил қурилмаси (forward-looking infrared – FLIR) тунги кўриш имкониятини беради. Ушбу қурилма объектлар ва тирик жонзодлар томонидан чиқарилган иссиқлик энергиясини ўлчаш имкониятига ҳам эга.

Кўпгина ривожланган хориж мамлакатларида полиция тизимидаги патруллик нарядларининг ахборот таъминотига катта эътибор қаратилган. Улар зарур алоқа воситалари ва компьютер техникаси билан яхши қуроллангани боис керакли маълумотни тезда ахборот марказининг маълумотлар базасидан олиш имконияти мавжуд [5]. Бу эса хизмат олиб боришда юқори самарадорликка хизмат қилади. Масалан, Америка Қўшма Штатлари полиция патруллик хизмати фаолиятининг асосий стратегиясида “Уч дақиқа” номли модел устунлик қилади. Бу хизмат чақирувига тезкор жавоб бериш, воқеа жойига тезкорлик билан чиқиш, топшириқларни тезда тақсимлаш ва назоратини олиб бориш кабиларга асосланади [6].

Америка Қўшма Штатларида жиноятчиликка қарши кураш самарадорлигини ошириш мақсадида 1967 йилда жиноятлар бўйича миллий маълумот маркази (NCIC) ташкил этилди. Ушбу тизим қидирувда юрган жиноятчиларни қидириб топиш ва қўлга олиш имконини берди. Маълумотлар базасидан бармоқ излари, шахсий маълумотлар, жинсий зўравонликлар, ўғирланган транспорт воситалари ва ўқотар қуролдан фойдаланиш қоидаларини бузиш ҳолатлари билан боғлиқ маълумотларни сўраб олиш мумкин. XX асрнинг охирида Америка Қўшма Штатлари полицияси компьютерлаштирилган статистика

(Compstat) деб номланувчи тизимни қабул қилди. Мазкур тизим жиноятлар, воқеа ва ҳодисаларни аниқ вақти, куни ва манзили бўйича аниқлаш учун ишлатилади. Ушбу тизим полицияга ўз куч ва ресурсларини янада самарали тақсимлаш имконини берди ва у жорий этилган бир қатор шаҳарларда жиноятчиликнинг сезиларли даражада пасайиши кузатилди. Бу тизим Америка Қўшма Штатларида кенг тарқалди ва кўпгина мутахассислар уни XXI аср полициясининг фаолиятида энг асосий ва янги модел сифатида кўришни бошладилар. “Compstat” полициянинг жиноятчиликка қарши кураш ва жамоат тартибини сақлаш фаолиятида, уларнинг шакл ва усулларида ўзининг замонавийлигини исботлади [4].

Америка Қўшма Штатлари полиция тизимидаги патруль ходимларини маълумотлар билан таъминлайдиган яна бир муҳим тизим – бу компьютер ёрдамида бошқариладиган диспетчерлик тизими (CAD)дир. Ушбу тизим қўнғироқларни ҳажми, вақти, тури, жавоб вақти ва умумий ҳолатини қамраб олади. Тизим глобал жойлашишни аниқлаш тизими (GPS)га уланган бўлиб, у қўнғироқ қилувчи ҳамда унга яқин жойда хизмат олиб бораётган полиция ходимининг жойлашувини аниқлай олади. Мазкур тизим нафақат полиция ходимини тезкорлик билан воқеа жойига юбориш, балки у билан тўғридан-тўғри мулоқотга киришиши мумкин бўлган ҳар бир шахс тўғрисида маълумот тақдим этиши мумкин.

Шунингдек, Америка Қўшма Штатлари полиция тизимида патруль ходимлари томонидан тезкор маълумотларни олиш ёки беришга мўлжалланган турли алоқа тизимлари йўлга қўйилганлигини кўриш мумкин. Масалан, қисқа “911” диспетчерлик тезкор телефон тизими (E911)га қўнғироқ қилинганда тизим дарҳол телефон рақам, телефон эгасининг исми, жинси ва турган манзилини аниқлайди. Шунингдек, ушбу тизим қўнғироқ қилувчиларнинг ҳудудий жойлашуви бўйича қўнғироқлар таҳлилини ҳам олиб боради ҳамда бу орқали криминоген ҳудудларни аниқлашда муҳим манбалардан бири ҳисобланади.

Японияда бугунги кунда қўшимча патруллик кучларини талаб қиладиган жойларни аниқлаш бўйича компьютер-таҳлил дастурий тизими мавжуд бўлса-да, сўнгги йилларда мамлакат полицияси жиноятларни башорат қилиш ва олдини олиш учун сунъий интеллект тизимларидан фойдаланган ҳолда тажриба ишларини бошлади. Ушбу тажриба Токиога яқин аҳоли зич жойлашган Канагава (Kanagava) префектурасида ўтказилмоқда. Тажриба математик статистиканинг энг замонавий усулларига асосланиб, турли хил ва бир-бирига боғлиқ бўлган маълумотларнинг кенг қатламларини таҳлил қиладиган ва мустақил ишлайдиган компьютер тизими ҳисобланади. Мутахассислар томонидан тизим жиноятларга алоқадор шахсларни, уларнинг кейинги қадамини, янги жиноятларнинг жойи ва вақтини аниқлашга ёрдам беради, деб тахмин қилинмоқда [7].

Қолаверса, ривожланган хорижий давлатларда жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш фаолиятига замонавий технологияларни кенг жорий этиш, хусусан, жамоат жойлари ва кўчаларни видеокузатув мосламалари билан жиҳозлашга алоҳида эътибор берилмоқда. Масалан, Москвада шаҳар ҳокимияти бутун шаҳар бўйлаб видеокузатув камералар тармоғини ўзида мужассамлаштирган “Хавфсиз шаҳар” дастури амалда. Шунга ўхшаш дастурлар бутун дунё бўйлаб амалга оширилмоқда. Кузатув камераларининг жон бошига нисбатан ҳиссаси бўйича дунёда биринчи ўринни Лондон шаҳри эгаллайди. Шаҳарда 8,4 миллион киши истиқомат қилади, уларга 600000 дан ортиқ видеокамералар хизмат кўрсатади. Улар нафақат кўча ва магистрал йўлларда,

балки автобус, трамвай ва метроларда ҳам жойлаштирилган. Британия полициясининг ҳисоблашича, тез орада видеокузатув усули жиноятларни очишда DNK таҳлили ва бармоқ изларини аниқлаш каби муҳим усуллар қаторидан жой олади [8].

Бугунги кунда хориж давлатларининг полиция тизимидаги патруллик хизматларини замонавий техник воситалари билан таъминлаш тажрибасини ўрганиш давомида амалга оширилаётган бир қанча самарали чора-тадбирларга гувоҳ бўлиш мумкин. Хусусан, “The Wall Street Journal”нинг 2018 йил 7 февраль сонида нашр қилинган “Хитой полицияси кузатув арсеналларига юзни таниб олишга мўлжалланган ақлли кўзойнакларни ҳам қўшиб қўйди” номли мақолада хабар берилишича, патруллик хизматининг фаолият самарадорлигини оширувчи яна бир эксперимент Хитойнинг Хэнань провинциясининг Чжэнчжоу шаҳрида ўтказилмоқда. Унга кўра, шаҳар полиция патруллик нарядлари “ақлли” кўзойнаклар билан таъминланган. Натижада қисқа вақт ичида унинг ёрдами билан темир йўл полицияси йирик жиноий ишлар билан боғлиқ бўлган етти нафар жиноятчи ва бошқа ном остида юрган 26 нафар ҳуқуқбузарни ҳибсга олишга муваффақ бўлган [9].

Мазкур инновацион кўзойнаклар “LLVision technology” компанияси томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, уларга юзни танийдиган кичик камералар ўрнатилган ва унинг бошқа ўхшаш қурилмалардан фарқи шундаки, у полиция ходимининг қўлидаги қурилма орқали маълумотлар базасига уланади ҳамда маълумот алмаша олади. Компания маълумотларига кўра, синовлар натижасида қурилма маълумотлар базаси ёрдамида 100 миллисекундда 10 мингта юзни аниқлай олади [10].

“NAKED science” расмий веб-сайтининг Hi-tech рукнидаги “Келажак полицияси: жиноятларни суриштириш ва олдини олиш” номли мақоласида ёзилишича тез орада полиция тизимидаги патруллик хизматида дронлар пайдо бўлиши кутилмоқда. Бу борада “Amazon” компанияси аллақачон полиция патрулларини миниатюрали дронлар билан таъминлаш учун патент олишга улгурган. Мазкур дронлар “учувчисиз ёрдамчи учувчи аппарат” (UAVA) деб номланади. Таърифда келтиришича, ушбу қурилма катталиги 15 см бўлиб, кичик ҳажмдаги, аммо юқори форматдаги камера билан жиҳозланган ҳамда полиция патрулининг елкасида жойлаштирилади. Қурилма эгаси томонидан “учиш” буйруғи берилиши билан ҳавога кўтарилади ва у ходим кириши хавфли бўлган жойларни кўриш орқали ходимни хавфдан қутқариб қолади. Шу билан бирга, узоқроқ масофада қочаётган жиноятчи ва ходимга нисбатан зўравонликларни аниқлаш ҳамда дарҳол полиция бўлимларига хабар бериш имкониятига эга [8]. Шуни айтиш керакки, Франция полицияси жиноятчиликка қарши кураш ва жамоат тартибини сақлашда аллақачон учувчисиз дронлардан фойдаланиб келмоқда [11].

Шунингдек, “knightscope.com” расмий веб-сайтида маълум қилинишича, ҳозирда “Knightscope” компанияси томонидан ишлаб чиқарилган, полиция томонидан қўриқлаш ва патруллик қилишда фойдаланишга мўлжалланган робот патруллар ҳам мавжуд. Ушбу роботлар тўлиқ автоном ҳолатда ишлашга мослашган бўлиб, доимий операторнинг ёрдамига муҳтожлик сезмайди. Мазкур полиция роботларининг оғирлиги 140 кг, баландлиги 1,5 метрдан иборат ва улар 360 даражада кўриш қобилиятига эга. Робот полициячи полиция патруллик нарядлари сингари бир маромда патруллик қила олиш қобилиятига эга бўлиб, юзни ва автотранспорт воситалари рақамларини таниб олиш имконига эга. Термал тасвир (тепловизор) ва микрофонлар билан жиҳозланганлиги туфайли отишма

ҳамда портлаш жойларини тезда аниқлай олади [12]. Бундай полициячи патруль роботлари 2017 йилдан буён Дубай полициясининг ихтиёрида мавжуд [8].

Таҳлиллар ички ишлар органларини бошқаришнинг полиция тизими қарор топган мамлакатларда ҳам маъмурий ҳудудларда жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлашда патруль-пост хизмати ўзига хос ўринга эга эканлигини яққол кўрсатади. Республикамиз ИИВ тизимида амалга оширилаётган ислоҳотларда бир қатор олим ва мутахассислар хорижий давлатларнинг илғор тажрибаларидан келиб чиқиб, мамлакатимиз ички ишлар органларининг тузилишини қайта кўриб чиқиш ва полиция тизимига ўтиш мақсадга мувофиқлигини таъкидлашади [13]. Хорижий давлатлар маъмурий ҳудудларида жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш тажрибасини илмий таҳлил қилиб, шундай хулосага келиш мумкинки, мамлакатимиз ички ишлар органлари тизимида босқичма-босқич амалга оширилаётган ислоҳотлар истиқболда Ўзбекистонда полиция тизимининг жорий этилишига олиб келганда ҳам тизимда патруль-пост хизмати ўз аҳамиятини йўқотмай, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини, жисмоний ва юридик шахсларнинг мулкини ҳимоя қилиш, қонун устуворлиги, шахс, жамият ва давлат хавфсизлиги, шунингдек жамоат тартибини сақлашнинг марказий субъекти бўлиб қолаверади.

Аҳоли турар жойларида жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш билан шуғулланувчи тизимлар ҳамда унда патруль-пост хизматларини бошқариш амалиётига доир хориж тажрибасини ўрганиш, энг аввало, ички ишлар органлари патруль-пост хизмати саф бўлинмалари фаолияти ва уларни бошқаришни такомиллаштиришнинг истиқболлари, муҳим йўналишлари ҳамда унга хизмат қилувчи чора-тадбирларни белгилаш, қолаверса, хорижий давлатлар полиция органлари томонидан жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш тизимини такомиллаштириб бориш жараёнида йўл қўйилган хато ва камчиликлар, янглишувларга миллий тизимимизда йўл қўйилишининг олдини олиш имконини беради.

Юқоридагиларга асосланиб, фикримизча, жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш билан шуғулланувчи тизимларнинг илғор хорижий тажрибасини мамлакатимиз ички ишлар органлари, хусусан, патруль-пост хизмати фаолиятини ташкил этиш ва бошқариш амалиётига қуйидаги йўналишларда жорий этиш мақсадга мувофиқдир:

1. Ички ишлар органлари патруль-пост хизмати саф бўлинмалари фаолиятини самарали ташкил этиш ва бошқаришга хизмат қилувчи замонавий дастурий таъминотларни яратиш ҳамда амалиётга изчил жорий этиш учун:

а) жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлашда ички ишлар органлари, хусусан, патруль-пост хизматининг куч ва ресурсларини самарали жойлаштириш, уларни маневр қилиш, қўшимча патруллик кучлари талаб қилинадиган жойларни аниқлашда жиноят ва ҳуқуқбузарликларни олдиндан башорат қилувчи компьютер-таҳлил дастурий тизимларни яратиш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш (Япония ва Америка Қўшма Штатлари тажрибаси асосида);

б) жиноятлар, бедарак йўқолганлар, ўғирланган мулк ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларини қизиқтирган бошқа масалаларга алоқадор маълумотларни тезда юбориш ёки олиш имкониятини берувчи маълумотлар базасини янада такомиллаштириш ҳамда бу борада патруль ходимларини олиб юрувчи замонавий қурилма (планшет)лар билан таъминлаш;

в) глобал жойлашишни аниқлаш тизими(GPS)га уланган ҳолда жиноят ва ҳуқуқбузарликлар содир этилган жой ҳамда унга яқин жойда хизмат олиб бораётган ички ишлар органлари ходимининг жойлашувини аниқлай оладиган ҳамда патруль ходимини тезкорлик билан воқеа жойига юбориш ва у билан тўғридан-тўғри мулоқотга киришиши мумкин бўлган шахс тўғрисида маълумот тақдим этувчи компьютер ёрдамида бошқариладиган диспетчерлик тизимини жорий этиш (Америка Қўшма Штатлари полиция тажрибаси асосида);

г) жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш фаолиятига замонавий кузатув технологияларини кенг жорий этиш, хусусан, жамоат жойлари ва кўчалардан ташқари автобус, трамвай ва метроларни ҳам видеокузатув мосламалари билан жиҳозлаш орқали бугунги кунда мамлакатимизда амалга оширилаётган "Хавфсиз шаҳар" дастурини янада такомиллаштириш (Москва ва Лондон шаҳарлари тажрибаси асосида).

2. Ички ишлар органлари патруль-пост хизмати саф бўлинмалари фаолиятига ва уларни бошқариш тизимига замонавий янги авлод алоқа ва компьютер технологиялари, техник воситалар, қурилмалар, авто-мототранспорт воситаларини жалб этишга қаратилган тизимли ва изчил чора-тадбирларни амалга ошириш учун:

патруль-пост хизмати саф бўлинмаларини барча оммавий тарзда ишлаб чиқарилиб, кейин хизмат учун қайта мослаштирилган транспорт воситалари билан таъминлаш тизимидан махсус буюртма асосида, хусусан узоқ муддат давомида турли об-ҳаво шароитида тўхтовсиз патруллик қилишни кўзда тутган ҳолда кучайтирилган двигатель ва зарур замонавий тизимларга эга, хизматда фойдаланиш зарурати мавжуд асбоб ва ускуналар билан жиҳозланган, радио, сирена ва ёруғликни бошқариш воситалари, манзиллар тизими (навигатор), уяли телефон, радар ва кўплаб маълумотлар базалари билан бевосита уланган мобил компьютер қурилмалари, биринчи тиббий ёрдам ва тегишли детектор тўпламлари билан жиҳозланиб ишлаб чиқилган автотранспорт, мотоцикл ва велосипедлар билан таъминлаш тизимига ўтиш чораларини кўриш (Америка Қўшма Штатлари ва Европа давлатлари тажрибаси асосида);

патруль-пост хизмати саф бўлинмалари фаолиятига замонавий янги авлод техник воситалари "ақлли" кўзойнаклар (Хитой тажрибаси), махсус дронлар (Франция тажрибаси), қўриқлаш ва патруллик қилишда фойдаланишга мўлжалланган полициячи роботлар (Дубай шаҳри тажрибаси)ни жорий этишга қаратилган тизимли чора-тадбирларни амалга ошириш.

3. Ички ишлар органлари патруль-пост хизмати саф бўлинмалари фаолиятини такомиллаштириш ва замон талаблари асосида ташкил этишга хизмат қилувчи ҳар бир маъмурий-ҳудудий бирликнинг, муайян хизмат ўташ даврининг, хизмат олиб бориладиган йўналиш ва постнинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда, ишнинг тизимли ташкил этиш ва бошқариш имконини берувчи моделларни яратиш ҳамда амалиётга жорий этиш чораларини кўриш.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, аҳоли турар жойларида жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлашни ташкил этиш соҳасида дунёнинг давлатлари, айниқса ривожланган мамлакатларда ўзига хос тажриба шаклланган бўлиб, уларнинг илғор ютуқлари, иш усул ва шаклларини ўрганиш асосида миллий қонунчилигимиз ва уни қўллаш амалиётига жорий этиб бориш ички ишлар органлари, хусусан, патруль-пост хизмати саф бўлинмалари фаолиятини самарали ташкил этиш ҳамда уларни бошқаришни такомиллаштиришга хизмат қилади.

# ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 мартдаги “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6196-сонли фармони // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 26.03.2021 й., 06/21/6196/0240-сон.

2. Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 30 йиллик байрамига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи // [Электрон манба]. – URL: https://yuz.uz/news/shavkat-mirziyoev-beqiyos-imkoniyatlarni-yaratib-bergan-istiqlolimiz -jonajon-vatanimizning-shonli-tarixida-hamisha-eng-yorqin-ochmas-sahifa-bolib-qoladi (мурожаат вақти: 04.09.2021).

3. *Мирзиёев Ш.М.* Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органлари ходимларига йўллаган байрам табриги // [Электрон манба]. – URL: https:// president.uz /uz/lists/view/3913 (мурожаат вақти: 29.10.2020).

4. Michael Parker Banton, William Francis Walsh, Jean-Paul Brodeur Uilyam Frensis Uolsh. Methods of crowd policing // [Электрон манба]. – URL: https://www.britannica. com/topic/police/Methods-of-crowd-policing (мурожаат вақти: 20.05.2020).

5. *Зиёдуллаев М.З.* Ички ишлар органларининг таянч пунктларини бошқаришни такомиллаштириш: Монография. – Т., 2018. – Б. 279.

6. Yue Zhang, Donald E Brown. Police patrol districting method and simulation evaluation using agent-based model & GIS // Security Informatics. 2013, – № 7. – P. 2–13. // [Электрон манба]. – URL: https://link.springer.com/ content/pdf/ 10.1186/2190-8532-2-7.pdf (мурожаат вақти: 15.07.2018).

7. Квашис В.Е. Полиция Японии: организация и эффективность // Общество и право. – 2018. – № 2 (64). – С. 9–14.

8. Полиция будущего: расследование и предотвращение преступлений. “NAKED science” расмий веп-сайти // [Электрон манба]. – URL: https://naked-science.ru/article/ nakedscience/policiya-budushchego (мурожаат вақти: 16.06.2020).

9. Chinese Police Add Facial-Recognition Glasses to Surveillance Arsenal // [Электрон манба]. – URL: https:// www.wsj.com/articles/chinese-police-go-robocop-with-facial-recognition-glasses-1518004353?mod=e2tw (мурожаат вақти: 08.05.2020).

10. Полиция Китая начала использовать солнцезащитные очки с функцией распознавания лиц // [Электрон манба]. – URL: https://vc.ru/flood/33025-policiya-kitaya-nachala-ispolzovat-solncezashchitnye-ochki-s-funkciey-raspoznavaniya-lic (мурожаат вақти: 16.06.2020).

11. Беспилотники для воздушного наблюдения уже есть во французской полиции// [Электрон манба]. – URL: https://naked-science.ru/article/ nakedscience/policiya-budushchego (мурожаат вақти: 16.06.2020).

12. Робот-полицейский Knightscope K5 // [Электрон манба]. – URL: https://www.knightscope.com/(мурожаат вақти: 16.06.2020).

13. *Мухамедов Ў.Х.* Ҳаракатлар стратегияси асосида ички ишлар органлари тизимидаги ислоҳотлар: биринчи босқич якунлари ва истиқболдаги вазифалар //Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг ахборотномаси. – 2017. – № 4. – Б. 3–11.

***З. К. Бабакулов,***
*Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби бўлим бошлиғи,*
*Тошкент давлат юридик университети докторанти (DSc),*
*юридик фанлари бўйича фалсафа доктори (Ph.D)*

# ТОВАР БЕЛГИЛАРИДАН ДОМЕН НОМЛАРИДА ИНСОФСИЗ ФОЙДАЛАНИШНИНГ ИЛМИЙ ВА АМАЛИЙ МАСАЛАЛАРИ

**Аннотация.** Маълумки, Интернет тармоғидаги домен номлари турли қатламдаги инсонларнинг ўзаро турли хусусиятдаги манфаатлари тўқнашадиган манзил ҳисобланади. Товар белгиси эса савдо-сотиқнинг ижтимоий-иқтисодий маркетинги воситаси бўлиб, домен номи орқали оммалашади. Сўнгги йилларда, айниқса, пандемия шароитида домен номлари орқали савдо-сотиқ қилиш оммалашди ва инсонлар учун ушбу виртуал макон қулай савдо муҳитига айланди. Мақолада ушбу масалалар миллий қонунчилик ва суд амалиёти ҳамда АҚШ қонунчилиги асосида ўрганилади, таклиф, мулоҳазалар ишлаб чиқилади. Шунингдек, мазкур масала бўйича турли олим ва тадқиқотчиларнинг илмий фикрлари таҳлил этилади.
**Таянч сўзлар:** товар белгиси, домен номи, киберқароқчилик, инсофсиз рақобат.

**Аннотация.** Как известно, доменные имена в сети Интернет – это адреса людей из разных слоев общества, между которыми сталкиваются интересы разного характера. А товарный знак, в свою очередь, является инструментом социально-экономического маркетинга продаж и становится популярным через доменное имя. В последние годы, особенно в условиях пандемии, торговля через доменные имена стала популярной, и для людей это виртуальное пространство стало благоприятной торговой средой. В статье рассматриваются эти вопросы на основе национального законодательства и судебной практики, а также законодательства США, разрабатываются предложения и рекомендации Кроме того, проанализированы научные мнения различных ученых и исследователей по данному вопросу.
**Ключевые слова:** товарный знак, доменное имя, киберпиратство, недобросовестная конкуренция.

**Annotation.** As you know, domain names on the Internet are addresses of people from different sections of society, between which the interests of a different nature are faced. A trademark, in turn, is a tool for socio-economic sales marketing and becomes popular through a domain name. The article discusses these issues on the basis of national legislation and judicial practice, as well as the legislation of the United States, are developed proposals and comments. In addition, scientific opinions of various scientists and researchers on this issue are analyzed.
**Keywords:** trade mark, domain name, cyber piracy, unfair competition.

Товар белгиси интеллектуал мулкнинг шахсийлаштириш воситалари ичида энг кўп муомалада қўлланиладиган ўзига хос уникал воситага айланиб бормоқда. Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилотининг маълумотига кўра, 2019 йилда дунё бўйича товар белгиларини рўйхатдан ўтказиш учун 15,153,700 та талабнома берилган. 2018 йилда ушбу кўрсаткич 14,321,800 [1] тани, 2017 йилда эса 12,387,600 [2] тани ташкил этган. 2019 йилда товар белгиларини рўйхатдан ўтказиш учун берилган талабномаларнинг кўп қисми Хитой (51,5 фоиз), АҚШ (4,4 фоиз), Япония (3,6 фоиз), Эрон Ислом Республикаси (3,0 фоиз), Европа

Иттифоқи Интеллектуал мулк идораси (2,7 фоиз) ва бошқа қолган давлатлар ҳиссасига (34,6 фоиз) тўғри келади [3]. Ўзбекистонда товар белгиларини рўйхатдан ўтказиш учун 2019 йилда 6833 та талабнома тақдим этилган. 2017 йилда ушбу кўрсаткич 5923 тани, 2018 йилда эса 6104 тани ташкил этган [4].

Товар белгиларини муҳофаза қилиш масаласи сўнгги йилларда долзарб аҳамият касб этиб бормоқда. Айниқса, товар белгиларидан ноқонуний фойдаланиш, товар белгисини форма номи, домен номи сифатида ўзлаштириш ҳолатларининг ортиб бориши мутлақ ҳуқуқ эгасининг ҳуқуқларига зарар етказмоқда. Товар белгиларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш нафақат ушбу номни шахсийлаштиришнинг бошқа воситалари сифатида ўзлаштириб олиш, балки айнан товар белгиси билан ўхшаш ёки бир хил бўлган белгилардан фойдаланиш орқали қалбаки маҳсулотларни ишлаб чиқаришдан ҳам муҳофаза қилишни талаб қилмоқда. Бу каби ҳолатлар маҳаллий бозор билан бирга, жаҳон бозорларини ҳам эгаллаб олган ҳолда товар белгиси эгаларига моддий ва маънавий зарар келтирмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1103-моддаси 4-қисмида товар белгисининг дахлсизлигига бўлган ҳуқуқ товар белгиси эгасига тегишлилиги белгиланган. Унга кўра, мутлақ ҳуқуқ эгаси ҳар қандай шахсдан ўзига тегишли товар белгисидан фойдаланаётганлигидан ҳимоя қилиш ҳамда учинчи шахсларнинг ушбу ҳуқуққа дахл қилмаслигини талаб қилиш ҳуқуқларига эга.

Бугунги кунда иқтисодий муносабатларнинг ривожланиб бориши турли интеллектуал мулк объектлари билан мутлақ ҳуқуқларнинг тўқнашуви муаммоси кескинлашиб бормоқдаки, бу айниқса шахсийлаштириш воситаларидан фойдаланиш муносабатларида яққол кўзга ташланмоқда. Юридик нуқтаи назардан мутлақ ҳуқуқларнинг тўқнашуви уларнинг фаолияти тўқнашуви билан боғлиқ.

А.А.Агеенко товар белгисидан домен номи сифатида фойдаланиш қуйидаги ҳолларда товар белгисига нисбатан ҳуқуқ бузилиши бўлмайди, деб эътироф этади:

– шахс товар ва хизматларни инсофли таклиф қилиши билан боғлиқ ҳолда домен номидан фойдаланиши;

– товар белгисига нисбатан ҳуқуқ мавжуд бўлмаса ҳам шахс домен номи билан маълумлиги;

шахс қонуний асосларда нотижорат мақсадлар учун қуйидаги ҳолларда домен номидан: биринчидан молиявий фойда олиш ниятида; иккинчидан товар белгиси обрўсини тушириш ниятида фойдаланмаслиги [5].

Ўзбекистонда домен номлари ва фирма номларини рўйхатга олиш ва унга бўлган эгалик ҳуқуқини тасдиқлаш товар белгисидан мустақил ҳолда амалга оширилади. Товар белгисини экспертиза қилиш жараёнида интеллектуал мулкнинг айрим шахсийлаштириш воситалари билан бир хиллиги ҳамда ўхшашлиги ўрганилмайди. Шу сабабли ҳам келажакда товар белгисининг домен ёки фирма номига ўхшашлик ҳолатлари келиб чиқади. Натижада эса шахсийлаштириш воситаларининг ўзаро зиддияти, қарама-каршилиги пайдо бўлади. Масалан, домен номи эгаси ва товар белгисига нисбатан мутлақ ҳуқуқ эгасининг ҳуқуқлари тўқнашувини мисол қилиб келтириш мумкин. Товар белгисига ўхшаш белгилардан икки ёки ундан ортиқ мустақил, бир-бирига боғлиқ бўлмаган шахслар томонидан паралель фойдаланиши устун мавқега эга бўлган шахснинг манфаатларига таъсир этишига сабаб бўлади.

Товар белгиси ва домен номларининг ўзаро нисбатини таҳлил қилишдан олдин домен номининг ҳуқуқий мақомини таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ. Чунки товар белгиси ва домен номларининг ўзаро бир хиллиги таҳлил этилишида

уларнинг ўзаро нисбати ва ўхшаш ҳолда муомалада бўлишида бажарадиган функциясини аниқлаштириш лозим бўлади.

Интернет ягона глобал сетни шакллантиришга қаратилган ўзида турли усулларни бирлаштирган компьютер тармоғининг мажмуи ҳисобланади [6]. Ю.Ф.Вацковскийнинг фикрича, домен номи – домен номи реестридан рўйхатдан ўтган, Интернетнинг анъанавий иерархик маконига уланган қурилманинг рақамли IP-манзилига мурожаат қилишни енгиллаштириш учун мўлжалланган ноёб рамзий белги [7].

А.Г.Серго домен номини Интернет тармоғидаги ахборот манбаларини шахсийлаштиришга қаратилган белгидир [8], деб тушунтиради.

Айрим олимлар домен номи шахсийлаштиришнинг янги воситаси бўлиб, унга нисбатан фуқаролик ҳуқуқи объектлари каби ҳуқуқий тартиб қўлланилиши лозимлигини таъкидлашади. Хусусан, ушбу тушунча А.А.Агеенко, Е.И.Гладкая, В.О.Калятин, В.Б.Наумов, А.Г.Серго, С.В.Петровский, А.В.Попцов каби олимлар томонидан қўллаб-қувватланади.

А.Г.Серго ҳам домен номи мустақил шахсийлаштириш воситаси ҳисобланади, деб таъкидлайди. Шу билан бирга, у домен номларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш заруратининг асосий сабаблари сифатида тижорат қийматига эгалиги, кенг миқёсда фойдаланилиши ва бошқа шахсийлаштириш воситалари эгалари томонидан ҳуқуқни суиистеъмол қилиш амалиётининг мавжуд эканлигини кўрсатади [9].

И. Р. Рустамбековнинг фикрича, домен номи – ҳуқуқнинг мустақил объекти бўлиб, индивидуаллаштириш воситаси сифатида эътироф этган ҳолда унинг қуйидаги бир қанча белгиларини келтиради: биринчи – маҳсулотни, бажариладиган ишлар ёки кўрсатиладиган хизматларни эмас, балки, аввало, ахборот ресурсини индивидуаллаштиради; иккинчи – домен нисбатан янги бўлиши мумкин эмас, у фақат мутлақо янги бўлиши мумкин; учинчи – домен фақат бир шахсга қарашли бўлиши мумкин; тўртинчи – домен фақат тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи шахсгагина эмас, балки ҳуқуқнинг ҳар қандай субъектига қарашли бўлиши мумкин; бешинчи – домен номи фақат у рўйхатдан ўтказилган мамлакат учунгина эмас, балки жаҳоннинг барча мамлакатлари учун мутлақо ноёб ҳисобланади [10].

А.А.Агеенконинг фикрича, электрон тижорат ривожланаётган бир шароитда домен номи оғзаки матн шаклида ифодаланган белгилар интернеткорхона фаолиятини шахсийлаштириш воситаси бўлиб, у электрон савдода таклиф этилаётган товарни бошқа шундай ўхшаш товарлардан ажратади [11].

А.В.Попцованинг фикрича, домен номи бу – Интернетдаги ахборот ресурсини манзиллаш ва шахсийлаштиришга хизмат қиладиган, тижорат қиймати ва фойда олиш қобилиятига эга бўлган ноёб рамзий белгилар шаклида ифодаланган шахсийлаштириш воситасидир [12]. Шунингдек, ўхшаш ёндашувларни Е.И.Гладкая [13], В.Б.Наумов[14]лар ҳам таъкидлайдилар.

Бошқа томондан С.А.Бабкин, З.Ю.Милютин, С.А.Судариков каби олимлар домен номи мустақил шахсийлаштириш воситаси ҳисобланмайди ва у интеллектуал мулкка тааллуқли эмас, деб ҳисоблашади.

С.А.Судариковa[15], З.Ю.Милютина[16]нинг фикрича, домен номининг ҳуқуқий муҳофазасини таъминлаш учун уни эгасининг ҳуқуқи домен номларини рўйхатга олиш тизимининг техник воситалари орқали етарли даражада ҳимояланганлиги сабабли ҳам талаб қилинмайди. Масалан, З. Ю. Милютин таъкидлаганидек, “домен номи бундай ҳимояга муҳтож эмас. Ҳеч ким Интернетда аввал рўйхатга олинган домен номига ўхшаш домен номини рўйхатдан ўтказа олмайди”[17].

Бундай фикрни С.А.Бабкин ҳам қўллаб-қувватлайди [18].

Юридик адабиётларда домен номлари шахсийлаштиришнинг бошқа воситаларига хос бўлган бир қатор умумий хусусиятларга эга эканлигига ишора қилинади. Шундай қилиб, А.В.Попов қуйидаги умумий хусусиятларини санаб ўтади:

– шахсийлаштириш функциясини бажаради (фарқловчи, ахборот берувчи ва реклама қилувчи);

– тижорат қийматига эгалиги, фуқаролик муомаласида фойдаланиш мумкинлиги, бундан ташқари, фойда олишга қаратилганлиги;

– белгиланган тартибда рўйхатга олинган вақтда ҳуқуқнинг пайдо бўлиши;

– муайян вақт давомида ҳуқуқий муҳофаза қилиниши;

– ҳуқуқий муҳофаза қилиш тугагунга қадар ҳуқуқни бекор қилиш мумкинлиги;

– шартнома асосида ҳуқуқларни ўтказиш имкониятининг мавжудлиги [19].

Домен номининг товар белгиси билан бир хил ва ўхшаш ҳолатида фойдаланиш муносабатларини икки гуруҳга ажратиш мумкин:

– домен номидан инсофли фойдаланиш;

– домен номидан инсофсиз фойдаланиш [20].

Ўзбекистонда домен номи ва товар белги эгаларининг ўзаро манфаатли ҳуқуқларини тартибга солиш ва улар ҳуқуқларини муҳофаза қилиш борасида суд амалиёти ҳамда қонунчилик асослари етарли даражада тизимлилик асосида шаклланмаган. А.Г.Серго ушбу ҳолатни тўғри баҳолаган ҳолда домен номларининг ҳуқуқий тартибдаги бўшлиқлар сабаб товар белгиси ҳамда домен номи эгалари томонидан инсофсизларча ўзгаларнинг шахсийлаштириш воситаларини паразитлаш ҳисобига бизнеснинг ривожланишига олиб келди [21], деб баҳолайди. Дарҳақиқат, айрим ҳолатларда домен номлари товар белгилари билан ўхшашлиги ёки бир хиллиги пайдо бўлади. Бунда товар белгисининг эгаси ўз товар белгисини домен номи сифатида рўйхатдан ўтказишда бошқа шахслар томонидан олдинроқ рўйхатдан ўтказилганлиги сабабли товар белгисининг ушбу ҳуқуқлари чекланади. А.Г.Сергонинг билдирган мулоҳазасини узил-кесил тўғри дейиш назаримизда нотўғри. Домен номи ҳар доим ҳам товар белгисига нисбатан мутлақ ҳуқуқни бузилиши, деб бўлмайди. Чунки рўйхатга олинган домен номи товар белгиси остидаги маҳсулотнинг хусусияти билан боғлиқ бўлмаган мақсадлар учун фойдаланилиши мумкин.

В.Колосов домен номи ва товар белгиси ўртасида юзага келган коллизияни ҳал этишда қуйидаги саволга жавоб беришни лозим, деб ҳисоблайди: домен номида ишлатилган баҳсли сўзлар шахсийлаштириш ёки идентификациялаш воситалари сифатида қўлланилмоқдами? У шахсийлаштириш воситасини ўзига хослигини шарҳлаган ҳолда домен номидаги сўзли белги унга бўлган ҳуқуқ эгасининг товар ёки хизматларини эмас, балки ишлаб чиқарувчининг товар ва хизматлари билан боғлиқлигини таъкидлайди [22].

Товар белгиси ва домен номининг ўзаро зид келган ҳолатларда товар белгисига бўлган ҳуқуқни устун деб ҳисоблашга қуйидаги ҳолатларни кўрсатиш мумкин:

– шахснинг товар белгисига нисбатан мутлақ ҳуқуққа эгалиги;

– рўйхатдан ўтказилган домен номи элементларининг товар белгиси билан адаштириб юбориш даражасида бир хиллиги;

– домен номининг бир хил товар ва хизматларнинг муҳофазасига киритилган товар белгиси остидаги товар ва хизматлар учун фойдаланилиши;

– фойдаланишда товар белгиси эгаси розилигининг талаб қилинмаслиги [23].

Сўнгги йилларда Интернет тармоғида домен номини рўйхатдан ўтказмоқчи

бўлган шахслар товар белгиси сифатида машҳур сўзларга эътибор қаратишмоқда. Тадқиқотчилар мазкур ҳолатга нисбатан “бренд-сквоттинг” деб таъриф беришмоқда.

“Бренд-сквоттинг” бу – ўзгаларнинг товар белгиларини унинг эгасининг рухсатини олмасдан кейинчалик сотиш ёки бошқа мақсадларда рўйхатдан ўтказишдир[24]. Адабиётларда ушбу ҳолат, шунингдек, “киберқароқчилик”[25], деб ҳам аталади. “Бренд-сквоттинг” ёки “киберқароқчилик” йўли билан мутлақ ҳуқуқ эгасининг товар белгисига нисбатан ҳуқуқлари бузилган ҳолда домен номи сифатида рўйхатдан ўтказиш ҳолатлари тез-тез учраб туради. Масалан, “Microsoft” (microsoft.org, micrOsoft.com), “Alaska Airlines” (alaskaairlines.org), “Avon” (avon.com) каби товар белгилари инсофсиз равишда домен номлари сифатида рўйхатдан ўтказилган[26].

П.В.Садовский товар белгиси ва домен номи ўртасидаги баҳс қуйидаги ҳолатларда пайдо бўлишини таъкидлайди: биринчиси, товар белгиси эгаси ушбу белгини домен номи сифатида рўйхатдан ўтказишда белги илгарироқ учинчи шахс (кибер эгалловчилар) томонидан домен номи сифатида рўйхатга олинган ва осон даромад кўриш ниятида унинг эгасига моддий манфаат кўриш учун ҳақ эвазига сотишни мақсад қилган; иккинчиси, товар белгисининг эгаси ушбу белгини домен номи сифатида рўйхатдан ўтказишда учинчи шахсни қонуний асосда домен номидан бир турда бўлмаган товар ва хизматларни кўрсатиш учун рўйхатдан ўтказган; учинчидан, товар белгисининг эгаси ушбу белгини домен номи сифатида рўйхатдан ўтказган, лекин учинчи шахснинг ўхшаш домен номларидан адаштириб юбориш даражасидаги белгилардан ўйламаган ҳолда фойдаланиши натижасида келиб чиқадиган ҳолатлар[27].

Домен Интернет тармоғида идентификацияланган ном сифатида унинг маъмури томонидан товар белгиси билан бир хил ва ўхшашлиги ҳолатида фойдаланади. Домен номининг маъмури ушбу ном остидаги манзилда товар маҳсулотларини сотади ёки маълум хизматларни кўрсатади. Агар домен номининг маъмури товар белгисининг бозордаги обрўсидан фойдаланиб, унинг манфаатларига зарар келтирадиган хатти-ҳаракатларни амалга оширадиган бўлса, табиийки ушбу ҳолат инсофсиз рақобат сифатида эътироф этилиб, домен номи бекор қилинади. Шу сабабли ҳам товар белгисининг ҳуқуқий муҳофазасини таъминлашда домен номидан унинг маъмури томонидан инсофсиз рақобат сифатида фойдаланилаётганлиги аниқланиши лозим.

Судлар аксарият ҳолатларда, домен номидан кўра товар белгисига нисбатан устунлик берилган ҳолда ҳимоя қилишга эътибор қаратади. Хусусан, Шайхонтоҳур туманлараро суди томонидан 2020 йил 17 мартда кўриб чиқилган низоли иш ҳолатига кўра, Ўзбекистон Республикаси давлат патент идорасининг 02.04.2010 йилда “А” исмли шахс номига “KITOBXON” сўзли товар белгиси ва хизмат кўрсатиш белгисига № MGU 20382-сонли гувоҳнома асосида 10 (ўн) йил муддатга берилади. 2019 йил 27 сентябрда Интеллектуал мулк агентлиги томонидан “KITOBXON” товар белгисининг амал қилиш муддати 2030 йилга қадар узайтирилган. Шунингдек, 2011 йил 26 августда даъвогар “KITOBXON.UZ” доменини ҳам рўйхатдан ўтказган. Лекин кейинчалик даъвогар “А” исмли шахс домен номини жавобгар “Х” исмли шахсга ҳамкорлик қилиш мақсадида ўтказади. “Х” исмли шахс эса “KITOBXON.UZ” доменини жавобгар “Б” исмли шахс номига расмийлаштиради.

Иш ҳолатларидан маълум бўлишича, “Б” исмли шахс даъвогарга тегишли товар белгиси билан бир хил бўлган “WWW.KITOBXON.UZ” домен номини

2013 йил 30 ноябрдан 2021 йил 12 февралгача рўйхатдан ўтказган. Ишга жавобгар сифатида “Б” исмли шахс билан бирга “www.kitobxon.uz” доменини регистратори “VneshinvestProm” МЧЖ ҳам жалб этилади. Аниқланишича, даъвогар “А” исмли шахс илгари ишга жавобгар тараф бўлган “VneshinvestProm” МЧЖ раҳбари “Х” исмли шахс билан шартнома асосида ҳамкорлик қилганлиги, хусусан, “Х” исмли шахс “KITOBSAVDO.UZ” доменини ишга тушириб, ушбу сайтга мижозларни “KITOBXON.UZ” домени орқали йўналтириб келган. Ҳолатдан унумли фойдаланган “Х” исмли шахс ўзи раҳбар бўлган “VneshinvestProm” МЧЖ орқали “Б” исмли шахс номига “www.kitobxon.uz” доменини рўйхатдан ўтказиб, ўзини жавобгарликдан соқит қилади.

Ушбу ҳолатдан хабардор топган даъвогар “А” исмли шахс ўзининг товар белгисига нисбатан бузилган ҳуқуқларини қайта тиклаш мақсадида, “www.kitobxon.uz” доменига нисбатан бузилган ҳуқуқларини талаб қилиб, жавобгарга бир неча марта огоҳлантириш хати юборишига қарамасдан, жавобгар ушбу ҳолатларга муносабат билдирмаган. Натижада даъвогар “А” исмли шахс “Б” исмли шахс номига олинган “www.kitobxon.uz” доменини рўйхатдан ўтказишни бекор қилиш ва уни қайта ўзининг номига рўйхатдан ўтказишни сўраб судга мурожаат қилган. Иш ҳолатларидан келиб чиқиб, суд “Б” исмли шахс номига рўйхатга олинган “www.kitobxon.uz” доменини бекор қилиб, даъвогар “А” исмли шахс номига қайта рўйхатдан ўтказилган.

Домен номининг маъмури айрим ҳолатларда жисмоний шахс бўлганлиги сабабли товар белги ва домен номлари ўртасидаги зиддиятли ҳолатлар умумий юрисдикция судлари томонидан кўриб чиқилади. Домен номининг товар белгиси билан бир хиллиги ёки ўхшаш ҳолатда фойдаланилиши натижасида товар белгиси эгасининг бозор ҳамда унинг рақобатчилари олдида обрўсизлантирганлиги каби ҳолат инсофсиз рақобатни келтириб чиқарган бўлса, домен номига бўлган ҳуқуқ фақат суд томонидан бекор қилиниши лозим. Судлар низоли ишни кўриб чиқишда:

– домен номининг маъмури томонидан товар белгиси рўйхатга олинган товар ва хизматларни бошқа шу турдаги маҳсулотлар билан тенг ҳолда реклама қилаётган ҳамда сотаётган бўлса;

– домен номи манзилида товар белгисининг обрўсизлантирадиган маълумотлар кўрсатилган бўлса;

– домен номи товар белгисига рақобатчи бўлган шахслар томонидан рўйхатга олинган бўлса. Ушбу ҳолатда устунлик амалдаги ҳуқуқ домен номига нисбатан вужудга келганлигидан қатъи назар бекор қилиниши лозим. Шунинг учун суд низоли ишни кўриб чиқишда домен номининг товар белгиси билан бир хиллиги ва ўхшашлиги ҳолатида одатда олиниши мумкин бўлган фойда билан домен номидан фойдаланмаган ҳолда олиниши мумкин бўлган фойда ўртасидаги нисбат кўриб чиқилиши мақсадга мувофиқ.

АҚШ қонунчилиги тажрибасида домен номи ва товар белгисининг ўзаро ўхшаш ва бир хиллигини тартибга солишнинг ўзига хос амалиёти шаклланган. Унга кўра, агар домен номида товар белгиси ёки муаллифлик ҳуқуқлари бузилган ҳолда рўйхатга олинган ва бунинг оқибатда манфаатдор шахснинг ҳуқуқлари бузилаётган бўлса, қўшимча огоҳлантирилмасдан “Google” қидирув тизимидан ушбу домен номи ўчириб ташланади. Лекин бу билан масала ҳал бўлмайди. Чунки Интернет тармоғида бошқа қидирув тизимлари ҳам борки, бу билан эса ҳуқуқбузарлик давом этаверади[28].

АҚШда товар белгиларини инсофсиз равишда домен номи сифатида эгаллашдан ҳуқуқий муҳофазалашни тартибга солиш мақсадида 1999 йил

29 ноябрда[27] Киберқароқчиликдан истеъмолчиларни ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун (“Anticybersquatting Consumer Protection Act” (ACPA) қабул қилинади. Ушбу қонуннинг қабул қилиниши, ўз навбатида, АҚШнинг Товар белгилари тўғрисидаги Лэнхем (Lanham) қонунининг 43(d)-моддасига товар белгилари эгалари ҳуқуқларини киберқароқчиликдан ҳимоя қилиш мақсадида рухсатсиз товар белгиси номини домен номида кўрсатиб ёки кўрсатмасдан рўйхатдан ўтказилганлик ҳолатида товар белгисининг эгасини қарши даъво билан чиқиш мазмунидаги ўзгартириш киритилди. 1999 йил 29 ноябрдаги қонунга асосан суд товар белгисидан домен номи сифатида фойдаланаётган “инсофсиз эгалловчига” нисбатан 1000 АҚШ долларидан 100.000 АҚШ долларигача бўлган миқдорда жарима жазоси қўлланилади.

Ўзбекистон миллий қонунчилиги ва ҳуқуқни қўллаш амалиётида домен номи ва товар белгиларининг ўзаро бирхиллигини тартибга солиш масалалари етарли даражада ўрганилмаган. Тўғри, бу борада тадқиқотчи И.Р.Рустамбеков томонидан товар белгиси ва домен номининг ўзаро нисбатини ўрганиш билан боғлиқ илмий изланишлар олиб борилган. Лекин ушбу илмий ишлар асосан домен номларининг ҳуқуқий мақомини илмий ва амалий жиҳатларини ўрганишга қаратилган. Шунингдек, Д.Огай, С.Сафоева, Б.Ахмаджонов каби тадқиқотчиларнинг илмий ишларида ҳам товар белгилари ва домен номларининг айрим ўзига хос нисбатлари ҳамда ўзига хосликлари тадқиқ этилган. Лекин ушбу тадқиқотларда товар белгиси ва домен номларининг ўзаро фарқи ва ўхшашлиги умумий маънода қисман тадқиқ этилган холос.

Интернет тармоғи ва ундан мавжуд домен номларининг кўпайиб бораётганлиги товар белгиларига нисбатан ҳуқуқлар бузилиш хавфининг ортиб боришига олиб келмоқда. Товар белгиси ва домен номи ўртасида мавжуд ўзаро зиддиятли масалаларни ҳуқуқий ечимини топиш қонунчилик олдидаги муҳим вазифалардан ҳисобланади. Чунки яқин йиллар ичида аксарият ҳоларларда савдо-сотиқ Интернет тармоғи манзиллари орқали амалга оширилади. Бу эса домен номини рўйхатдан ўтказишга нисбатан талабнинг ортишига олиб келади. Домен номини рўйхатдан ўтказмоқчи бўлган шахс Интернет манзили, яъни домен номини кўпчиликка маълум бўлган сўзларни ўзлаштириш ҳисобига эгалик ҳуқуқини қўлга киритишга ҳаракат қилади. Айрим ҳолатларда бу сўз товар белгиси билан бир хиллиги юзага келади. Албатта, мазкур масала нафақат Ўзбекистонда, балки бутун дунёда мавжуд муаммолардан бири ҳисобланади.

Товар белгиси ва домен номларининг ўзаро нисбатини тартибга солишда товар белгисини домен номи сифатида рўйхатдан ўтказишнинг ягона тизимини жорий этган ҳолда, рўйхатга олинаётган домен номининг товар белгисини такрорлаши ҳолатида инсофсиз рақобат аломатлари бор ёки йўқлиги таҳлил қилиб борилиши лозим. Ушбу тизим нафақат домен номи рўйхатга олиниши жараёнида, балки ундан амалда фойдаланиш ҳолатларига ҳам татбиқ этилиши мақсадга мувофиқ.

Мониторинг натижасида товар белгисини такрорлаётган домен номи маъмурининг хатти-ҳаракатларида инсофли ёки инсофсиз эгаллаш аломатлари баҳоланади. Агар домен номининг маъмури товар белгисини шу йўл билан обрўсизлантириш билан инсофсиз рақобат ҳолатини келтириб чиқарган бўлса, ҳуқуқни бузган шахсга тегишли жазо чорасини қўллаш масалалари ҳам қонунчиликда ўз аксини топиши лозим.

Товар белгиси ва фирма номининг ўзаро бирхил ёки ўхшашлигини тартибга

солиш масаласи домен номига нисбатан долзарбдир. Фирма номларини рўйхатга олишда домен номларини рўйхатга олиш каби товар белгиси билан бир хиллиги ҳамда ўхшашлиги текширилмайди. Шу билан бирга, товар белгисини рўйхатдан ўтказишда ҳам фирма номи ўзаро қиёсланмайди.

Товар белгиси билан бир хил бўлган исталган хусусиятдаги белгиларни фирма номлари сифатида рўйхатдан ўтказиш мумкин. Товар белгиларини инсофсиз равишда домен номидан кўра фирма номи сифатида рўйхатдан ўтказиш товар белгиси обрўсини тушириш, истеъмолчини чалғитиш эҳтимоли юқоридир. Чунки истеъмолчилар товар тўғрисидаги маълумотни Интернет манзилидан олади. Фирма номи эса ҳар доим ҳам муомала воситасида тез-тез намоён бўлмайди.

Товар белгисини такрорловчи шахсийлаштиришнинг бошқа воситалари билан боғлиқ юқоридаги каби келтирган мисолдан келиб чиққан ҳолда шуни қайд этиш мумкинки, товар белгисини фирма ёки домен номи, хизмат кўрсатиш белгиси ҳамда товар келиб чиққан жой номларини такрорлаш ҳар доим ҳам инсофсиз рақобат ҳолатини келтириб чиқармайди. Энг муҳими, такрорлаётган белги айни товар белгисининг бозордаги обрўсини туширмаслиги, унга рақобатчи сифатида ҳар қандай хатти-ҳаракатларни амалга оширмаслиги лозим. Акс ҳолда товар белгисига нисбатан ҳуқуқлар муҳофаза қилиниб, такрорловчи белги уни эгасининг розилигисиз бекор қилинишига сабаб бўлади.

Домен номларида товар белгиларидан инсофсизларча фойдаланиш, товар белгиси эгасининг обрўсига беписандларча муносабатда бўлиш инсофсиз рақобатнинг замонавий усулларидан бири ҳисобланади. Домен номининг эркин, ҳеч бир текширувларсиз рўйхатдан ўтказиш имконининг мавжудлиги сабаб савдо-сотиқдаги маълум ва машҳур товар белгилари домен номида акс этмоқда.

Юқоридаги фикр-мулоҳазалардан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистон қонунчилиги бўйича домен номида товар белгиларига бўлган ҳуқуқни бузилиши бу, миллий доирада юқори даражадаги “UZ” доменида рўйхатдан ўтказилган домен номи товар ва хизматлар учун фойдаланмаётганидан қатъи назар домен номи қуйидаги ҳолатларда инсофсиз фойдаланаётган деб топилади:

1. Домен номини товар белгисининг эгасига сотиш ёки бошқача йўл билан ўтказиш ёки ушбу шахсларнинг рақобатчисига домен номини рўйхатдан ўтказиб бериш эвазига назарда тутилган ҳаражатлардан ортиқ мукофот олиш.

2. Интернет тармоғидан фойдаланувчиларни домен номига товар белгисига бўлган ҳуқуқ эгасига тегишли деб домен номини нотўғри талқин қилиш орқали домен номига жалб қилиш.

3. Домен номида фойдаланиш натижасида бошқа хўжалик юритувчи субъектлар – рақобатчиларга уларнинг ишчанлик обрўсига зарар етказиши мумкин бўлган ҳолатларда.

**ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР**

1. *Агеенко А.А.* Соотношение прав на доменное имя и товарный знак в США: Дис. ... канд. юрид. наук. – М., 2002. – С. 53.

2. *Серго А.* Доменные имена в свете нового законодательства. – М., 2010. – С. 12.

3. *Вацковский Ю.Ф.* Доменные споры. Защита товарных знаков и фирменных наименований. – М., 2009. – С. 54.

4. *Серго А.Г.* Правовой режим доменных имен и его развитие в гражданском праве: Автореф. дис. … д-ра юрид. наук. – М., 2011. – С. 16.
5. *Серго А.* Доменные имена как средство индивидуализации // Хозяйство и право. – 2011. – №5. – С. 96.
6. *Рустамбеков И. Р.* Ўзбекистон домен номларига оид муносабатларнинг фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солиниши : юрид.фан.номз.дис. ... Автореф. – Т., 2011. – Б. 8–9.
7. *Агеенко А. А.* Соотношение прав на доменное имя и товарный знак в США: Автореф. ... канд. юрид. наук. – М., 2002. – С. 8.
8. *Попцов А.В.* Правовое регулирование доменного мени в Российской Федерации: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – М., 2009. – С. 24.
9. *Гладкая Е.И.* Правовая квалификация доменного имени // Цивилист. – 2009. – № 4. – С. 3.
10. http://www.russianlaw.net./law/doc/a05.htm.
11. *Судакиров С.А*. Право интеллектуальной собственности: Учебник. – М., 2011. – С. 165.
12. *Милютин З.Ю*. Указ. соч. – С. 78.
13. *Милютин З.Ю*. Указ. соч. – С. 81.
14. *Бабкин С.А.* Указ соч. – С. 155.
15. *Попцов А.В.* Правовое регулирование доменного имени в Российской Федерации: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – М., 2009. – С. 21–22.
16. United States Department of Commerce, Patient and Trademark Office, Examination Guide No. 2-99. “Marks Composed, in whole or in part, of domain names”.
17. *Серго А.Г.* Правовой режим доменных имен и его развитие в гражданском праве: Автореф. дис. … д-ра юрид. наук: 12.00.03 / А.Г. Серго. – М., 2011. – С. 58.
18. *Колосов В.* Домен и право. Юрист о правовой природе доменных имен [Электронный ресурс] / В. Колосов // Юрид. услуга Вадима Колосова. – Режим доступа: http: www.kolosov.info/kommentarii/sredstvo-identifikaciii-individualizacii.
19. *Пермякова Н.А*. Доменные имена и товарные знаки вопросы правоприминительной практики // Вестник Омской юридической академии. – 2015. – № 2. (27). – С. 27.
20. *Галифанов Р.* Особенности правовых взаимоотношений доменных имен и товарных знаков // Интеллектуальная собственност. Промышленная собственность. – 2017. – № 8. – С. 38.
21. *Ешич А.С.* Правовое регулирование отношений по использованию товарного знака и иных средств индивидуализации в доменном имени // дисс. канд. юрид. наук. – М., 2007. – С. 38.
22. *Дмитриев С., Рузакова О.,* Доменные имена: проблемы российского и зарубежного законодалетьства // ИС. Авторское право и смежные право. – 2001. – № 6. – С. 15–24.
23. *Садовский П.В.* Коллизии прав на товарные знаки с правами на результаты интеллектуальной деятельности и средства индивидуализации:  Автроф. дис. ... канд. юрид. наук. – М., 2007. – С.19–20.
24. *Герцева Е.* Ответсвенная практика разрешения доменных споров, info.nic.ru
25. *Серго А*. Использование средств индивидуализации в доменных именах: практика арбитражного центра ВОИС // Интеллектуальная собственность. Промышленная собственность. – 2016. – №11. – С. 38–51.
26. *Галифанов Р.* Особенности правовых взаимоотношений доменных имен и товарных знаков // Интеллектуальная собственность. Промышленнаясобственность. – 2017. – № 8. – С.37.
27. Second life-Brand Promotion and Unauthorized Trademark Use in Virtual Words. WIPO Magazine. – Geneva, 2007. – №6. – P. 11–13.
28. *Kelly D.M. and Hieber C.J.* “Taking aim at Cybersquatters. A new weapon for US trademark owners”, - Trademark world, # 125, 2000. – P. 14–15.

***Б. Т Туйчиев ,***
*фалсафа доктори, истеъфодаги полковник;*

***М. М. Мансуров,***
*ИИВ 2-сон Тошкент академик лицей педагогик ходими,*
*ЎзМУ сиёсий фанлар мустақил изланувчиси*

# ОДАМ САВДОСИ – ОММАВИЙ ТАРТИБСИЗЛИКЛАР НЕГИЗИДИР

**Аннотация.** Ҳозирги глобаллашув жараёнида одам савдоси жинояти бошқа турдаги жиноятларга замин яратиш билан бир қаторда, ундан сиёсий жараёнларда қурол сифатида фойдаланиш кучаймоқда. МДҲ давлатларида бундай ҳолатлар кузатилганлиги, яъни Россия ва Белорусдаги тартибсизликлар бунга ёрқин мисол бўла олади.
**Таянч сўзлар:** трансмиллий жиноят, одам савдоси, жаҳон ҳамжамияти, оммавий тартибсизлик.

**Аннотация.** Статья посвящена процессам глобализации, которые наряду с другими политическими процессами служат усилению таких видов преступлений, как торговля людьми. Также на примере стран СНГ, в частности России и Беларуси, проводится анализ массовых беспорядков, связанных с данными видами преступлений.
**Ключевые слова:** транснациональная преступность, торговля людьми, мировое сообщество, массовые беспорядки.

**Annotation. T**he article is devoted to the processes of globalization, which, along with other political processes, serve to increase such types of crimes as human trafficking. Also, using the example of the former CIS countries, in particular Russia and Belarus, an analysis of riots associated with these types of crimes is carried out.
**Keywords:** transnational crime, human trafficking, world community, riots.

Ҳозирда одам савдоси глобал хавфсизлик, жамият барқарорлиги, жаҳон ҳамжамиятининг ривожланишига таҳдид солаётган жиноят сифатида баҳоланмоқда. У хавфлилик даражаси бўйича ноқонуний қурол-яроғ сотиш ва наркобизнес каби трансмиллий жиноятлар билан бир қаторда, оммавий тартибсизликларга замин яратмоқда. Одам савдоси трансчегаравий, комплекс характерга эга уюшган гуруҳлар томонидан содир этилаётган жуда кенг тарқалган жиноят бўлиб, унда инсон “товар”га айлантирилади. Амалда эса бу “қулликнинг” замонавий шаклидир. Бундан сиёсий мақсадларни кўзлаган кучларга қурол сифатида фойдаланиш имкониятини яратади. Россия ва Белорусдаги тартибсизликлар ташқи кучларнинг усталик билан амалга оширилган режаси ҳисобланади. Жумладан, воқеалар таҳлили шуни кўрсатадики, жараёнга аралашган шахслар билан олиб борилган профилактик суҳбатда уларга шундай қилиш кераклиги айтилган бўлиб, нима мақсадда ва қандай талабларни илгари сураётганини умуман тушунмаслиги энг ачинарлиси, ҳатто рус тилини яхши билмасликлари аниқланган. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг маълумотига кўра, дунёда ҳар йили 2 миллион 700 минг киши одам савдоси қурбони бўлади. Бу эса одам савдоси халқаро жиноятчиликнинг сердаромад молиявий манбаига айланганлигини кўрсатиб, бу фикр экспертларнинг хулосаларига қараганда одам савдосидан йилига кўриладиган даромад 7 млрд АҚШ доллардан ошаётганлиги билан тасдиқланади.

Халқаро миграция ташкилотининг маълумотларида одам савдоси билан шуғулланувчи жиноий гуруҳлар одамларни нафақат жинсий ёки меҳнат эксплуатацияси, балки уларнинг ички органларини трансплантация қилиш, наркотик моддаларни тарқатиш, бошқа турдаги жиноятлар содир этиш учун ҳам ёллаб мажбурламоқдалар. Суд-тергов амалиёти натижаларининг таҳлил этилиши одам савдоси жиноятларининг уюшган гуруҳ аъзолари томонидан бир неча босқичларда содир этилишини кўрсатади. Яъни:

1-босқич – жабрланувчиларни ёллаш, ҳужжатларни расмийлаштириш;

2-босқич – чегарадан (қонуний ёки ноқонуний) ўтказиш;

3-босқич – чет мамлакатда жабрланувчиларни кутиб олиниши, ҳужжатларини олиб қўйилиши, сотилиши;

4-босқич – сотиб олиниши ва эксплуатация қилиниши.

Юқорида кўрсатилган вазифаларни жиноий гуруҳнинг қуйидаги иштирокчилари амалга оширади:

а) ёлловчи;

б) жабрланувчини чегарадан ўтказиш ёки чиқиб кетишини таъминлайдиган шахс;

в) жабрланувчиларни белгиланган давлатда кутиб олувчи ва сотувчи шахс;

г) жабрланувчини сотиб олувчи ва эксплуатация қилувчи шахс.

Шу ўринда одам савдосига қарши курашиш борасида олиб борилаётган ишлар эътиборга молик. Айниқса, ЕХҲТ (ОБСЕ) билан ҳамкорликда Ташқи ишлар вазирлиги томонидан ташкил қилинган конференция, Республика Бош прокуратураси, ИИВ Академияси ва вилоятларда ўтказилган конференцияларни мисол тариқасида келтириш мумкин. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг сўровномасига асосан жорий йилнинг 16 март куни Америка Қўшма Штатлари элчисининг сиёсий масалалар бўйича маслаҳатчиси Х.Томас хоним билан Ички ишлар вазирлигида учрашув ўтказилди. Шу йилнинг 16 июнь куни вазирлик тергов бош бошқармасида Россия Федерацияси ИИВнинг масъул ходимлари иштирокида одам савдоси масалаларига бағишланган учрашув бўлиб ўтди [1]. Унда РФ ИИВ қошидаги тергов қўмитасининг корруция ва уюшган жиноятчиликка қарши курашиш бошқармаси бошлиғи генерал-майор И.Соколов ва ўта муҳим ишлар бўйича катта терговчиси майор М.Климова ҳамда Миграция масалалари бўйича халқаро ташкилот вакили К.Бойченколар қатнашдилар. Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо давлатларнинг Ички ишлар вазирлари томонидан одам савдосига қарши курашиш борасида халқаро келишув имзоланди. Ушбу ҳужжат бугунги куннинг талаби бўлиб, одам савдоси билан боғлиқ жиноятларга қарши курашиш самарадорлигини ошириш, халқаро ҳамкорлик муносабатларини тартибга солиш ва чет эллардаги жиноий гуруҳларнинг ҳар бир аъзосига нисбатан жазонинг муқаррарлигини таъминлашда катта аҳамиятга эга. Яъни мазкур ҳужжатга асосан МДҲ давлатлари Ички ишлар вазирлигидан, ҳатто телефон орқали тезкор маълумотлар олиш мумкин. Бу ҳам жиноятчиликка қарши курашишда ходимларга қулайликлар яратди. Баъзи ҳолатларда ёлланган шахс учун ваъда қилинган ойлик маоши камроқ бўлиб қолиши, шахс ўзининг уқувсизлиги ёки керакли мутахассислик ва тушунчага эга бўлмасдан турли хил даъватлар таъсирига тушиб, этник ва сиёсий жараёнларга жалб этилмоқда. XXI аср ахборот асрида бундай ҳолатлар усталик билан ёритилмоқда.

Мажбурий меҳнатга жалб қилинмаганлиги, ҳуқуқ ва эркинликлари чекланмаганлиги, чет элдаги кўплаб корхона ва ташкилотлар иш ҳақини ўз вақтида, тўлиқ тўлай олмаслиги каби ҳолатлар ҳам мавжуд бўлиб, бундай вақтда

ёллаган шахснинг ҳаракатларида ЖКнинг 135-моддасида кўрсатилган жиноят таркиби мавжуд бўлмайди, яъни ойлик иш ҳақини ўз вақтида ололмаслигини одам савдоси жинояти, деб тушунмаслик лозим. Шунингдек, одамни олиш-сотиш, ёллаш, ташиш, топшириш, яшириш ёки қабул қилишда фойдаланиш мақсадининг йўқлиги каби содир этилган қилмишни ҳам одам савдоси сифатида баҳолаб бўлмайди. Хорижий давлатларда қонуний меҳнат муҳожири сифатида меҳнат фаолиятини олиб бораётганлар ҳам кўпчиликни ташкил қилади. Аммо муаммо ноқонуний ва назоратсиз қолган шахслар томонидан содир этилиш кўрсаткичининг юқорилиги ҳисобланади. Шундай экан одам савдоси бугунги кунда унинг тарқалишининг улкан миқёсига етди ва бу XXI асрнинг глобал муаммоси сифатида муҳокама қилишга мажбур қилди. Муаммо одамларнинг ҳаётига, дунёдаги барқарорликка жиддий таъсир қилади ва халқаро ҳамжамиятнинг ташвишини кучайтиради. Бу глобаллашув инсоният олдида турган янги синовдир. Халқаро ташкилот ва турли мамлакат ҳукуматлари ушбу ҳодисага қарши курашишга қаратилган дастур, сиёсат, янги қонун ва механизмларни яратишда фаол иш олиб бормоқдалар. Ушбу муаммо давлатлар, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ва халқаро ташкилотларнинг одам савдосига қарши курашиш соҳасидаги ўзаро ҳамкорлигини ўрганиш нуқтаи назаридан ҳам долзарбдир.

Одам савдосига қарши бутунжаҳон ҳаракатида учта иштирокчини ажратиб кўрсатиш мумкин: турли мамлакатларнинг давлат органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, халқаро ташкилотлар [2]. Халқаро миқёсда аёл савдосига қарши курашнинг биринчи қадамлари инглиз қизларининг сотилишини аниқлаш ва йўқ қилиш учун Халқаро Аболицистлар Федерацияси ва Лондон қўмитаси каби нодавлат ташкилотлари томонидан амалга оширилди [3]. Халқаро католик Иттифоқининг фаолияти ҳам ушбу йўналишда олиб борилди. 1896 йилдан Швейцариянинг Фрайбург шаҳрида ёш қизларни ҳимоя қилиш бўйича бир қатор муассасаларга асос солинган. Ушбу ташкилотлар билан бир қаторда, Буюк Британиянинг миллий ҳушёрлик уюшмалари ҳам фаол бўлиб, уларнинг ташаббуси билан 1899 йилда Аёллар савдосига қарши кураш бўйича халқаро конгресс чақирилди. Конгресс иши давомида ҳар бир мамлакатда аёл савдосига қарши кураш бўйича миллий қўмитани тузишга қарор қилинди. Конгресс аёллар савдосига қарши курашда давлатлар ва нодавлат ташкилотлари ўртасида халқаро ҳамкорликни шакллантириш учун асос яратди.

БМТ томонидан қабул қилинган бошқа муҳим ҳужжатлар:

– 1948 йилдаги Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси – тенглик, эркинлик, шахсий дахлсизлик, шунингдек, барча одамларнинг қуллик ва қулликдан мустақиллигини тан олади;

– Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт (1966) – қулликка ўхшаш қуллик ва урф-одатларни тақиқлайди;

– БМТнинг одам савдосига ва бошқа одамларнинг фоҳишалигига қарши конвенцияси (1949);

– Қуллик тўғрисидаги конвенция (1926) ва қулликни бекор қилиш тўғрисидаги қуллар савдоси ва қулликка ўхшаш институтлар ва амалиёт (1956), унга қўшимча;

– БМТнинг Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияси (1989 й.), Болаларни сотиш, болалар фоҳишабозлиги ва болалар порнографияси, Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияга Факультатив протокол (2000 й.).

2003 йил 1 июлда кучга кирган барча меҳнат муҳожирлари ва уларнинг оила аъзоларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги БМТнинг халқаро конвенцияси [4] .

Европа Кенгаши одам савдоси масаласини ўзининг бир қатор қўмиталари ва дастурлари орқали тўғридан-тўғри ёки билвосита ҳал қилади. Шулар қаторида Гендер тенглиги бўйича мувофиқлаштирувчи қўмита (СДЕГ) вакили бошчилигидаги кўп тармоқли мутахассислар гуруҳи фаолият олиб боради. 1997 йилдан бери ушбу гуруҳ “жинсий эксплуатация мақсадида” одам савдосига қарши қатор ташаббус, жумладан яқинда эълон қилиниши керак бўлган Европа Кенгашининг вазирлар қўмитаси ва аъзо мамлакатлар учун тавсиялар тайёрлашда иштирок этмоқда. 1998 йилда СДЕГ нодавлат нотижорат ташкилотларининг одам савдосига қарши курашдаги роли тўғрисида семинар ва оммавий ахборот воситаларида одам савдоси масалаларида аёлларнинг обрўсига бағишланган ишчи учрашув ўтказганлиги ҳам одам савдосини олдини олиш ва унга қарши курашишдаги дадил қадамлардан бири ҳисобланади.

Шу ўринда айтиш жоизки, одам савдоси қурбонига айланиб қолмаслик, бундай ҳодиса ва жараёнларни олдини олиш учун ноқонуний меҳнат фаолияти билан шуғулланиш мақсадида хорижга чиқмаслик, фуқароларимиздан хорижга чиқишларидан олдин (ўқиш, меҳнат фаолияти, туризм ва бошқа ҳолларда) бораётган давлати ҳақида қисқача тасаввурга эга эканлигини билиш ҳамда сиёсий ҳаракатлар иштирокчиси бўлиб қолмаслик, бораётган давлатини қонун-қоидаларини билиш ва уни ҳурмат қилиш кераклиги ҳақида тушунча бериш, Ўзбекистон фуқароси номига доғ туширмаслик тўғрисида жойларда, профилактик суҳбатларни паспорт, яъни шахсини тасдиқловчи ҳужжат олаётган вақтдаёқ олиб бориш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. *Рустамбоев М.Х.* Одам савдоси. – Т., 2017. – Б. 21.

2. *Дзялошинский И. М., Тюрюканова Е. В.* Торговля людьми: СМИ как ресурс общественного противодействия современному рабству. – М., 2008. – С. 37.

3. *Гусев Л. Ю.* Борьба с торговлей женщинами: история и современное положение в России и странах Шанхайской организации сотрудничества // Борьба торговлю людьми материали Международной науково-практичной конференции (Донецк, 26 чер- вня 2008 р.) / Донецький юридичний институт ЛДУВС имени Е. О. Дидоренка, Фонд Ганса Зайделя. – Донецк, 2008. – С.45.

4.Торговля людьми /Конвенции и соглашения // https://www.un.org/ru/documents/decl_conv/conv_humantrafficking. shtml.

***М. А. Ражабова,***
*ИИВ Академияси Жиноят ҳуқуқи кафедраси профессори,*
*юридик фанлар доктори профессор,*

***М. М. Қаландаров,***
*ИИВ Академияси Жиноят ҳуқуқи кафедраси доценти,*
*юридик фанлар номзоди, доцент*

# ЯПОНИЯ ВА ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТЛАРИ ЖИНОЯТ ҚОНУНЧИЛИГИДА ҚУРОЛНИНГ ҒАЙРИҚОНУНИЙ МУОМАЛАСИ УЧУН ЖАВОБГАРЛИКНИНГ ҚИЁСИЙ-ҲУҚУҚИЙ ТАҲЛИЛИ

**Аннотация.** Мазкур мақола илмий-назарий манбалар ва Япония давлатининг жиноят қонун ҳужжатларида қурол ёрдамида жиноят содир этиш, қуролларнинг ғайриқонуний муомаласига оид жиноятлар учун жиноий жавобгарлик ва жазолаш масалаларини Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси, давлатнинг ушбу йўналишдаги қонун ижодкорлигидаги фаолиятини қиёсий таҳлил қилишга бағишланган бўлиб, унда Япония қонунлари асосида миллий қонунларимизни янада такомиллаштириш юзасидан таклиф ва илмий-амалий тавсиялар баён қилинган.
**Таянч сўзлар:** қонунчилик, қадриятлар, ҳуқуқий муҳофаза, жиноят, жазо, қурол-яроғ, ғайриқонуний муомала, жавобгарлик, жиноят содир этган шахс.

**Аннотация.** В статье проводится сравнительно-правовой анализ уголовного законодательства Японии и Узбекистана об ответственности за незаконный оборот оружия. Рассматриваются вопросы наказания за преступления, связанные с незаконным оборотом оружия, в уголовном законодательстве Японии и Уголовном кодексе Республики Узбекистан, внесены предложения и научно-практические рекомендации по дальнейшему совершенствованию национального законодательства в этой сфере.
**Ключевые слова:** законодательство, ценности, правовая защита, преступление, наказание, оружие, незаконное обращение, ответственность, лицо, совершившее преступление.

**Annotation.**This article is devoted to scientific and theoretical sources and issues of criminal responsibility and punishment for crimes related to the commission of a crime with the use of weapons and illegal handling of weapons in the criminal legislation of Japan for a comparative analysis of the Criminal Code of the Republic of Uzbekistan and the legislative activity of the state in this area and is introduced proposals and scientific and practical recommendations for the further improvement of our national legislation based on the laws of Japan, which are considered developed countries.
**Keywords:** legislation, values, legal protection, crime, punishment, weapon, illegal treatment, responsibility, the person who committed the crime.

Япония жиноятчилик, хусусан, қурол (ўқотар қурол, ўқ-дорилар, портловчи моддалар ёки портлатиш қурилмалари) нинг ғайриқонуний муомаласига қарши курашиш билан боғлиқ қонунчилик тажрибаси ҳамда жиноят қонунчилиги ва ҳуқуқни қўллаш амалиётининг ўзига хослиги (бетакрорлиги) билан дунёдаги кўплаб мамлакатлар учун ибрат бўлиб, бизни ҳам таҳлил қилишга ундай-

ди. Кези келганда таъкидлаш жоизки, ривожланган давлатлар орасида жиноятчилик даражаси бўйича Япония энг паст кўрсаткичга эга мамлакатдир. Жумладан, Япония Адлия вазирлигининг 2020 йилдаги “Жиноятчилик ҳақидаги Оқ китоби” маълумотларига кўра, бутун мамлакат бўйича 2019 йилда полиция томонидан 748 559 та жиноят қайд этилган бўлиб, бу кўрсаткич ундан олдинги (2018) йилга нисбатан 68 779 (8,4 %) та жиноят кам содир этилганлигидан далолат беради. Японияда жиноятчиликнинг энг юқори чўққиси 2002 йилда (2.850.000 та жиноят) кузатилган бўлиб, шу даврдан 17 йил мобайнида жиноятчиликнинг камайиши, ҳаттоки Иккинчи жаҳон урушидан кейин унинг рекорд даражада пасайишига эришилган [1]лиги фикримиз далили бўлаолади.

Шу боис қисқа вақт ичида ижтимоий-иқтисодий тизимини авторитаризмдан демократия ва бозор муносабатларига ўзгартира олган Япония давлатининг жиноятчиликка қарши курашиш сиёсатида эришилган қонунчилиги билан боғлиқ тажрибасини таҳлил қилиш Ўзбекистон ҳуқуқшунос олимлари учун илмий, амалий жиҳатдан муҳим аҳамият касб этади.

Шу ўринда Ўзбекистонда қурол-яроғ (қонуний ва ғайриқонуний) муомаласини тартибга солишнинг ҳуқуқий механизмларини янада такомиллаштириш борасида амалга оширилаётган тубислоҳотларнинг самарадорлигига эришиш, айниқса, Ўзбекистоннинг амалдаги қурол тўғрисидаги қонунчилигини ташкил этувчи барча норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ягона тизимга келтириш, Қурол тўғрисидаги асосий қонун[2] талабларидан, яъни қонунда белгиланган қуролнинг тавсифи ва турларидан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексида қурол-яроғнинг ғайриқонуний муомаласи учун жавобгарликни назарда тутувчи нормаларни янада такомиллаштириш зарурати юзага келаётган бир вақтда[3], давлат раҳбарининг ташаббуси билан қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг янги Жиноят кодексини тайёрлаш Концепцияси асосида лойиҳани муҳокама қилиш жараёни қизғин кечаётган паллада Япония жиноят қонун ҳужжатларидаги ижобий тажриба ва мазкур ҳуқуқ тармоғига оид юридик илмий адабиётларни таҳлил қилиш зарур, деб ҳисоблаймиз.

Фикримизча, Япониянинг қурол-яроғнинг ғайриқонуний муомаласига қарши курашиш тажрибаси ўзининг қуйидаги жиҳатлари билан эътиборни жалб этади:

биринчидан, япон ва ўзбек халқларининг менталитети, руҳияти (психологияси), ахлоқий жиҳатлари, яъни хулқ-атвори (жамиятда юриш-туриш қоидалари)нинг бир-бирига яқинлиги билан ўхшашлиги. Уларнинг ўз юрти тинчлиги, осойишталигини мустаҳкамлаш, хавфсизликни таъминлашда миллий анъана ва урф-одатларига ўта масъулият билан ёндашишлари ҳам муҳим аҳамият касб этади;

иккинчидан, Япония ўта оғир ижтимоий-иқтисодий таназзулни енгиш, яъни ўтиш даврида камида икки маротаба жиноятчиликнинг авж олганлик ҳолатига дуч келган бўлсада, унга қарши қатъиятлик билан курашиб самарали натижаларга эриша олди [4];

учинчидан, Япония жиноятчилигининг феномени нафақат унинг паст даражасида, балки японлар келажакда жиноятчиликдан холи жамият яратишга қодир эканлигига ишонч билдиришидадир. Айнан мазкур мамлакатда жиноятчиликдан қутулиш миллатни бирлаштирувчи замонавий ғоясига айланган [5];

тўртинчидан, Японияда жиноятчиликни жиловлаш, унга қарши курашишда ижтимоий ва сиёсий воситаларнинг интеграциялашуви асосида ёндашув сиёсати муҳим роль ўйнайди. Эътиборли жиҳати, Японияда жиноятчиликка қарши курашишда умумдавлат (яъни бу ерда тегишли мутасадди давлат ва

муниципал органларининг иштироки маъносида) эмас, балки умуммиллий, яъни жиноятчиликка қарши курашишда фуқаролик жамияти тузилмаларининг фаол ҳаракатлануви кенг тармоқларини қамраб оладиган тизим яратилган. Энг муҳими ижтимоий қадриятларни жиноятчиликдан ҳимоя қилмасдан туриб, жамиятни ривожлантиришнинг иложи йўқлиги ва барча фуқаролар иштирокида уларни ҳимоя қилишнинг зарурати тўғрисида бутуняпон келишуви юзага келган [6]. Ўзбекистонда ҳам сўнгги йиллардаислоҳотлар боис ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишда жамоатчилик тузилмалари, фуқароларни кенг жалб этиш орқали мутлақо янги "Жиноятчиликка қарши курашиш ҳақиқати ва адолати" тизими яратилди ва амалда қўлланилиб келинмоқда [7];

бешинчидан, "Марказий Осиё – Япония" халқаро бирлашмасининг мулоқот формати доирасида Япония Ўзбекистонни Марказий Осиё минтақасида барқарор ва прогматик (узоқни кўзловчи) сиёсатни юритувчи асосий давлат, деб билади [8]. Шу нуқтаи назардан Япония трансмиллий жиноятлар турига кирадиган қуролнинг ғайриқонуний муомаласи билан боғлиқ жиноятчиликка қарши курашишда Ўзбекистонни ўзининг яқин ҳамкори сифатида тан олади.

Демак, буларнинг барчаси Япония жиноят қонунчилигини ўрганиш зарурлигидан дарак беради.

Япония жиноят ҳуқуқи – ноёб ҳодиса, бу ҳақда ҳар қандай япон ҳуқуқини тадқиқ этган олим тасдиқлаши мумкин. Тояма Йокогама университети профессори Каваи Микионинг фикрича, япон жиноят ҳуқуқи бошқа ривожланган мамлакатларда жуда кам учрайдиган, умумий ва континентал ҳуқуқ тизимининг уйғунлигидан иборатир[9]. Чунончи, Япония Жиноят кодекси роман-герман ҳуқуқ тизими модели асосида яратилган бўлса, махсус жиноят қонунлари эса асосан англо-саксон ҳуқуқ оиласининг таъсири остида ишлаб чиқилган[10].

Шу ўринда ҳуқуқ оиласига мансублиги нуқтаи назардан ҳозирги даврдаги дунё давлатларидаги ҳуқуқ тизими гуруҳларга жамланиб қуйидагича номланади. а) романо-герман; б) англо-саксон; в) социалистик ҳуқуқ; г) мусулмон ҳуқуқи; д) Ҳиндистондаги ҳуқуқ; е) Хитой ва Япон ҳуқуқи; ж) Африка ва Мадагаскар ҳуқуқ оилаларидир[11]. Ҳолбуки, мазкур ҳуқуқ оилалари ичида Япон ва Хитой ҳуқуқ тизими ўзаро яқинлиги боис бир гуруҳни ташкил этиши билан ажралиб туради.

Шунингдек, Япония – бир неча асрлар мобайнида қуролларни эркин фуқаролик муомаласидан бутунлай олиб ташлашга қаратилган сиёсат олиб борадиган кам сонли давлатлардан бири ҳисобланади. Япон фуқароларининг ҳуқуқларини чеклаш тарихан ўрнатилган анъанадир. Зеро, XVI асрда ҳукмдор Тойотоми Хидоёси томонидан деҳқонларнинг қурол-яроғини мусодара қилиш тўғрисидаги фармоннинг қабул қилиниши билан Японияда қуролларга хусусий эгаллик қилиш тақиқланадиган бўлди. "Katana – gari" (қиличларни мусодара қилиш) –Тойотоми Хидоёси томонидан 1558 йилда қишлоқ аҳолиси исёни ва қўзғолонларини бостириш мақсадида ўрнатилган чора бўлиб, бу сиёсат Токугава сулоласи томонидан давом эттирилган[12].

Албатта, қуролнинг пайдо бўлиши ҳар қандай зўравонлик учун қулай восита бўлиб, қурол билан содир этиладиган жиноят ижтимоий хавфлилик даржасига кўра энг оғир жиноят деб топилади. Ҳаттоки Ўрта асрда Ўзбекистон ҳуқуқ тизимида ҳукмрон бўлган ислом ҳуқуқи қоидаларида белгиланишича, қуролни ишлатиб, бировни молини тортиб олган кишининг қўл ва оёғи қарама-қарши томонидан кесилган, агар қурол ишлатиб, бировнинг молини тортиб олиш билан ўлдирилса, жиноятчининг қўл-оёғи

кесилмасдан ёхуд кесилиб, бутга қоқилиб, ўлдирилган[13]. Ривожланган давлатлар орасида жиноятчилик даражаси бўйича энг паст кўрсаткичга эга Япония каби мамлакат ҳам курол-яроғнинг ғайриқонуний муомаласининг муаммосидан ҳоли бўла олмади.

Статистик маълумотларга кўра, Японияда умумий жиноятчилик тизимида куролли жиноятлар энг паст кўрсаткичларга эга, гарчи ўқотар курол билан содир этилган жиноятлар кўпайган бўлсада, уларнинг аҳоли сонига нисбатан улуши жуда пастлигича қолмоқда[14]. Чунончи, ўқотар курол қўлланилган қотилликларнинг умумий қотиллик сонига нисбатан атиги 4,1 % ни ташкил этади. Бу кўрсаткич бошқа ривожланган давлатларга нисбатан анча пастроқдир. Бошқа давлатлар билан таққослаганда, 2014 йил АҚШда ўқотиш натижасида 33.599 та қотиллик содир этилган бўлса, Японияда эса ушбу ҳолатда бор йўғи олти киши ҳаётдан кўз юмган[15].

Бироқ XXI асрнинг 10-йилларига қадар сиёсий арбоблар, оммавий ахборот воситалари вакиллари ва оддий фуқароларнинг ўқ-отар куролни қўллаш қурбонига айланиш ҳолатлари кўпайган. Бу жиноятчилар томонидан ўқотар куролни қўллаш орқали ушбу давлатда ўрнатилган сиёсий режимга нисбатан ўтказилган босимдан далолат берганлигини кўрсатади. 2007 йил апрель ойида Нагасаки мэри ўқотар курол орқали ўлдирилиши жамоатчилик орасида катта шов-шувга сабаб бўлди. Япония полицияси бош бошқармаси ҳисоб-китобларига кўра, биргина 2007 йилнинг биринчи ярмида мамлакатда ўқотишдан ўлганлар сони 2006 йилнинг ушбу даврига нисбатан тўрт бараварга кўпайган[16]. Бундай ҳолат япон халқи томонидан ўта ташвишли, деб баҳоланади.

Японияда курол-яроғнинг ғайриқонуний муомаласининг иккинчи муаммоси – бу уларнинг бошқа давлатлардан ғайриқонуний олиб кирилишидир. Масалан, 1999 йилда полиция томонидан фуқаролардан ғайриқонуний сақланаётганлик учун 1001 дона тўппонча олиб қўйилган, шундан 837 донаси заводда ишлаб чиқилган тўппонча бўлса, 164 таси эса қўлбола усулида қалбакилаштирилган пистолетлардир[17].

Тўппончаларнинг аксарият қисми Японияга бошқа мамлакатлардан олиб келинган. Мисол учун, олиб қўйилган тўппончалардан 30 фоизи АҚШда, 20 фоизи Хитойда, 10 фоизи Филиппинда ишлаб чиқарилган.

Расмий маълумотларга кўра, Японияда XXI асрнинг дастлабки ўн йиллигида курол-яроғ контрабандаси доимий равишда камайишига эришилган, жумладан 2002 йилда божхона ходимлари томонидан 13 та тўппонча олиб кирилишининг олди олинган бўлса, 2010 йилга келиб эса бундай ҳолатга мутлақо чек қўйилган. 2011–2020 йилгача курол-яроғнинг ғайриқонуний олиб кириш ҳолатларига чек қўйилиши натижасида Япония божхоначилари томонидан ҳар йили ўртача 7 та бирликдан ошмаслигига эришилган. Япония Миллий полицияси маълумотларига кўра 2019 йилда мамлакат божхонасидан бор-йўғи 3 та тўппонча олиб киришга уриниш ҳолатининг олди олинган[18].

Аммо А. М. Николаевнинг фикрича, божхоначилар томонидан курол-яроғ контрабандаси бўйича бундай паст кўрсаткич маълумотлари тақдим этаётганлиги қай даражада ҳақиқатга яқин эканлигини шубҳа остига олмоқда. Чунки бугунги ҳақиқий ҳолат ва тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, япон жиноий гуруҳларининг божхоначиларнинг ўта ҳушёрлиги боис, уларнинг тўсиғидан ўтишда қийинчиликларга дучор бўлаётганлиги эмас, аксинча улар айнан шу йўллар орқали ўзларининг курол-яроғ омборхоналарини тўлдириб бормоқдалар [19]. 2013 йилда полиция томонидан 471 дона турли хилдаги куроллар олиб қўйилган бир вақтда, божхона

томонидан фақат 6 дона тўпонча мусодара қилинганлиги ҳақида ахборот берилган. Бир йил олдин эса ушбу кўрсаткич 373 га, яъни 4 фоизга тенг бўлган[20]. 2019 йилда япон полициячилари томонидан 401 дона қурол-яроғ мусодара қилинган бўлса, божхоначилар эса 3 та тўппонча олиб қўйилганлиги ҳақида расмий баёнот берганлар [21] ва префектура полицияси томонидан олиб қўйилган қуролларнинг аксарият қисми чет элларда ишлаб чиқарилганлиги аниқланган.

Японияга ғайриқонуний олиб кирилган қурол-яроғларни кейинчалик манбасини яшириш мақсадида жиноятчилар томонидан уларни қалбакиллаштириш, ўзгартиришлар киритиш орқали қайта ишлаш, ноқонуний сақлаш, ҳаттоки япон фуқаролари томонидан қўлбола усулда қуролларни тайёрлаш ҳолатлари учраб тураётганлиги ҳам Японияда қурол-яроғ ғайриқонуний муомаласига қарши курашдаги муаммолардан яна бири десак, адашмаймиз.

Японияда қурол-яроғ муомаласини тартибга солишга оид бир қатор қонунлар мавжуд. Жумладан, 1950 йилдаги “Ўқотар қурол ва қиличларни сақлаш устидан назорат ўрнатиш тўғрисида”ги ҳамда 1958 йилдаги “Ўқотар қурол ва қиличлар устидан назорат ўрнатиш тўғрисида”ги қонунлар шулар жумласидандир. Мазкур қонунлар Миллий Полиция Агентлиги юрисдикциясида бўлиб, бутун мамлакат ҳудудида ўқотар қурол ва қиличларга эгалик қилиш ва уларни чет эл савдоси билан боғлиқ муносабатларни тартибга солади.Ундан ташқари. қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳам қабул қилинган. Жумладан, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги юрисдикцияси асосида ишлаб чиқилган ва қабул қилинган “Артиллерия қуролларини ишлаб чиқиш тўғрисида”ги қонундир. Ушбу қонунга мувофиқ мамлакат ичкарисида ўқотар қуролларни ишлаб чиқиш ва унинг савдосига оид муносабатлар тартибга солинади.

Ўқотар қуроллар таъминоти билан боғлиқ Япониядаги муносабатлар яна “Божхона тўғрисида”ги, “Божхона тарифлари тўғрисида”ги, “Атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги, “Спорт тўғрисида”ги ва бошқа қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади. Япония қонунларига ўхшаш тартиб-таомиллар Ўзбекистонда ҳам айнан соҳа ёки тармоқларга оид қонунлар ва қонуности ҳужжатлари билан тартибга солинганини қайд этиш ўринли. Япония ва Ўзбекистон қонунчилиги амалиётидаги мазкур ёндашув ҳуқуқ тизимининг ўхшашлиги баробарида ҳар бир давлат қонунларидаги нормалар ўзига хос фарқ қилувчи хусусиятларга эга эканлигидан далолат беради.

Бугунги кунда Японияда қурол-яроғ муомаласига оид муносабатларни тартибга соладиган асосий ҳужжат сифатида “Ўқотар қурол ва қиличлар устидан назорат ўрнатиш тўғрисида”ги қонун деб қаралади. Айнан мазкур қонун ўқотар қуроллардан фойдаланишни энг қаттиқ тартибини белгилаб беради. Қонуннинг мазмун-моҳияти билан танишар эканмиз ўз-ўзидан японларда асрлар давомида мазкур масала юзасидан шаклланган тартиб-таомиллар қонунда тўлиқ акс этган, деган хулосага келишга имкон беради.

Action on Armed Violence ташкилотининг ижрочи директори ва Gun Baby Gun (“Қурол, болакай, қурол”) номли асарнинг муаллифи Иэн Овертоннинг таъкидлашича, “Японияда ўқотар қуроллар пайдо бўлганидан бошлаб, бу ерда доимо қуролдан фойдаланишга нисбатан қаттиқ қонунлар амалда бўлган, айнан Японияда илк бор дунёда қурол устидан назорат қилиш тўғрисидаги қонунлар ишлаб чиқилган, бу эса том маънода япон жамиятида тўппончаларга ўрин йўқ, деган фикрга келинади” [22].

Шунга қарамасдан, япон олими Каи Узда таъкидлашича, Японияда одатда совуқ қуроллар (найза ва камонлардан

тортиб, қилич ва пичоқлар)га эгалик қилиш масаласида бироз юмшатилганлик ҳолати сақланиб қолинган[23].

Дарвоқе, 1685 йилда ўқотар қуролларни ўз ихтиёри билан келиб топширган япон фуқаролари рағбатлантирилганлар. Бунинг натижаси ўлароқ, шу кунга қадар Японияда 100 кишига нисбатан атиги 0,6 дона қуролга эгалик қилиш тўғри келса, 2007 йилда Small Arms Survey томонидан ўтказилган сўровномага кўра, ушбу кўрсаткичга нисбатан Уэльс ва Англияда 6,2 дона, АҚШда эса 88, 8 дона қуролга эгалик қилиш ҳуқуқи берилган[24].

Бизнингча, аҳоли қўлида қанча қурол кўп бўлса, шунча зўравонликлар ҳам кўпаяди, агарда улар кам бўлса, демак, зўравонлик даражаси ҳам шунча кам бўлади. Мантиқан ўйлайдиган бўлсак, жамиятда қурол сон жиҳатдан қанча кўп муомалага киритиладиган бўлса, шунча унинг ғайриқонуний муомаласининг кўпайишига олиб келади.

Шу боисдан япон ҳуқуқ-тартибот органлари ходимлари жиноятчиликка қарши курашишда қуролдан камдан-кам ҳолатларда фойдаланишади, унинг ўрнига хизмат ўташ давомида асосий вақтларини жанговар якка кураш (уларнинг аксарияти самбо бўйича қора белбоғ унвонига эгадирлар) ва кэндо спорт турлари билан шуғулланадилар. Ўзбекистонда ҳам ҳуқуқ-тартибот органлари ходимларига хизмат давомида ўқотар қуролдан фойдаланиш ҳуқуқи қонун билан қатъий белгиланган ҳолатларда фойдаланиш учун рухсат этилган бўлсада, бироқ ходимлар ўқотар қуролдан фойдаланиш ўрнида бошқа таъсир чораларидан фойдаланиш орқали ҳар қандай жиноий хавф-хатар ёки жиноий қилмишни бартараф этишга ҳаракат қиладилар. Шу боисдан ҳам Ички ишлар органлари учун малакали кадрларни тайёрлашда Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясида таълим олаётган курсант ва тингловчиларга ҳам худди Япониядагидек, жиноятчиларга қарши курашишда спортнинг якка кураш турлари ва махсус воситаларни қонуний қўллаш усул ва услублари муҳим аҳамиятга эга экани билан боғлиқ пухта билимлар беришга алоҳида эътибор қаратилишини қайд этиш жоиз.

Ўқотар қуроллар учун мўлжалланган ўқ-дорилар (бунда нафақат, ўқотар қуроллар учун мўлжалланган ўқ-дориларнинг ўзи, шунингдек, порох бошқа портловчи моддалар ҳам назарда тутилади) муомаласи “Портловчи моддалар устидан назорат ўрнатиш тўғрисида”ги қонун билан тартибга солинади. Мазкур қонуннинг эътиборга молик муҳим жиҳати шундан иборатки, қонун икки давлат органи: Миллий Полиция Агентлиги ҳамда Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги юрисдикциясига тегишли ҳисобланади. Бир сўз билан ифодалаганда, Японияда портловчи моддалар устидан назорат давлат функциясини рўёбга чиқаришига иштироки ёки алоқадорлигига қараб икки давлат органи томонидан амалга оширилади.

Ўқ-дориларга эгалик қилиш, сақлаш, ташиш ва олиш “Ўқотар қурол ва қиличлар устидан назорат қилиш тўғрисида”ги қонунга мувофиқ айрим истиснолардан ташқари ҳолларга кўра тақиқланган.

Мазкур қонунга мувофиқ, ўқ-дори ва портловчи моддаларни ташиш, импорт қилиш ва улардан фойдаланиш учун префектура жамоат хавфсизлиги комиссиясининг рухсати талаб этилса, “Портловчи моддалар устидан назорат қилиш тўғрисида”ги ва “Артиллерия қуролларини ишлаб чиқариш тўғрисида”ги қонунларга асосан ўқ-дори ва портловчи моддаларни ишлаб чиқариш ва уларни сотиш (ушбу шахслар ва уларнинг агентлари) учун фақат Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги ёки префектура губернатори томонидан рухсат берилиши белгиланган.

Ўқ-дори ва портловчи моддалар қонуний муомаласи билан боғлиқ

Япония қонунларидаги мазкур тартиб-таомилларга оид амалий тажрибани чуқур таҳлил қилган ҳолда Ўзбекистонда ҳам ўқ-дори ва портловчи моддаларга оид муносабатлар алоҳида қонунлар қабул қилиш йўли билан тартибга солиниши мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз. Айтиш жоизки, мамлакатимизда портловчи моддаларни қонуний айланмаси билан боғлиқ қонун қабул қилинмаган бўлса-да, портловчи моддаларни ноқонуний муомаласи учун жиноий жавобгарлик мавжуд. Бу ҳақда илгариги тадқиқот ишларимизда ҳам илмий асосли фикр-мулоҳазалар ва аниқ таклифлар баён этилган.Чунки портловчи моддаларнинг ғайриқонуний муомаласи учун жиноий жавобгарлик масаласини ҳал этишда, яъни жиноий қилмишни квалификация қилишда (бланкет нормани қўллаш) портловчи моддаларнинг қонуний муомаласига оид қонун нормаларни таҳлил қилишга тўғри келади. Айниқса, қонундаги тақиқловчи қоидалар жиноий жавобгарликка сабаб бўлиши аксиомадир.

Япония қонунларидаги яна бир эътиборли жиҳат шундаки, қўлда олиб юриладиган ўқотар қурол, ҳарбий милтиқ, автомат ва бошқа турдаги милтиқлар учун (матнда кейинги ўринларда уларнинг барчасини биргина “қўлда олиб юриладиган ўқотар қуроллар” деб юритилади) ишлатиладиган ўқ-дорилар эса фақат “Артиллерия қуролларини ишлаб чиқиш тўғрисида”ги қонун билан ва уларни чет элдан олиб кириш тартиби “Божхона тарифлари тўғрисида”ги ва “Тариф ставкалари тўғрисида”ги қонунлар билан тартибга солинади.

Қуролни қўллаш бошқа шахсларнинг ўлимига олиб келиши ва бошқа оғир оқибатларга сабаб бўлиб, айрим ҳолатларда тузатиб бўлмас талафот етказиши мумкин эканлигини ҳисобга олиб, Японияда қонун қабул қилиниб, қўлда олиб юриладиган қуролларга (жанговар ва хизмат қуроллари ташқари – М.Р. ва М.Қ) ҳам эгалик қилишга тақиқ ўрнатилган. Шу боис қўлда олиб юриладиган қуроллардан фойдаланиб жиноят содир этилганда оғирроқ жазо тайинланади.

Ўқотар қуролларга эгалик қилиш фақат полиция ходимлари, император қўриқчилари ва ҳарбийларга хизмат вазифаларини бажариш учун рухсат этилади. Префектура даражасидаги Жамоат хавфсизлиги комиссияларининг махсус рухсатномасига кўра, ўқотиш бўйича мусобақаларда иштирок этадиган спортчиларга ушбу қуролларга эгалик қилишга рухсат берилади.

Японияда ўқотар қуролга эгалик қилиш лицензиясини олиш учун бир кунлик ўқув машғулотида иштирок этиб, ёзма имтиҳон топшириш ва амалда ўқотиш ва қуролдан фойдаланиш бўйича 95 фоизли натижага эришиш талаб этилади. Бундан ташқари, шахс нарколог ва психиатрдан ўтиб, руҳий соғломлиги тўғрисида тиббий маълумотнома тақдим этиши, илгари қурол билан муомала қилишда бирон-бир муаммога дуч келмаганлигини исботлаши керак. Яна бир муҳим жиҳати, полиция томонидан террористик гуруҳларга нафақат ўзи, балки унинг яқин қариндош ва ишдаги ҳамкасбларининг алоқадор бўлмаганлиги ҳам қаттиқ текширилади.

Эътиборли жиҳати шундаки, қуролга эгалик қилиш ҳуқуқини берувчи лицензия уч йилгача амал қилади. Шундан сўнг шахс яна қайтадан ўқув машғулотларга қатнашиб, белгиланган синовларни ўрнатилган тартиб-таомилларга биноан бажариши лозим.

Фуқароларга ўзларини ҳимоя қилиш учун ўқотар қуролларга эгалик қилиш қатъиян ман этилган.

Япониянинг жиноят қонунларида рағбатлантириш йўли билан жиноятларни олди олиш ёки жиноятчини жавобгарликдан озод қилишни назар тутувчи қоида Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 248 модда 4-қисмида ҳам акс этган. Унга кўра, “ўқотар қурол,

ўқ-дорилар, портловчи моддалар ёки портлатиш қурилмаларини ўз ихтиёри билан топширган шахс жавобгарликдан озод қилинади", деб белгиланган[25]. Ўзбекистон жиноят қонун ҳужжатларига кўра, юқорида санаб ўтилган буюмларни ихтиёрий равишда топширганлик учун нафақат жазодан озод қилиш, балки жавобгарликка тортмаслик керак. Ушбу қоида мазмун-моҳиятидан Ўзбекистоннинг Жиноят кодексидаги мазкур ва бошқа қатор нормалар Японияning жиноят қонунларига нисбатан янада либералроқ, айни пайтда инсонпарварлиги билан ажралиб туради. Бу эса ҳуқуқий давлатга хос бўлган хусусият, яъни инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини олий қадрият сифатида ҳимоя қилиниши, давлат томонидан шахснинг ҳар қандай ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кафолатланидан далолат беради.

Японияда курол-яроғнинг ғайриқонуний муомаласи билан боғлиқ жиноят учун тайинланадиган жазоларни "Жисмоний зўравонлик тўғрисида"ги, "Ҳаво навигациясига хавф туғдириш тўғрисида"ги ва "Аҳамияти унча катта бўлмаган ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги" ҳужжатларда ҳам учратиш мумкин.

Қизиғи шундаки, 1907 йилда қабул қилинган Япония Жиноят кодексида қурол билан боғлиқ қилмиш учун жавобгарлик бор йўғи иккита ҳолатда белгиланган, жумладан Япония ЖКнинг 79-моддасида ички исён ва қўзғолон кўтаришга тайёргарлик кўриш (Япония ЖКнинг 78-моддаси) ва уларни содир этилишига далолатчилик қилиш ҳаракатларини амалга оширишда исёнчи ва қўзғолончиларни қуроллар билан таъминлаш учун етти йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси белгиланган[26]. Япония Жиноят кодексининг 208-3-моддасида ўзга шахснинг ҳаёти, соғлиғи ёки мулкига зарар етказиш мақсадида икки ёки ундан ортиқ шахсларнинг жиноят қуролларини тайёрлаган ҳолда бирлашганлиги, шунингдек, бирлашганлардан ҳаттоки бири олдиндан қуролларни тайёрлаган ёки у ҳақда билган бўлса, икки йилгача жисмоний меҳнат қилиш билан боғлиқ ҳолда озодликдан маҳрум қилиш ёхуд уч юз (300) минг иена пул миқдоридаги жарима билан жазоланади[27].

Хулоса ўрнида қайд этиш мумкинки, Япония давлатининг қурол-яроғнинг ғайриқонуний муомаласига қарши курашиш сиёсатининг ўзига хослиги жиҳатлари қуйидагилардан иборат:

биринчидан, Япония ривожланган давлатлар орасида нафақат умумий жиноятчилик, балки қайд этилган қурол-яроғнинг ғайриқонуний муомаласи билан боғлиқ жиноятлар бўйича ҳам энг паст кўрсаткичга эга бўлган давлатдир. Зеро, бу давлатда пухта ва пишиқ ўйланиб, қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ва тўғри ташкил этилган маъмурий механизмлар, жамиятдаги аҳолининг ҳуқуқий тафаккури, қонунларга итоаткорлик руҳиятининг ўзаро уйғун ва чамбарчас боғлиқликда самарали ишлашининг тўғри йўлга қўйилганлиги;

иккинчидан, қурол-яроғ муомаласини тартибга соладиган қонун ҳужжатларнинг умумий ва континентал (романо-герман ва англо-саксон) тизимларнинг уйғунликдалиги, бу орқали эса мамлакатда мавжуд барча қурол-яроғнинг тури ва типларига кўра уларнинг муомаласини тартибга солиш бўйича тизимли ҳуқуқий механизмнинг яратилганлиги;

учинчидан, қурол-яроғнинг ҳар қандай туридан қатъи назар таъсирчан чекловни қўлланиши ҳамда уларнинг ғайриқонуний муомаласи учун бошқа жиноятларга нисбатан оғирроқ санкция (жазо) тайинланиши, бу давлат ҳокимият органларининг қатъий ёндашуви эмас, балки бутуняпон халқининг ахлоқий қарашлари, хулқ-атвори, феъли ҳамда қимматли қадриятлари, қолаверса урф-одатларига садоқат билан итоат қилишлари, муҳими жамият аъзоларининг хоҳиш истаклари, иродасининг маҳсули ҳамдир;

тўртинчидан, Япония давлатида ҳар қандай жиноятларга, жумладан қурол, ўқ-дори ёки портловчи моддалар, қурилмаларни ғайриқонуний муомаласига қарши курашиш масаласи умуммиллий даражадаги муҳим вазифалардан бири деб ҳисобланади. Бу курашда фуқаролик жамияти тузилмалари, фуқароларнинг ўзлари бевосита фаол иштирок этиши одатий ҳол саналади;

бешинчидан, Япония қонун ҳужжатлардаги мазкур изланишларимиз объекти ҳисобланган масалаларга оид ижобий тажрибадан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистонда бошланган, айни пайтда изчил давом этаётган қурол-яроғ ва портловчи моддаларга оид муносабатларни тартибга солувчи қатор янги қонунларни қабул қилиш, шунингдек қонун талаблари бузилган ҳолларда тегишинча жавобгарликка тортиб, қилмишига яраша жазо тайинлаш билан боғлиқ қонунчиликни янада такомиллаштириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. 740 000 уголовных преступлений в Японии за год: преступность снижается 17 лет подряд, 20 % задержаны. [Электрон манбаа] // URL: https://edo-tokyo. livejournal. com/10618177.html (Мурожаат санаси: 2021 йил 25 август).

2. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 29 июлдаги “Қурол тўғрисида”ги ЎРҚ-550-сон қонуни [Электрон манбаа] // URL: https://lex.uz/docs/4445288 (Мурожаат санаси: 2021 йил 25 август).

3. Сенатор заявил о “правовом пробеле” в законодательстве об оружии [Электрон манбаа] // URL: https://www.gazeta.uz/ru/2021/04/05/weapon// (Мурожаат санаси: 2021 йил 25 август); Сенат отклонил новые меры ответственности в сфере оборота оружия [Электрон манбаа] // URL: https://www.gazeta.uz/ru/2021/05/29/weapon/ (Мурожаат санаси: 2021 йил 25 август).

4. *Морозов Н.А.* Преступность в современной Японии: проблемы криминологической и уголовно-правовой политики: Дис. ... д-ра юрид. наук. – М., 2016. – С. 4.

5. Ўша манба. – Б. 12.

6. *Белявская О. А.* Уголовная политика Японии // Актуальные вопросы борьбы с преступностью в России и за рубежом. – М., 1991. – С. 3–4.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 мартдаги “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2883-сон Қарори [Электрон манбаа] // URL: https://www. lex.uz/acts/3141186 (Мурожаат санаси: 2021 йил 25 август).

8. *Мадамиров А., Арипова М.* Узбекистан и Япония: сотрудничество, основанное на взаимовыгодных интересах | [Электрон манбаа] Институт стратегических и межрегиональных исследований при Президенте Республики Узбекистан (isrs.uz) (Мурожаат санаси: 2021 йил 25 август).

9. Қаранг: *Каваи Микио.* Яркое своеобразие правосудия в Японии: очевидный изъян – риск осуждений по ложному обвинению – на фоне уникальной истории и общественного устройства [Электрон манбаа] // URL: https://www.nippon.com/ru/in-depth/a06801/ (Мурожаат санаси: 2021 йил 25 август).

10. Қаранг: *Еремин В.Н.* Характеристика источников уголовного права Японии // Уголовное право буржуазных стран. Общая часть. – М., 1990. – С. 273–293; *Морозов Н.А.* Преступность в современной Японии: проблемы криминологической и уголовно-правовой политики: Дис. ... д-ра юрид. наук. – М., 2016. – С. 265–266.

11. Қаранг: Большая юридическая энциклопедия. ЭКСМО. – М., 2010. – С. 433.
12. Firearms Control in Japan 2001 Firearms Division National Police Agency http:// proknadzor.ru 21.10.99. (Пер. Филиппов В. В.) (Мурожаат санаси: 2021 йил 25 август).
13. *Ражабова М.А.* Ислом ҳуқуқи: жиноят ва жазо. Ўқув қўлланма. – Т., 2021. – Б. 156–157.
14. *Копел Дэвид.* Контроль над оружием в Японии. URL: https://www. researchgate.net/ publication/265108936 (Мурожаат санаси: 2021 йил 25 август).
15. Қаранг: Гарри Лоу. Почему японцы почти не применяют огнестрельное оружие [Электрон манбаа] // URL: https://www.bbc.com/ukrainian/features-russian-38553897. (Мурожаат санаси: 2021 йил 25 август).
16. Қаранг: Японское правительство станет давать пожизненный срок за применение огнестрельного оружия // РИА Новости. – 2007. – 16 окт.
17. Батафсил қаранг: *Морозов Н.А., Щевцов А.С.* Проблема оборота огнестрельного оружия на Дальнем Востоке // Журнал Российского права. – № 1. – 2010. – С.105–113. // [Электрон манбаа] // URL: https://cyberleninka.ru/article/n/problema-oborota-ognestrelnogo-oruzhiya-na-dalnem-vostoke/ viewer(Мурожаат санаси: 2021 йил 25 август).
18. Контроль над огнестрельным оружием в Японии. [Электронный ресурс] URL: https://www. npa.go.jp/bureau/sosikihanzai/yakubutujyuki/jyuki/jousei/R1jukijousei.pdf (дата обращения: 25.08.2020). Яп. яз.
19. *Николаев А. М.* Роль японской таможни в пресечении контрабанды оружия в страну // Таможенная политика России на Дальнем Востоке. – 2020. – № 3(92). – С. 90.
20. Пресечение контрабанды наркотиков и оружия в Японии (Издание 2013 г.). URL: https:// www.customs.go.jp/english/index.htm (дата обращения: 25.08.2020). Англ. яз.
21. Контроль над огнестрельным оружием в Японии. URL: https://www. npa.go.jp/bureau/ sosikihanzai/yakubutujyuki/jyuki/jousei/R1jukijousei.pdf (дата обращения: 25.08.2020). Яп. яз.
22. Последние тенденции относительно преступлений, связанных с огнестрельным оружием [Электронный ресурс] // Firearms Controlin Japan. Firearms Division National Police Agency, 2001г.:ежегодный аналитический отчет/ пер. В.В. Филиппова. URL: http://www.kiev-security.org.ua.
23. Қаранг: *Гарри Лоу.* Почему японцы почти не применяют огнестрельное оружие [Электрон манбаа] // URL: https://www.bbc.com/ukrainian/features-russian-38553897. (Мурожаат санаси: 2021 йил 25 август).
24. Қаранг: *Каи Узда.* Преступность и криминология в современной Японии / Под общ. ред. Н.Ф. Кузнецовой и В.Н.Еремина. – М., 1989. – С. 128.
25. Қаранг: *Гарри Лоу*. Почему японцы почти не применяют огнестрельное оружие [Электрон манбаа] // URL: https://www.bbc.com/ukrainian/features-russian-38553897. (Мурожаат санаси: 2021 йил 25 август).
26. *Қаландаров М.М.* Ўқотар қурол, ўқ-дорилар, портловчи моддалар ёки портлатиш қурилмалари муомаласининг тушунчасига оид масалалар // Odillik mezoni. – 2021. – № 7. – Б. 34–36.
27. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси: (2021 йил 1 мартгача бўлган ўзгартиш ва қўшимчалар билан) Расмий нашр – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. – Т., 2021. – Б. 222.
28. Уголовный кодекс Японии / Науч. ред. и предисл.А. И. Коробеева. СПб., – 2002. – С. 68.
29. Penal Code of Japan [Электрон манбаа] // URL: http://www.japaneselawtranslation. go.jp/law/ detail_main?re =&vm= 02&id=1960 (Мурожаат санаси: 2021 йил 25 август).

***Ш. Р. Ғофуров,***
*ИИВ Академияси Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва криминология кафедраси бошлиғи ўринбосари,*
*юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент*

# ҒАРАЗЛИ ЗЎРЛИК ИШЛАТИБ СОДИР ЭТИЛАДИГАН ЖИНОЯТЛАР ТИЗИМИ ТЎҒРИСИДА

**Аннотация.** Мақолада ғаразли жиноятчилик тушунчаси ва унинг хусусиятлари, шу жумладан ғаразли мотивация, жабрланувчини ўлдириш билан боғлиқ ғаразли-зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятлар тизими берилган.

**Калит сўзлар:** ғаразли жиноятчилик, ғаразли мотивация, ғаразли зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноят, жабрланувчини ўлдириш.

**Аннотация.** В статье дается понятие корыстной преступности и ее признаков, в том числе корыстной мотивации, системы корыстно-насильственных преступлений, сопряженных с убийством потерпевшего.

**Ключевые слова:** корыстная преступность, корыстная мотивация, корыстно-насильственная преступность, убийство потерпевшего.

**Annotation.** The article gives a concept of lucrative crimes, features thereof including lucrative motivation and also the system of lucrative-violence crimes combined with murder of victim.

**Key words:** lucrative crimes, lucrative motivation, lucrative-violence crimes, murder of victim.

Ғаразли жиноятчилик – бутун дунёда кенг тарқалган жиноий феномен. Унинг асосини “ғараз” (шахсий манфаат) ва “ғаразли мотивация” категориялари ташкил этади. Ғараз остида одатда фойда, моддий манфаат тушунилади[1]. Мос равишда, ғаразли мотивация бу инсоннинг хулқ-атворини фойда олишга интилиши билан тақозо этилишини изоҳлашдир. Ғаразли мақсад субъектнинг фойда кўриш, даромад, мулкни эгаллаб олиш, ноқонуний бойиш ва ҳоказоларни англатади. Ғаразли мотивация кўриб чиқилаётган жиноятларнинг туб тавсифидир. В. Даль ўз вақтида ғаразни “даромад кўриш, фойда олиш, пул, бойликка интилиш, очкўзлик, нафсга берилиш, наф, фойда, ўлжа ёки тортиб олинган бойликларга бўлган иштиёқ”, деб таърифлаган[2].

Умумий шаклда ғаразли мотивация ҳар қандай инсон хулқ-атворига хосдир, чунки қоида тариқасида ўзига зарар етказадиган ёки ҳеч қандай фойда келтирмайдиган ҳаракатларни содир этиш инсон табиатига мос эмас. Шу билан бирга, шахсий манфаатдорликнинг айрим кўринишлари анъанавий равишда жамият манфаатларига зид (аксилижтимоий) деб қаралади. Шу муносабат билан юридик фанда, хусусан, жиноят ҳуқуқи доктринасида ғараз категорияси нисбатан тор маънода – онгли тарзда ҳеч бир эвазсиз ноқонуний мулкий имтиёз (фойда, наф) олишга (ғаразли манфаат, ғаразли мақсад) интилиш сифатида кўрилади.

Қонун чиқарувчи Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси Махсус қисмининг бир қатор нормалари матнида жиноятнинг юқори ижтимоий хавфлилик даражасини ифодалаш воситаси сифатида унинг ғаразли мақсади ёки ғаразли мотивини тўғридан-тўғри кўрсатиш усулини қўллайди. Ушбу усулдан фой-

даланиш маълум ижтимоий хавфли қилмишларнинг мотивация табиати билан изоҳланади.

Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг 1994 йилги Жиноят кодексида мулкка қарши жиноятлар «Иқтисодиёт соҳасидаги жиноятлар» номли 3-бўлимнинг «Ўзгалар мулкини талон-торож қилиш» номли X бобида ўз аксини топган. Уларнинг турдош объекти ишлаб чиқариш қуроллари ва воситалари, меҳнат предметларига нисбатан мулк ҳуқуқларини ўз ичига оладиган иқтисодий муносабатлар ҳисобланади. Бундан ташқари, улар иқтисодий фаолиятни бошқаришдаги ижтимоий, моддий неъматларни ишлаб чиқариш, айирбошлаш, тақсимлаш ва истеъмол қилишдаги муносабатларни қамраб олади.

Мулкий муносабатлар Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг X бобида назарда тутилган жиноятларнинг махсус объекти сифатида намоён бўлади, чунки улар иқтисодий муносабатларнинг таркибий қисмидир. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига мувофиқ, мулк – бу мулкдор ва жамиятнинг бошқа барча аъзолари ўртасида унга тегишли бўлган мулкка эгалик қилиш, ундан фойдаланиш, уни тасарруф этиш бўйича юзага келадиган ҳуқуқий муносабатларни белгилайдиган юридик категория. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси мулкнинг учта асосий шаклини белгилайди: хусусий, давлат (оммавий) ва маҳаллий ҳамда уни қонун нормалари билан тенг ҳимоя қилади. Мулкчиликнинг бевосита жиноят объекти сифатида гавдаланадиган аниқ шакли жиноят квалификацияси ёки субъектнинг жиноий жавобгарлигига таъсир қилмайди, аммо ҳар бир ишда аниқланиши лозим. Чунки бу жиноят иши бўйича исботлашнинг мажбурий элементидир, айни вақтда баъзи квалификацияловчи белгиларнинг айблов ҳажмига қўшишга таъсир қилиши мумкин (Жиноят кодексининг 164-моддаси 3-қисмининг «в» банди).

Кўриб чиқилаётган мавзу предмети – мулкка нисбатан энг ижтимоий хавфли бўлган жиноятлар, яъни зўрлик ишлатиб содир этиладиган мулк ҳуқуқига тажовузлар. Жиноят ҳуқуқи назариясида бундай жиноятлар мулкка қарши ғаразли зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятлар сифатида ажратилади. Жиноят қонуни бундай жиноятларга қуйидагиларни киритади: ҳаёт ва соғлиқ учун хавфли бўлмаган зўрлик ишлатиб ёхуд шундай зўрлик ишлатиш билан қўрқитиб, ўзганинг мулкини очиқдан-очиқ талон-торож қилиш (Жиноят кодексининг 166-моддаси 2 қисми «а» банди), босқинчилик, яъни ўзганинг мол-мулкини талон-торож қилиш мақсадида ҳужум қилиб, ҳаёт ёки соғлиқ учун хавфли бўлган зўрлик ишлатиб ёхуд шундай зўрлик ишлатиш билан қўрқитиб содир этиш (Жиноят кодексининг 164-моддаси 1 қисми), товламачилик, яъни жабрланувчи ёки унинг яқин кишиларига зўрлик ишлатиш билан қўрқитиб ўзгадан мулкни ёки мулкий ҳуқуқни топширишни, мулкий манфаатлар беришни ёхуд мулкий йўсиндаги ҳаракатлар содир этишни талаб қилиш (Жиноят кодексининг 165-моддаси 1-қисми), зўрлик ишлатиб ёки зўрлик ишлатиш билан қўрқитиб, транспорт воситасини олиб қочиш (Жиноят кодексининг 267-моддаси 2-қисми «в» банди).

Ушбу жиноятлар кўплаб бир хил объектив ва субъектив белгиларга эга: уларнинг барчаси шахсга нисбатан зўравонлик ёки зўравонлик таҳдиди орқали содир этилади; иккита тажовуз объектига эга бўлади; тўғри қасд шаклидаги айбга эга; ғаразли мотивация мавжуд; улар учун жавобгарлик ўн тўрт ёшдан бошлаб белгиланади.

Ғаразли мотиивациянинг оддийлиги, ўхшашлиги ва ўта жўн тезкор-қидирув ва жиноят-процессуал воситалар билан

аниқланиши, қайд қилиниши мумкинлиги, шунингдек, уни тўғри квалификация қилиш, ижтимоий хавфлилик даражасини тўғри баҳолаш зарурати мазкур аломатни норматив равишда мустаҳкамлаш учун энг бошланғич ва муҳим шартдир. Шу билан бирга, кўп ҳолларда ғаразли мотивация жиноят белгиси сифатида жиноят қонуни нормасида бевосита кўрсатилмайди. Мазкур ҳолат иқтисодий фаолият соҳасидаги жиноятлар билан боғлиқ. Бу хусусият шу билан изоҳланадики, ғаразли мотивация ноқонуний иқтисодий фаолият билан боғлиқ барча жиноятларга хос. Миллий жиноят ҳуқуқи ва криминалистика соҳасида аввалдан аниқланган, тавсифланган ушбу хусусият афсуски қонун чиқарувчи томонидан Жиноят кодексида етарлича самарали ҳисобга олинмаган.

Ғаразли жиноятларнинг айрим турлари бир вақтнинг ўзида зўравонлик жиноятлари ҳисобланиб, турли хил жиноий мақсадларга эришиш учун бошқа инсоннинг баданига унинг иродасига қарши қасддан ноқонуний таъсир кўрсатишдан иборат, бу уларнинг иккинчи типик белгисидир. Барча ҳолатларда жиноий хулқ-атвор механизми шахсга, унинг ҳаётига, соғлиғига ва дахлсизлигига нисбатан тажовузкор-зўравон ва бепарво муносабат билан боғлиқ[3].

Махсус юридик адабиётларда қайд этилишича, ғаразли жиноятчилик – бу иқтисодиёт соҳасига тажовуз қиладиган жиноий қилмишлар ва эвазсиз равишда ҳуқуқа хилоф мулкий манфаат (ғараз), фойда олишга онгли равишда интилиши билан тавсифланган шахсларнинг мажмуи [4]. Шу билан бирга, ғаразли зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятлар туркумига иккита жиноий қилмишлар гуруҳини киритиш хосдир:

1. Мулкка қарши жиноятлар: зўрлик ишлатиб содир этиладиган талончилик; босқинчилик; зўрлик ишлатиш билан қўрқитиб содир этилган товламачилик; одам савдосини ўғирлаш, зўрлик ишлатиш ёки зўрлик ишлатиш билан қўрқитиш ёхуд мажбурлашнинг бошқа шаклларини қўллаш орқали содир этиш; зўрлик ишлатиб ёки зўрлик ишлатиш билан қўрқитиб, транспорт воситасини олиб қочиш.

2. Иқтисодиёт соҳасидаги жиноятлар: хусусий мулкка тажовуз қилиш, номақбуллиги олдиндан аён бўлган шартларни мулкдорга мажбуран қабул қилдириш, шу жумладан мол-мулкни ёки мулкий ҳуқуқларни топширишни асоссиз равишда талаб қилиш, шунингдек мулкдорнинг мулкини олиб қўйиш ёхуд уни ўз мол-мулкига бўлган ҳуқуқидан воз кечишга мажбурлаш.

Санаб ўтилган ҳар бир жиноятни ғаразли ва зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятлар деб таснифлаш кераклиги, шубҳасиз, аммо келтирилган жиноятлар тизими, бизнинг фикримизча, ғаразли ва зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятларнинг барча кўринишларини қамраб олмайди. Жиноят кодексининг «Ўзгалар мулкини талон-торож қилиш» боби ва «Тадбиркорлик фаолиятига тўсқинлик қилиш, қонунга хилоф равишда аралашиш билан боғлиқ жиноятлар ҳамда хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига тажовуз қиладиган бошқа жиноятлар» бобида мавжуд бўлмаган бошқа айрим жиноятлар таркиби ҳам ғаразли зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятлар деб таснифланиши керак.

Ғаразли ва зўрлик ишлатиш билан боғлиқ жиноятлар гуруҳини алоҳида ажратар эканмиз, унутмаслик керакки, жиноят содир этишда зўрлик ишлатиш таснифлашнинг ягона мезонига айланиши мумкин эмас. Қилмиш мотивини ҳам ёдда тутиш керак. Зўрлик ишлатиш мотивация элементи бўлган жиноятлар ҳам ғаразли ниятда содир этилиши мумкин: тамагирлик ниятида қасддан одам ўлдириш, баданга оғир шикаст етказиш ва бошқалар. Бошқача қилиб айтганда, ғаразли зўрлик билан содир

этиладиган жиноятлар остида, агар сўз қилмишни содир этишда шахсий манфаат ва зўрликнинг бирга келиши ҳақида борса, бунда нафақат талончилик, босқинчилик ва товламачилик, балки бошқа тажовузлар ҳам тушунилиши мумкин. Қасддан одам ўлдириш, баданга оғир шикаст етказиш ва ҳ.к. зўрлик ва ғаразли ният билан бирга келади (башарти, бу ҳолатда ғаразли (тамагирлик) мотивлари мавжуд бўлса). Шунинг учун улар моҳиятан ғаразли зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятлардир, аммо бу мулкка қарши жиноятлар ёки иқтисодий фаолият соҳасидаги жиноятлардан фарқ қилувчи алоҳида махсус қилмишлар гуруҳидир[5].

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, ўрганиб чиқилган айрим жиноятлар таркибида мажбурий белгилар сифатида зўрлик ишлатиш ёки у билан қўрқитиш ҳамда ғаразли ниятлар назарда тутилади. Бошқаларига фақат зўрлик ишлатиш хос. Ғаразли ният гарчи жиноят таркиби мажбурий белгиси сифатида бевосита кўрсатилмаган бўлса ҳам истисно қилинмайди.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. *Ожегов С.И.* Словарь русского языка. – М., 1987. – С. 242
2. *Даль В.* Толковый словарь. Т. 2. – М., 1881. – С. 171
3. Криминология: Учебник / Под ред. В.Н. Кудрявцева и В.Е. Эминова. 3-е изд., перераб. и доп. – М., 2007. – С. 396.
4. Ўша жойда. – Б. 449
5. *Боков А.В.* Организация борьбы с преступностью. – М., 2003. – С. 18.

***И. С.* Қосимов,**
*ИИВ Ташкилий департаменти*
*Юридик таъминлаш бошқармаси бош юрисконсульти*

# АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА ХАВФСИЗЛИГИ СОҲАСИДАГИ ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР УЧУН МАЪМУРИЙ ЖАВОБГАРЛИК

**Аннотация.** Мақолада ахборот технологиялари ва хавфсизлиги соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарлик масалалари ёритилган. Ахборот технологиялари ва хавфсизлиги соҳасидаги ҳуқуқбузарликларга қарши курашнинг ижтимоий аҳамияти ўрганилган, миллий қонунчилик нормаларининг мазмуни очиб берилган. Шунингдек, ахборот технологиялари ва хавфсизлиги соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарликни белгиловчи қонунчилик нормаларини ўрганишнинг аҳамияти юзасидан илмий хулосалар қилинган.

**Таянч сўзлар:** ахборот технологиялари, ахборот хавфсизлиги, маъмурий жавобгарлик, ахборот-коммуникация технологиялари

**Аннотация.** В статье рассматриваются вопросы привлечения к административной ответственности за нарушения в сфере информационных технологий и безопасности. Изучена социальная значимость борьбы с нарушениями информационных технологий и безопасности, раскрыто содержание национального законодательства. Также были сделаны научные выводы о важности изучения норм законодательства, устанавливающих административную ответственность за нарушения в сфере информационных технологий и безопасности.

**Ключевые слова:** информационные технологии, информационная безопасность, административная ответственность, информационно-коммуникационные технологии.

**Annotation.** The article discusses the issues of bringing to administrative responsibility for violations in the field of information technology and security. The social significance of combating violations of information technology and security has been studied, the content of national legislation has been clarified. Also, scientific conclusions were made about the importance of studying the norms of legislation that establish administrative responsibility for violations in the field of information technology and security.

**Keywords:** information technology, information security, administrative responsibility, information and communication technologies.

Юртимизда замонавий ахборот-коммуникация технологияларининг ўрни тобора ортиб бораётгани зарур ахборотлардан тезкор хабардор бўлиш, турли интерактив хизматлардан фойдаланиш имконини яратади. Бу эса республикамиздаги турли корхона, ташкилот ва муассасаларда фаолият олиб борадиган ишчи, хизматчиларнинг, шу жумладан фуқароларимизнинг замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан самарали фойдаланишларини тақозо этади. Зеро, глобал тараққиёт шароитида ҳар бир инсон ахборот-коммуникация технологияларидан унумли фойдаланиш ҳуқуқига эга. Чунки уларнинг кунлик фаолиятида компьютер техникасидан, тармоқ технологияларидан унумли фойдаланишлари иш сифатини ошириб, сарфланадиган вақтни тежаш имконини беради.

Шу боис мамлакатимизда компьютер ва ахборот технологиялари, телекоммуникация ва маълумот узатиш тармоқлари, интернет хизматларини ривожлантириш ҳамда замонавийлаштириш муҳим ва асосий йўналишлардан бири. Ушбу йўналишни жаҳон стандартларига етказиш мақсадида юртимизда кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Мазкур мақсад ва натижаларга эришиш ҳамда бу борадаги ижтимоий муносабатларни тартибга солиш учун республикамизда зарур меъёрий-ҳуқуқий асослар яратилган, жумладан Ўзбекистон Республикасининг “Алоқа тўғрисида”, “Радиочастота спектри тўғрисида”, “Почта алоқаси тўғрисида”, “Телекоммуникациялар тўғрисида”, “Ахборотлаштириш тўғрисида”, “Электрон рақамли имзо тўғрисида”, “Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида”, “Электрон тижорат тўғрисида”, “Электрон ҳукумат тўғрисида”ги қонунлари[1] ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг қатор фармонлари, ҳукумат қарорлари қабул қилинган. Шунингдек, фаол ривожланиб бораётган бозор муносабатлари шароитида ушбу меъёрий-ҳуқуқий асослар янада такомиллаштирилиб борилмоқда.

Бугунги Интернет ва электроника даврида иқтисодиёт тармоқларида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш, “Электрон ҳукумат” тизими фаолиятини янада ривожлантириш устувор аҳамиятга эгадир. Жаҳон тажрибаси шундан далолат берадики, айни пайтда глобал иқтисодиётда компьютер ва телекоммуникация технологиялари, дастурий таъминот маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва улар асосида кенг турдаги интерфаол хизматлар кўрсатишни ўз ичига олган ахборот-коммуникация технологиялари соҳасининг роли ва аҳамияти тобора ортиб бормоқда. Ахборот-коммуникация технологияларининг ривожланиши мамлакатнинг рақобатдошлик даражасига таъсир кўрсатиши, катта ҳажмда ахборот тўплаш ва уни умумлаштириш имконини бериши, бошқаришни стратегик даражада ташкил этиш учун кенг имкониятлар очиб бераётир.

Шуни ҳам унутмаслик керакки, XXI аср ахборот технологиялари асри. Демакки, ахборот технологиялари ҳаётнинг барча жабҳаларига секин-асталик билан кириб боради, фаолият соҳалари ахборотлаштирилади. Ўз ўрнида, ахборот хавфсизлигини таъминлаш зарурати юзага келади.

Юқорида санаб ўтилган норматив ҳужжатлар бир вақтнинг ўзида ахборот хавфсизлигини таъминлашга ҳам хизмат қилса-да, аммо ушбу хавфсизлик тизимини ўз манфаатлари йўлида бузишга уринадиган қонунбузарлар ҳам учраб туради.

Сўнгги йилларда дунёда ахборот технологиялари ва хавфсизлиги соҳасидаги жиноятчиликка қарши курашиш муаммолари тобора глобал аҳамият касб этмоқда. Хусусан, БМТ Бош Ассамблеяси, Европа Кенгаши, ШҲТ, МДҲ, Араб давлатлари лигаси ва бошқа ташкилотлар томонидан ахброт-коммуникация технологияларидан жиноий мақсадларда фойдаланишга қарши курашиш бўйича минтақавий ва халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган[3].

Статистик маълумотларга қараганда, ҳозирги вақтда 7 миллиардга яқин инсон (дунё аҳолисининг 95%) электр алоқасининг кўчма тармоқлари билан қамраб олинган[4], йилига кибержиноятчилик оқибатида етказилган моддий зарарнинг миқдори дунё ЯИМнинг 1%ни ташкил этади[5].

Шу боис 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “жиноят қонунчилигини таомиллаштириш, ахборот хавфсизлигини таъминлаш ва ахборотни ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш, ахборот соҳасидаги таҳдидларга ўз вақтида ва муносиб қаршилик кўрсатиш” каби масалалар назарда тутилган.

2014 йил 14 майда қабул қилинган “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 3-моддасида ҳуқуқбузарлик – содир этилганлиги учун маъмурий ёки жиноий жавобгарлик назарда тутилган

айбли ғайриҳуқуқий қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик), деб кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 10-моддасига асосан, маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларига биноан маъмурий жавобгарликка тортиш назарда тутилган, шахсга, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига, мулкчиликка, давлат ва жамоат тартибига, табиий муҳитга тажовуз қилувчи ғайриҳуқуқий, айбли (қасддан ёки эҳтиётсизлик орқасида) содир этилган ҳаракат ёки ҳаракатсизлик маъмурий ҳуқуқбузарликдир[6].

Мазкур ҳуқуқбузарлик учун маъмурий жавобгарлик, башарти бу ҳуқуқбузарлик ўз хусусиятига кўра жиноий жавобгарликка тортишга сабаб бўлмаган тақдирда, амалга оширилади.

Ҳуқуқбузарликнинг иккинчи тури, яъни жиноят (жиноий ҳуқуқбузарлик) маъмурий ҳуқуқбузарликдан ижтимоий хавфлилиги ҳамда шахснинг содир этган жинояти учун ҳукм этилганида юзага келадиган судланганлик ҳуқуқий ҳолати билан фарқ қилади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 14-моддасига биноан, ушбу кодекс билан тақиқланган, айбли ижтимоий хавфли қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик) жазо қўллаш таҳдиди билан жиноят деб топилади[7]. Жиноят кодекси билан қўриқланадиган объектларга зарар етказадиган ёки шундай зарар етказиш реал хавфини келтириб чиқарадиган қилмиш ижтимоий хавфли қилмиш деб топилади.

Ўзбек тилининг изоҳли луғатида компьютер (ингл. computer, лотинча computare – ҳисобламоқ, ҳисоблаб чиқмоқ маъноларини билдиради) мураккаб қурилмага эга бўлган электрон ҳисоблаш машинаси деб изоҳланган.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг "Транспортдаги, йўл хўжалиги ва алоқа соҳаларидаги ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарлик" деб номланган XI бобида: Алоқа, ахборот тизими ва компьютер тизимидан фойдаланиш қоидаларини бузганлик учун 151–156-моддаларида, яъни жами 8 та моддада маъмурий жавобгарлик белгиланган.

Улардан айримларини юридик нуқтаи назардан таҳлил қиламиз, жумладан Кодекснинг 155-моддаси Ахборотдан фойдаланиш қоидаларини бузиш деб номланган бўлиб, ушбу модда тўрт қисмдан иборат ва қуйидаги ғайриҳуқуқий қилмишлар учун маъмурий жавобгарликни назарда тутади.

Ахборот тизимидан фойдаланиш мақсадида унга рухсатсиз кириб олишда ифодаланган ахборот ва ахборот тизимларидан фойдаланиш қоидаларини бузиш – фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг учдан бир қисмидан бир бараваригача, мансабдор шахсларга эса – бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Ахборот тизимларининг ишини бузишга олиб келган худди шундай ҳуқуқбузарлик, худди шунингдек, кириш чекланган ахборот тизимларини ахборот-ҳисоблаш тармоқларига улаш чоғида тегишли ҳимоя чораларини кўрмаганлик – фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг бир бараваридан уч бараваригача, мансабдор шахсларга эса – уч бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Юридик ва жисмоний шахсларнинг ахборот тизимларини халқаро ахборот тармоқларига қонунга хилоф равишда улаш, бу тармоқларга тегишли ҳимоя чораларини кўрмасдан уланиш, худди шунингдек, улардан маълумотларни қонунга хилоф равишда олиш – фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг икки бараваридан беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса – беш бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Ўзганинг электрон ҳисоблаш машиналари учун яратилган дастури

ёки маълумотлар базасини ўз номидан чиқариш ёхуд қонунга хилоф равишда ундан нусха олиш ёки бундай асарларни тарқатиш – фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг бир бараваридан уч бараваригача, мансабдор шахсларга эса – уч бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Мазкур ҳуқуқбузарликнинг юридик таркибини қуйидагича ифодалаш мумкин. Ҳуқуқбузарликнинг объекти – алоқа, ахборот ва ахборот тизимидан фойдаланиш соҳасидаги қонун билан қўриқланадиган ижтимоий муносабатлар. Ҳуқуқбузарликнинг объектив томони – ғайриҳуқуқий ҳаракат, шунингдек, ҳаракатсизликда ифодаланадиган қилмиш. Жумладан, ушбу модданинг биринчи ва тўртинчи қисмларида назарда тутилган қилмишлар ғайриҳуқуқий ҳаракат орқали содир этилади. 155-модданинг иккинчи ва учинчи қисмларида назарда тутилган қилмишлар ғайриҳуқуқий ҳаракат билан ҳам, ҳаракатсизлик билан ҳам содир этилиши мумкин. Ҳуқуқбузарликнинг субъектив томони – қасддан ҳам, эҳтиётсизлик орқасида ҳам содир этилиши мумкин бўлган қилмишлар. Ҳуқуқбузарликнинг субъекти – 16 ёшга тўлган ақли расо жисмоний шахслар, яъни фуқаролар, шунингдек, мансабдор шахслар ҳам жавобгарликка тортилиши мумкин. Мазкур ҳуқуқбузарликни маъмурий судлар кўриб чиқиб, жазо қўллаш тўғрисида қарор қабул қиладилар.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 1551-моддаси Компьютер тизимидан фойдаланиш қоидаларини бузиш деб номланган бўлиб, ушбу модда икки қисмдан иборат ва қуйидаги ғайриҳуқуқий қилмишлар учун маъмурий жавобгарликни назарда тутади.

Компьютер тизимидан фойдаланишга рухсати бўлган шахснинг ушбу тизимдан фойдаланишнинг белгиланган қоидаларини бузиши компьютер ахборотининг йўқ қилиб юборилишига, тўсиб қўйилишига, модификациялаштирилишига, компьютер ускунаси ишлашининг бузилишига сабаб бўлса, – фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг беш бараваридан етти бараваригача, мансабдор шахсларга эса – етти бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади. Худди шундай ҳуқуқбузарлик ўта муҳим ахборот мавжуд бўлган компьютер тизимидан фойдаланиш вақтида содир этилса, – фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг етти бараваридан ўн бараваригача, мансабдор шахсларга эса – ўн бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Ҳуқуқбузарликнинг юридик таркибини қуйидагича ифодалаш мумкин. Ҳуқуқбузарликнинг объекти – ахборот ва компьютер тизимидан фойдаланиш соҳасидаги қонун билан қўриқланадиган ижтимоий муносабат. Ҳуқуқбузарликнинг объектив томони – модданинг биринчи, иккинчи қисмида ҳам ғайриҳуқуқий ҳаракат билан содир этиладиган қилмишлар. Ҳуқуқбузарликнинг субъектив томони – қасддан содир этилиши мумкин бўлган қилмишлар. Ҳуқуқбузарликнинг субъекти сифатида компьютер тизимидан фойдаланишга рухсати бўлган шахс, шунингдек мансабдор шахс ҳам жавобгарликка тортилиши мумкин. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 245-моддасига биноан мазкур ҳуқуқбузарликни ҳам маъмурий судлар кўриб чиқиб, жазо қўллаш тўғрисида қарор қабул қиладилар.

Юқорида кўриб чиқилган масалалардан келиб чиқиб, шуни таъкидлаш керакки, мамлакатимизда алоқа, ахборот ва компьютер тизимидан фойдаланиш соҳасидаги ижтимоий муносабатлар норматив-ҳуқуқий жиҳатдан тўлиқ ҳуқуқий тартибга солинган ҳамда маъмурий ва жиноий-ҳуқуқий жиҳатдан муҳофазаланган. Шу боис жамиятимизнинг барча аъзолари мазкур қонун ҳужжатларининг моҳияти ва талаб-

ларини тушуниши, ўрганиши ҳамда риоя этишлари муҳим аҳамият касб этади. Бу, ўз навбатида, ушбу турдаги ҳуқуқбузарликларнинг ҳам профилактикасини таъминлайди ва маъмурий жавобгарлик масалаларини ҳал этишда ҳуқуқни қўллаш самарадорлиги ошишига хизмат қилади.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР


1. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси. – 1992. – № 3. –159-м., ЎзР Олий Мажлисининг Ахборотномаси. – 1999. – № 1.– 16-м.,ЎзР Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси. –2009. – № 4. –138-м., ЎзР Олий Мажлиси Ахборотномаси. – 1999. – № 9. –219-м., ЎзР Олий Мажлиси Ахборотномаси. – 2004. – № 1–2. –10-м., ЎзР Олий Мажлиси Ахборотномаси. – 2004. – № 1–2. –12-м., ЎзР Олий Мажлиси Ахборотномаси. – 2004. – № 5. – 81-м., ЎзР Олий Мажлиси Ахборотномаси. – 2004. – №5. – 82-м., ЎзР қонун ҳужжатлари тўплами. – 2015. – № 49. – 611-м.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги фармони // https://lex.uz/docs/3107036.

3. *Расулев А.К.* Ахборот технологиялари ва хавфсизлиги соҳасидаги жиноятларга қарши курашишнинг жиноят-ҳуқуқий ва криминологик чораларини такомиллаштириш: Юрид.фан. б-ча д-ри. дис. ... Автореф. – Т., 2018. – Б. 5.

4. http://www.itu.int/net/presoffice/press_relases/2016/pdf-30-ru.pdf (Internatinal Telecommunication.

5. http://www.ststista.com/ (The Statistics Portal).

6. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси. – 1995. – № 3.

7. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси. –1995. – № 1.

***Ф. Ф. Абдуқодиров,***
*ИИВ Академияси Олий таълимдан*
*кейинги таълим факультети*
*таянч докторантура докторанти*

# ЎЗБЕКИСТОН ЖИНОЯТ ҚОНУНЧИЛИГИДА ТАЛОНЧИЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИКНИНГ РЕТРОСПЕКТИВ ТАҲЛИЛИ

**Аннотация.** Мақолада ўзгалар мулкини очиқдан-очиқ талон-торож қилиш учун жиноий жавобгарликни белгиловчи жиноят-ҳуқуқий нормаларнинг ретроспектив таҳлили ва унинг аҳамияти илмий-назарий жиҳатдан асослаб берилган. Муаллиф талончилик учун жиноий жавобгарликни белгиловчи нормаларнинг шаклланиш ва ривожланиш тарихини тўрт босқичга ажратган ҳолда таҳлил қилган. Ўтмишнинг турли даврларида амалда бўлган Авесто, туркий халқлар одат нормалари, ислом (шариат) ҳуқуқи, хусусан, Темур тузуклари ва Хидоя асарларида, шунингдек чор Россияси, собиқ Иттифоқ давридаги қонунчиликларда мулкни ошкора, хавфли бўлмаган зўрлик ишлатиб талон-торож қилишда жавобгарликка тортиш учун талаб этиладиган энг кам ва етарли объектив, субъектив белгиларнинг мавжудлиги талаби ҳамда ушбу қилмишларни содир этганлик учун тайинланадиган жазо чоралари тарихий-ҳуқуқий жиҳатдан батафсил таҳлил қилинган.

**Таянч сўзлар:** урф-одат қоидалари, қонунчилик, мулк, бойлик, буюм, нарса, талон-тарож, талончилик, ижтимоий хавфли қилмиш, жавобгарлик, жазо.

**Аннотация.** В статье с научно-теоретической точки зрения обосновывается ретроспективный анализ уголовно-правовых норм об уголовной ответственности за открытое хищение чужого имущества и его значение. Рассматриваются четыре этапа истории становления и развития норм, предусматривающих уголовную ответственность за грабёж. Так, на основе историко-правового анализа рассматриваются основания привлечения к уголовной ответственности лица, совершившего открытое хищение собственности, с применением насилия, не опасного для здоровья, а также назначаемые судом уголовно-правовые меры наказания, которые были указаны в различных исторических правовых источниках и законодательстве, таких, как: Авеста, нормы традиций тюркских народностей, мусульманское право, Уложение Амира Темура, Хидоя, а также уголовные законодательства Царской России и бывшего Советского Союза.

**Ключевые слова:** нормы морали (нравственные нормы), законодательство, собственность, имущество, предметы, хищение, грабёж, уголовная ответственность, наказание.

**Annotation.** From a scientific and theoretical point of view, the article substantiates a retrospective analysis of criminal law norms on criminal liability for open theft of someone else's property and its significance. The author analyzes, on the basis of dividing into four stages, the history of the formation (emergence) and development of norms providing for criminal liability for robbery. In particular, the researcher uses the sources such as the Avesta, Sharia law, and the Code of Timur, which established liability for socially dangerous acts in different periods of the past, the minimum and sufficient grounds required to prosecute a person for plundering another's property by open, non-dangerous violence and what impact measures are intended to be applied to the commission of this act.

**Keywords:** social norms, legislation, property, objects, theft, plundering, criminal liability, punishment.

Жиноят қонунчилигининг шаклланиш ва ривожланиш тарихи ҳақида тўғри тасаввурга эга бўлиш, биринчи навбатда, амалдаги жиноят қонунчилигининг шаклланишига объектив баҳо бериш ва уни келгусида такомиллаштиришнинг йўналишларини белгилаб олишнинг асоси ҳисобланади. Бу борада М. М. Қаландаров

“ҳар қандай ҳодисани ретроспектив усулда кўриб чиқиш, яъни у қандай пайдо бўлганлиги, қайси босқичларни қай тарзда босиб ўтганлигини билиб олиш ушбу ҳодисанинг бугунги ҳолати ва келгусидаги ривожланиш истиқболларини аниқлаб олишга имкон беради”[1], деб ҳисоблайди.

В.В. Мальцевнинг фикрича, таҳлилнинг тарихий усули амалдаги қонунчиликнинг моҳиятини очиб беришда нафақат амалий, балки назарий аҳамиятга ҳам эга. Чунки у “илмий назариянинг асосларини мустаҳкамлайди ва унинг миллий қонунчилик ҳамда жамиятдаги анъаналарга мутаносиблигини инъикос этади ёхуд у юқоридаги асосларни кучсизлантириб, миллий қонунчилик ва жамиятдаги анъаналарга нисбатан ўзининг бегоналигини намоён этади” [2].

Демак, жиноят-ҳуқуқига оид тарихий манбаларни тадқиқ қилиш ҳозирги замон илмий қарашлари, ғоялари ва назариялари шаклланишининг асосини ташкил қилади, уларнинг илмий аҳамиятлилиги, қатъиятлигини шартлаб беради. Бизнингча, талончилик учун жиноий жавобгарликнинг тарихий таҳлилини тўрт босқичга бўлиб амалга ошириш мақсадга мувофиқ.

1-босқич. Қадимги давлатчилик давридан 1926 йилгача бўлган даврни ўз ичига олади. Мазкур давр мобайнида ўзгалар мулкини талон-торож қилиш билан боғлиқ қилмишлар диний тартиб-таомиллар (Авесто, шариат қоидалари) бўйича жазоланганлиги билан тавсифланади.

Миллий жиноят қонунчилигининг шаклланиш ва ривожланиш босқичлари таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, Қадимги ва Ўрта асрлар даврида Ўзбекистон ҳудудида мавжуд бўлган давлатларда даставвал зароастризм ақидалари, сўнг эса милодий VIII асрдан XX асрнинг 20-йилларигача шариат қонунлари билан бирга, шариатда тақиқланмаган маҳаллий урф-одатлар ҳукмронлик қилган. Ушбу диний-ахлоқий мезонларга асосланган хулқ-атвор қоидаларида ўзгалар мулкини талон-торож қилиш учун жавобгарлик масалалари ҳам ўрин эгаллаган.

Маълумки, Авестода жиноят ва жазо масалалари ҳар томонлама тартибга солинганлигини кузатиш мумкин. Мисол учун, жиноятлар қуйидаги турларга бўлинган: динга, шахсга, ҳайвонларга, мулкка, табиатга қарши жиноятлар. Мулкий жиноятлардан ўғрилик, фирибгарлик, талон-торож, босқинчилик, қарздорлик кабилар гуноҳ ҳисобланган [3].

Инсоннинг қадр-қиммати, соғлиги ва мулкига қаратилган жиноятлар ҳар бир замонда, ҳар қандай ҳуқуқ тизимида жиноят деб ҳисобланган. Жумладан, Ислом динида ҳам бировнинг мулкига қаратилган жиноятлар оғир жиноятлар сирасига киритилиб, жамиятда бундай ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш мақсадида маълум даражадаги жазо белгилаб қўйилган: “Ўғри эркак ва ўғри аёлнинг қилмишларига яраша жазо ва Аллоҳдан берилган азоб сифатида қўлларини кесингиз. (Моида сураси, 38-оят). Шариатда бу жазо учун белгиланган молнинг миқдори 10 дирҳамлик пул-буюм ёки шунча баҳоланувчи бошқа матоҳ бўлиб, уни ўғирлаган шахс балоғат ёшига етган бўлиши, ўғирланган нарса аниқ бировнинг мулки бўлиб, уни кўчадан эмас, сақланадиган жойидан махфий равишда олган бўлиши шарт” [4].

Шунингдек, ислом ҳуқуқшунослари ўзгалар мол-мулкини ноқонуний йўл билан эгаллаб олиш (ғасб) масалаларини ишлаб чиқишга жиддий эътибор берганлар. Жумладан, Бурҳониддин Марғиноний қаламига мансуб “Ҳидоя” асарининг 37-китобида ўзгалар мол-мулкига ғайриқонуний эгалик қилиш “ғасб”, деб таърифланган [5].

Шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, ғасб билан ўғрилик бир-биридан анча фарқ қилади. Ғасб – бировнинг мол-мулкини зўравонлик билан очиқ-ойдин олиб қўйиш; ўғрилик – яширин, хуфиёна

қилмиш [26 б. 6]. Ўша даврда ғасб билан ўғрилик бир-биридан анча фарқ қилиши мусулмон ҳуқуқининг мукаммалик даражасидан далолат беради. Шу билан бирга, ислом ҳуқуқида ўзгалар мулкини талон-торож қилганлик учун жавобгарликка тортилаётган шахс балоғат ёшига етган ва ақли расо бўлиши талаб этилган. Айнан ушбу ҳолат бугунги кунда амал қилаётган Жиноят кодексида назарда тутилганлиги бежиз эмас.

Милодий XIV асрнинг охирларида Мовароуннаҳрнинг буюк саркардаси ва давлат раҳбари Амир Темур тузукларида ўзгалар мол-мулкини ғайриқонуний эгаллаб олиш учун жавобгарлик масалаларига шариат қонунларидан фарқли равишда, алоҳида эътибор берилган. Давлат раҳбари (подшо) томонидан давлат мулкини қўриқлаш, уни тақсимлаш ишларини амалга ошириш вазифаси юклатилган вазир ва масъул шахслар томонидан ўзгалар (давлат) мулкига жиноий тажовузлар фақат ўғрилик, деб эътироф этилган. Ушбу ижтимоий хавфли ҳаракатлар оғир ва ўта оғир жиноят деб тан олинганлиги боис, уларни содир этган шахсларга нисбатан энг оғир жазо чоралари – қўлини чопиб ташлаш ёки ўлим жазоси тайинланган. Амир Темур ўғиллар, набиралар, қавм-қариндошлар, амир ва вазирларни жазолаш йўли билан салтанатда интизом сақлаш ҳақида тузукида амр этдики, “Ўғрилар хусусида буюрдимки, улар қаерда бўлмасин, тутиб олинса, ясо бўйича жазолансин. Кимки бировнинг молини зўрлик билан тортиб олган бўлса, мазлумнинг молини золимдан қайтариб олиб, эгасига топширсинлар” [7].

Шундай қилиб, Қадимги ва Ўрта асрларда Ўзбекистон ҳудудида мавжуд бўлган давлатлар ҳуқуқий тизимида ҳукм сурган диний (ислом шариати) ақидалар, диний-ахлоқий мезонларга асосланган хулқ-атвор қоидаларида жиноят ва фуқаролик ҳуқуқлари алоҳида ҳуқуқ соҳаларига ажратилмаган. Ўзгалар мулкини очиқдан-очиқ талон-торож қилиш дастлаб ўғрилик сифатида баҳоланган, сабаби ўша вақтларда талон-торожнинг содир этиш усуллари ҳисобланган яширин ҳамда очиқдан-очиқ талон-торож қилиш фарқланмаган. Ўзгалар мулкига ҳар қандай усулда тажовуз қилиш ғасб ва ўғрилик деб аталган бўлиб, бизнингча, мазкур кўриб чиқилаётган жиноят таркибини ҳам ўз ичига қамраб олган.

Туркистон ўлкасида XX асрнинг бошларида чор Россияси ҳарбий ҳокимияти ўрнатилишига қарамасдан, Россия билан Бухоро амирлиги ҳамда Хива хонлиги ўртасида тузилган тинчлик шартномалари мазкур давлатларнинг ҳуқуқий тизимига деярли дахл этмаган. Олдинги ҳуқуқ тизими (шариат қонунлари) 1917 йилги давлат тўнтаришларига қадар жиддий ўзгаришларсиз сақланиб қолди [8].

Ўзбекистон жиноят ҳуқуқига талончилик, яъни ўзгалар мулкини очиқдан-очиқ талон-торож қилиш мустақил жиноят таркиби сифатида XX асрда киритилган. 1917 йилдаги октябрь тўнтарилиши натижасида совет ҳокимияти ўрнатилганидан сўнг, янги ҳукумат томонидан мулкка қарши жиноятлар ва уларни содир этганлик учун жавобгарлик белгилаш масаласи муайян вақт талаб этди. Ушбу даврда янги совет ҳокимияти совет монархияси қонунчилигидан воз кечиб, янги коммунистик мафкураларга асосланган қонунчилик жорий этди ва бу, ўз ўрнида, анчагина қийинчиликлар туғдирди. Бу каби ёндашув, ўша даврдаги мураккаб сиёсий вазият ҳисобига дастлабки тартибсизлик келтириб чиқарди. Шундай қилиб, Халқ комиссарлари Кенгашининг 1921 йил 5 май куни қабул қилинган “Суд ҳукми ҳуқуқларини чеклаш ҳақида”ги декретида ўғрилик, босқинчилик, фирибгарлик, товламачилик, ўзлаштириш ва растрата қилмишлари илк бор муайян тизимда қайд этилди [9].

РСФСРнинг жиноят қонуни 1922 йилда кодекс шаклига келтирилди ва мазкур

кодексда илк бор талон-торож қилишнинг бир тури сифатида талончилик қайд этилди. Ушбу кодекс Туркистон ўлкасида 1922 йилнинг 21 июлидан кучга киритилди [10].

РСФСР Жиноят кодекси 182-моддасига кўра, талончилик – мулкка эгалик қилувчи, фойдаланувчи ёки назорат қилиб турган шахсларнинг мавжудлигида, шахсга зўрлик ишлатмасдан, очиқдан-очиқ эгаллаш бўлиб, бир йилгача озодликдан маҳрум қилиш ёки мажбурий ишлар билан жазоланган.

Талончиликнинг қуйидаги турлари белгиланган: 1) ҳаёт учун хавфли бўлмаган зўрлик ишлатиб содир этилган талончилик (183-модда, уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш); 2) бир гуруҳ шахслар ёки рецидивист томонидан содир этилган талончилик (184-модда, уч йилдан кам бўлмаган қаттиқ изоляцияли озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланган).

Эътиборли жиҳати шундаки, ушбу кодексда талончиликнинг тугалланиш вақти амалдаги кодексда келтирилган талончиликдан фарқли равишда мулкни эгаллаш вақти этиб белгиланган. Шунингдек, талончилик учун жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатлар модданинг қисмларида эмас, алоҳида модда сифатида назарда тутилган.

2-босқич. 1926 йилдан 1959 йилгача бўлган даврни ўз ичига олади.

1926 йил 16 июнь куни Ўзбекистон ССРнинг биринчи Жиноят кодекси қабул қилинди. Ушбу кодекс Ўзбекистон ССР ҳудудида 1926 йил 1 июлидан кучга киритилди. Талончилик мазкур кодекснинг “Мулкий жиноятлар” номли еттинчи бобидан жой олган бўлиб, унинг тушунчаси қуйидагича: талончилик, яъни бировнинг мулкини, шу мулкка эгалик қилувчи, ундан фойдаланувчи ёки уни идора қилувчи бошқа шахснинг ҳузурида очиқ равишда олиб қочиш, зўрликсиз қилинганда.

Мазкур қилмиш учун санкцияда бир йилгача мажбурий ишлатиш ёки озодликдан маҳрум қилиш жазоси белгиланган (229-модда) [11].

Шунингдек, талончиликнинг қуйидаги турлари белгиланган:1) талончилик ҳаёт ва соғлик учун қўрқинчли бўлмаган зўрлик билан содир этилиши уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиши мумкинлиги белгиланган (230-модда 1-қисм); 2) талончиликни такроран (рецидив), бир гуруҳ шахслар (шайка) томонидан содир этилиши, беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиши мумкинлиги белгиланган (230-модда 2-қисм).

Ўзбекистон ССРнинг 1926 йилги Жиноят кодексида талончилик жиноятига берилган таърифда фақатгина очиқдан-очиқ талон-торож қилишнинг бир усули – олиб қочиш назарда тутилган. Ваҳоланки, талончилик олиб қочишдан бошқа усуллар орқали содир этилиши ҳам мумкин, масалан, олиб кетиш, олиб қўйиш, юлиб қочиш, эгаллаш ва ҳоказо. Шунингдек, амалдаги талончилик учун жавобгарлик белгиланган нормадан фарқли равишда зўрлик ишлатиб содир этилган талончилик ва зўрлик ишлатмасдан содир этилган талончилик учун жавобгарлик фарқланган.

РСФСР Жиноят кодекси ҳамда Ўзбекистон ССРнинг 1926 йилда қабул қилинган Жиноят кодексининг қиёсий таҳлили 1926 йилда қабул қилинган кодексда талончилик учун жавобгарлик оғирлаштирилган, яъни оғирлаштирувчи ҳолда содир этилган талончилик учун қонунда санкция миқдори уч йилдан беш йилга оширилганлиги кўзга ташланади.

Ўзбекистон ССРнинг 1926 йилда қабул қилинган Жиноят кодекси талончилик таркибига сезиларли ўзгариш киритмаган бўлсада, Ўзбекистон жиноят қонунчилиги тарихида илк кодификациялашган жиноят қонуни ва талончилик мустақил жиноят таркиби сифатида назарда тутилганлиги билан ўз ўрнини эгаллайди.

3-босқич. 1960 йилдан 1994 йилгача бўлган даврни ўз ичига олади.

1959 йил 21 майда қабул қилинган ва 1960 йил 1 январдан кучга кирган Ўзбекистон ССР Жиноят кодекси мазкур зиддиятга барҳам берди. Ўзбекистон ССРнинг жиноят кодекси билан талончиликнинг икки шакли белгиланди. Биринчиси, давлат ва жамоат мулкига нисбатан талончилик (115-модда), иккинчиси шахсий мулкка нисбатан талончилик (126-модда) [12].

Давлат ва жамоат мулкига нисбатан талончилик (асосий таркиби) тўрт йилгача озодликдан маҳрум қилиш, фуқаролар мулкига нисбатан талончилик уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланган. Кўриб турганингиздек, давлат ва жамоат мулкини ҳимоя қилиш фуқаролар мулкини жиноий тажовузлардан муҳофаза қилишга нисбатан оғирроқ жазо белгилаш орқали, давлат ва жамоат мулки мулкнинг бошқа шаклларидан устунлиги таъминланган.

1959 йилда қабул қилинган Ўзбекистон ССР Жиноят кодексида, иттифоқдош республикалар жиноят қонунчилигидан фарқли ўлароқ, иккинчи бобда “Шахснинг ҳаёти, соғлиги, эркинлиги ва қадр-қимматига қарши жиноятлар”, учинчи бобда “Социал мулкни талон-торож қилишга қарши жиноятлар” жойлаштирилган. РСФСР, Украина, Белорусь, Арманистон ва Эстония Жиноят кодексларининг иккинчи боби “Социал мулкни талон-торож қилишга қарши жиноятлар”, учинчи боби “Шахснинг ҳаёти, соғлиги, эркинлиги ва қадр-қимматига қарши жиноятлар”, деб номланган. Кўриниб турибдики, Ўзбекистон собиқ Иттифоқ таркибида бўлишига қарамасдан, шахснинг ҳаёти, соғлиги, эркинлиги ва қадр-қимматини социал мулкдан устун қўйганлигидан далолат беради.

Ўзбекистон ССРнинг 1959 йилдаги Жиноят кодексида талончилик таркиби анъанавий, яъни мулкни очиқдан-очиқ талон-торож қилиш, деб белгиланди (113-модда). Мазкур жиноят қонунида аввалги жиноят қонунларидан фарқли ўлароқ, талончилик учун жавобгарлик дифференциация қилиниб, қуйидаги ҳолатларда талончилик содир этиш жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолат ҳисобланган: 1) талончилик ҳаёт ва соғлиқ учун хавфли бўлмаган зўрлик ишлатиб ёки бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб ёхуд такроран содир этилган бўлса; 2) талончилик ўта хавфли рецидивист томонидан ёки кўп миқдорда содир этилган бўлса.

Фуқароларнинг шахсий мулки давлат ёки жамоат мулкига нисбатан талончилик қилиш билан бир хил муҳофаза қилинган. Санкциялар таҳлили шахсий, давлат, жамоат мулкини талончилик йўли билан талон-торож қилиш учун асосан озодликдан маҳрум қилиш жазоси белгиланганлигини кўрсатди.

4-босқич. 1994 йилдан бугунги кунгача бўлган даврни ўз ичига олади.

1994 йил 22 сентябрда қабул қилиб, 1995 йил 1 апрелдан кучга кирган Жиноят кодексининг “Иқтисодиёт соҳасидаги жиноятлар” номли учинчи бўлими, “Ўзгалар мулкини талон-торож қилиш” номли ўнинчи бобининг 166-моддасида талончилик учун жавобгарлик белгиланган. Бу эса ўзгалар мулкини талончилик йўли билан талон-торож қилиш учун жавобгарликка оид жиноят қонунчилиги ривожланишининг янги – тўртинчи босқичга ўтганлигидан далолат беради.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 53-моддасига биноан, “Бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил қилади. Барча мулк шакллари, хусусан, хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясидадир” [13]. Конституциянинг ушбу принципига асосан амалдаги Жиноят кодексида барча шаклдаги мулкларни жиноий тажовузлардан бир хил муҳофаза қилиш мақсадида, қонун чиқарувчи “ўзгалар

мол-мулки” деган тушунчани киритиб, аввалги йилларда амалда бўлган Жиноят кодексларидаги “Давлат ва жамоат мулклари”, “Гражданларнинг мулки” деган тушунчаларга чек қўйди.

Бугунги кунга қадар ЖК 166-моддасига бир қатор ўзгартиш ва қўшимчалар киритилган бўлиб, улар қуйидагилардан иборат:

1. Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 30 августдаги 485-I-сон қонуни билан, 166-модда иккинчи қисмининг “а” бандидаги “баданга енгил шикаст етказиб ёки зўрлик ишлатиш билан қўрқитиб” сўзлари “ҳаёт ва соғлиқ учун хавфли бўлмаган зўрлик ишлатиб ёхуд шундай зўрлик ишлатиш билан қўрқитиб” сўзларига ўзгартирилди. Бу борада “бунга қадар ҳам зўрлик ишлатиш билан қўрқитиш белгиси бўлган бўлса-да, қонунда қўрқитишнинг айнан қандай зўрлик ишлатиш билан қўрқитиб содир этилиши аниқ кўрсатилмаган эди” [14], деган фикрни қўллаб-қувватлаймиз. Ҳақиқатдан, ушбу ўзгартиш билан қонун чиқарувчи талончилик содир этишда ишлатиладиган зўрликнинг хавфлилик даражасига аниқлик киритди.

2. Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 августдаги “Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида” 254-II-сон қонуни билан ЖК 166-модда 1-қисми санкцияси қуйидаги “уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади” таҳрирда баён қилинди. Мазкур ўзгартиш орқали қонун чиқарувчи ЖК 166-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмини содир этганлик учун тайинланиши мумкин бўлган озодликдан маҳрум қилиш жазосининг энг юқори муддатини беш йил этиб белгилади. Маълумки, санкциядаги озодликдан маҳрум қилиш жазоси қилмишнинг ижтимоий хавфлилик даражасига мувофиқ белгиланади ва шу мезонга асосан жиноятлар таснифланади. Бизнингча, зўрлик ишлатиб содир этилган талончиликнинг ижтимоий хавфлилик даражаси, зўрлик ишлатмасдан содир этилган талончиликка нисбатан юқори. Шундай экан, жиноий жазоларнинг либераллаштириш мақсадида ЖК 166-моддасига киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар, талончилик учун жавобгарликни либераллаштиришга хизмат қилмаганлигидан далолат бермоқда.

3. Юқорида зикр этилган қонун билан ЖК 166-модда биринчи, иккинчи, учинчи ва тўртинчи қисмлари санкцияларида “мол-мулк мусодара қилиниб” деган сўзлар чиқариб, ахлоқ тузатиш ишлари жазоси билан, кейинчалик озодликни чеклаш [15] каби альтернатив жазо турлари билан тўлдиришга оид ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган.

Талончилик йўли билан талон-торож қилиш учун жавобгарлик ҳақидаги жиноят қонунчилигининг такомиллашуви 1994 йилда қабул қилинган Жиноят кодекси билан ўз ниҳоясига етказилди, дегани эмас. Бу борада А.Х.Кагирова, З. А. Магомедоваларнинг вақт ўтган сайин барча жиноятлар сингари талончилик ҳам замонга мослашади, ўзгаради фақатгина ўхшаш таркибли жиноятлардан фарқловчи асосий белгилар ўзгаришсиз қолдирилади, деган фикри ўринлидир [16]. Ҳақиқатдан ҳам замон ўзгаргани билан, ўзгага тегишли бўлган мулкнинг ошкора талон-торож қилиниши жиноий жазога сазовор қилмиш бўлиб қолаверади, қилмиш учун белгиланган жиноий жавобгарликнинг ташқи кўриниши ўзгаради.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, инсонларда мулкка эгалик қилиш бўйича тушунчалар пайдо бўлибдики, ўзгалар мулкини ошкора талон-торож қилиш ижтимоий хавфли қилмиш ҳисобланади. Тарихий таҳлил Ўзбекистон жиноят қонунчилиги тарихида талончилик мустақил жиноят таркиби сифатида

илк бор 1926 йилда қабул қилинган Ўзбекистон ССР Жиноят кодексидан ўрин олганлигини кўрсатмоқда. Жамият ривожланиши, талончилик содир этишнинг ижтимоий хавфи юқори бўлган янги усулларининг пайдо бўлиши муносабати билан талончилик моддасига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиб келинган. Гувоҳи бўлдики, барча ислоҳотлар ҳам талончилик учун жавобгарликни такомиллаштиришга ижобий ҳисса қўшмаган. Ҳанузгача ўзгалар мулкини ошкора талон-торож қилишдан қўриқловчи ижтимоий муносабатларни жиноят-ҳуқуқий тартибга солишда бўшлиқлар ва ортиқча талаблар мавжуд. Бизнингча, келгусида қонун чиқарувчи мустақил давлатимизнинг янги Жиноят кодексини ишлаб чиқиш жараёнида айнан ушбу ҳолатлар инобатга олиниши лозим.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР


1. *Қаландаров М.М.* Ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилиш: жиноят-ҳуқуқий ва криминологик жиҳатлар. – Т., 2011. – 16 б.

2. *Мальцев В.В*. Введение в уголовное право. – Волгоград, 2000. – С. 5.

3. *Эшов Б.* Ўзбекистон бошқаруви ва давлатчилиги тарихи: Дарслик. – Т., 2012. – 130 б.

4. *Мансур А.* Қуръони Карим маъноларининг таржима ва тафсири. – Т., 2004. – 114 б.

5. *Марғиноний Б.* Ҳидоя. 2-ж. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия, 1990. – Б. 428–429.

6. *Ражабова М.* Шариатда жиноят ва жазо. – Т., 1996. – 26 б.

7. *Муқимов З.* Амир Темур тузуклари (тарихий-ҳуқуқий тадқиқот). Иккинчи тўлдирилган нашри. – Самарқанд, 2008. – 58 б.

8. *Муқимов З*. Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқи тарихи. – Самарқанд, 1998. – 31 б.

9. 0б ограничении прав посудебным приговорам Декрет СНК от 5 мая 192 1г.:СУРСФСР. 1921.№39.Ст.309: http://docs.historyrussia.org/ru/nodes/12013-5-maya-dekret-snk-ob-ogranichenii-prav-po-sudebnym-prigovoram (электрон манбаа мурожаат этилган вақт: 28.05.2020).

10. *Якубов А.С.* Теоретические проблемы формирования правовой основы учения о преступлении: предпосылки, реальность, перспективы. – Т., 1996. – С. 20.

11. Ўзбекистон ССРнинг 1926 йилда қабул қилинган жиноят кодекси. 1946 йил 1 сентябргача бўлган ўзгартиш ва қўшимчалар билан: Адлия министири К.Комиловнинг умумий таҳрири остида. – Т., 1947. – Б.109.

12. Уголовный кодекс Узбекской ССР: С изм. и доп.на 1 окт.1988 г.: принят 11 сессией Верх Совета Уз ССР пятого созыва, 21 мая 1959 года / Сост Г.Абдумажидов. – Т., 1988 – С. 207.

13. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. https://constitution.uz /uploads/constitution_ru.pdf. (электрон манбаа: мурожаат этилган вақт: 17.08.2021й).

14. Иқтисодиёт соҳасидаги жиноятларни декриминализация қилиш муаммолари. Монография/ Қ.Р.Абдурасулова, Н.С.Салаев, Д.Ю.Каракетова; масъул муҳаррир: юрид. фан. д-ри. проф. Р.А.Зуфаров. –Т., 2014. – Б. 103.

15. Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги 2015 йил 10 августдаги, ЎРҚ-389-сон қонуни. https://www.lex.uz/acts/2717325?ONDATE=11.08.2015%2000#2717413.

16. *Кагирова А.Х., Магомедова З.А.* Уголовно-правовые проблемы, связанные с квалификацией грабежа: Монография. – Махачкала, 2020. – С. 8.

***А. Р. Жумаев,***
*Миллий гвардия марказий девони катта офицери*

# ҲУЖЖАТЛАР, ШТАМПЛАР, МУҲРЛАР, БЛАНКАЛАР ТАЙЁРЛАШ, УЛАРНИ ҚАЛБАКИЛАШТИРИШ, СОТИШ ЁКИ УЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ ЖИНОЯТИ ОБЪЕКТИВ БЕЛГИЛАРИНИНГ ЮРИДИК ТАҲЛИЛИ

**Аннотация.** Мақолада Жиноят кодексида ҳужжатлар, штамплар, муҳрлар, бланкалар тайёрлаш, уларни қалбакилаштириш, сотиш ёки улардан фойдаланиш учун жавобгарлик белгиланган норманинг объектив белгилари таҳлил қилинган. Мазкур жиноят предметининг аҳамияти ўрганилган ва нормани такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқилган.

**Таянч сўзлар:** ҳужжат, штамп, муҳр, қалбакилаштириш, сохталаштириш, предмет, объект, объектив томон.

**Аннотация.** В статье исследуются положения уголовного закона, предусматривающие ответственность за преступления, связанные с изготовлением, подделкой документов, штампов, печатей, бланков, их сбытом или использованием. Рассматриваются особенности предмета данного преступления, предлагаются возможные пути совершенствования анализируемой нормы.

**Ключевые слова:** документ, штамп, печать, бланк, подделка, подлог, предмет, объект, объективная сторона.

**Annotation:** The article examines the provisions of the criminal law, providing for liability for forgery, production or sale of forged documents, state awards, stamps, seals, forms, examines the features of the subjects of this crime, suggests possible ways to improve the analyzed norm.

**Keywords:** document, stamp, seal, letterhead, counterfeit, forgery, object, object, objective side.

Ҳужжатлар, штамплар, муҳрлар, бланкалар тайёрлаш, уларни қалбакилаштириш, сотиш ёки улардан фойдаланиш жинояти Ўзбекистон Республикасида расмий ҳужжатлар, штамплар, муҳрлар, бланкаларни тайёрлаш ва улардан фойдаланиш соҳасидаги давлат бошқаруви органларининг бир меъёрда фаолият юритишини таҳдид остига солиши билан ижтимоий хавфли ҳисобланади. Мазкур ижтимоий муносабатлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 25 июлдаги 283-сонли қарори билан тасдиқланган “Расмий давлат ҳужжатларини тайёрлашга буюртма бериш, уларни тайёрлаш, ҳисобга олиш, сақлаш ва топшириш тартиби тўғрисида”ги қарори билан тартибга солинади.

Жиноят қонунига мувофиқ ҳужжатлар, штамплар, муҳрлар, бланкалар тайёрлаш, уларни қалбакилаштириш, сотиш ёки улардан фойдаланиш жинояти учун жавобгарлик фақатгина энг кам ва етарли объектив ҳамда субъектив асослар мавжуд бўлганида мавжуд бўлади. Жавобгарликка тортиш учун энг кам ва етарли асос деганда жиноят таркибини тўртта элементи, яъни жиноят объекти ва объектив томони, жиноят субъекти ва субъектив томони тушунилади.

Қилмишга ҳуқуқий баҳо бериш учун, аввало, у қайси ижтимоий муносабатга зарар етказганлигини аниқлаш лозим. Шу боис юридик таҳлилни жиноят объектив белгиларининг таҳлилидан бошлаш мақсадга мувофиқдир. Жиноятнинг объектив белгилари бўлиб, объекти ва

объектив томони тушунилади. Жиноят объекти жиноят ҳуқуқи назариясининг бугунги кунга қадар энг кўп таҳлил қилинган, ўз ўрнида энг долзарб соҳаларидан ҳисобланади [1]. Объект лотинча “objectum” сўзидан олинган бўлиб, “нарса – субъектга қарама-қарши бўлган ҳамда инсоннинг амалий ва билиш фаолияти қаратилган объектив реаллик” маъносини билдиради [2].

Жиноят ҳуқуқи назариясида жиноят қонуни билан қўриқланадиган ижтимоий муносабатлар жиноят объекти ҳисобланади. Мазкур нуқтаи назар умумэътироф этилган ва юридик адабиётларда етарлича тадқиқ қилинган ҳамда асосланган [3]. Жиноят қонунида акс эттирилган барча жиноят қайсидир ижтимоий муносабатларга зарар етказади, аниқроғи ижтимоий муносабатларга зарар етмайдиган жиноят мавжуд эмас. Демак, ҳужжатлар, штамплар, муҳрлар, бланкалар тайёрлаш, уларни қалбакилаштириш, сотиш ёки улардан фойдаланиш жинояти объекти Ўзбекистон Республикасида расмий ҳужжатлар, штамплар, муҳрлар, бланкаларни тайёрлаш ва улардан фойдаланиш соҳасидаги ижтимоий муносабатлар ҳисобланади.

Жиноят предметига тўхталадиган бўлсак, таҳлил этилаётган жиноятда предмет зарурий белги ҳисобланади, чунки ҳужжат, штамп, мухр, бланка модда диспозициясида тўғридан тўғри кўрсатилган. Шу боис қилмишни квалификация қилиш учун, аввало, қалбакилаштирилган предмет ҳужжат, штамп, мухр, бланка эканлигига ишонч ҳосил қилиш лозим. Нималар ҳужжат, штамп, мухр, бланка ҳисобланади?

Жиноят хуқуқи назариясида ҳужжат тушунчаси бўйича олимларнинг турли хил қарашлари шаклланган.

Р.Б.Семенов “маълумот” тушунчаси ҳужжатга баҳо беришда муҳим аҳамиятга эга, деб ҳисоблайди. Унинг фикрича, ҳақиқий ҳужжат бу жисмоний ёки юридик шахс томонидан тайёрланиб, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ҳужжатдир [4].

А.В. Наумов ҳужжатни жиноят ҳуқуқи назариясига кўра бирор бир факт ёки ҳуқуқни тасдиқловчи иш варағи, деб таъкидлайди. Таҳлил этилаётган жиноят таркибига кўра ҳужжатнинг расмий хусусиятини бирор бир ҳуқуқ беради ёки мажбуриятдан озод қилади [5].

Л.А.Букалерова расмий ҳужжатга ваколатга эга жисмоний ёки юридик шахслар томонидан қонун билан тасдиқланган шаклдаги фактларни акс эттирган ҳолда тайёрланган, юридик аҳамиятга эга ҳужжатлар тааллуқлидир, дея эътироф этади [6].

А.В. Бриллиантов бугунги ижтимоийиқтисодий муносабатлар расмий ҳужжат тушунчасига унинг келиб чиқиш ва тайёрланиш манбасига кенг ёндашув заруратини тақозо қилаётганлигини таъкидлайди. Унинг фикрича, расмий ҳужжат давлат, тижорат, муниципиал, шунингдек, жисмоний шахс томонидан тайёрланиши мумкин. Бошқача қилиб айтганда, ҳужжатнинг келиб чиқиш манбаси жиноий-ҳуқуқий баҳо беришда аҳамиятга эга бўлмаслиги лозим. Ҳужжатни расмий ҳужжатлар қаторига киритишнинг асосий мезони унинг ҳуқуқий муносабатларда иштирок этиш хусусиятини мавжудлигидир[7].

Р.Б.Семенов, А.В. Наумов, Л.А.Букалероваларнинг ҳужжатга берган таърифига қўшиламиз. Негаки, улар томонидан ҳужжат тайёрланишида қонун билан белгиланган тартибга урғу берилган. А.В.Бриллиантов томонидан келтирилган бу борадаги фикрга қўшилмаймиз, чунки ҳар қандай ҳужжатнинг келиб чиқиш манбаси қилмишга ҳуқуқий баҳо беришда аҳамиятга эгадир. Юқоридаги таҳлиллар ҳамда амалдаги қонун талабларидан келиб чиқиб, ҳужжатга қуйидагича таъриф бериш лозим:

“Ҳужжат деганда, корхона, муассаса ёки ташкилотларнинг ҳисобида бўлган ва ҳуқуқий аҳамиятга эга фактларни тасдиқловчи, қонун ҳужжатларидан белгиланган шаклда тузилган, зарурий реквизитлари (штамп, имзо, муҳр, сана, тартиб рақами) мавжуд ёзма ҳужжат тушунилади”.

ЖК 228-моддасининг предмети фақатгина бирор бир ҳуқуқни берувчи ёки мажбуриятдан озод қилувчи расмий ҳужжат эмас, балки гувоҳнома ҳам ҳисобланади. А.В. Бриллиантов гувоҳнома жисмоний шахснинг шахсини, унинг мақоми ёки ҳуқуқини тасдиқлайди, деб айни ҳақиқатни таъкидлаган [7].

А.В. Наумов диплом, ҳайдовчилик гувоҳномаси, полиция гувоҳномаси, тадбиркорлик лицензияси, пенсия гувоҳнома ва бошқаларни ҳуқуқ берувчи, коммунал тўловлар тўлашдан озод қилувчи турли шаклдаги маълумотнома ва бошқаларни мажбуриятдан озод қилувчи ҳужжатларга ажратади [3].

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 25 июлдаги 283-сонли қарори билан тасдиқланган "Расмий давлат ҳужжатларини тайёрлашга буюртма бериш, уларни тайёрлаш, ҳисобга олиш, сақлаш ва топшириш тартиби тўғрисида"ги қарори билан расмий давлат ҳужжатларининг қатъий рўйхати шакллантирилган бўлиб, ҳолатга ҳуқуқий баҳо беришда рўйхатда мавжуд ҳужжатларга эътибор қаратиш лозим.

Жиноят ҳуқуқи назариясида олимлар бланк тушунчаси бўйича ягона тўхтамга келишмаган. Масалан, Л.А.Букалерова бланк деганда расмий ҳужжатни тайёрлаш учун мўлжалланган расмий реквизитлар мажмуасини моддий ташувчига белгиланиши, деб ҳисоблайди. [6]. А.В. Наумовнинг фикрича, бланк бу муайян корхона ёки ташкилотнинг муҳри, штампи ёки ҳужжат тайёрлаш учун мўлжалланган бошқа реквизити туширилган тоза қоғоздир [5]. Бизнингча, бланкда ҳар доим ҳам муҳр ёки штамп изи бўлмайди, шунингдек бланк ҳар доим ҳам қоғознинг бўлаги эмас.

Шу ўринда бу борада М.Х.Рустамбаевнинг бланкка берган қуйидаги таърифи ҳақиқатга яқиндир. Бланка бу бурчак ёки марказида штамп босмаси туширилган ёки исталган усулда штамп матни босилган ёки бошқа матнли (матнли расм) бўлган ҳамда ҳужжатни тайёрлаш учун фойдаланиладиган қоғоз варағи (лицензия, паспорт, гувоҳнома, сўровнома, ариза ва бошқалар бланкаси) ёки айрим шаклдаги жузланган китобчалар (паспорт, ҳарбий билет ва бошқалар бланкаси) [8].

Объектив белгиларнинг бири бўлган объектив томон ўзида жиноятнинг ташқи белгиларини акс эттиради. Таҳлил этилаётган жиноятнинг объектив томони қуйидаги тўрт ҳолатдаги қилмишларни бажаришда мавжуд бўлади: 1) ҳужжатлар, штамплар, муҳрлар, бланкалар тайёрлаш; 2) ҳужжатлар, штамплар муҳрлар, бланкаларни қалбакилаштириш; 3) қалбаки ҳужжатлар, штамплар, муҳрлар, бланкалар сотиш; 4) ҳужжатлар, штамплар, муҳрлар, бланкалардан фойдаланиш.

Расмий ҳужжатни қалбакилаштириш бу қалбаки, қўлбола ҳужжат тайёрлаш ёки ҳужжатга ҳар қандай йўл билан ўзгартириш киритишни англатади.

Объектив томоннинг яна бир белгиси бу қалбаки ҳужжатлар, штамплар, муҳрлар, бланкалар сотиш бўлиб, бу бегоналаштириш шаклидан қатъи назар уни бегоналаштириш учун қилинган ҳар қандай ҳаракат. Сотиш ҳар қандай усулда сотув, алмаштириш, ҳадя этиш ва ҳоказо усуллар орқали амалга оширилиши мумкин. Сотиш қалбакилаштирувчининг ўзи ёки қалбакилаштириш учун жавобгар бўлмаган, қалбаки ҳужжатлигини англамаган шахс томонидан амалга оширилиши мумкин. Бордию шахс ҳужжатнинг қалбаки эканлигини билмаган бўлса, у ҳолда ЖК 228-модда билан жавобгарлик келиб чиқмайди.

Била туриб қалбаки ҳужжатлар, штамплар, муҳрлар, бланкалардан фойдаланиш бу айбдорнинг ушбу ҳужжатлардан келиб чиқадиган ҳуқуқларга эга бўлиш учун қилган ҳаракатларидир. Фойдаланиш сиртдан қалбаки ҳужжатни намойиш этиш (кўрсатиш) ёки уни ташкилот ва алоҳида шахсларга ҳақиқийдек тақдим этиш (узатиш, юбориш) орқали ифодаланиши мумкин.

Жиноят ҳуқуқи назариясида "қалбакилаштириш" ва "сохталаштириш" тушунчалари ўртасида мунозара мавжуд.

Сохталаштириш учун Жиноят кодекси 209-моддаси билан жиноий жавобгарлик белгиланган бўлиб, мансабдор шахснинг ғаразгўйлик ёки бошқа манфаатларни кўзлаб расмий ҳужжатларга била туриб сохта маълумот ва ёзувлар киритиши, ҳужжатларни қалбакилаштириши ёки сохта ҳужжатлар тузиши, тақдим этиши тушунилади.

Биринчи ҳолатда гап ёлғон маълумотлар акс эттирган қалбаки ҳужжат тайёрлаш ҳақида бормоқда. Иккинчи ҳолатда эса маълумотларни ўзгартириш аслида мавжуд ҳужжатга киритилади. Р.Б. Семенов ҳужжат сохталаштиришни синчиклаб таҳлил қилиб, сохталаштиришни усулига кўра таснифлаш лозимлигини таъкидлаган. Шундай қилиб, у контактли сохталаштириш (ўзгартириш) ва контактсиз сохталаштириш (ясаш)га ажратган. Ўз ўрнида ясаш қалбаки ҳужжатни бошидан ясаш ҳисобланиб, уни қалбакилаштириш деб баҳолаш мумкин [4]. А.Н.Ильяшенко ва О.В. Чесноковлар юқоридаги таснифланишни танқид остига олиб, сохталаштириш, қалбакилаштириш сўзлари ўхшаш филологик табиатга эга эканлигини ҳисобга олиб, синоним сўзлар деб ҳисоблашади [8].

Сохталаштириш ва қалбакилаштириш сўзлари бир маънони англатар экан, у ҳолда ЖК 228-моддаси номланиши ва диспозициясидаги қалбакилаштириш, қалбаки сўзларини сохта ва сохталаштириш сўзларига ўзгартириш лозим. Мазкур таклиф биринчидан ЖК Махсус қисмидаги атамаларнинг аниқ ва бир хилда қўлланилишига хизмат қилса, иккинчидан бу борадаги мунозарага чек қўяди.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, ҳужжатлар, штамплар, муҳрлар, бланкалар тайёрлаш, уларни қалбакилаштириш, сотиш ёки улардан фойдаланиш жиноятининг объектив белгиларига тўғри баҳо берилиши биринчидан, қилмишни бошқа ўхшаш таркибли жиноятлардан фарқлашга, иккинчидан, жиноятни тўғри квалификация қилишга, учинчидан айбдорга адолатли жазо тайинлашга хизмат қилади.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. *Хасанов Т.Х.* Ўғрилик учун жиноий жавобгарлик ва олдини олиш: юрид. фан. б-ча фалсафа. д-ри. ... дис. – Т., – 40 б.

2. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. А.Мадвалиев таҳрири остида. 4 жилд. Ж.1. – Т., 2006. – Б. 77.

3. *Кабулов. Р. Р.* Уголовно-правовые меры борьбы с хищениями: теория и практика: Дис. ... д-ра юрид. наук. – Т., 2005. – С. 23., *Абдурасулова Қ.Р.* Фирибгарлик учун жиноий жавобгарлик: юрид. фан. номз. дис. ... Автореф. – Т, 1994. – 15б., *Алтиев Р.С.* Фирибгарликнинг жиноят-ҳуқуқий ва криминологик жиҳатлари: юрид. фан. б-ча фалсафа. д-ри. дис. ... Автореф. – 2020. – 12 б.

*Коржанский Н.И.* Объект и предмет уголовно-правовой охраны в СССР: Автореф. дис. ... д-ра наук. – М., 1979. – С.11–12.

4. *Семенов Р. Б.* Уголовно-правовая оценка подлога документов: Дис. … канд. юрид. наук / Р.Б. Семенов. – М., 2005.

5. *Наумов А.В.* Российское уголовное право: Курс лекций: в 3-х т. / А. В. Наумов. Т. 3. – М., 2010.

6. *Букалерова Л.А.* Уголовно-правовая охрана официального информационного оборота / Л.А. Букалерова. – М., 2006.

7. *Бриллиантов А. В.* Критерии официального документа / А. В. Бриллиантов // Уголовное право. – 2010. – № 5. – С. 5–7.

8. *Рустамбаев М. Х.* Ўзбекистон Республикаси жиноят ҳуқуқи курси. Т. 4. – Т., 2018. – С. 478.

9. *Ильяшенко А. Н.* Объективная сторона служебного подлога / А. Н. Ильяшенко, О. В. Чесноков // Общество и право. – 2011. – №. 3 (35). – С. 169.

***У. Ирисбеков,***
*ИИВ Академияси мустақил изланувчиси*

# ТОВЛАМАЧИЛИКНИ СОДИР ЭТИЛИШИНИ ТАҚОЗО ЭТУВЧИ АХЛОҚИЙ-РУҲИЙ ОМИЛЛАР ТАҲЛИЛИ

**Аннотация.** Мақолада товламачилик содир этилишини тақозо этувчи шахс психологияси билан боғлиқ бўлган ахлоқий-руҳий омиллар илмий таҳлил қилинган.

**Таянч сўзлар:** товламачилик, жабрланувчи, ижтимоий-иқтисодий омиллар, ташкилий-бошқарув омиллар, ахлоқий-руҳий омиллар, криминоген омиллар, виктимоген омиллар, профилактика.

**Аннотация.** В статье проведен научный анализ морально-духовных факторов, связанных с психологией личности, обусловливающих совершение вымогательства.

**Ключевые слова:** вымогательство, жертва, социально-экономические факторы, организационно-управленческие факторы, нравственно-психологические факторы, криминогенные факторы, виктимогенные факторы.

**Annotation:** The article provides a scientific analysis of the moral and spiritual factors associated with the psychology of the personality that cause extortion.

**Keywords:** extortion, victim, victimogenic factor, prevention.

Тадқиқотларда ҳар қандай жиноятнинг, шу жумладан товламачиликнинг профилактикасини самарали амалга ошириш илмий асосланган назарий билимлар, ташкилий тузилмалар, ҳуқуқий нормалар ва услубий асосда ташкил этиш орқали таъминланади[1]. Бу эса ушбу жиноятларнинг сабаб ва шароитлар занжирини ташкил этувчи криминоген ва виктимоген омилларни тизимли равишда мониторинг қилиб бориш, профилактика тизимига замонавий технологияларни жалб этиш, шунингдек, бу борадаги назарий билимларни кучайтириш, амалий фаолиятни илғор тажрибалар асосида ривожлантириш, амалдаги қонунчилик ва профилактик чора-тадбирларни амалга оширувчи ташкилий тузилмалар фаолиятини такомиллаштириб боришни талаб этади.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва унинг таркибий тузилмалари мамлакат ва унинг маъмурий-ҳудудий бирликларида ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи давлат органлари ичида махсус ваколат, куч ва восита ҳамда бевосита соҳада фаолият олиб бориш учун ихтисослашган, шу жумладан товламачиликнинг профилактикасини амалга ошириш бўйича соҳавий хизматларга эга бўлган тизим ҳисобланади[2].

Товламачиликнинг профилактикасининг бугунги ҳолатини таҳлил қилиш, албатта, мазкур фаолиятни самарали таъминлашни белгиловчи, бир-бири билан боғлиқ ва алоқадорликда ривожланадиган муаммоларини аниқлаш, уларни ҳал этишга қаратилган тизимли чора-тадбирларнинг амалга ошириш зарурлигини кўрсатади.

Товламачиликнинг олдини олишга қаратилган умумий, махсус, якка тартибдаги ва виктимологик профилактика чора-тадбирларини ишлаб чиқиш, уларни амалга татбиқ этиш самарадорлигини ошириш унинг назарий таъминланганлик даражасига ҳам боғлиқ. Бу эса товламачиликнинг ўзига хос хусусиятлари, унинг сабаб ва шароитлар занжиридаги омиллар, шунингдек, муайян шахсларнинг ушбу турдаги

жиноятни содир этишини касб этувчи криминоген хусусиятларини шакллантирувчи воқеа, ҳодиса ва жараёнлар билан алоқадорлигини тадқиқ этиш зарурлигини кўрсатади.

Тадқиқотлардан маълумки, товламачиликнинг профилактикасини самарали таъминлаш, энг аввало, ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларидаги мавжуд ва ўзаро алоқадорликда мазкур жиноятларнинг содир этилишида криминоген ҳамда виктимоген омилларни таҳлил қилишни талаб қилади.

Энциклопедик манбаларда криминоген омиллар жиноятчиликни (унинг алоҳида кўриниши ва турини) жамият сақланиб қолиши ёки ўсишини касб этувчи ҳодисалар[3], виктимоген омиллар эса шахснинг жиноят қурбони бўлиш жараёнини вужудга келтириш орқали жиноят содир этилишини тақозо қилувчи одамлар ва жамият ҳаётидаги ҳолатлар мажмуаси сифатида келтирилади. Криминологик адабиётлар таҳлилига асосланган ҳолда, криминоген ва виктимоген омилларни жиноятчилик детерминантлари, деб ҳам тушунсак тўғри бўлади. Бундан ташқари, юридик адабиётларда жиноятчилик детерминантлари тушунчаси ҳам берилган бўлиб, унга асосан бу жиноятлар содир этилишини келтириб чиқарувчи, оммавий жиноий хулқ-атвор эҳтимолини оширувчи, жиноий мақсадларни амалга ошириш учун қулай шароит вужудга келтирувчи криминоген хусусиятли ҳодисалар[4]дир. Биз мазкур мақола доирасида бугунги кунда товламачиликни содир этилишини келтириб чиқарувчи криминоген ва виктимоген хусусиятли омилларни таҳлил қилишга ҳаракат қиламиз.

Товламачиликнинг профилактикасини самарали ташкил этиш, аввало, жиноят содир этилиш сабаб ва шароитлар занжирида ҳуқуқбузар ҳамда жабрланувчиларнинг тутган ўрнини криминологик ва виктимологик нуқтаи назардан илмий жиҳатдан тадқиқ этиш орқали таъминланади.

Криминология ва виктимологияга оид адабиётларда таъкидланганидек, айрим тоифадаги шахсларнинг ғайриижтимоий хулқ-атвори, ҳаёт тарзи, атрофдагиларга бўлган салбий муносабатлари муайян бир вазиятда ҳуқуқбузарлик содир этилишини келтириб чиқарувчи криминоген[5], бошқа бир ҳолатда эса ҳуқуқбузарликдан жабрланишини назарда тутувчи виктимоген омиллар бўлиб, ҳар қандай жойдаги криминоген вазиятга тўғридан-тўғри таъсир этади[6].

Ҳар қандай жамиятда шахснинг жиноят, шу жумладан товламачилик содир этишини тақозо этувчи криминоген хусусиятларга эга воқеа, ҳодиса ва жараёнлар[7] мавжудлиги каби ундан жабрланиш эҳтимолини вужудга келтирувчи ва жабрланишини билдирувчи виктимоген хусусиятли субъектив (инсон хулқ-атворида намоён бўладиган) ва объектив (муҳит билан боғлиқ) омиллар ҳам борлиги тадқиқотларда илмий асосланган[8].

Таҳлиллардан келиб чиққан ҳолда, товламачилик содир этилишини таъминловчи омилларни ташқи таъсир билан боғлиқ бўлган объектив, яъни ижтимоий-иқтисодий ва ташкилий-бошқарув соҳасидаги, шунингдек, инсоннинг хулқ-атвори билан боғлиқ субъектив, яъни ахлоқий-руҳий омилларга бўлиб таснифлаш мумкин.

Товламачиликлар содир этилишини таъминловчи ташқи объектив хусусиятли ижтимоий-иқтисодий ва ташкилий-бошқарув соҳасидаги омилларнинг таъсир даражаси турлича бўлиб, улар муайян шароитда товламачиликнинг содир этилишини ахлоқий-руҳий омиллар билан алоқадорликда сабаб ва шароитлар занжирининг асосий ҳалқаларини ташкил этиши тадқиқотларда илмий исботини топган.

Биз тадқиқот мақсади ва вазифаларидан, шунингдек товламачиликларнинг содир

этилишини тақозо этувчи сабаб ва шароитлар занжиридаги воқеа, ҳодиса ва жараёнлар мавжуд бўлган ижтимоий муносабатлар мазмунидан келиб чиқиб қуйидаги: а) ижтимоий-иқтисодий; б) ташкилий-бошқарув; в) ахлоқий-руҳий омилларга ажратган ҳолда тадқиқ этишга ҳаракат қилдик.

Товламачилик содир этилишидаги ахлоқий-руҳий омиллар сифатида сўровга жалб этилганларнинг: 12 фоизида "пул билан ҳамма нарсани ҳал қилса бўлади", деган қарашнинг, 11 фоизида эса аҳоли ўртасида жиноий қилмиш учун жавобгарликдан қутулиш имконияти бор, деган руҳиятнинг мавжудлигини; 10 фоизида жамиятда мулк ҳуқуқини ҳурмат қилиш ва унга риоя этиш, қонунга итоаткорлик талабларининг амалда таъминланмаганлигини; 8 фоизи аҳоли ўртасида ҳуқуқий нигилизм руҳиятининг тарқалганлиги билан аҳолининг маълум қатламида ахлоқий қадриятнинг сусайганлигини; 7 фоизида айрим тоифадаги шахсларда "жиноий йўл билан пул топиш ва бойлик орттириш мумкин", деган руҳиятнинг устунлигини; 6 фоизи аҳоли табақалашувининг кучайиши ва камбағалликнинг мавжудлиги билан унинг маълум қатламида "ахлоқсизлик" ва "молпарастлик" руҳиятининг, шунингдек ёшлар орасида жиноят олами ҳаёт тарзи, анъаналари ва урф-одатларига тақлид қилишнинг тарқалганлигини; 5 фоизи эса: жамиятда коррупция таъсирини; аҳолининг маълум қатламида тадбиркорларга нисбатан салбий муносабатнинг мавжудлигини; оммавий ахборот воситаларида жиноий йўл билан тез бойиш руҳиятини тарғиб қилувчи материаллар кенг тарқатилишини; бойлик, ёлғон, алдов, фириб, зўрлик ва раҳмсизликнинг тарғиб қилинишини ва ниҳоят 3 фоизи қонуннинг мулк ҳуқуқини ҳурмат қилиш ва унга риоя этиш талабига нисбатан жамиятда лоқайдликнинг кенг тарқалганлиги билан бошқа омилларни кўрсатишган.

Инсон маънавияти ва руҳияти ҳақидаги таълимотларга асосланган ҳолда шуни таъкидлаш жоизки, жамият ривожланишининг ҳозирги босқичида аҳоли айрим тоифасининг ахлоқий-руҳий табиатига хос криминоген ва виктимоген хусусиятли омиллар ҳам ўзаро бир-бири, шунингдек ижтимоий-иқтисодий ҳамда ташкилий-бошқарув соҳасидаги омиллар билан ўзаро алоқадорликда (корреляцион таъсирда) муайян тоифадаги шахсларда ғараз ниятларнинг шаклланиши ҳамда айрим жиноятлар, шу жумладан товламачиликлар содир этилишини тақозо қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти таъкидлаганидек: яширишнинг ҳожати йўқ, олий ўқув юртига ўқишга кириш, тадбиркорликни бошлаш учун рухсатнома ёки лицензия олиш, солиқ тўлаш каби кўп-кўп кундалик ҳаётий масалаларни ҳал этишда "қонунни четлаб ўтиш" бизнинг шароитимизда ёмон бир одатга айланган эди; очиқ тан олиш керак, аксарият одамларимиз бу масалада лоқайд ва бепарво бўлиб қолмоқда. Бугун олиб бораётган ислоҳотларимиз йўлидаги энг катта тўсиқ ҳам аслида шу эмасми [9].

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, тадқиқотларда товламачиликнинг содир этилиш сабаблари занжирида жиноятчи билан бирга, жабрланувчи шахси ва ҳаёт тарзига хос индивидуал (виктим) хусусиятлар ўрни юқорилигини инобатга олган ҳолда, мазкур хислатлар хос бўлган тоифадаги шахслар билан виктимологик профилактик ишларни мунтазам амалга ошириб бориш зарурлиги илмий асосланган[10].

Таъкидлаш жоизки, объектив ва субъектив омиллар бир-бирини тақозо этувчи, кучайтирувчи хусусиятга эга бўлиши билан бир қаторда, улар жамиятдаги барча, айниқса, криминоген хусусиятга эга воқеа, ҳодиса ва жараёнлар билан сабабий ва корреляцион

боғлиқликда эканлигини ҳеч қачон унутмаслик керак[11]. Хусусан, мамлакатимизда истиқомат қилаётган айрим тоифа шахсларда ўта ишонувчанлик, бепарволик ва лоқайдликнинг, шунингдек, ижтимоий ҳаётда коррупция ва ҳуқуқий нигилизм, давлат органларига ишончсизлик кабиларнинг мавжудлиги уларнинг товламачиликдан жабрланишига олиб келган. Масалан, судланувчи Б.Х. ҳеч қаерда ишламай, осон йўл билан пул топиш мақсадида Х.Х., С.Э., А.Х., У.М., ва М.Х. билан олдиндан жиноий тил бириктириб, Тошкент шаҳар, Бектемир туманида жойлашган “Тошкент қишлоқ хўжалик маҳсулотлари улгуржи бозори” АЖ ҳудудидаги савдо майдонининг бир қисмини ноқонуний равишда эгаллаб, ушбу савдо қисмида савдо-сотиқ билан шуғулланаётган тадбиркорлардан товламачилик йўли билан 2016 йил сентябрь ойида М.Б.Д. савдо қилаётган жойи ва тарози учун кунлик 10.000 сўмдан 20.000 сўмгача миқдордаги пулларни тўлашини талаб қилиб, пулларни бермаган тақдирда, зўрлик ишлатиш, бозорда савдо қилдирмаслик билан қўрқитиб, Б.М.ни ўзини мулкини топширадиган шароитга солиб қўйиб, ундан пулларни йиғиб келиб, жиноий йўл билан орттирилган пулларни ўзаро тақсимлаганлар.

Мазкур товламачиликнинг содир этилишини таъминловчи ахлоқий-руҳий омиллар (аҳоли ўртасида ҳуқуқий нигилизм руҳиятининг тарқалганлиги, жамиятда коррупция таъсирининг мавжудлиги, аҳолининг маълум қатлами бўлган тадбиркорларга нисбатан салбий муносабатларнинг мавжудлиги) деб таснифлаш мумкин.

Жамиятнинг барча соҳаларида амалга оширилаётган туб ислоҳотлар боис бугунги кунда криминоген ва виктимоген омилларга, энг аввало, ўрин қолмайди. Агарда, у ёки бу соҳада ёхуд ҳудудда учрайдиган бўлса уларни тезкорлик билан бартараф этиш имконияти юқори бўлади. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикаси Президенти таъкидлаганидек: “Янги Ўзбекистон – мактаб остонасидан, таълим-тарбия тизимидан бошланади”, деган ғоя асосида кенг кўламли ислоҳотларни амалга оширамиз.

Биринчидан, ёш авлодга боғча, мактаб ва олийгоҳда сифатли таълим-тарбия беришни йўлга қўямиз, улар жисмоний ва маънавий соғлом, ватанпарвар инсонлар бўлиб улғайиши учун барча куч ва имкониятларни сафарбар этамиз.

Иккинчидан, ёшларни замонавий билим ва тажрибалар, миллий ва умумбашарий қадриятлар асосида мустақил ва мантиқий фикрлайдиган, эзгу фазилатлар эгаси бўлган инсонлар этиб вояга етказамиз.

Агар катта авлоднинг билими ва тажрибасини, узоқни кўра олиш фазилатларини, ёшларимиздаги ғайрат-шижоат, мардлик ва фидойилик билан бирлаштира олсак, кўзлаган марраларга, албатта, етамиз[12].

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. *Саитқулов Қ.А.* Ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар виктимологик профилактикаси бўйича фаолиятини такомиллаштириш. ): юрид. фан. б-ча фалсафа. д-ри (PhD). ... дис. – Т., 2020. – Б. 50.

2. *Саитқулов Қ.А.* Ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар виктимологик профилактикаси бўйича фаолиятини такомиллаштириш. ): юрид. фан. б-ча фалсафа. д-ри(PhD). ... дис. – Т., 2020. – Б. 50.

3. https://dic.academic.ru/dic.nsf/lower/15762.

4. https://www.google.com/search?q.

5. https://www.google.com/search?q.
6. *Саитқулов Қ.А.* Ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар виктимологик профилактикаси бўйича фаолиятини такомиллаштириш. ): юрид. фан. б-ча фалсафа. д-ри(PhD). ... дис. – Т., 2020. – Б. 55., Мусаев М.А. Ҳаётга қарши жиноятлар: назария ва амалий муаммолари: Монография. – Т., 2011. – Б. 228., *Исмаилов И*. Уюшган жиноий тузилмалар фаолиятининг олдини олишни назарий ва ташкилий-ҳуқуқий таъминлаш: юрид.фан. д-ри. ... дис. – Т., 2006. – Б.38., *Буранова А.Г.* Вымогательство и меры его предупреждения. Автореф. ... дис. https://www.dissercat.com/content/vymogatelstvo-i-mery-ego-preduprezhdeniya.
7. *Саитқулов Қ.А.* Ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар виктимологик профилактикаси бўйича фаолиятини такомиллаштириш. ): юрид. фан. бўйича фал. д-ри(PhD). ... дис. – Т., 2020. – Б. 55., *Мусаев М.А.* Ҳаётга қарши жиноятлар: назария ва амалий муаммолари: Монография. – Т., 2011. – Б. 228. 217. *Муродов А.Ш.* Ички ишлар органларининг оиладаги зўравонлик билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар профилактикасини такомиллаштириш: юрид. фан. б-ча фалсафа. д-ри (PhD). ... дис. – Т., 2019. – Б.28, 110, 220., *Фазилов И.Ю.* Одам савдосига қарши курашнинг жиноят-ҳуқуқий ва криминологик жиҳатлари: юрид. фан. д-ри. ... дис. – Т., 2016. – Б.30.
8. *Исмаилов И.* Келажак авлод ҳуқуқий маданиятини шакллантириш ва юксалтириш муаммолари // Бола ва замон.– 2008. – № 2., *Исмаилов И., Зиёдуллаев М.З.* Талқин, таклиф ва тавсиялар. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ижтимоий хатар гуруҳига кирувчи болаларни ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоялаш фаолиятини такомиллаштириш йўналишлари // Бола ва замон. – 2010. – № 2. – Б.14–16., *Исмаилов И*. Ёшларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш – баркамол авлод тарбиясининг кафолати // Соғлом турмуш тарзи – баркамол авлод тарбиясининг асоси: Халқаро форум материаллари (29–30 ноябрь). – Т., 2010. – Б. 264–268., *Исмаилов И.* Баркамол авлод ҳуқуқий тарбиясини такомиллаштириш муаммолари // Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси ахборотномаси. – 2010. – № 2. – Б.12–18., *Саитқулов Қ.А.* Ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар виктимологик профилактикаси бўйича фаолиятини такомиллаштириш. ): юрид. фан. б-ча фалсафа. д-ри(PhD). ... дис. – Т., 2020. – Б. 55.
9. *Исмаилов И.* Ҳуқуқбузарлик содир этган вояга етмаганларни ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоялашни таъминлаш муаммолари // Ёшлар ҳуқуқларини таъминлаш ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш гарови: Халқаро илмий-амалий конференция материаллари. – Т., 2008. – Б.44–54., *Саитқулов Қ.А.* Ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар виктимологик профилактикаси бўйича фаолиятини такомиллаштириш. ): юрид. фан. б-ча. фалсафа. д-ри (PhD). ... дис. – Т., 2020. – Б. 50.
10. Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 27 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги Маърузаси. https://nrm.uz/contentf?doc=608200.
11. *Развин Я.М.* Виктимология коррупции // Виктимология. – 2016. – №1/7. – С. 53–54, 254. *Вишневецкий К.В.* Криминогенная виктимизация социальных групп в современном обществе: Автореф. дис. ... д-ра юрид. наук. – М., 2007. – С.3., Википедия // Электронный ресурс]. Режим доступа: – URL: https://ru.wikipedia.org/wiki/(дата обращения: 20.05.2020), *Развин Я.М.* Виктимология коррупции // Виктимология. – 2016. – № 1/7. – С. 53; 260, *Кучина М.С.* Значимость виктимологической профилактики в системе мер предупреждения преступлений // Электронный ресурс]. Режим доступа: https./ceberlelininka.ru/article/n/znachimost-viktimologicheskoy-profilaktiki-v-sisteme-mer-preduprezhdeniya-prestupleniy.(дата обращения: 20.05.2020)., *Саитқулов Қ.А.* Ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар виктимологик профилактикаси бўйича фаолиятини такомиллаштириш. ): юрид. фан. бўйича фал. д-ри(PhD). ... дис. – Т., 2020. – Б. 55.
12. *Саитқулов Қ.А.* Ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар виктимологик профилактикаси бўйича фаолиятини такомиллаштириш ): юрид. фан. б-ча фалсафа. д-ри(PhD). ... дис. – Т., 2020. – Б.55.
13. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. https://president.uz/uz/lists/view/4057.

***Қ. А. Саитқулов,***
*ИИВ Академияси Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси*
*кафедраси катта ўқитувчиси,*
*юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD*

# ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИНИНГ ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ВИКТИМОЛОГИК ПРОФИЛАКТИКАСИ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТАСНИФИ

**Аннотация.** Муаллиф томонидан мақолада илгари сурилган ғоялар Ўзбекистон Республикасининг “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги қонунида белгиланган чора-тадбирларнинг мазмун-моҳияти ва уларни амалиётда қўллашга доир таҳлилига асосланган. Унинг фикрича, ҳуқуқбузарликлар виктимологик профилактикаси чора-тадбирларини ўзаро ҳамкорликда ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг умумий, махсус, якка тартибдаги чора-тадбирлари билан уйғунликда амалга ошириш самарадор ҳисобланади.
**Таянч сўзлар:** Ҳуқуқбузарлик, профилактика, жиноят, жабрланувчи, объект, субъект.

**Аннотация.** Идеи, выдвинутые автором в статье, основаны на анализе содержания и сущности мер, установленных Законом Республики Узбекистан “О профилактике правонарушений”, и их практического применения. По его мнению, эффективно внедрять меры по предупреждению правонарушений в сочетании с общими, специальными, индивидуальными мерами профилактики правонарушений.
**Ключевые слова:** правонарушение, профилактика, преступление, жертва, объект, субъект.

**Annotation.** The ideas put forward by the author in the article are based on the analysis of the content and essence of the measures established by the Law of the Republic of Uzbekistan “On the prevention of offenses”, and their practical application. According to him, it is effective to introduce measures to prevent offenses in combination with general, special, individual measures to prevent offenses.
**Keywords:** Offense, prevention, crime, victim, object, subject.

Дунёда глобал муаммога айланган диний экстремизм, терроризм, одам савдоси, наркобизнес, қурол-яроғ савдоси каби халқаро жиноятчиликнинг авж олиши натижасида миллионлаб фуқаролар жисмоний, маънавий-руҳий ва моддий жиҳатдан зарар кўрмоқда. Халқаро экспертларнинг маълумотларига кўра, биргина одам савдоси бўйича ҳар йили дунё миқёсида 3 миллиондан ортиқ шахс жабрланувчига айланмоқда. Ушбу жиноятдан жабрланганларнинг 72 фоизини аёллар ва ёш қизлар ташкил этмоқда[1]. 2017 йилда 464 минг киши қасддан ўлдирилган бўлиб, 100 минг нафар кишига 6,1 нафар жабрланувчи тўғри келади. Бу кўрсаткич Марказий Америкада 62 нафар, Жанубий Америкада 56,8 нафар ва Африкада 13 нафарга тўғри келади[2]. Европада эса ҳар беш нафар боладан бири жинсий зўравонликка дучор бўлмоқда[3].

Жаҳонда шахсни турли тажовузлардан ҳимоя қилиш мақсадида виктимологик профилактиканинг самарадорлигини ошириш, уни ташкил этишнинг янги механизмларини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада, айниқса, замонавий ахборот технологиялари имкониятларидан кенгроқ фойдаланиш, шунингдек, давлат органлари, жамоат ташкилотларининг ўзаро ҳамкорлигини ташкил этиш ҳамда фуқаролар фаоллигини ошириш, қолаверса, аҳоли ўртасида ўзларини жиноий тажовузлардан ҳимоя қилиш усул ва шаклларини кенг тарғиб қилишга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш, амалиётга жорий этиш алоҳида ўрин эгаллайди.

Республикамизда давлат ва жамият манфаатлари, айниқса, фуқароларнинг ҳаёти, соғлиғи, шаъни, қадр-қиммати ва мол-мулкини турли тажовузлардан ҳимоя қилишга оид Конституция ва қонун нормалари талабларининг ижросини таъминлаш бўйича ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, хусусан, виктимологик профилактикаси чораларининг самарадорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида "...жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасидаги фаолиятнинг самарадорлигини ошириш"[4] каби долзарб вазифаларнинг назарда тутилганлиги муҳим аҳамият касб этади. Шу боис ички ишлар органларининг мазкур фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш, соҳага замонавий илғор иш усул ва шаклларни жорий этиш, ҳамкорликнинг самарадорлигини ошириш долзарб масалалардан бири бўлиб қолмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг "Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида"ги қонунида виктимологик профилактика чора-тадбирлари белгиланган бўлиб, уларнинг мазмун-моҳиятини таҳлил қилиш ҳуқуқбузарликлар виктимологик профилактикасининг ўзига хос хусусиятларини очишга имкон беради. Ҳуқуқбузарликлар виктимологик профилактикаси чора-тадбирлари ҳуқуқбузарликларнинг умумий, махсус ва якка тартибдаги профилактикасидан бир қатор ўзига хос жиҳатлари билан фарқланади. Улардаги фарқ ҳуқуқбузарликлар виктимологик профилактикаси чора-тадбирларининг кимларга нисбатан ҳамда қандай тартибда амалга оширилишида ҳам намоён бўлади. Ҳуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактикаси умумий, махсус, якка тартибдаги профилактика чора-тадбирлари билан уйғунликда амалга оширилганда виктимологик хусусиятга эга бўлган чора-тадбирларни ўз ичига қамраб олади[5].

Ички ишлар органлари томонидан амалга ошириладиган ҳуқуқбузарликларнинг умумий, махсус ва якка тартибдаги профилактикаси ҳуқуқбузарликлар, уларни содир этган ёки содир этишга мойил шахслар, ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиш сабаб ва шароитлари, шунингдек ғайриижтимоий хулқ-атворга нисбатан профилактик таъсир ўтказишга қаратилса, ҳуқуқбузарликлар виктимологик профилактикаси ҳуқуқбузарликдан жабрланган, ўзининг ғайриижтимоий хулқ-атвори туфайли ҳуқуқбузарликдан жабрланиш эҳтимоли юқори бўлган ёки жабрланишга мойил шахсларга, шунингдек, жабрланишни келтириб чиқарувчи сабаб-шароитлар ва виктим омилларга нисбатан амалга оширилиши билан фарқланади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, мазкур чора-тадбирларни амалга ошириш мақсади, мазмуни ҳамда аҳамияти, ушбу чора-тадбирлар қайси субъектлар томонидан кимларга нисбатан амалга оширилиши, амалга ошириш вақти, усул ва шакллари хусусида маълумотлар бўлмаганлиги сабабли назария ва амалиётда турли талқин, мунозарали ёндашувларни учратишимиз мумкин[6].

Тадқиқотларда таъкидланганидек, ҳуқуқбузарликлар виктимологик профилактикаси чора-тадбирлари ўзига хос хусусияти ва мақсадга йўналганлигига кўра умумий, махсус ва индивидуал характерга эга, шунингдек, ҳуқуқбузарликлардан жабрланувчилар, худди шунингдек ҳимояга муҳтож бошқа шахсларга мажбурлов воситаларини қўлламаган ҳолда, тарбиявий ва ҳимоявий характердаги (тарбиялаш, аниқ жабрланувчиларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш) ишонтириш, комплекс (ҳуқуқий, ижтимоий, тиббий, психологик) ёрдам кўрсатишни назарда тутади[7].

Тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар виктимологик профилактикаси фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари, биринчидан, жамиятда инсон ҳуқуқларини ва қонун устуворлигини таъминлашга бўлган талабнинг кучайиб бориши, иккинчидан, унинг очиқ ва шаффоф олиб борилишига бўлган эҳтиёжнинг ошиб бориши[8], учинчидан, виктимологик профилактик чора-табдирларни умумий, махсус, якка тартибдаги профилактик таъсир билан уйғунликда амалга ошириш билан боғлиқ жараёнларда намоён бўлмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг "Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида"ги қонунининг 44-моддасида белгиланган ҳуқуқбузарликлар виктимологик чора-тадбирлари мазмун-моҳияти ва уларни амалиётда қўллашга доир таҳлилига асосланадиган бўлсак, уларнинг умумий, махсус ва якка (индивидуал) ҳамда аралаш ҳолда профилактик таъсир билан уйғунликда амалга оширилиш хусусиятларига эга эканлигини кузатиш мумкин[5].

1. Ҳуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактика чора-тадбирларининг умумий профилактик таъсир билан уйғунлиги қуйидагиларда:

аҳолига шахслар ўртасидаги низоларни ҳал этиш усулларини ўргатишда;

ҳужум қилинган тақдирда зарурий мудофаа ва охирги зарурат ҳақидаги маълумотларни кенг тарқатиш йўли билан аҳолига ҳуқуқий тарбия ва таълим беришда;

профилактика дастурлари ва тадбирлари лойиҳаларининг оммавий муҳокамаларини ташкил этиш, уларни амалга ошириш жараёнида муаммолар ва камчиликларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш мақсадида жаҳон Интернет ахборот тармоғида веб-сайтлар, блоглар, чатлар ташкил қилишда;

ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг замонавий усуллари тўғрисида электрон адабиётларни тарқатишда;

ҳуқуқбузарликлардан жабрланиш эҳтимоли (мойиллиги)ни ва жабрланишни вужудга келтирувчи сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этиш бўйича тақдимномалар киритишда кузатилади.

Ҳуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактикаси чора-тадбирларини умумий тартибда амалга оширишнинг ўзига хос жиҳати шундан иборатки, биринчидан, мазкур йўналишдаги чора-тадбирлар умумий характерга эга бўлиб, барча объектга бирдек таъсир кўрсатиш мақсадида қўлланилади, иккинчидан, мазкур йўналишдаги чора-тадбирларни амалга оширишда кам куч сарфлаган ҳолда кўпроқ самарадорликка эришиш мумкин.

2. Ҳуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактик чора-тадбирларининг махсус профилактик таъсир билан уйғунлигини қуйидагиларда кўриш мумкин:

ҳуқуқбузарликлардан жабрланиш эҳтимоли юқори бўлган, жабрланишга мойил ва жабрланган шахсларни аниқлаш ҳамда уларни таҳдид ва тажовузлардан ҳимоя қилиш бўйича чора-тадбирларни кўришда;

ҳуқуқбузарликлардан жабрланиш эҳтимоли юқори бўлган, жабрланишга мойил ва жабрланган шахсларни аниқлаш ҳамда уларга ёрдам кўрсатувчи ихтисослаштирилган муассасаларни ташкил этишда;

ҳуқуқбузарликдан жабрланиш эҳтимоли юқори бўлган, жабрланишга мойил ва жабрланган шахсларнинг жисмоний ва психологик хавфсизлигини таъминлашга қаратилган махсус комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, уни қонунда назарда тутилган ўзини ўзи мудофаа қилиш усуллари ва воситалари тўғрисида хабардор қилишда;

ғайриижтимоий хулқ-атвор, тайёрланаётган, содир этилаётган ёки содир этилган ҳуқуқбузарликлар тўғрисида ахборот олиш мақсадида ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи орган ёки муассасалар ҳузурида ишонч, тезкор алоқа телефон-

ларини, қутқарув хизматларини ташкил этишда.

Ҳуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактикаси чора-тадбирларини махсус тартибда амалга оширишнинг ўзига хос жиҳати биринчидан, мазкур йўналишдаги чора-тадбирлар манзилли характерга эга бўлиб, аниқ объектларга таъсир кўрсатиш мақсадида қўлланилади, иккинчидан, мазкур йўналишдаги чора-тадбирлар аниқ бир вақт(муддат) ичида амалга оширилади, учинчидан, мазкур чора-тадбирларни қўллашга ички ишлар органлари махсус ваколатли бўлинмалари жалб этилади, тўртинчидан, мазкур чора-тадбирлар махсус бошқарув қарори асосида ҳамда бошқа манфаатдор орган ҳамда муассасалар билан ҳамкорликда, шунингдек ижтимоий шерикликда амалга оширилади.

3. Ҳуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактик чора-тадбирларининг якка тартибдаги профилактик таъсир билан уйғунлигини қуйидагиларда кўриш мумкин:

ҳуқуқбузарликлардан жабрланиш эҳтимоли юқори бўлган, жабрланишга мойил ва жабрланган шахсларга нисбатан уларнинг индивидуал ва ижтимоий-психологик хусусиятлари ҳисобга олинган ҳолда профилактика тадбирларини ўтказишда;

ҳуқуқбузарликлардан жабрланиш эҳтимоли юқори бўлган, жабрланишга мойил ва жабрланган шахсларга улар ҳаётида вужудга келадиган низоларни ҳал этиш усулларини ўргатишда[5].

Ҳуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактикаси чора-тадбирларини якка тартибда амалга оширишнинг ўзига хос жиҳати, биринчидан, чора-тадбирлар ҳуқуқбузарликлардан жабрланиш эҳтимоли юқори бўлган, жабрланишга мойил ва жабрланганга бевосита таъсир кўрсатиш мақсадида қўлланилади, иккинчидан, чора-тадбирлар ишонтириш усулига асосланган ҳолда қўлланилади ва ходимдан чуқур педагогик, психологик, ҳуқуқий билимлар талаб қилади, учинчидан, мазкур чора-тадбирларни қўллаш ҳуқуқбузарликлардан жабрланиш эҳтимоли юқори бўлган, жабрланишга мойил ва жабрланган шахс ҳақидаги аниқ ҳамда тўлиқ маълумотлар таҳлили натижаларига асосланади, тўртинчидан, мазкур чора-тадбирлар мантиқий кетма-кетлик ва тизимли равишда қонунда белгиланган тартибда амалга оширилади, бешинчидан, ҳуқуқбузарликлардан жабрланиш эҳтимоли юқори бўлган, жабрланишга мойил ва жабрланган шахсга нисбатан профилактик таъсир чоралари қўллашда уларнинг оила аъзолари, яқинлари, жамоатчилик асосида бириктирилган мураббий ва мутахассис билан ҳамкорлик қилинади.

Амалиётда ички ишлар органлари томонидан ҳуқуқбузарликлардан жабрланиш эҳтимоли юқори бўлган, жабрланишга мойил ва жабрланган шахсларга нисбатан виктимологик профилактика чора-тадбирларни қўллашда умумий, махсус ва якка тартиблар аралаш тарзда ҳам қўлланилишини кузатишимиз мумкин. Масалан, аҳолига, унинг ҳуқуқбузарликлардан жабрланиш эҳтимоли юқори бўлган, жабрланишга мойил ва жабрланган алоҳида тоифа ёки муайян шахсга нисбатан оиладаги, қўшнилар ўртасидаги, раҳбар билан ходим, таълим берувчи ва олувчи ўртасидаги низоларни ҳал этиш усулларини ўргатиш, бунда уларнинг индивидуал ва ижтимоий-психологик хусусиятларини ҳисобга олиш ҳамда қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга ошириш лозим.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, бугунги кунда ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар виктимологик профилактикаси фаолиятида қуйидаги чора-тадбирларни қўллаш самара беради:

а) оила ва таълим (мактабгача, халқ таълими ҳамда олий таълим) муассасаларида тарбия жараёнига виктимологияга оид билимларни беришга қаратилган дастурлар ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш;

б) аҳоли, унинг алоҳида тоифаларини виктимлашув (виктимизация) жараёни сифат ва миқдор кўрсаткичларини инобатга олган ҳолда ҳуқуқбузарликдан жабрланиш эҳтимоли юқори бўлган, жабрланишга мойил ва жабрланганлар ҳисоби, мониторинги ва таҳлили юритилишини таъминлаш;

в) жабрланувчилар билан боғлиқ вазиятларни инобатга олган ҳолда ҳуқуқбузарликни келтириб чиқарувчи омилларни аниқлаш ва бартараф этиш чора-тадбирларини амалга ошириш;

г) жабрланувчилар томонидан айбдорнинг ҳуқуққа хилоф хатти-ҳаракати устидан хабар бермаслигининг сабаб-шароитларини аниқлаш ва таҳлил қилиб бориш;

д) ҳуқуқбузарликлардан жабрланиш эҳтимоли юқори бўлган, жабрланишга мойил ва жабрланган шахсларнинг жабрланувчига айланиш жараёни ҳамда уларнинг бундай ҳолатга тушишига сабаб бўлувчи индивидуал хусусиятларини ўрганган ҳолда виктимологик жиҳатдан башорат қилиш асосида уларнинг келгусида ҳуқуқбузарликдан жабрланиши мумкинлиги тўғрисида ташхис қўйиш;

е) ҳуқуқбузарликлар виктимологик профилактика чора-тадбирларини қўллашнинг самарали усул, шакл ва воситаларини аниқлаш ҳамда уларни амалиётга жорий этиш орқали ҳуқуқбузарликлардан жабрланиш эҳтимоли, жабрланишга мойиллик шаклланиши, шунингдек жабрланишнинг барвақт олдини олиш;

ж) шахсларнинг ҳуқуқбузарликлардан жабрланишига шароит яратувчи жойларда патруль гуруҳлари йўналишларини ташкил этиш ёки бундай жойларни видеокузатув назоратига олиш;

з) тазйиқ ва зўравонликдан жабрланган ёки шундай таҳдидлар остидаги шахсларнинг маиший турмуш шароити ва хулқ-атворини мунтазам кузатиб бориш ҳамда уларга нисбатан ижтимоий реабилитация ва мослаштиришга қаратилган виктимологик профилактик чора-тадбирларни қўллаш;

и) ҳар йили бир маротаба республика миқёсида кенг аҳоли ўртасида жиноятлардан жабрланганларнинг ҳақиқий ҳолатини аниқлаш мақсадида сўровлар ўтказиш, бунда Интернет имкониятларидан фойдаланиш (АҚШ тажрибаси).

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР


1. Одам савдоси – аср муаммоси // [Электронный ресурс]. http:// muslim.uz/index./php/maqolalar/item1767-odam-savdosi-asr-muammosi/(дата обращения: 20.05.2020).

2. ООН: 72 процентов жертв торговли людьми женщины и девочки // [Электронный ресурс]. Режим доступа: https.// m.uz.sputniknews.rusociety/20190730/. (дата обращения: 20.05.2020).; Последные годы жертв умышленных убийств в пять раз больше, чем погибших в ходе всех вооруженных конфлектов // [Электронный ресурс]. Режим доступа: http://news.un.org/ru/story/2019/07/1358921. (дата обращения: 21.09.2019).

3. [Электронный ресурс]. Режим доступа: http://www.maailmakool. (дата обращения: 21.09.2019).

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги“Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон фармони 1-иловаси 2.4-банди //Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2017. – № 6. – 70-м.

5. Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги қонуни // URL: http://www.lex.uz.

6. *Саитқулов Қ.А.* Ҳуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактикасининг асосий йўналишари: Илмий рисола. – Т., 2019. – Б. 56–61.

7. *Мухторов Ж.С.* Актуальность виктимологической профилактики в условиях Узбекистана // Вестник Академии МВД Республики Узбекистан. – 2015. – Б. 46.

8. Ички ишлар органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш асослари: Ўқув-методик қўлланма / И.Исмаилов ва бошқ. – Т., 2015. – Б.119.

***М. А. Комилова,***
*Тошкент шаҳар Олмазор тумани ИИО ФМБ катта психологи*

# ВОЯГА ЕТМАГАНЛАРДА ХУЛҚ ОҒИШИНИНГ ИЖТИМОИЙ-ПСИХОЛОГИК САБАБ ВА ШАРОИТЛАРИ

**Аннотация.** Мақолада вояга етмаганларда хулқ оғиши ва тарбия бузилишининг келиб чиқишига таъсир кўрсатувчи ижтимоий-психологик омиллар, уларни юзага келтирувчи сабаб ҳамда шарт-шароитлар илмий томондан таҳлил қилинган. Хусусан, ижтимоий муҳитнинг ўзига хос жиҳатлари, яъни соғлом, носоғломлиги, индивиднинг феъл-атвори, характер хусусиятлари, ижтимоий меъёрлар ва шахс ўртасидаги зиддиятлар ҳамда уларнинг зўрайиб бориши, вояга етмаганларга хос бўлган импульсивлик хусусиятлари, жиноятчиликка мойиллик, унинг олдини олишга қўйиладиган психологик талаблар ҳақида фикр юритилган.
**Таянч сўзлар:** хулқ оғиши, девиант хулқ, деликвент хулқ, тарбиявий жараён, ёшлар тарбияси, тарбиядаги нуқсонлар, тарбияланганлик даражаси, тарбия бузилиши, тажовузкорлик, оилавий муносабатлардаги носоғломлик, маънавий-маърифий суст ривожланганлик, ғайриқонуний хатти-ҳаракатлар.

**Аннотация.** В статье проводится научный анализ социально-психологических факторов и причин, влияющих на развитие нарушений поведения и воспитания у несовершеннолетних. В частности, указываются особенности социальной среды, характера, влияние здорового и нездорового, индивидуального поведения, конфликты между социальными нормами и личностью, импульсивный характер несовершеннолетних, склонность к преступлению и психологические требования к его предотвращению.
**Ключевые слова:** девиантное поведение, делинквентное поведение, образовательный процесс, воспитание молодежи, недостатки в воспитании, уровень воспитания, расстройство воспитания, агрессия, нездоровые семейные отношения, духовно-просветительская отсталость, противоправное поведение.

**Annotation.** The article provides a scientific analysis of socio-psychological factors affecting the development of behavioral and upbringing disorders in minors, their causes and conditions. In particular, views on the features of the social environment, such as healthy and unhealthy, individual behavior, character traits, conflicts between social norms and the individual and their seriousness, the impulsive nature of minors, the propensity to crime and the psychological requirements for its prevention are mentioned.
**Keywords:** deviant behavior, delinquent behavior, educational process, upbringing of young people, shortcomings in upbringing, level of upbringing, upbringing disorder, aggression, unhealthy family relationships, spiritual and educational backwardness, illegal behavior.

Маълумки, ҳар қандай жамият келажаги ёш авлоднинг қай даражада таълим-тарбия олишига боғлиқ. Шу жиҳатдан баркамол авлод тарбияси давлат аҳамиятига молик вазифадир.

Шундан бўлса керак бугунги кунда ёшлар масаласига ҳар қачонгидан кўпроқ масъулият билан ёндашилмоқда. Ёш авлод тарбияси айрим ота-оналар ўйлаганларидек, уларни овқатлантириш, кийинтириш ва ҳаётий эҳтиёжларини қондиришдангина иборат эмас. Бу борада улар билан суҳбат қилиш, қалбига қулоқ солиш, керакли йўл-йўриқ, маслаҳатларни

бериш муҳимроқ ҳисобланади. Барча иллатлар, албатта, бефарқлик ортида яширинган.

Шу ўринда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йилнинг 2 апрелидаги “Ички ишлар органларининг жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасидаги фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига асосан бевосита жойларга чиққан ҳолда профилактика инспекторлари томонидан ҳар бир оила ва хонадондаги муҳит, шунингдек, ҳуқуқбузарликлар содир этилишига таъсир этувчи ижтимоий инфратузилма ва бошқа муаммоларни ўрганиш ҳамда бартараф этиш бўйича “Хавфсиз хонадон” ва “Хавфсиз ҳовли” тизими йўлга қўйилди. Бунинг негизида жамиятнинг энг нозик бўғими бўлган вояга етмаганларнинг жиноий хулққа мойиллигини олдини олиш, бу йўналишда амалга оширилаётган ишларни тубдан такомиллаштириш ётади, албатта.

Кези келганда айтиш жоизки, олимларнинг тадқиқот натижалари таҳлил қилинганида ўқувчилар томонидан содир этилаётган жиноятларнинг аксарияти дарсдан кейин ёки кечки пайтга тўғри келаётгани ва улар асосан нотинч оилалар фарзандлари эканлигини кузатиш мумкин. Мактаб ўқувчилари томонидан содир этилаётган жиноятлар асосан ота ёки онанинг (айрим ҳолатларда иккаласи ҳам) хорижга меҳнат муҳожирлигига чиқиб кетиши натижасида фарзандларининг назоратсиз қолиши, оилавий келишмовчилик ва ажралишлар, айрим ота-оналарнинг ичкиликка ружу қўйганлиги туфайли фарзандлар тарбиясига эътиборсизлик, ўқувчиларнинг катта ёшдаги ҳуқуқбузарлар таъсири доирасига тушиб қолиши ёки мактаблар билан фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш органларининг ҳамкорлиги тўғри йўлга қўйилмаганлиги, масъулларнинг профилактик назоратга олинган ўқувчилар билан якка тартибда тўлиқ шуғулланмаслиги каби омиллар сабаб бўлмоқда [1, 18-б]. Натижада эса вояга етмаганлар хулқида ғайриижтимоий ҳаракатлар механизмининг шаклланиши юзага келмоқда. Хулқ оғишининг келиб чиқиш сабабларини аниқлаш, энг аввало, у юзага келган ижтимоий муҳит хусусиятларини ўрганиб чиқишни тақозо қилади. Чунки хулқ оғишини умумий кўринишда оладиган бўлсак, у бирор бир шахсга хос бўлган субъектив хулқ-атвор натижаси эмас, балки субъектив ва объектив жараёнлар, шарт-шароитлар, муносабатлар натижаси сифатида юзага келади. Шу нуқтаи назардан олиб қаралганда, ижтимоий жараёнларнинг индивидуал хатти-ҳаракатларга таъсири масаласига ойдинлик киритиш зарур бўлади.

Тадқиқотларга кўра, шахс хулқ-атворидаги бузилиш ижтимоий муҳитнинг ўзига хос жиҳатлари, индивиднинг феъл-атвори, характер хусусиятлари, ижтимоий меъёрлар ва шахс ўртасидаги зиддиятлар ҳамда уларнинг зўрайиб бориши кабиларга боғлиқ бўлади. Шахснинг дунёқараши, яъни қадриятлар ориентацияси, ижтимоийлашуви ва индивидуал ҳиссиётларининг ижобий тарзда шаклланиши ва намоён бўлиши кишини жамият ва инсоният учун фойдали бўлган хатти-ҳаракатларга ундайди [2].

Шуни унутмаслик лозимки, ташқи муҳит ёки ижтимоий воқеа-ҳодисалар ҳар доим ҳам хулқ оғишининг келиб чиқиши учун ягона асос бўлиб хизмат қилмайди. Қачонки, ижтимоий воқеа-ҳодисалар ва индивид ўртасида қарама-қаршилик, зиддиятлар юзага келса, жамиятда ҳукм сураётган ижтимоий меъёрлар индивид томонидан қабул қилинмаса, ижтимоий муҳитда хулқ оғишининг келиб чиқиши учун етарли шарт-шароит мавжуд бўлса, хулқ оғиши келиб чиқиши мумкин.

Хулқ оғишининг келиб чиқиши учун зарурий шарт-шароитлар шахснинг

ижтимоий воқеликдаги турмуш тарзи, ҳаёт шароити, тарбияланганлик ва муайян вазиятлар тақозосига кўра мавжуд бўлади. Муайян турмуш тарзи ва ўзига хос тарбия муҳитида камол топган шахс турли ҳаётий вазиятларда ижтимоий муҳит шарт-шароитларига кўра маълум зиддиятларга дуч келади ва уни енгиб ўтишга ҳаракат қилади. Шахснинг дунёқараши, қадриятлар ориентацияси ва онглилик даражаси ноқонуний хатти-ҳаракатларга етакловчи ёки муайян ҳаётий вазиятларни юмшатишга қаратилган тўғри ёки ижобий қарор қабул қилинишини белгилайди.

Шундай қилиб, инсон ижтимоий ҳаётда турли мураккаб вазиятларга дуч келади, аммо ундан оқилона йўл билан чиқиб кетиш унинг ақлий салоҳияти, маънавий олами, тарбияланганлик даражаси ва бир қатор ижобий шахсий фазилатларига боғлиқ бўлади.

Тарбия бузилишининг асосий ижтимоий-психологик сабабларидан яна бири вояга етмаганларда таълим олишга нисбатан салбий муносабатнинг пайдо бўлишидир. Одатда бундай муносабатнинг пайдо бўлишига бошқа сабаблар ҳам таъсир кўрсатиши мумкин.

Тадқиқотлардан маълум бўлмоқдаки, кўпгина жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликка мойил вояга етмаганлар хулқида деликтивент, аддиктив ва ноинтизомий кўринишлар хосдир. Деликвент хулқи маънавий ва ҳуқуқий меъёрларнинг бузилиши (ҳуқуқбузарлик) бўлса, аддиктив хулқ боланинг ҳаёти ва соғлигига хавф туғдирувчи иллатларга боғланиб қолиши, яъни кашандалик, алькоголизм, гиёҳвандлик, интернетни суиистеъмол қилиш каби тобе хулқни юзага келишидир.

Ноинтизомий хулқли вояга етмаганлар кунлаб, ойлаб дарс машғулотларига қатнашмасликлари билан атрофдаги тенгдошларига ҳам салбий таъсир кўрсатади.

Шунингдек, вояга етмаганлар хулқининг бузилиши ёхуд жиноятчилигининг шароит ва сабабларини таҳлил қилишда шахснинг генетик хусусиятларига ҳам эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ. Генетик хусусиятлар ҳеч қачон вояга етмаганлар жиноятчилигининг сабаби бўлмаса-да, лекин криминоген микромуҳитда ўсмирдаги ёмон сифатларнинг ривожланиши учун қулай шароит вужудга келтиради [3].

Умумий олиб қараганда, вояга етмаганларга ҳам худди катта ёшдагилар жиноятчилигига таъсир қиладиганлар сабаб ҳисобланади.

Криминологик олимлар вояга етмаганлар жиноятчилигининг сабаблари сифатида қуйидаги ҳолатларни кўрсатиб ўтади:

– оиладаги ва турмушдаги салбий таъсирлар;

– носоғлом турмуш тарзи;

– ёмон хулқли шахслар билан алоқада бўлиш;

– ўқимайдиган вояга етмаганларнинг узоқ вақт муайян фойдали машғулот билан шуғулланмаганлиги;

– ўсмирнинг нотўғри қабул қилишга сабаб бўладиган ҳолатларнинг вояга етмаган шахсида жуда қийин кечиши;

– катта ёшдаги жиноятчилар томонидан ҳуқуқбузарлик ва турли ғайриижтимоий хатти- ҳаракатларга жалб қилиниши;

– зўрлик, ваҳшийликлар акс этган турли китоб ва видеофильмларнинг таъсири;

– ҳаётдаги омадсизлик ва ахлоқий эътиқодларнинг турғун эмаслиги;

– руҳий ҳолатдаги айрим сифатлар;

– айрим ҳаракатларга нисбатан романтик қарашлар ва шундай ҳаракатларни содир этишга мойилликнинг кучайиши [3].

Оилавий муносабатлардаги носоғломлик болалар ва ўсмирларнинг шахс сифатида шаклланишига ҳам салбий таъсир кўрсатиб, хулқ-атворида ўзгаришларни келтириб чиқаради. Демакки, тарбияси оғир ўсмирларнинг келиб чиқишида оиладаги носоғлом

муҳит асосий омил сифатида намоён бўлади. Оилада тез-тез бўлиб турадиган жанжаллар, ота-оналарнинг келишмовчиликлари, ўсмирларнинг жисмоний жазоланиши табиий равишда улар хулқида ўзгаришларни келтириб чиқаради. Бундай муҳитда тарбияланган болалар ва ўсмирлар хулқида қўзғалувчанлик, асабийлик, ўзини тута олмаслик, баджаҳллик, боридан қаноатланмаслик, душманлик, қўрқув, ишончнинг йўқолиши, ёлғизликни хуш кўрувчанлик, беғамлик каби хусусиятлар кўзга ташланади. Бу сифатларнинг ҳар бири бола психик ва шахс хусусиятларининг ҳамда иродавий сифатларининг шаклланишига ва ақлий тараққиётига салбий таъсир кўрсатади [4].

Юқоридагилардан келиб чиқиб, хулоса қилиш мумкинки, болаларда тарбиянинг бузилиши ва хулқ оғишининг ижтимоий-психологик сабабларини ўрганиш вояга етмаганлар ўртасида қонунбузарликларнинг олдини олишда муҳим ҳисобланади. Бундай муҳим ижтимоий масалани ҳал этиш инсоният ва кенг жамоатчилик учун бир қатор ижтимоий тадбирларни амалга оширишни тақозо қилади. Ушбу тадбирларни амалга оширишнинг муҳим шарти сифатида жамият ва ижтимоий турмушда юзага келаётган муаммолар, шу жумладан, болалар ва ўсмирларнинг ғайриқонуний хатти-ҳаракатларини илмий жиҳатдан ўрганиш талаб этилади.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР


1. *Тайлоқов Н.И, Қуронов М ва бошқалар.* Вояга етмаганлар орасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликка мойил ўқувчиларни аниқлаш ва уларни тарбиялаш: Ўқув қўлланма . – Т., 2017. – Б. 18, 320.

2. *Амбрумова А.Г., Жезлова Л.Я.* О некоторых формах девиации поведения у подростков // Актуальные проблемы психоневрологии детского возраста. – М., 1973. – С. 2631., *Умаров Б.М.* Болалар ва усмирларда хулқ оғиши келиб чикишининг ижтимоий-психологик сабаблари. / “Психология” журнали. – 2011. – № 4. – Б. 30–34., *Комилова Н.F.* Хулқи оғишган болалар психологияси. (Ўқув қўлланма). – Т., 2007. – 137 б.

3. Ўсмир нега жиноятга қўл уради? Саломат Ниёзова,ТДЮУ Жиноят ҳуқуқи, криминологиява коррупцияга қарши курашишкафедраси профессор вазифасини бажарувчи, юрид.фан.д-ри. (DSc). http://hudud24.uz/

4. *Умаров Б.М., Ражабова Ф.П.* Вояга етмаганларда хулқ оғиши ва тарбия бузилишининг ижтимоий-психологик омиллари https://cyberleninka.ru/.

***Б.Б. Муродов,***
*ИИВ Академияси Дастлабки тергов ва криминалистика кафедраси бошлиғи, юридик фанлар доктори, профессор*

***С.А. Абдуқаххоров***
*ИИВ Академияси Криминалистик экспертизалар кафедраси ўқитувчиси*

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ АМАЛДАГИ ЖИНОЯТ-ПРОЦЕССУАЛ КОДЕКСИДАГИ АЙРИМ ТУШУНЧАЛАР ТАҲЛИЛИ

**Аннотация.** Мақолада Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Жиноят-процессуал кодексида учрайдиган “ҳуқуқ” ва “ваколат” сўзи атрофлича таҳлил қилинган ҳамда Жиноят-процессуал кодекснинг 53-моддасида таърифланган “ҳимоячининг ҳуқуқи” аслида ишда ҳимоячи сифатида иштирок этаётган адвокат учун ваколат, ҳимоячи бўлиб қатнашаётган айбланувчининг яқин қариндошлари учун эса ҳуқуқ эканлиги асослаб берилган. Шунингдек, ишни судга қадар юритишда адвокатнинг ҳимояси остидаги шахсга малакали юридик ёрдам кўрсатиш учун хизмат қиладиган бир қанча омиллар санаб ўтилиб, уларни амалиётга жорий этиш таклиф қилинган.
**Таянч сўзлар:** ҳимоячи, адвокат, такомиллаштириш, қонунчилик, тушунча, жиноят процесси, баҳолаш.

**Аннотация.** В статье всесторонне проанализированы понятия “право”, “полномочия”, “право защитника”, используемые в статье 53 действующего Уголовно-процессуального кодекса Республики Узбекистан. Перечислены факторы, способствующие оказанию квалифицированной юридической помощи лицу, находящемуся под защитой адвоката.
**Ключевые слова:** защитник, поверенный, улучшение, законодательство, понятие, уголовный процесс, оценка.

**Annotation.** The article analyses the words “right” and “authority” mentioned in the current Code of Criminal Procedure of the Republic of Uzbekistan and some situations intended in the article 53 of the Code in detail. The Code describes that the right of defender is in fact that it is authority for the lawyer who acts in the procedure and it is rigt for siblings who act and defend the rights of guilty as a defender in procedure. A number of factors for providing qualified legal assistance to the chassis under the protection of a lawyer during pre-trial are analysed and proposed to put them into practice as well.
**Keywords:** defender, lawyer, improvement legislation, legislation, concept, criminal proceedings, assessment.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралда қабул қилинган “2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси” тўғрисидаги 4947-сонли фармонининг 2.6-бандида адвокатура институтини ривожлантириш, жиноят, фуқаролик, маъмурий ва хўжалик ишларини кўриб чиқишда адвокатларнинг ролини ошириш” лозимлиги кўрсатилган [1].

Ушбу институтни ривожлантиришдан кўзланган асосий мақсад бугунги кунда давлат олдида турган вазифаларнинг марказий бўғинини ташкил этаётган инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, хусусан, унинг бир кўриниши сифатида ҳимояланиш ҳуқуқини тўлақонли таъминлаш ҳисобланади.

Таъкидлаш лозимки, ҳимояланиш ҳуқуқини таъминлаш жиноят-процессуал қонунчиликнинг асосий тамойилларидан бири сифатида белгиланганлиги муҳим аҳамият касб этади. Зотан, ҳуқуқнинг маъмурий, фуқаролик, хўжалик ва бошқа соҳаларига қараганда жиноят процессида инсоннинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига кўпроқ таъсир ўтказилади. Чунки жиноят судлов ишларини юритиш орқали фуқароларнинг шахсий ҳуқуқ ва эркинликларини чеклаш эҳтимоли юқоридир [2].

Ишни судга қадар юритиш босқичида гумон қилинувчи ва айбланувчининг манфаатларини ҳимоя қилиш шахснинг ўзи, шунингдек, унинг ҳимоячиси сифатида иштирок этаётган профессионал адвокат томонидан ҳам амалга оширилиши мумкин. Ҳеч кимга сир эмаски, гумон қилинувчи ёки айбланувчининг ўзини ўзи ҳимоя қилиши аксарият ҳолларда самарасиз ҳисобланади. Фуқароларда ҳуқуқий билим етарли бўлмаганлиги ҳамда уларнинг процессуал мақоми (ҳолати) билан боғлиқ турли чекловлар мавжудлиги сабабли жиноят-процесси принципларини самарали амалга ошишига тўсқинлик қилади. Шунинг учун ҳам фақатгина ҳимоячининг жиноят-процесси доирасидаги мақомини янада кенгайтириш орқали гумон қилинувчи ва айбланувчининг ҳимояланиш ҳуқуқини тўлақонли таъминлаш мумкинлигига эришилиши ойдинлашади.

Амалдаги Жиноят-процессуал кодексга мувофиқ терговга қадар текширув, суриштирув ва дастлабки тергов босқичида адвокатлар жиноят ишида ҳимоячи сифатида иштирок этади. Ҳимоячининг ҳуқуқларини кенгайтириш ёхуд улардан фойдаланиш механизмини такомиллаштириш масалаларини таҳлил қилар эканмиз, бир савол вужудга келади. Жиноят-процессул кодекснинг 53-моддасида ҳимоячи ўз вазифаларини бажариш воситаси бўлган ҳаракатларга нисбатан “ҳуқуқ” сўзи тўғри ишлатилганми? Назаримизда, ушбу масалага ойдинлик киритилиши шарт. Зеро, илмий адабиётларда аксарият ҳолатларда ҳимоячининг “ҳуқуқи” ва ҳимоячининг “ваколати” тушунчалари фарқланишига эътибор қаратилмайди. Фикримизча, бундай вазият, бир томондан ушбу тушунчалар баъзан бир хил маънони англатади, яъни синонимлар сифатида нотўғрироқ талқин этилса, бошқа томондан эса гарчи, улар ЖПКда фарқлансада аниқ таъриф берилмаганлиги ва уларни турли хил маъноларда қўлланиши билан боғлиқдир. Масалан, ЖПКнинг 53-моддаси ҳимоячини тегишли юридик аҳамиятга эга бўлган ҳаракатларни амалга оширишини ифодалаш учун “ҳуқуқ” сўзи ишлатилган бўлса, ушбу кодекснинг 36 ва 381 моддаларида терговчи ва суриштирувчига нисбатан “ваколат”сўзи қўлланилган.

Ўйлашимизча, мазкур масалага жавоб топиш учун биринчи навбатда “ҳуқуқ” деганда нимани тушуниш лозимлигини билиб олишимиз зарур.

Ҳуқуқ сўзига бир қатор олимлар қуйидагича таъриф беради:

Ҳуқуқ – бу ҳар қандай ижтимоий бойликка эришиш имконияти [3, 225–227-б.].

Ҳуқуқ шахснинг жамиятдаги эркинлиги мавжудлигини белгилайди, бурч эса бу эркинлик меъёрини, чегарасини кўрсатиб беради ва шахсга ижтимоий масъулият юклайди. Қонуний манфаат ҳамма вақт ҳам шахс ҳуқуқларида намоён бўлмайди, бироқ у давлат муҳофазасида бўлади [4, 90–92-б.].

Ҳуқуқ эркинлик туридир. Жиноят процессида шахс эркинлигининг меъёри унга тегишли бўлган конституциявий

ва процессуал ҳуқуқларнинг йиғиндиси билан белгиланади. Масалан, айбланувчининг ҳимояланиш ҳуқуқи – бу қонун билан кафолатланган айбловни рад қилиш эркинлиги, ишларнинг ошкора юритилиши – фуқароларнинг суд залига эркин кира олиши, судьяларнинг мустақиллиги – уларнинг ташқи таъсирлардан холи, эркин эканлиги ва бошқалар [5, 11-б.].

Ишни судга қадар юритишда иштирок этаётган шахснинг ҳуқуқи бу инсоннинг Конституция, Жиноят-процессуал кодекси ҳамда ишни судга қадар юритиш босқичига оид бошқа норматив ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган барча ажралмас ҳуқуқлари мажмуидир [6, 25-б.].

А.Мадвалиев таҳрири остидаги “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да “ҳуқуқ – кимсага бирор иш ҳаракатни қилиш учун берилган, давлат қонунлари ёки бошқа хил қонун-қоидалар билан мустаҳкамланган, кафолатланган имконият, эрк, ихтиёр” эканлиги белгиланган бўлса [7], “ваколат – бирор шахс, муассаса, давлат номидан иш қилиш учун берилган ҳуқуқ”, деган маънони англатиши кўрсатилган [7].

У.Таджиханов умумий таҳрири остидаги “Юридик энциклопедия”да ваколат сўзига икки хил таъриф берилади. Яъни:

Биринчиси, ваколат – фуқаролик ҳуқуқий муносабатларда иштирок этувчи шахсга бериладиган фаолият доираси. Фуқаролик қонунларига кўра, ваколат бир шахс томонидан вакилликни амалга ошириш чоғида берилади ва ваколат берилган шахснинг ҳуқуқ доиралари белгилаб қўйилади.

Иккинчиси, ваколат – маълум давлат, маҳаллий ўзини-ўзи идора қилиш органи ёки мансабдор шахснинг давлат органлари тизимида тутган ўрнини белгилаб берувчи юридик ваколатлар, ҳуқуқ ва мажбуриятлар йиғиндиси [8].

Субъект ҳуқуқига диспозитив табиат хосдир. Ҳуқуқ берилган жисмоний ёки юридик шахс ҳуқуқдан фойдаланиш ёки фойдаланмаслик масаласини ўзи ҳал қилади. Ҳеч ким ҳуқуқдан истагига қарши фойдаланишга мажбур этилиши мумкин эмас. Акс ҳолда бу ҳуқуқ бўлмайди, чунки субъектнинг ҳуқуқи ва истак билдириш эркинлиги ажралмасдир.

Шунингдек, “ҳуқуқ” тушунчаси кенгроқ маъноларда ҳам қўлланилади, аммо ушбу тадқиқотда биз айнан қонун туфайли процессуал субъектга тақдим этилган субъектив ҳуқуқни кўриб чиқмоқдамиз.

Жиноят-процессуал муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш методи рухсат берувчи бўлганлиги сабабли (яъни қонунда тақиқламаган ҳамма нарса мумкин), мазкур процессуал субъектлар ўз зиммаларига юклатилган мажбуриятларини (вазифаларини) бажара олишлари учун қонун чиқарувчи орган уларга махсус воситалар берган. Ушбу воситалар ЖПКда назарда тутилган юридик аҳамиятга эга ҳаракатлар мажмуи бўлиб, уларни тегишли субъектлар ўз зиммаларидаги мажбуриятларини бажариш мақсадида амалга оширадилар. Бундай юридик аҳамиятга эга ҳаракатларни ифодалаш учун “ваколат” атамаси фойдаланилади.

Терговчи ёки суриштирувчига ҳуқуқлар, яъни “ҳаракат эркинлиги” берилганлиги ҳақида сўз юритиш мумкинми? Асло бундай эмас. Терговчи ва суриштирувчи давлат вакили ҳисобланиб, қонунда унга берилган ваколатни амалга ошириш масаласини терговчи ёки суриштирувчи ўз хоҳиш-истаги билан эмас, балки бундай амалга ошириш уларнинг зиммасига юклатилган вазифаларни бажаришига ёрдам бериш-бермаслиги нуқтаи назаридан ҳал қилади. Ушбу ваколатлардан ўз вақтида фойдаланмаслик уларга қонун томонидан юклатилган мажбуриятни бажармаслик ёки етарли даражада бажармаслик ҳисобланади. Худди шу нуқтаи назардан қарайдиган бўлсак, ишда ҳимоячи сифатида иштирок этаётган адвокат ҳимояси остидаги шахснинг

вакили ҳисобланиб, улар ҳам “Адвокатура тўғрисида”ги қонун ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда кўрсатилган мажбуриятларни бажариш учун махсус имконият, яъни ваколатга эгадир.

Масалан, ҳимоячи ишни судга қадар юритиш босқичида процессуал вазиятни ички баҳолаш асосида берган ва буни бериш зарур, деб ҳисоблаган илтимоснома ҳуқуқнинг эмас, ваколатнинг амалга оширилиши, дея ҳисобланмоғи лозим. Илтимоснома бериш – ҳар доим ҳимоя воситаси бўлганлиги учун “Адвокатура тўғрисида”ги қонуннинг 7-моддаси талабларига мувофиқ ҳимоячи бундан ҳимоя қилинаётган шахс манфаатлари йўлида фойдаланишга ҳақли эмас, балки бунга мажбурдир.

Ҳар сафар ҳимоячида тергов босқичида илтимоснома қилишдек процессуал имконият бўлгани ҳамда ушбу имкониятдан фойдаланиш гумон қилинувчи ёки айбланувчининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадларига мос бўлганида у ана шу илтимосни қилиши шарт. Бундай вазиятда ҳимоя воситаларидан фойдаланмаслик ҳамиша мажбуриятни бажармаслик бўлади.

Ушбу соҳадаги халқаро тажрибага эътибор қиладиган бўлсак, Россия Федерацияси [9], Қозоғистон [10], Қирғизистон [11], Тожикистон [12], Украина Республикаларининг [13] ЖПКларида ҳам ҳимоячига қонун билан белгиланган мажбуриятларни бажариш воситасини ифодалаш учун “польномочия”, яъни ваколат сўзидан фойдаланилган бўлса, Арманистон [14], Белорусь[15],Молдова Республикаларининг [16] ЖПКда “право”, яъни “ҳуқуқ” сўзи ишлатилган. Туркманистон Республикасининг ЖПКга мувофиқ шахснинг манфаатини фақатгина адвокат ҳимоя қила олиши мумкин [17]. Яъни ишда яқин қариндош ҳимоячи сифатида иштирок эта олмайди ва уларнинг Жиноят-процессуал кодексида адвокатга “ҳуқуқ” берилган. 1996 йил 27 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Адвокатура тўғрисида”ги қонуннинг 6-моддасида ҳам ҳуқуқ сўзи қўлланилган. Агар ушбу қонунларда “ҳуқуқ”терминининг ўрнига “ваколат”терминидан фойдалансак, субъектнинг ҳуқуқига хос ирода эркинлиги ҳақида сўз юритиб бўлмайди.

Юқоридаги олимлар фикри, амалий мисоллар ва халқаро тажрибага таяниб ҳуқуқдан субъект ўз иродаси, хоҳиш-истагига кўра, ваколатдан эса ўз мажбуриятларини бажаришга ёрдам бериш-бермаслик нуқтаи-назаридан фойдаланади, деган хулосага келиб, ЖПКнинг 53-моддасида ҳимоячининг процессуал ҳаракатлари аслида тергов босқичида ҳаракат қилаётган профессионал адвокат учун ваколат, ишда адвокат билан бирга иштирок этаётган яқин қариндош ва қонуний вакиллар учун ҳуқуқ ҳисобланишини эътироф этамиз ҳамда қуйидагиларни қонунчилигимизга жорий этишни таклиф қиламиз:

Жиноят процессуал кодекснинг 53-моддаси номланишидаги “ҳимоячининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари” жумласини “ҳимоячини ваколати” деб ўзгартириш.

Масалага бундай ёндашишимиз ўз ўрнида яна бир ечимини кутаётган масалани вужудга келтиради. Яъни ишда адвокат билан бирга иштирок этаётган яқин қариндош ва қонуний вакиллар“ваколат”га эмас, балки “ҳуқуқ”қа эгалиги масаласи.

Амалдаги Жиноят-процессуал кодексга мувофиқ адвокат ва у билан бирга иштирок этаётган айбланувчининг яқин қариндошлари бир хил ҳуқуқий мақомга эга бўлсалар ҳам, аслида уларга берилган имкониятлар ушбу субъектларнинг алоҳида ҳуқуқий мақомга эгалигини кўрсатади. Мисол учун, адвокат далил тўплаш учун давлат органларига сўров юбора олса, ишда ҳимоячи сифатида қатнашаётган яқин қариндошлар бундай қила олмайди. Уларга ушбу ҳаракатни

амалга ошириш тақиқланмаган. Шунчаки, уларда сўровни тасдиқлаш учун муҳр бўлмайди. Натижада ўз-ўзидан ушбу ҳаракатни амалга ошира олмайди. Ушбу масала юзасидан сўровнома ўтказилганда унда иштирок этган 176 та мутахассиснинг 76 фоизи адвокат ва ишда ҳимоячи сифатида иштирок яқин қариндошлар бир хил ҳуқуқий мақомга эга эмаслигини тасдиқлади. Шунингдек, уларнинг 50 фоизи ишда ҳимоячи сифатида иштирок этаётган яқин қариндошлар ва адвокатларнинг ҳуқуқий мақомини ЖПКда алоҳида белгилаш лозимлигини эътироф этди

Хулоса ўрнида шуни айтиш жоизки, жиноят процессида ҳимоячи сифатида иштирок этаётган адвокатнинг ҳуқуқларини ваколатга ўзгартириш ушбу субъектнинг гумон ёки айбловни рад этадиган ёхуд жавобгарликни енгиллаштирадиган ҳолатларни аниқлаш учун қонунда назарда тутилган барча восита ва усулларни ўз вақтида қўллашига, агар бундай қилмаган тақдирда, ушбу ҳаракатсизликни ўз мажбуриятини бажармаслик ёки етарли даражада бажармаслик сифатида талқин қилишга ҳамда белгиланган тартибда жавобгарликка тортишга сабаб бўлади. Натижада улар томонидан кўрсатиладиган юридик ёрдам сифати яхшиланиб, шахснинг Конституциямизнинг 116-моддасида кўрсатилган малакали юридик ёрдам олиш ҳуқуқи кафолатланади.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР


1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралда қабул қилинган “2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси” тўғрисидаги 4947-сонли фармони// Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2017. –№ 6. – 70-м. – № 20. – 354-м. – № 23. – 448-м. – № 37. – 982-м. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси. 31.07.2018 й., 06/18/5483/1594-сон; 11.12.2019 й., 06/19/5892/4134-сон.

2. Ҳимоя хуқуқини судда таъминлаш мажбурияти // https://www.minjust.uz/uz/library/human_rights/72867/ (Мурожаат этилган сана: 07.06.2021).

3. Давлат ва ҳуқуқ назарияси: Олий ўқув юртларининг ҳуқуқшунослик мутахассислиги бўйича таълим олаётган талабалари учун / Масъул муҳаррирлар Ҳ.Б.Бобоев, Ҳ.Т.Одилқориев. – Т., 2000. – Б. 49–58., *Саидов А.Х., Тожихонов У.* Давлат ва ҳуқуқ назарияси. Т.1. – Т., 2001. – Б. 225–227.

4. *Саидов А., Тожихонов У.* Давлат ва ҳуқуқ назарияси. Т. 2. – Т., 2001. – Б. 426., *Петрухин И.Л.* Личная жизнь: пределы вмешательства. – М., 1989. – С.7., *Красавчикова Л.О.* Личная жизнь граждан под охраной закона. – М., 1983. – С.12–20., *Фозилов У.Э.* Инсон ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатининг ҳуқуқий механизмини оптималлаштириш хусусидафикрлар // Ҳуқуқ–Право– Law. – 2003. – № 4. – Б.90–92.

5. *Чутбаев М.Р.* Дастлабки терговда гумон қилинувчи ва айбланувчининг ҳуқуқларини чеклаш чегараларини белгилаш муаммолари: Монография. – Т., 2014. – Б.11.

6. *Саидов Б.А.* Ишни судга қадар юритишда шахснинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш: Монография. – Т., 2020. – Б. 25.

7. *Бегматов Э, Мадвалиев.А, Махкамов.Н ва.бошқ.* Ўзбек тилининг изохли луғати. –Т., Б.533// www.ziyouz.com.kutubxonasi.

8. *Таджиханов У.* “Юридик энциклопедия”. [Электрон манбаа].// http://old.adolatnashr.uz/ru/page/uzbekiston-yuridik-enciklopediyasi /(Мурожаат этилган сана: 13.07.2021).

9. Уголовно-процессуальный кодекс Российской Федерации (По состоянию на 27.10.2020 ). [Электрон манбаа].// http://docs.cntd.ru/document/901802257/ (Мурожаат этилган сана: 03.12.2020).

10. Уголовно-процессуальный кодекс Республики Казахстан (с изменениями и дополнениями по состоянию на 11.07.2021 г.). [Электрон манбаа].// https://online.zakon.kz/document/?doc_id=31575852#pos=4;-106/ (Мурожаат этилган сана: 13.07.2021).

11. Уголовно-процессуальный кодекс Кыргызской Республики. [Электрон манбаа].// http://cbd.minjust.gov.kg/act/view/ru-ru/111530/ (Мурожаат этилган сана: 13.07.2021).

12. Уголовно-процессуальный кодекс Республики Таджикистан от 3 декабря 2009 года (По состоянию на 04.07.2020). [Электрон манбаа].// http://continent-online.com/Document/?doc_id=30594304#pos=4;-122/ (Мурожаат этилган сана: 13.07.2021).

13. Уголовный процессуальный кодекс Украины. [Электрон манбаа].//https://kodeksy.com.ua/ka/ugolovno_protsesualnij_kodeks_ukraini.htm/ (Мурожаат этилган сана: 13.07.2021).

14. Уголовно-процессуальный кодекс Республики Армения. [Электрон манбаа].// http://docs.cntd.ru/document/901802257/ (Мурожаат этилган сана: 13.07.2021).

15. Уголовно-процессуальный кодекс Республики Беларусь 16 июля 1999 года (По состоянию на 09.01.2019). [Электрон манбаа].// https://kodeksy.by/ugolovno-processualnyy-kodeks / (Мурожаат этилган сана: 13.07.2021).

16. Уголовно-процессуальный кодекс Республики Молдова от 14 марта 2003 года № 122-XV. [Электрон манбаа].// http://continent-online.com/Document/?doc_id=30397729#pos=1011;-50/ (Мурожаат этилган сана: 13.07.2021).

17. Уголовно-процессуальный кодекс Туркменистана от 18 апреля 2009 года. [Электрон манбаа].// https://online.zakon.kz/document/?doc_id=31344376#pos=8;-106/ (Мурожаат этилган сана: 13.07.2021).

*Д. Р. Тураева,*
*ИИВ Академияси Жиноят ҳуқуқи кафедраси катта ўқитувчиси, юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD)*

# ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИДА ЖИНОИЙ ТАЪҚИБНИ АМАЛГА ОШИРИШНИНГ ХОРИЖИЙ ТАЖРИБАСИ

**Аннотация.** Мақолада айрим хорижий давлатларнинг жиноят процессида жиноий таъқибни амалга оширишнинг ўзига хос хусусиятлари, муқобил усулларни жорий этишнинг замонавий тенденцияларини таҳлил қилган ҳолда, жиноий таъқибга муқобил институтлар айбланувчи ва жабрланувчи, айбланувчи ва жамият, айбланувчи ва давлат ўртасидаги низони ҳал қилишга қаратилган таклифлар билдирилган.

**Таянч тушунчалар:** жиноят процесси, жиноий таъқиб, гумон қилинувчи, жабрланувчи, дастлабки тергов органлари.

**Аннотация.** В статье анализируются особенности уголовно-процессуального преследования в некоторых зарубежных странах, современные тенденции внедрения альтернативных методов, предложения альтернативных институтов уголовного преследования в вопросах обвиняемого и потерпевшего, обвиняемого и общества, обвиняемого и государства

**Ключевые слова:** уголовный процесс, уголовное преследование, подозреваемый, потерпевший, органы предварительного расследования.

**Annotation.** The article analyzes the peculiarities of prosecution in the criminal proceedings of some foreign countries, modern trends in the introduction of alternative methods, proposals of alternative institutions of criminal prosecution in matter of the accused and the victim, the accused and society, the accused and the state

**Keywords:** Criminal process, criminal prosecution, suspect, victim, preliminary investigation bodies.

Дунёда жиноий таъқибнинг амалга оширилишида қонунийликни таъминлаш ҳамда ушбу жараёнда процесс иштирокчиларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини муҳофаза қилиш масалалари тобора долзарблашаётган шароитда жиноят процессида жиноий таъқиб функциясини такомиллаштириш, қонун устуворлиги асосида мазкур фаолиятни оқилона амалга ошириш муаммолари муҳим аҳамият касб этмоқда. Хорижий давлатлар тажрибасини ўрганиш асосида жиноий таъқибни амалга оширишнинг икки хил моделини ажратиб кўрсатиш мумкин: англо-саксон ва романо-герман модели.

Англо-саксон моделида жиноий таъқибни амалга оширишда ва уни назорат қилишда суд ва жабрланувчи жиноий таъқибни амалга ошириш субъекти сифатидаги роли ва ваколатлари доирасида муқобил усуллардан фойдаланади.

Хусусан, АҚШ жиноят процессида жиноий таъқибни бошлашнинг бошланғич босқичи сифатида жиноят ишини қўзғатиш якка мансабдор шахс томонидан расмийлаштириладиган ва амалга ошириладиган ягона процессуал ҳужжат билан чегараланмайди. АҚШ қонунчилигида процесснинг мазкур босқичи бир неча мансабдор шахсларнинг қарор ҳамда ҳаракатларидан иборат бўлади.

Жиноий таъқибни қўзғатиш тўғрисидаги қарор атторней хизматининг терговчилари, полиция, бошқа тергов идоралари томонидан ўтказилган тергов

материалларига асосланган ҳолда қабул қилинади.

Жиноят иши кўзғатилади ва расмий айблов эълон қилинади ва ишни судга юбориш тўғрисида қарор қабул қилинади. Ишни судга тақдим этиш функциясини ўта оғир жиноятларга доир ишлар бўйича катта ҳайъат, аксарият жиноят ишлари бўйича эса магистрат амалга оширади.

Магистрат[1] айбланувчини судга бериш ҳақидаги қарорни дастлабки кўришда қабул қилади. Штат қонунларига мувофиқ, ишни дастлабки кўриш айбланувчи ва унинг ҳимоячиси иштирокида амалга оширилади. Магистрат иштирокчиларнинг кўрсатмаларини эшитади, бошқа далилларни ўрганади, сўнг ишни судга ўтказиш ҳақида қарор чиқаради. Магистрат ишни судга ўтказиш босқичида асослар етарли эмаслиги туфайли жиноят ишини тугатиш ҳуқуқига эга бўлсада, амалиётда бундай ҳоллар жуда кам учрайди. Атторней хизмати катта ҳайъат томонидан ишни судга қадар юритиш босқичида назорат олиб боради.

Катта ҳайъат ёки магистрат томонидан қарор қабул қилиниб, айб эълон қилингач, тасдиқланади ва у расмий равишда айбланувчига эълон қилинади. Айблов ҳужжати билан танишиб бўлганидан сўнг, айбланувчи айбни тан олган ёки олмаганлиги ҳақида илтимоснома билдириш ҳуқуқига эга. Айбланувчи томонидан берилган илтимоснома, одатда, айбланувчи, унинг ҳимоячиси билан давлат айбловчиси ўртасидаги битимнинг натижаси ҳисобланади. Бундай битимларнинг моҳияти қуйидагилардан иборат: айбланувчи унга дастлаб эълон қилинганига нисбатан енгилроқ жиноятни содир қилганликда ўз айбига (бутунлай ёки фақат эълон қилинган айбловнинг маълум бир банди (бандлари) бўйича) иқрор бўлади. Айбланувчи айбига иқрорлик ҳақидаги илтимосноманинг келиб тушишидан манфаатдор бўлиб, бундай илтимоснома АҚШ жиноят процессида давлат ҳамда айбланувчи ўртасидаги низонинг тугаганлигидан далолат беради. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, АҚШ жиноят процессида “айбига иқрорлик ҳақидаги битим” суд ва прокурор фаолиятининг самарадорлигини оширишга ёрдам бериб келмоқда.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, Эстонияда Латвия атиги 20% ишлар суд инстанциясига мазмунан кўриб чиқиш учун ўтказилади, қолган 80%га яқини айбга иқрорлик тўғрисида келишув тузиш билан якунланади[2].

Бугунги кунда миллий қонунчилигимизда ҳам “Айбига иқрорлик тўғрисида келишув” институти жорий этилган[3]. Унга кўра Айбига иқрорлик тўғрисидаги келишув жиноят ишини юритишни ўзига нисбатан қўйилган гумонга, айбловга рози бўлган, жиноятнинг очилишига фаол кўмаклашган ва келтирилган зарарни бартараф этган гумон қилинувчининг ёки айбланувчининг илтимосномасига асосан назорат қилувчи прокурор билан ижтимоий хавфи катта бўлмаган, унча оғир бўлмаган ва оғир жиноятлар бўйича тузиладиган келишувдир.

Айбга иқрорлик тўғрисидаги келишув қуйидаги шартлар мавжуд бўлган тақдирда тузилади:

1) гумон қилинувчи, айбланувчи ўз ҳаракатларининг моҳиятини, шунингдек ўзи берган илтимосноманинг оқибатини англаб етган бўлса;

2) илтимоснома ихтиёрий равишда ва ишда иштирок этаётган ҳимоячи билан маслаҳатлашувлар ўтказилганидан кейин берилган бўлса;

3) гумон қилинувчи, айбланувчи суриштирув ёки тергов органи томонидан қўйилган гумонни ёхуд айбловни, иш бўйича мавжуд бўлган далилларни, шунингдек етказилган зарарнинг хусусияти ва миқдорини инкор этмаса ҳамда уни бартараф этган бўлса

Зеро, “Айбига иқрорлик тўғрисида келишув” институти ижтимоий хавфи катта бўлмаган, унча оғир бўлмаган ва оғир

жиноятлар бўйича жиноят иши юритуви тезкорлигини таъминлашга, жиноий таъқибни амалга ошираётган органлар ва суднинг вақти ва кучини тежашга, жиноят процессини интенсификациялашга хизмат қилади. Қолаверса, ушбу институт соддалаштирилган иш юритув шакли сифатида кўплаб хорижий давлатларда узоқ вақтдан бери самарали қўлланилиб келаётган бўлиб, жиноят ишлари юкини қисқартиришга ҳамда оғир ва ўта оғир жиноят ишларига асосий эътиборни қаратишга ҳамда иш юритуви сифатини оширишга замин яратади.

Жиноий таъқибни амалга оширишда Буюк Британия жиноят-процессуал қонунчилиги ҳам ўзига хос аҳамиятга эга. Буюк Британияда жиноят процесси учта – инглиз, шотланд ва шимолий ирланд мустақил жиноят-процессуал тизимидан иборатлиги билан тавсифланади. Англияни жиноий таъқибнинг “мақсадга мувофиқлиги” концепцияси амалда бўлган давлатлар қаторига киритиш мумкин.

Англияда жиноят процессини босқичларини ажратиб турувчи расмий чегара ва жиноят ишини қўзғатиш тўғрисида ҳуқуқий ҳужжат мавжуд эмас[5]. Англияда процесснинг ишни судга қадар юритиш босқичларида жиноий таъқиб шунда намоён бўладики, полиция содир қилинган жиноят ҳақида маълумотларни олганидан сўнг, далилларни тўплаш бўйича фактик ҳаракатларни амалга ошириш, баъзан процессуал мажбурлов чораларини қўллаш ҳуқуқига эга.

Хусусан, содир қилинган жиноят ҳақида етарли маълумотга эга бўлиб, барча зарур материалларни тўплаб бўлганидан кейин полиция қуйидаги қарорлардан бирини қабул қилади: айб эълон қилиб, иш юритишни давом эттириш ёки жиноятни ҳеч қандай расмий оқибатсиз қолдириш. Айнан шу мазмунда инглиз ҳуқуқида “жиноий таъқибни қўзғатишнинг мақсадга мувофиқлиги ҳақида” сўз юритиш мумкин[6]. 1985 йилда “Жиноятларни жиноий таъқиб қилиш тўғрисида”ги қонун қабул қилиниши ҳамда Қироллик жиноий таъқиб хизмати тузилиши билан вазият янада мураккаблашган. Шундан сўнг полиция иш юритишни давом эттирадиган бўлса, иш материалларини Қироллик жиноий таъқиб хизматига юбориши, ўз навбатида, у жиноий таъқиб олиб бориш мақсадга мувофиқ ёки мувофиқ эмаслиги масаласини ҳал қилиши ва иш юритиш давомида айбсиз жиноий таъқиб этилмасликни таъминловчи ўзига хос қўшимча механизм вазифасини бажаришини қайд этиш керак. Кези келганда айтиш керакки, Қироллик жиноий таъқиб хизмати ўз ҳолича жиноий таъқиб қўзғата олмайди, чунки бу полициянинг мутлақ ваколатидир. Англияда жиноий таъқибни қўзғатишнинг мақсадга мувофиқлиги дастлаб полиция, сўнгра Қироллик жиноий таъқиб хизмати томонидан баҳоланади. Агар полиция жиноий таъқибни қўзғатмасликка қарор қилса, бу қарор ҳеч ким ва ҳеч қандай орган томонидан назорат қилинмайди. Бундай ҳолларда 1985 йилги “Жиноятларни жиноий таъқиб қилиш тўғрисида”ги қонунда ўз аксини топган, хусусий айбловнинг анъанавий инглиз концепциясига[7] мувофиқ, жабрланувчи мустақил равишда жиноий таъқибни қўзғатиш ҳуқуқига эга. Бироқ 1985 йилги қонуннинг 6 (2) б, 23 (3) б-бандларига кўра, Қироллик жиноий таъқиб хизматига жабрланувчи томонидан қўзғатилган жиноят ишини тугатиш ҳуқуқи берилганлигини ҳам эътиборга олиш лозим[8]. Полициянинг жиноий таъқибни қўзғатиш тўғрисидаги қарори Қироллик жиноий таъқиб хизмати томонидан назорат қилинади ва баҳоланади.

Жиноий таъқибнинг инглиз моделида шахсни расмий жиноий таъқиб қилиш ва жиноий таъқиб қилишдан воз кечиш (жиноий-ҳуқуқий норманинг бузилган-

лигини давлат томонидан ҳеч қандай таъсирсиз қолдириш) каби икки усулдан бири танланади [9].

Инглиз юриспруденцияси жиноий таъқибга муқобил институт сифатида "учинчи усул"ни қидира бошлади. Натижада инглиз ҳуқуқида иккита янги феномен пайдо бўлган. Булардан биринчиси сўнгги ўн йиллар ичида тобора кўпроқ қўлланаётган вояга етмаганларни полиция томонидан огоҳлантириш институтидир.

Англиядаги огоҳлантириш институтининг уч тури (норасмий огоҳлантириш, огоҳлантириш ва расмий огоҳлантириш) ажратиб кўрсатилади[10]. Биринчи ҳолда полиция кам аҳамиятли жиноят содир қилинганлиги тўғрисидаги фактни аниқлаганидан сўнг жиноий таъқиб қўзғатиш зарур эмас, деб ҳисобласа, бошқа бундай ҳаракатларни содир қилмаслик тўғрисида вояга етмаган шахсни огоҳлантириб, бошқа ҳеч қандай чора қўлламайди. Бу усул "норасмий огоҳлантириш" деб номланиб, ҳеч қандай процессуал оқибатларни юзага келтирмайди ҳамда мазмунан жиноий таъқиб қўзғатишни рад этади. Иккинчи ҳолатда огоҳлантириш баённомага киритилади, огоҳлантириш деб номланади. У огоҳлантиришнинг биринчи усулидан тубдан фарқ қилмайди, чунки тузилган баённома ҳам расман процессуал ҳужжат ҳисобланмайди[11]. Огоҳлантиришнинг учинчи тури "расмий огоҳлантириш" бўлиб, дастлабки иккитасидан фарқли равишда жиноий таъқибга реал ҳуқуқий муқобил институтни намоён этади. Фикримизча, Ўзбекистон Республикаси миллий қонунчилигига мазкур институтни киритиш борасида огоҳлантиришнинг ушбу шаклини ўрганиш мақсадга мувофиқдир.

Полиция жиноятни оқибатсиз қолдирмаслик учун ва жиноий таъқибни қўзғатиш зарур эмас, деб ҳисобласа, вояга етмаган шахсни расмий равишда огоҳлантиради, ота-онасидан тилхат олади. Бу огоҳлантириш махсус реестрга киритилади. Реестр полиция архивида бўлиб, қоида тариқасида уч йилгача ёки вояга етмаган шахс 18 ёшга тўлгунига қадар сақланади[12]. Кўрсатилган муддат давомида шахс янги жиноят содир қилса, жиноий жазога тортилади. Бу ерда кўриб чиқилаётган чорани қўллашнинг муҳим процессуал ҳуқуқий оқибати қуйидагиларда намоён бўлади: айбловчи ишни кўраётган судга илгари айбланувчи расмий огоҳлантириш олганлигини баён қилади. Суд жазо тайинлашда бу ҳолатни эътиборга олади, огоҳлантиришга илгари шахснинг судланганлиги сифатида қарайди. Расмий огоҳлантиришни қўллаш жараёнида полиция вояга етмаганни, унинг ота-онасини жиноят қонунчилиги билан тақиқланган янги жиноий қилмиш содир этилишининг юридик оқибатлари ҳақида огоҳлантириши керак.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари ўртасида расмий огоҳлантириш институтининг ЖПКга киритилиши мақсадга мувофиқ ёки мувофиқ эмаслиги ҳақида сўровнома ўтказилганда, респондентларнинг 70% мақсадга мувофиқ, 20% мақсадга мувофиқ эмас, 10% бошқа фикрда эканлигини баён қилганлар. Респондентларнинг аксарият қисми огоҳлантириш институти ЖПКда вояга етмаганларга нисбатан қўлланилишини мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблайди.

Расмий огоҳлантириш институтини қонунчилигимизга киритиш истиқболи тўғрисида тўхталиб, уни ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноятларни биринчи марта содир қилган вояга етмаган шахсларга нисбатан қўллаш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз. Шунингдек, вояга етмаган шахсларнинг ота-оналари ҳам огоҳлантирилиши керак. Уларнинг огоҳлантирилиши фарзандлари хулқ-атвори ва хатти-ҳаракатларини назорат қилишга масъулият билан ёндашишларига сабаб бўлади ҳамда бу

жиноятчиликнинг олдини олишда катта самара беради. Ушбу институтнинг жорий этилиши вояга етмаганлар ўртасида криминаллашув даражасини янада пасайтиришга, уларнинг ҳуқуққа хилоф фаолиятининг олдини олишга ва жамиятга қайтаришга хизмат қилади.

Жиноий таъқибдан озод қилишнинг янги Шотландияга хос усули –“фискал жарима” деб номланади. Унга кўра, фиксал жарима туман судининг ваколатига кирадиган[13], содир қилинган жиноят тўғрисида тегишли маълумотларни олганидан сўнг, ҳуқуқбузарлик содир этган шахснинг давлат ғазнасига муайян суммани тўлашни шарт қилиб қўйиш ҳуқуқига эга. Акс ҳолда жиноий таъқиб қўзғатиш тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин. Бундай вазиятда у тегишли шахсга расмий таклиф юборади. Таклифда жиноий таъқибдан озод бўлиш шартлари тушунтирилади, ўйлаб кўриш учун 28 кунлик муддат берилади. Агар айбланувчи рози бўлиб, туман судининг ғазнасига пул ўтказса, жиноий таъқиб қўзғатилмайди. Акс ҳолда тегишли муддат ўтганидан сўнг, умумий асосларда жиноий таъқиб қўзғатиш масаласини кўриб чиқади. Унинг жиноий таъқибдан воз кечиш ҳуқуқи бу ҳолатда ҳам ўз кучини сақлаб қолади.

Аҳолининг энг камбағал қатламлари манфаатларини ҳисобга олиб, 1987 йилги қонун жаримани беш қисмга бўлиб, 5 фунтдан тўлаш ҳуқуқини берди. Уларнинг ҳар бири бир ҳафтада бир мартадан кам бўлмаган муддатда тўланиши керак. Агар дастлабки 5 фунт прокуратура-фискал хизматининг расмий таклифи олинганидан сўнг 28 кун мобайнида тўланган бўлса, жиноий таъқиб қўзғатилмайди. Жариманинг қолган қисмини тўлашдан бош тортилганда, у мажбурий равишда фуқаролик суд ишларини юритишда қўлланиладиган механизмлар ёрдамида ундирилади.

Шотландия тажрибаси таҳлили асосида муқобил институт бўлган “фискал жарима”нинг миллий қонунчилигимизга киритилиши айбланувчи ва жабрланувчи ўртасидаги жиноий низоларни шахсни жиноий жавобгарликка тортмасдан қисқа муддатда бартараф этиш, судланганлик ҳолатини камайтириш, судларнинг эътиборини оғир ва ўта оғир жиноятларни ҳал қилиш учун қаратишларига имкон беради.

Германия Федератив Республикасида жиноий таъқиб функцияси прокуратура зиммасига юклатилган [14] . Прокуратура – барча миқёсда умумий судлар қошидаги иерархик тизим ҳисобланади. Германияда прокуратура судда айб эълон қилиш, суд муҳокамаси пайтида айбловни амалга ошириш ва бошқа вазифаларни бажаради[15].

ГФР да аксарият жиноят ишларини полиция тергов қилади. Прокурорнинг функцияси жиноят ишининг кейинги йўналишини белгилаб бериш масаласини ҳал қилишдан иборат. Ўта мураккаб ва муҳим ишлар бўйича прокурор шахсан ўзи судгача бўладиган ҳаракатларни амалга оширади, полиция эса унинг кўрсатмаларини бажариши шарт ҳисобланади.

Қилмишни содир қилишдаги гумон етарли асосда ўз тасдиғини топадиган бўлса прокурорга судда айб эълон қилиш мажбурияти юкланади.

ГФР прокуратураси 1923 йилдан бошлаб судларнинг фаолиятини енгиллаштириш мақсадида ижтимоий хавфи катта бўлмаган қилмиш содир қилинган процессни айб эълон қилмасдан тугатиш ҳуқуқига эга. 1975 йил немис прокуратурасининг жиноий таъқибни тугатиш бўйича ваколати янада кенгайиб, у барча турдаги унча оғир бўлмаган жиноятларга нисбатан татбиқ этиладиган бўлди. Прокурор ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар бўйича ушбу ваколатни суднинг розилигисиз ҳам амалга ошириш имконига эга. Юридик адабиётларда таъкидланишича, ГФРда жазога сазовор қилмиш содир қилинганлиги ҳақидаги гумонга қарамасдан, прокурор томонидан

барча жиноят ишларининг тахминан 26% тугатилади[16].

Бунда айбланувчига қуйидаги мажбуриятлар юкланади: қилмиш туфайли етказилган зарарни ундириш юзасидан муайян ишларни бажариш; ижтимоий муассаса ёки давлат ғазнасига пул маблағини тўлаш; бошқа ижтимоий фойдали ишларни бажариш; тегишли шахс (жабрланувчи)ни моддий маблағ билан таъминлаш ва ҳ.к. Юқорида келтирилган шартларнинг барчаси тенг бўлишига қарамасдан Германияда давлат ғазнасига пул суммасини тўлаш амалда жиноий таъқибдан озод қилишнинг кенг тарқалган шартларидан бири ҳисобланади[17].

Германия жиноят процессининг ўзига хос томонларидан бири умумий ишлардан 70 фоизининг соддалаштирилган тартибда кўриб чиқилишидир. Ушбу мамлакатда соддалаштирилган тартибда иш юритиш “Жазолаш тўғрисидаги буйруқ” деб аталиб, участка судьялари томонидан озодликдан маҳрум этиш муддати уч ойдан ортиқ бўлмаган жиноятларни содир этган шахсларга нисбатан қўлланади. Суриштирув берган маълумотларга асосан прокурор ёки полиция участка судьясига жазолаш тўғрисидаги буйруқнинг лойиҳаси билан мурожаат қилади. Участка судьяси гумон тасдиқланмаганлиги туфайли ушбу илтимосни рад этиши ёки суд муҳокамасини тайинлаши ёхуд дарҳол жазолаш тўғрисида буйруқ чиқариши мумкин. Агар буйруқ чиқарилган кундан бошлаб етти кун ичида айбланувчи ўз эътирозларини билдирмаса, у қонуний кучга кириб, ҳукм аҳамиятига эга бўлади. Акс ҳолда умумий тартибда суд муҳокамаси тайинланади[18].

Кўриб турганимиздек, Германияда жиноий таъқибнинг романо-герман модели амал қилсада, немис жиноят процессида ҳуқуқни қўлловчи органлар ушбу институтларни самарали қўллаш учун зарур шарт-шароит яратиб беришга ҳаракат қиладилар.

Францияда жиноят иши юритишнинг жуда оддий усули мавжуд бўлиб, ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноий қилмишни қайд этган полиция агентига бевосита жарима тўланади[19]. Ушбу жараён “Келишувга биноан жарима тўлаш” деб номланиб, полицияга қилмишнинг ҳуқуқий табиати ва жавобгарлик шакли (жиноий ёки маъмурий) масаласини ҳал этиш имконини беради. Жарима тўланиши юридик жиҳатдан қилмишни содир этиш тан олинганлигини англатади[20].

Швецияда эса анчадан буён жарима кўринишидаги жазо институти қўлланилиб келади. У мазмунан Шотландияда қўлланиладиган фискал жарима институтига ўхшаш. Жиноий таъқибдан озод этишнинг мазкур Швеция усули мулкий жаримадан оғирроқ бўлмаган жазоларни назарда тутувчи жиноятларга доир ишларга татбиқ этилади. Бундай иш бўйича прокурор жиноий таъқиб қўзғатиб, айбланувчига қонунда назарда тутилган жариманинг муайян миқдорини тўлашни таклиф қилади. Агар айбланувчи рози бўлса прокурорнинг қарори ижрога қаратилади. Швециялик мутахассисларининг таъкидлашларича, жиноий таъқиб қилиниши лозим бўлган шахс полиция томонидан сўроқ қилинаётган вақтида ўзининг айбини инкор қиладиган ишлар бўйича бу институтни қўллаш мақсадга мувофиқ эмас[21].

Гувоҳи бўлганимиздек, Ғарб давлатлари жиноят-процессуал қонунчилиги ва амалиётида жиноий таъқибга муқобил институтлар анча кенг бўлиб, бу ушбу давлатлар тажрибасидан миллий қонунчилигимизни ислоҳ этишда фойдаланиш зарурат идан далолат беради.

МДҲ давлатларидан Қозоғистон Республикаси ЖПКнинг 106-моддасида “Жиноий таъқиб органларининг, прокурорнинг қарорлари ва ҳаракат (ҳаракатсизлик)лари устидан келтирилган шикоятларни суд тартибида кўриб чиқиш” каби тартиблари орқали суд назорати

амалга ошириб келинмоқда. Мазкур давлатларнинг процессуал қонунчилигида назарда тутилган суд назоратининг энг муҳим хусусиятларидан бири бу – судгача бўлган барча суриштирув, дастлабки тергов ёки мазкур соҳада амалга оширилган прокурор назорати билан боғлиқ барча процессуал ҳаракатлар, айниқса, тергов ҳаракатларини амалга ошириш ҳамда процессуал мажбурлов чораларни қўллашда қонунбузарликларга йўл қўйилганда, суд назорати орқали қонунбузарликларни бартараф этиш, шахснинг бузилган ҳуқуқ ва эркинликларини ўз вақтида тикланишида муҳим аҳамият касб этмоқда[22].

Қозоғистон ЖКга мувофиқ шахс уюшган гуруҳ ёки жиноий уюшма томонидан содир қилинган жиноятларни бартараф этиш, очиш, тергов қилиш, уюшган гуруҳ ёки жиноий уюшма томонидан содир қилинган жиноятнинг иштирокчиларини фош қилишга фаол ёрдам берган бўлса жиноий жавобгарликдан озод қилинади[23].

Юқорида айрим хорижий мамлакатлар жиноят-процессуал ҳуқуқининг жиноят-ҳуқуқий низоларига тааллуқли бўлган тегишли қоидалари таҳлил этилди. Гувоҳи бўлганимиздек, жиноий таъқибга муқобил институтлар айбланувчи ва жамият, айбланувчи ва давлат, айбланувчи ва жабрланувчи ўртасидаги низони ҳал қилишга, шунингдек, айбланувчининг ўзига ҳам ёрдам беради. Жиноий таъқибга муқобил институтлар айбланувчи зиммасига юклатилган мажбуриятлар доираси чегараларини аниқ белгилашни талаб этади ва уларнинг бажарилиши шахсни жиноий таъқибдан озод қилади.

Хулоса қилиб айтганда, хорижий тажрибадан келиб чиқиб, жиноят ишини юритиш ва жиноий таъқибни юритиш масалалари ўртасида қатъий чегарани белгилаш мақсадида ЖПКга “Жиноий таъқиб” вазифаси киритилиб, унда жиноий таъқибнинг турлари, уни амалга оширувчи органлар ва жиноий таъқибни юритиш мажбуриятига оид моддалар ўз аксини топиши мақсадга мувофиқдир.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР


1. Магистрат кам аҳамиятли жиноят ишларинн якка ўзи кўриш, шахсни жиноий жавобгарликка тортиш учун асосларнинг етарли эканини аниқлаш, бир қатор тергов ҳаракатларини амалга ошириш ҳуқуқларига эга бўлган судьядир. АҚШда магистрат институти келишув судьяси институтидан келиб чиқиб, ҳозир тўлиқ унинг ўрнига қўлланилади. Магистрат ҳуқуқига барча федерал суд судьялари ҳам эгадирлар.

2. *Махов В.Н., Пешков М.Л.* Уголовный процесс США (Досудебные стадии). – М., 1998. – С.47.

3. *Кучин А.Ф.* Правовой механизм публичного уголовного преследования: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Н. Новгород, 2004 – 193 с.

4. Ўзбекистон Республика Жиноят ва Жиноят процессуал кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қонуни ЎРҚ – 675–сон 18.02.2021. https://lex.uz/docs/5295912.

5. *Лубенский А.И.* Предварительное расследование по законодательству капиталистических государств. – М., 2000. – С.77

6. http://lawlibrary.ru › izdanie8280 (Электрон манбага мурожаат этилган вақт 02.09.2021.)

7. Spenser J.R. La ce’le’rite’ de la proce’dure pe’nale en Angleterre // Revue internationale de droit pe’nal vol.66. –1995. – № 3–4. – P. 414.

8. Эслатиш жоизки, Англияда хусусий айбловга доир ишлар мавжуд эмас. Шунинг учун инглиз “хусусий айблов”ини бизга таниш бўлган хусусий айбловга доир ишлардан (Россия, Германия сингари) фарқлай билиш керак.

9. *O’Doherty S.* Compensation and young offenders // The criminal law review. – 2017. – № 4. – P. 283.

10. R.v.DPP.exp. Manning and Another. 2000. 3.W.L.R. 463.
11. *Veevers J*. Pre-court diversion forjuvenile offenders // Mediation and criminal justice. Victims, offenders and community / Ed M.Wright. B.Galaway. – London, 1989. – P. 71.
12. Cautions-further problems // The criminal law review. – 2017. – № 8. – P. 23.
13. Hungerford-Welch P.Criminal litigation and sentencing. – London-Sidney, 2018. – P. 25
14. Duff P, Meechan K. Op.cit. – P. 25.
15. *Калиновский К.Б., Файзиев Ш.Ф.* Хорижий мамлакатлар жиноят процесси: Ўқув қўлланма. – Т., 2010. – Б. 39.
16. *Безлепкин Б.Т.* Уголовный процесс России. Общая часть и досудебные стадии: Курс лекций. – М., 2008. – С. 455.
17. *Гуценко К.Ф., Головко Л.В., Филимонов Б.А.* Уголовный процесс западных государств. – М., 2001. – С. 252.
По количеству автомобилей на 1000 человек Узбекистан в настоящее время опережает Китай и Индию, где на 1000 человек насчитывается соответственно 49 и 11 машин. В США данный показатель составляет 643 автомобиля, России – 250, Украине – 175, Турции – 106. В настоящее время в Узбекистане зарегистрировано более 3-х млн транспортных средств, из них 89% являются легковыми автомобилями[4] .

Также по сведениям всемирной организации здоровья, в мире за один год регистрируются свыше 55 миллионов дорожно-транспортных происшествий, в результате чего ежегодно погибают около 1,5 миллиона человек, а число травмированных в 20-30 раз больше.

За последние 20 лет в мире дорожно-транспортные происшествия возросли на 26,4%, количество травмированных в результате дорожно-транспортных происшествий возросли на 25,7%.

Если рассматривать причины человеческих жертв в процентном соотношении, то установлено, что от наводнений погибает 21%, от пожаров –5%, от землетрясений – 25%, от различных войн – 1%, от авиа и железнодорожных катастроф – 7%, а количество погибших от дорожно-транспортных происшествий стоит на первом месте и составляет 41%.

Исходя из вышеуказанного, мы видим, какое огромное количество “негативных” факторов, занимают дорожно-транспортные происшествия, что в свою очередь заставляет задуматься о более эффективных методах фиксации дорожно-транспортных происшествий.

Российский ученый С.Л. Рыжиков утверждает, что расследование ДТП как в рамках административного, так и уголовного права связано с определенными затратами сил, времени и средств. Практика показывает, что из-за отсутствия достаточной объективной информации об обстоятельствах ДТП многие дела годами остаются не расследованными[5].

Кроме того, С.Н. Перлов отмечает, что не всегда можно определить, какое из происшествий данного рода преступно. Какая-то часть из них совершается невиновно или кажется таковой на первый взгляд. Действительно, механизм этого вида преступлений настолько неочевиден и сложен, что в начале процесса доказывания не всегда представляется возможным сделать вывод о наличии или отсутствии в действиях водителя

либо других участников дорожного движения преступных нарушений правил безопасности движения и эксплуатации транспорта[6].

В 2020 г. в Узбекистане произошло 1139 дорожно-транспортных происшествий с участием детей, а за первые четыре месяца 2021 года данная цифра составляет 243. В результате этих происшествий 1143 ребенка получили травмы различной степени тяжести, а 285 детей погибли[7]. Такие данные были приведены на семинаре в Ташкенте, посвященном аудиту безопасности дорожного движения, управлении местами концентрации дорожно-транспортных происшествий и базам данных ДТП[8] , было отмечено, что показатели потерь от ДТП к ВВП Узбекистана составляют 2,8%.

За 2020 год по республике в дорожно-транспортных происшествиях погибло 1962 человек, это на 12, 9% меньше, чем в позапрошлом году – 1940 случаев.

Кроме этого, с 1 января по 30 июня 2021 года только в городе Ташкенте были оштрафованы 56 244 пешехода[9].

Деян Йованов (сербский эксперт проекта "ТРАСЕКА – Безопасность дорожного движения", финансируемый Европейским Союзом (ЕС)) подчеркнул, что "у Узбекистана самые низкие показатели в области смертности на дорогах среди стран региона – на каждые 100 тысяч населения они составляют 11,32 человека. Это радует, однако, в Швеции этот показатель составляет 3 человека, и это значит, что у вас есть к чему стремиться, тем более, что для этого имеется необходимый потенциал" [10].

На сегодняшний день использование видеокамер, фиксирующих дорожно-транспортную обстановку, несомненно, позитивно сказывается на снижении количества дорожно-транспортных происшествий на дорогах нашей страны. Однако в ряде случаев имеют место грубые нарушения правил дорожного движения, повлекшие за собой человеческие жертвы.

Дорожно-транспортное происшествие должно рассматриваться как событие, вызванное нарушением согласованности в дорожном движении, что может выражаться в нецелесообразных действиях водителя транспорта, нереагировании на возникшие опасные факторы в дорожной обстановке, в частности, на действия других водителей транспорта, грубую неосторожность пешеходов, в несвоевременном обнаружении препятствий, дефектов дороги, в нарушении психофизических функций человека, в отказе техники, что выводит ее из "подчинения" человеку.

Событие, происшедшее в результате нарушения тех или иных правил безопасности дорожного движения, в котором обязательно участвовал автомототранспорт либо городской электротранспорт и после которого наступили вредные последствия, именуется дорожно-транспортным происшествием (ДТП). Однако не все, а лишь те дорожно-транспортные происшествия, в результате которых наступили серьезные вредные последствия – менее тяжкие или тяжкие телесные повреждения либо смерть потерпевшего, именуются дорожно-транспортными преступлениями, т. е. деяниями, влекущими уголовную ответственность в соответствии с УК Республики Узбекистан. Так, согласно ст. 266 Уголовного кодекса Республики Узбекистан нарушение правил безопасности движения или эксплуатации транспортного средства лицом, управляющим транспортным средством, повлекшее средней тяжести или тяжкое телесное повреждение, повлекшее смерть человека или повлекшие человеческие жертвы, катастрофу, иные тяжкие последствия, подлежит уголовной ответственности.

В подавляющем большинстве случаев ДТП возникают в результате нарушения правил дорожного движения

(ПДД) водителями, пешеходами, пассажирами, велосипедистами, а также вследствие грубых нарушений работниками транспортных хозяйств правил технической эксплуатации и плохого контроля за состоянием дорог и организации регулирования уличного движения.

По мнению Б.Д. Завидова и М.Ю. Лебедева, "причины ДТП подразделяются на субъективные и объективные. К субъективным факторам ДТП относят: нарушение правил дорожного движения (ПДД); нарушение правил безопасности движения и эксплуатации транспортных средств, включая оставление места ДТП виновным участником дорожного движения: водителем, пешеходом, пассажиром, а равно иным участником дорожного движения.

Объективными причинами считают: недостатки в планировании улиц и автодорог, освещенность проезжей части в темное время суток, состояние дорожного покрытия, самых различных средств регулирования, в том числе дорожных знаков, тормозных, маневренных и других частей автотранспортных средств" [11].

Специфика расследования уголовных дел, связанных с нарушениями правил безопасности движения, предопределяет особую важность такого следственного действия, как осмотр места происшествия, поскольку его результаты служат исходными данными для проведения неотложных следственных действий. "Основания производства любого следственного действия, – отмечает О.Я.Баев, – предопределяются целями, на достижение которых оно направлено в соответствии с уголовно-процессуальным законом. В качестве главных целей следственного осмотра, относящихся к любому его виду, Уголовно-процессуальный кодекс предусматривает следующие: обнаружение следов преступления, выяснение других обстоятельств, имеющих значение для уголовного дела" [12]. Следует отметить, что качество производства осмотра места происшествия, составления схем дорожно-транспортных происшествий и их разметки находится в прямой зависимости от степени подготовленности следователей, от их умения использовать технико-криминалистические средства.

Осмотр места дорожно-транспортного происшествия должен производиться сразу же после получения сообщения о случившемся событии. Объясняется это тем, что дорожно-транспортные происшествия происходят на дорогах или оживленных автомагистралях с интенсивным движением транспортных средств, которые могут уничтожить следы, имеющие важное значение для установления истины по делу, а приостанавливать движение на время осмотра не всегда представляется возможным. Кроме того, необходимо учитывать и пагубное воздействие атмосферных условий, а также и то обстоятельство, что промедлением с выездом могут воспользоваться виновники ДТП (например, оставление места происшествия, уничтожение следов преступления на транспортном средстве или на проезжей части, повреждение отдельных узлов или агрегатов транспортного средства, с тем, чтобы впоследствии заявить о случайно возникшей неисправности во время движения). К тому же, исходная информация о ДТП чаще бывает краткой и неточной, поэтому вопрос о возбуждении уголовного дела решается после осмотра места ДТП, что предусматривается уголовно-процессуальным законодательством.

Своеобразие дорожно-транспортных происшествий и сложность их расследования обусловливаются тем, что осмотр места происшествия нередко приходится проводить в сжатые сроки из-за невозможности приостановления движения на длительное время. Поспешное проведение осмотра отрицательно сказывается

на его качестве и объективности, в то время как промедление может привести к утрате доказательств и существенно повлиять на пропускную способность магистралей, улиц и дорог.

При получении сообщения о ДТП дежурный по органу внутренних дел принимает решение о направлении на место происшествия следственно-оперативной группы, которая обычно состоит из следователя и инспектора государственной службы безопасности дорожного движения МВД (ГСБДД) [13], а в необходимых случаях (наличие погибших, водитель с места происшествия скрылся и др.) в нее также входят: судебно-медицинский эксперт, сотрудник уголовного розыска, специалист-криминалист, автотехник, кинолог и др. Следственно-оперативная группа должна быть обеспечена технико-криминалистическими средствами, при необходимости – осветительной аппаратурой и другими специальными средствами для квалифицированного проведения осмотра места ДТП. Руководство группой осуществляет следователь (или лицо, проводящее расследование).

При выяснении обстановки на месте ДТП необходимо учитывать, что все обнаруженное на месте происшествия должно быть зафиксировано в неизменном виде, т.е. в таком, в каком предстало перед глазами лица, производящего осмотр. Особенностью следственного осмотра места ДТП является то, что до прибытия следователя там могут быть произведены (на законном основании) существенные изменения, что требует учета и корректив в ходе осмотра[14] . Если в обстановку места происшествия до начала осмотра были внесены изменения, то они фиксируются по конечному положению, т.е. как оказалось к началу осмотра. Например, если транспортное средство к моменту осмотра было отведено за пределы места происшествия, то в протоколе осмотра необходимо указать его фактическое положение на момент совершения ДТП.

Осмотр является важным средством получения доказательственной информации о расследуемом событии. Информацию содержат не только следы, но и обстановка места происшествия, которая включает в себя дорожные условия, характер объектов и следов, их пространственное размещение и другие обстоятельства. Изучение обстановки места происшествия позволяет, например, установить, какой вид происшествия имел место (наезд на пешехода, столкновение транспортных средств, опрокидывание и т.д.), выдвинуть версию относительно механизма происшествия, выяснить, вносились ли изменения (и какие) в обстановку места происшествия до начала осмотра и другие обстоятельства.

Порядок осмотра объектов определяется особенностями сложившейся на месте происшествия ситуации. То, что должно быть осмотрено в первую очередь, решается с учетом этого. Например, нахождение трупа на дороге с интенсивным движением предполагает начало осмотра именно с него, для того чтобы в кратчайшее время обеспечить получение необходимой информации и восстановить нормальное движение транспорта. Если возникает опасность уничтожения следов колесами транспортных средств, повреждения их в результате атмосферных осадков, то они должны быть осмотрены в первую очередь. Последовательность осмотра решает лицо, его производящее, с учетом сложившейся ситуации и знания особенностей следов дорожно-транспортного происшествия.

При ДТП особое внимание следует обратить как на схему, так и на осколки фар, подфарников, поворотников, осколки стекла, а также осыпавшиеся кусочки лако-красочного покрытия кузова, что необходимо при производстве соответствующих экспертиз. Это актуально,

когда виновный в ДТП скрылся с места происшествия.

Следы располагаются непосредственно на местности и на объектах (транспортном средстве, потерпевшем и его одежде др.). Значительная часть их находится на дороге. Это могут быть следы, характеризующие движение транспортного средства и потерпевшего, свидетельствующие о месте наезда их столкновения и др. При этом в начале осмотра необходимо произвести панорамную и обзорную, а еще лучше стереоскопическую фотосъемку, результатом которой является изготовление плана ДТП. Фотографирование общего вида места происшествия необходимо производить по направлению движения транспортного средства, ориентиром которого могут служить, например, следы торможения. При столкновении транспортных средств фотографирование следует производить в направлении движения каждого из водителей.

Место ДТП может занимать значительную территорию, поэтому точку съемки необходимо выбирать таким образом, чтобы в кадре оказались ориентир и окружающая место происшествия обстановка. Этот снимок дает представление об общем плане места происшествия. Число снимков определяется особенностями места происшествия. В протоколе фиксируются точки, с которых производилось фотографирование.

Уже в процессе общего осмотра следователь получает представление о том, где произошло ДТП. Точное определение расположения места происшествия имеет важное процессуальное значение. Оно объясняется возникающей нередко необходимостью проведения процессуальных действий (повторный осмотр, следственный эксперимент, допрос и др.). Для определения координат места происшествия выбирают какой-либо ориентир (номер дома на улице, километровый столб на дороге, пересечение дорог и т.д.). От этого ориентира производятся все дальнейшие линейные измерения обстановки места происшествия.

На этом этапе устанавливаются следующие данные:

– о виде покрытия дороги (асфальт, бетон, асфальтобетон, щебенка, грунт и др.);

– о ее профиле – продольном (горизонтальной, подъем, спуск) и поперечном (уклон в сторону тротуара, обочины);

– о наличии тротуаров, зеленых насаждений, дорожных знаков, линий разметки проезжей части;

– о расположении транспортных средств, пострадавших, различных следов по отношению к проезжей части и к постоянным ориентирам (угол дома, осветительная мачта, путепровод и др.);

– о состоянии покрытия проезжей части (сухая, влажная, мокрая, загрязненная, заснеженная).

Если в результате дорожно-транспортного происшествия имеются погибшие, то при осмотре последовательно исследуются: трупы погибших, проезжая часть дороги, транспортные средства. Наиболее ответственным моментом на данном этапе работы является обнаружение вещественных доказательств. Это определяет всю последующую работу с ними: фиксация, изъятие, исследование и их использование в процессе доказывания. Сложность обнаружения определяется характером следов и других объектов дорожно-транспортного происшествия. С этих позиций следы можно разделить на очевидные, выявляемые невооруженным глазом, и неочевидные, для обнаружения которых необходимо применение технических средств и специальных методов. Так, установление следов, свидетельствующих о факте столкновения транспортных средств (расположение следов торможения, обломков деталей и т.д.), не представляет особого труда. Они легко обнаруживаются при

визуальном осмотре. Однако установить, например, факт соприкосновения деталей транспортного средства с одеждой потерпевшего при наезде можно только путем исследования одежды с применением специальных средств и методов.

Информация, полученная при осмотре места происшествия, должна быть сохранена, чтобы ею могли пользоваться следователь, суд и другие участники уголовного процесса. Это достигается закреплением обнаруженных на месте происшествия следов путем описания в протоколе осмотра места происшествия, а также с помощью других средств и методов фиксации. Необходимо также учесть, что в определенной мере возможность обнаружения следов на месте ДТП определяется уровнем профессиональной подготовленности (внимательность, умение анализировать и др.) и опытом лица, производящего осмотр.

Сегодняшний уровень расследования дорожно-транспортных преступлений или разбирательств этой категории происшествий во многих случаях страдает субъективизмом, так как в основе выводов в большинстве случаев лежит субъективно воспринятое очевидцами и свидетелями событие. Это обстоятельство выдвигает на первый план необходимость разработки концептуальной модели технико-криминалистического обеспечения формирования доказательственной базы, основанной на результатах экспертных исследований.

В заключение следует отметить, что осмотр как следственное действие при расследовании преступлений, связанных с нарушением правил дорожного движения, является одним из действенных способов криминалистического обеспечения расследования данного вида преступлений.

## ИСПОЛЬЗОВАННАЯ ЛИТЕРАТУРА


1. *Лосева В.В.* Использование технико-криминалистических средств в деятельности ГИБДД: Памятка. – Домодедово: ВИПК МВД России, 2016. – Ст. 4.

2. Закон Республики Узбекистан “Об органах внутренних дел” от 16 сентября 2016 г. // Собрание законодательства Республики Узбекистан. – 2017. – № 35 – С. 924.

3. Указ Президента Республики Узбекистан “О мерах по коренному повышению эффективности деятельности органов внутренних дел, усилению их ответственности за обеспечение общественного порядка, надежной защиты прав, свобод и законных интересов граждан” от 10 апреля 2017 г. // Собрание законодательства Республики Узбекистан. – 2017. – № 35. – Ст.924.

4. Обеспеченность населения Узбекистана легковыми автомобилями вырастет вдвое. 25 февр. 2020 г.https://review.uz/post/

5. *Рыжиков С.Л.* Правовые и технико-криминалистические аспекты использовании средств объективного контроля за движением автомобиля в процессе совершения дорожно-транспортных происшествий: Дис. … канд. юрид. наук. – Ростов-на-Дону, 2004. – С.7. (216 с.).

6. *Перлов С.Н.* Доказывание при расследовании дел о дорожно-транспортных происшествиях: процессуальные и криминалистические аспекты: Дис. … канд. юрид. наук. – М., 1997. – С.2.

7. В Узбекистане будут еженедельно рассказывать молодежи о правилах на дорогах. 31 мая 2021 г. События.

8. Потери от ДТП в Узбекистане составляют 2,8% ВВП. 22.07. 2015 г.gazeta. uz>roads.

9. Стало известно, сколько узбекистанцев погибло в ДТП в 2021 году 23.07.2021 г.nuz.uz.

10. Потери от ДТП в Узбекистане составляют 2,8% ВВП. 22.07. 2015г.https://www. gazeta. uz>roads.

11. Руководство для следователей / Под общ. ред. В.В. Мозякова. – М., 2005. – С.769.

12. *Баев О.Я.* Производство следственных действий: криминалистический анализ УПК России, практика, рекомендации: Практическое пособие. – М., 2010. – 240 с.

13. Государственная служба безопасности дорожного движения МВД Республики Узбекистан.

14. *Аверьянова Т.В., Белкин Р.С., Корухов Ю.Г., Россинская Е.Р.* Криминалистика: Учебник для вузов / Под ред. Заслуженного деятеля науки РФ, проф. Р.С. Белкина. – М., 2006. – 992 с.

# ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ПРАВА ЧЕЛОВЕКА

***Н. Қ. Жўраев,***
*Сиёсий фанлар доктори, профессор;*

***Ф. Ф. Хатамов,***
*Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети мустақил изланувчиси, фалсафа доктори (PhD),*

## ГЛОБАЛЛАШУВ ЖАРАЁНЛАРИДА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ТАМОЙИЛИНИНГ РОЛИ

**Аннотация.** Мазкур илмий мақолада инсон ҳуқуқлари концепциясининг глобал ва универсал тамойиллари таҳлил этилган. Унга кўра, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш ҳар бир мамлакат ижтимоий-сиёсий ривожининг асосий кўрсаткичи сифатида эътироф қилинади. Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш борасида Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотлар ва олдимизда турган вазифалар баён этилган.
**Таянч сўзлар:** инсон ҳуқуқлари, глобаллашув, Ўзбекистон, БМТ, концепция, демократик тараққиёт, эркинликлар тизими.

**Аннотация.** В данной научной статье анализируются глобальные и универсальные принципы концепции прав человека. Отмечается, что сегодня защита прав и свобод человека признана ключевым показателем социально-политического развития любой страны. Обозначены проводимые в Узбекистане реформы по обеспечению прав и свобод человека и стоящие перед нами задачи.
**Ключевые слова:** право человека, глобализация, Узбекистан, ООН, концепция, демократическое развитие, система свободы.

**Annotation.** This scientific article analyzes the global and universal principles of the concept of human rights. It is noted that today the protection of human rights and freedoms is recognized as a key indicator of the socio-political development of any country. The reforms carried out in Uzbekistan to ensure human rights and freedoms and the tasks we face are outlined.
**Keywords:** human rights, globalization, Uzbekistan, UN, concept, democratic development, system of freedom.

Бугунги шиддат билан ўзгариб бораётган дунёда миллий қадриятлар билан бир қаторда, демократия, ижтимоий адолат ва инсон ҳуқуқлари каби умумэътироф этилган тамойиллар ҳам мустаҳкам ўрин эгаллаб бормоқда. Глобаллашув ва цивилизациянинг юксалиши шароитида инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш – жамиятда ижтимоий барқарорлик, сиёсий тизим легитимлиги ҳамда иқтисодий юксалишнинг муҳим асослари, деб қаралаётир.

Глобаллашув объектив ва қарама-қарши жараён сифатида намоён бўлиб, ўзида янги-янги имконият ва хатарларни ҳам қамраб олади[1]. Бунинг асосида замонавий ижтимоий-маданий қарама-қаршиликлар таъсири остида “инсон ва жамият” тизими билан боғлиқ глобал муаммолар пайдо бўлади. Улар ижтимоий ва сиёсий барқарорлик, хавфсизликни

таъминлаш, турли маданиятларнинг ривожланиш муаммоларини, маданий зиддиятлар хавфини минималлаштиришни, ўзига хос геосиёсий шароитларда ўзаро таъсирини таъминлашни, инсоннинг ижтимоий мослашуви муаммоларини ўз ичига олади[2].

"Инсон ва жамият" тизимининг глобал муаммолари гуруҳига, тўғридан-тўғри боғлиқ ва "ижтимоий муаммолар"га мансуб, инсоннинг асосий (ажралмас) ҳуқуқларини таъминлаш ва ҳимоя қилиш муаммоси ҳам киради. Инсоннинг ажралмас ҳуқуқларини таъминлаш ва ҳимоя қилиш масаласи XXI асрда глобал аҳамият касб этмоқда, дейиш мумкин. Ҳозирги вақтда бу биринчи навбатда ахборот технологияларининг ривожланиши, виртуаллашув ва глобаллашув тенденциялари ортидан ноанъанавий таҳдидларнинг кучайиши асосида кўринмоқда.

XX асрнинг иккинчи ярмида инсон ҳуқуқлари билан боғлиқ кенг илмий соҳалар шаклланди. Улар бугунги кунда фанлараро сифатга эга бўлиб, биринчи навбатда ҳуқуқий фанлар доираси билан бирга, сиёсатшунослик, халқаро муносабатлар тизимида ўтказилади. Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқ тизими шаклланмоқда. Инсон ҳуқуқларининг тегишли ҳуқуқий нормалари халқаро ташкилотларнинг турли хил дастурий ҳужжатларига киритилган. Бу эса, ўз навбатида, сиёсий, айрим ҳолатда геосиёсий таҳлилларни ҳам талаб қилади.

Инсон ҳуқуқлари – бу шахсга ўз хоҳишига кўра ҳаракат қилиш (ҳуқуқнинг бир қисми сифатида эркинлик) ёки маълум имтиёзларни олиш имкониятини берадиган кишилар, инсон ва давлатлар ўртасидаги муносабатларнинг тамойиллари, меъёрлари ҳисобланади. Инсон ҳуқуқларининг замонавий типологиясида шахсий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар ажралиб туради.

Инсоннинг ажралмас (табиий) ҳуқуқлари, шунингдек, яшаш ва эркинликка табиий ҳуқуқнинг ҳосилалари сифатида қараладиган унинг шахсий фуқаролик ҳуқуқларидир. Уларнинг мақсади индивидуал автономия ва шахсий эркинликни кафолатлашдир.

Бугунги кунда ҳуқуқ ва эркинликларнинг алоҳида тури сифатида инсоннинг шахсий ҳуқуқлари кўриб чиқилмоқда. Буларга шахснинг яшаш ва қадр-қимматига бўлган ҳуқуқи, эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқи ва виждон эркинлиги каби асосий шахсий ҳуқуқлар киради. Шахсий ҳуқуқлар (шахсийлик, индивидуаллик ва ўзига хосликка урғу берилгани ҳолда) инсон ҳуқуқларининг янги авлодларидан бири сифатида қаралади. Ушбу ҳуқуқларга, масалан, энг янги биотехнологиядан фойдаланиш билан боғлиқ ва инсон ҳаёти, соғлиғини муҳофаза қилишни назарда тутувчи инсоннинг биотехнологик ҳуқуқлари ҳам киради[3].

Замонавий тараққий этган давлатларда инсоннинг сиёсий ва фуқаролик ҳуқуқлари, авваламбор, сиёсий глобаллашув шароитида талқин этилади ва демократиянинг ривожланиш даражаси билан ўзаро боғлиқдир.

XXI асрнинг биринчи ўн йиллигининг бошларида сиёсат, илмий жамоатчиликда ҳам глобаллашув тарафдорлари ва унинг мухолифлари ўртасида замонавий жамиятда демократиянинг ҳолати ва истиқболлари тўғрисида қизғин мунозаралар кечмоқда. Мунозара марказида глобал демократия масаласи туради. Илмий жамоатчиликда мунозара глобал демократия концепциясини муҳокама қилиш ҳамда инсон ҳуқуқлари тамойилининг универсаллашуви атрофида бўлиб келмоқда.

Антиглобализм тарафдорлари эса антидемократик тенденциянинг тасдиғи сифатида БМТ, ЖСТ, Жаҳон банки ва бошқа ташкилотлар сингари глобал даражадаги институтларнинг кластер характери ва ёпиқлик дараларини рўкач қилиб келишади.

Икки қарама-қарши нуқтаи назарни таққослаган ҳолда, Майкл Гудхарт ҳар иккала қарашга хос бўлган аргументация нотўғри, деган хулосага келади. Бу унга ҳар иккала позицияни замонавий демократия, суверен давлат ўртасидаги муносабатларнинг мураккаб хусусияти, қийинчилик, таҳдид ва хатарлар даражасини етарли миқёсда акс эттиришга қодир эмас, дея белгилашга асос бўлган. Глобаллашув, бу унинг фикрига кўра, – демократияни концепциялашга замонавий ёндашувларни қайта кўриб чиқиш зарурлигини таклиф қилади[4].

М. Гудхарт томонидан “Демократия инсон ҳуқуқлари сифатида: глобаллашув асрида эркинлик ва тенглик” (“Democracy as Human Rights: Freedom and Equality in the Age of Globalization”) асарида баён этган демократия назариясининг моҳияти демократия ғоясини биринчи навбатда ҳуқуқларга риоя этилишини таъминлаш учун яратилган глобал институтлар томонидан кафолатланган анъанавий вакиллик бошқаруви тизими сифатида асослантирилади.

Глобаллашув шароитида демократия ва инсон ҳуқуқлари муаммосини ўрганишнинг концептуал асосларини ишлаб чиқиш зарурлиги тўғрисида савол туғилиши инсон ҳуқуқларини ўрганишда фанлараро ёндашувнинг шаклланиши ва ушбу соҳадаги илмий билимларни дифференциаллашувининг дастлабки босқичида ўз ҳиссасини қўшди. 2009 йилда М. Гудхарт таҳрири остида бир қанча олим, назариётчи, муаммонинг амалий жиҳатларини ўрганувчи, замонавий жамиятда инсон ҳуқуқларини таъминлаш сиёсати ва амалиётини сиёсий таҳлил қилиш соҳасидаги мутахассислар иштирокида тайёрланган китобнинг дастлабки қисми нашр этилди[5].

Ушбу китобда концептуал ёндашувларни тизимлаштириш натижа ва акс эттирилган тадқиқот муаммоларининг устувор йўналишлари эътиборга лойиқдир. Сиёсий глобаллашув шароитида инсон ҳуқуқлари концепциализацияси қуйидаги асосий ёндашувлар асосида амалга оширилади:

норматив ёндашув;

халқаро ҳуқуқ назарияси нуқтаи назаридан ёндашув;

амалдаги инсон ҳуқуқлари тадқиқотларида кўрсаткичлар ва ўлчов параметрларини ишлаб чиқишнинг асосида ёндашув;

халқаро муносабатлар позициясидан келиб чиққан ҳолда ёндашув;

компоравистика асосида ва замонавий сиёсий фанлар назариясидан келиб чиққан ҳолда ёндашув;

социология ва антропология тамойилларини қўллаган ҳолда ёндашув;

глобаллашув контекстида мафкуравий омилларни қўллаш бўйича (ёки қўлламасдан) ёндашув[5].

Мазкур асарда нафақат асосий назарий ёндашувлар, балки глобаллашув шароитида инсон ҳуқуқлари соҳасида таваккаллик ва таҳдидлар асосий йўналиши сифатида кўриб чиқилган қуйидаги масалаларни ўз ичига олган тадқиқотнинг устувор муаммолари доираси ҳам аниқланган: 1) сиёсий демократия, инсон ҳуқуқлари ва давлат босими; 2) глобал фуқаролик жамияти ва инсон ҳуқуқлари; 3) инсон ҳуқуқлари ва тегишли сиёсий ривожланиш стратегиялари; 4) иқтисодий глобаллашув ва инсон ҳуқуқлари; 5) жинсий эксплуатация учун одам савдоси билан боғлиқ инсон ҳуқуқлари; 6) болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш; 7) инсон ҳуқуқлари ва мажбурий миграция; 8) туб ерлик аҳолининг инсон ҳуқуқлари (индиген ҳуқуқ); 9) геноцид ва инсон ҳуқуқлари; 10) қийноқлар; 11) атроф-муҳит; 12) гуманитар интервенция ва инсон ҳуқуқлари; 13) инсон ҳуқуқлари ва ўтиш давридаги одил судлов.

Бугунги замонавий назарияларда глобаллашув жараёнлари, давлат суверенитети ва инсон ҳуқуқлари омиллари

ўртасидаги ўзаро алоқадорлик ҳамда қарама-қаршиликлар тадқиқ этиб келинмоқда. Глобаллашув билан боғлиқ ҳолда, давлатлар суверенитетининг пасайиши ёки емирилиши тўғрисида кенг тарқалган, муҳокама марказида бўлган нуқтаи назарлар давлатнинг бошқарув функцияси ва унинг “бош ислоҳотчилик” позициясини шубҳа остига қўяди. Демак, Д.Коэн замонавий даврдаги инсон ҳуқуқлари бўйича дискурс ва амалиётни таҳлил қилиб, биринчи навбатда сиёсий глобаллашув таъсири остида у ёки бу шаклда сақланиб қолган дунёнинг кўплаб мамлакатлари ва минтақаларида давлат суверенитети барқарорлиги, шунингдек, бошқа ташқи омилларнинг таъсирига алоҳида урғу беради.

Иккинчидан, турли хил миллий шароитларда давлат суверенитет ва глобал бошқарув тамойилларини уйғунлаштиришни таъминлаш учун етарли ҳуқуқий асослар йўқлигини таъкидлаб, Д.Коэн суверенитетнинг барқарорлигининг далили ва шу билан бирга, сиёсий глобаллашувига қарши кураш сифатида, сиёсий шароитда вужудга келган янги суверенитет шаклларининг пайдо бўлишини белгилайди.

Мазкур назариянинг моҳияти шундаки, давлатлар суверенитети тенглиги тамойилини таъминлашнинг тобора ортиб бораётган аҳамияти ҳақидаги ғояни асослашдир. Назария асосидаги тизимли ёндашув институционал ва маданий-акциологик ёндашув тамойилларини қўллаш билан тўлдирилади. Бу эса, ўз навбатида, Д.Коэн назариясини интеграл назария тури сифатида таснифлашга имкон беради.

Назария суверен давлатларнинг халқаро ҳамкорлиги ва глобал сиёсий ҳамжамиятни ўз ичига олган дуалистик дунё тартибини таъминлашни илгари суради ва асослайди, унинг доирасида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича глобал институт ҳамда бошқарув тизимининг, қонун институтларининг роли алоҳида таъкидланади. Мазкур шароитда халқаро ҳуқуқ нормалари катта аҳамият касб этади.

Глобаллашув давридаги асосий муаммо жаҳон сиёсатидаги акторларнинг хатти-ҳаракатларини тартибга солиш стратегиясининг асосланиши бўлмоқда. Конструктивизм доирасида субъектлараро тушунча ғояси билан амалга оширилган инсон ҳуқуқларига нисбатан тегишли сиёсий хатти-ҳаракатлар назариясини ишлаб чиқиш ҳаракатлари сезиларли ва жуда самарали ҳисобланади[6]. Конструктив ёндашув маълум бир вақтдан сўнг маданий, иқтисодий ва бошқа ривожланиш шаклларининг ўзига хос хусусиятларидан, шунингдек, фазовий ва вақт-контекстидан қатъи назар глобал ўлчовда ижобий силжишларни келтириб чиқарадиган умумий универсал омил сифатида инсон ҳуқуқлари дискурсига урғу бериш билан ажралиб туради.

Ҳозирги вақтда халқаро бизнес ҳамжамиятлари ва корпорациялар фаолиятининг ижтимоий, ҳуқуқий жиҳатларини тадқиқ этиш алоҳида ўрин эгаллайди. Бунда эътибор бизнеснинг ижтимоий жавобгарлигини ўрганиш ва глобал хатарлар, шу жумладан инсон ҳуқуқлари бузилиши билан боғлиқ бўлган вазиятда тегишли субъектларнинг хатти-ҳаракат нормаларини тузиш стратегиясини ишлаб чиқишга қаратиб келинади[7].

Ўзбекистонда ҳам сўнгги йилларда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг қонунчилик ва ташкилий-ҳуқуқий базасини мустаҳкамлаш, инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро стандартларни миллий қонунчиликка имплементация қилиш ва халқаро мажбуриятларни бажариш, шунингдек, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалалари юзасидан халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни фаоллаштиришга доир тизимли ишлар олиб борилмоқда.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон Республикаси инсон ҳуқуқлари бўйича 80 дан ортиқ халқаро ҳужжатлар, жумладан

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 6 та асосий шартномаси ва 4 та факультатив протоколига қўшилган бўлиб, уларнинг амалга оширилиши юзасидан БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши ва шартномавий қўмиталарига мунтазам равишда миллий маърузаларни тақдим этиб келмоқда[8]. Бундан ташқари, миллий қонунчиликни инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро-ҳуқуқий стандартлар билан уйғунлаштириш бўйича амалий чора-тадбирлар кўрилмоқда.

Инсон ҳуқуқлари соҳасида узоқ муддатли стратегиянинг қабул қилиниши ушбу соҳада давлат сиёсатининг самарали амалга оширилиши, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига ҳурмат муносабати шаклланиши, мамлакатнинг халқаро майдондаги обрўси янада мустаҳкамланиши, жумладан Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий ва сиёсий-ҳуқуқий рейтинг ҳамда индекслардаги мавқеи яхшиланишига хизмат қилади[9].

Ўзбекистон Республикасининг БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Кенгашига қабул қилиниши мамлакатимизда эришилган натижаларнинг ҳаққоний эътирофи, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш соҳасидаги жиддий силжишга сабабчи қўшимча масъулият бўлиб хизмат қилмоқда, дейиш мумкин. Зеро, Ўзбекистон нафақат мамлакатда, жаҳон миқёсида ҳам ҳуқуқ ва қонун устувор бўлиши, инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатлари ҳар томонлама таъминланиши, ҳимоя қилиниши, рағбатлантирилиши тарафдори сифатида ўзини намоён қилмоқда.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. *Лукин В.Н.* Глобализация и международный терроризм: политический анализ рисков и стратегий обеспечения безопасности. – СПб.: Наука, 2006. – 496 с.

2. *Мусиенко Т.В.* Современные глобальные процессы: микрополитический анализ. – СПб.: Наука, 2004. – С.7. (598 с.)

3. *Глушкова С.И.* К вопросу о новых подходах в исследовании прав человека // Вестн. Рос. гуманитарного ун-та. – 2010. – № 14. – С. 21–29.

4. *Goodhart M.* Democracy as Human Rights: Freedom and Equality in the Age of Globalization / Michael Goodhart. – New York: Routledge, 2005. – 256 p.

5. Human Rights: Politics and Practice / Edited by Michael Goodhart. Oxford, New York: Oxford University Press, 2009. – 455 p.

6. Human Rights: Politics and Practice / Edited by Michael Goodhart. Oxford, New York: Oxford University Press, 2009. – P.11.

7. *Бурсема Д.* Права человека // Глобалистика: энциклопедия. – М., 2003. – С. 831–832.

8. *Segerlund L.* Making Corporate Social Responsibility a Global Concern: Norm Construction in a Globalizing World / Lisbeth Segerlund. Farnham, Surrey, England, Burlington, VT: Ashgate, 2010. 203 p.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномаси 24.01.2020 й. // www.uza.uz – Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг миллий стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармони. // https://lex.uz/docs/4872355.

***Д. А. Алаутдинов,***
*ИИВ Академияси Ўқув саф қисми курс бошлиғи;*

***М. Т. Рустамов,***
*ИИВ Академияси Ҳарбий тайёргарлик кафедраси катта ўқитувчиси*

# ЎҚИТИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ МЕТОДЛАРИДАН ФОЙДАЛАНГАН ҲОЛДА ЎҚ ОТИШ ТАЙЁРГАРЛИГИ БЎЙИЧА ТИНГЛОВЧИ ВА КУРСАНТЛАРНИНГ БИЛИМЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ҲАМДА РИВОЖЛАНТИРИШ

**Аннотация.** Мақолада ўқитишнинг замонавий методларидан фойдаланган ҳолда ўқ отиш тайёргарлиги бўйича тингловчи ва курсантларнинг билимларини шакллантириш ва ривожлантириш йўллари кўриб чиқилган.

**Таянч сўзлар:** қурол-яроғ, ҳарбий техника, жанговар тайёргарлик, интерфаол метод, технология, педагог, ситуацион полигон, Smart технология, махсус-тактик, ўқ отиш, жисмоний, интеграл тайёргарлик, “VirTra”, “ИСТ – ВИТЯЗЬ”, “ОТИШ КОМПЛЕКСИ “ПКСТ-2МП”, “ЛАЗЕРЛИ КОМПЛЕКС “ДКСТ-440-1”.

**Аннотация.** В статье рассматриваются вопросы формирования и развития знаний слушателей и курсантов по огневой подготовке используя современные методы обучения.

**Ключевые слова:** вооружаниие, военная техника, боевая подготовка, интерактивный метод, технология, педагог, ситуационный полигон, Smart технология, специальная тактика, срельба, физическая, интегральная подготовка, “VirTra”, “ИСТ – ВИТЯЗЬ”, “СТРЕЛКОВЫЙ КОМПЛЕКС “ПКСТ-2МП”, “ЛАЗЕРНЫЙ КОМПЛЕКС “ДКСТ-440-1”.

**Annotation.** The article deals with the issues connected with the formation and development knowledge of listeners and cadets on fire training using modern methods of teaching.

**Keywords:** armament, military technics, combat training, interactive method, technology, teacher, situational ground, Smart technology, special tactics, firing, physical, mixed training, “VirTra”, “IST – Vityaz”, “FIRING COMPLEX “ПКСТ-2МП”, “LASER COMPLEX “ДКСТ-440-1”.

Бугунги кунда жаҳон ва минтақамизда ҳарбий-сиёсий вазият кескин ўзгариб, миллий, глобал хавфсизлик соҳасида хатар ҳамда таҳдидлар тобора кучайиб бормоқда. Ҳаётнинг ўзи ана шундай ўта масъулиятли вазиятда барчамиздан эришган барча ютуқларимиз билан бирга, йўл қўйган камчиликларимизни чуқур, танқидий таҳлил қилишни талаб қилмоқда. Шу асосда миллий армиямизни янада ривожлантириш ва такомиллаштириш борасида пухта ўйланган, изчил ҳаракатларни давом эттириш тақозо этилмоқда.

Шундан бўлса керак ўтган қисқа даврда янги Мудофаа доктринаси қабул қилиниб, ҳарбий тузилмаларнинг таркиби ва вазифалари чуқур қайта кўриб чиқилди. Қўшинларнинг бошқариш тизими такомиллаштирилиб, миллий армиямизнинг замонавий қурол-яроғ ва техника воситалари билан таъминлаш

бўйича ўта муҳим лойиҳалар амалга оширилди.

Тарихда биринчи марта ўз моҳиятига кўра ноёб тизим – ҳарбий-маъмурий секторлар ташкил этилди. Бундай иш усули жойлардаги давлат ҳокимияти органларини мамлакатимиз мудофаа қудратини мустаҳкамлашга фаол жалб этиш учун имкон берди. Энг муҳими, “Армия ва халқ – бир тан-у бир жондир” деган улуғ ғояни амалда таъминлашга хизмат қилмоқда [1].

Шу ўринда олий ҳарбий таълим муассасаларида отиш тайёргарлиги бўйича олиб бориладиган назарий, амалий машғулотлар курсант ва тингловчиларнинг хизмат, жанговар тайёргарлигининг ажралмас қисми ҳисобланади. Ҳар қандай вазиятда жанговар ҳаракатларни маҳорат билан олиб бориши, курол-яроғлар ҳақидаги билимларини такомиллаштириши ҳамда улардан жангда моҳирлик билан фойдаланиши орқали уларнинг жанговар тайёргарлигини ошириш заруратини келтириб чиқаради.

Бу борада таълимнинг самарадорлигини ошириш, шахснинг таълим марказида бўлиши ва ёшларнинг мустақил билим олишларини таъминлаш учун олий ҳарбий таълим муассасаларига нафақат яхши тайёргарлик кўрган, ўз соҳасида мустаҳкам билимга эга, балки замонавий педагогик технология ҳамда интерфаол стратегияларни қўллаган ҳолда ўқув ва тарбиявий машғулотларни ташкил эта олиш қоидаларини биладиган профессор-ўқитувчилар керак бўлади.

Ўқув жараёнини янада такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 апрелдаги “Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 5005-сонли фармони билан тасдиқланган “Ички ишлар органлари тизимини тубдан ислоҳ қилиш комплекс чора-тадбирлар” Дастурининг кадрлар тайёрлаш, танлаш ва жой-жойига қўйишнинг илғор механизмларини жорий этиш, уларнинг малакаси, маънавий-ахлоқий фазилатларини ошириш орқали кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш борасида белгиланган устувор йўналишнинг дастлабки чора-тадбирлари бевосита ИИВ Академияси фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган бўлиб, қайд этилган Дастурнинг 34-бандида ИИВ Академиясида Ситуацион полигон, шунингдек, Симуляция ва модуляция марказини ташкил этиш ва таълим жараёнида кенг фойдаланиш вазифаси белгиланган.

ИИВ Академиясида таълим жараёнини амалиётга йўналтириш, назария ва амалиётнинг уйғунлигини таъминлаш, таълим сифатини юқори замонавий босқичга кўтариш каби бир қатор вазифаларни амалга оширишда ўқув жараёнига ахборот-коммуникация ҳамда интерактив технологияларни кенг жорий этиш, таълим беришнинг Smart технологияларига тадрижий ўтиш, ўқитишнинг инновацион дастурларини жорий қилиш, замонавий педагогик технологиялардан фойдаланиш имкониятини берувчи янги инновацион ўқитиш фонди Ситуацион полигон ҳамда Симуляция ва модуляция марказининг тутган ўрни беқиёс ва муҳим аҳамият касб этади [2].

ИИВ Академияси моддий-техника базасида янги инновацион ўқитиш фонди Ситуацион полигон ҳамда Симуляция ва модуляция марказини ташкил этиш учун кундузги таълимнинг тегишли мутахассисликлари, сиртқи ва магистратуранинг тингловчи ва курсантларини ўқитишда таълимни амалиётга йўналтириш, касбий вазифаларини бажаришга киришиш, адаптация муддатини қисқартириш, бевосита ахборот-коммуникация ва интерактив технологияларини ҳамда ўқитишнинг инновацион дастурий комплексларни

("Тингловчи ва курсантларни махсус-тактик, жанговар, ўқ отиш ва жисмоний интеграл тайёргарлиги"), шунингдек амалиётда фойдаланиладиган дастурий таъминотлар, электрон ахборот базаларини ҳар томонлама жорий этилиши ва касбий тайёргарлик бўйича ўқитишнинг ўзига хос спецификаси ва талабларини инобатга олган ҳолда ситуацион полигон ҳамда симуляция ва модуляция марказининг инфраструктурасига "VirTra", "ИСТ – ВИТЯЗЬ", "ОТИШ КОМПЛЕКСИ "ПКСТ-2МП", "ЛАЗЕРЛИ КОМПЛЕКС "ДКСТ-440-1" каби стационар, интерактив, лазерли отиш комплексларини татбиқ этиш мақсадга мувофиқ, деб ўйлаймиз.

Ушбу тренажёрларда тингловчи ва курсантларга ИИВнинг 2018 йил 17 январдаги 17-сонли буйруғи асосида ўқ отиш тайёргарлиги бўйича пистолетдан 1-14 машқ, автоматдан 1-5 машқ ва мерганлик милтиғидан 1-2 машқларни бажаришни ташкил этиш имкони мавжуд [3].

АҚШнинг "VirTra" инновацион дастурий комплекси ўқотар куроллардан машқ қилишда реал ҳолатни юзага келтирувчи ва самарали ўргатувчи тренажёр бўлиб, Қуролли Кучлар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари ва бошқа ҳарбийлаштирилган ташкилот ходимларининг ўқ-дори сарфламасдан, хавфсизликни таъминлаган ҳолда аниқ мўлжал олиш, тезкор қарор қабул қилиш ва вазиятга қараб қуролланган душманни зарарсизлантириш имконини беради. Шу билан бирга, ушбу тренажёрда "жанговар иккилик", "жанговар учлик", "жанговар тўртлик" ва керак бўлса унданам кўпроқ таркиб билан жанговар вазифаларни ечиш имкони мавжуд. Тренажёр 900 дан ортиқ жанговар вазиятни ўз ичига олиб, 180 градусдан 300 градусгача бўлган ҳаракатларни бажариш имконини беради [4]. (1-расм).



1-расм.

Россиянинг "ИСТ – ВИТЯЗЬ" профессионал ўқ отишга мўлжалланган тренажёр отиш комплекси ўқотар куроллардан ўқ отиш малакасига ўргатиш учун қўлланилаётган янги авлод техник воситасидир. Отиш комплекси отиш техникасини ўрганаётган тингловчи ва курсантлар учун жанговар қуролдаги каби отиш вақтидаги механик ва эмоционал-психологик таъсирни ҳис қилиш имконини яратади. Шу боис отиш комплекси жанговар ўқотар қуроллардан отиш малакасини эгаллаш учун қулай ва самарали техник восита бўлиб, ушбу комплекснинг бир қатор устунликлари мавжуд.

Ушбу тренажёр машқланишда амалий шаклда турли хил масофаларда кўпгина машқлар ва керакли миқдордаги ўқ-дори сарфи ҳамда нишонгача бўлган масофаларни ўзгартириш имконини беради. Нишонлар тури 50 тадан ошиқ бўлиб, уларнинг коллекциясига антиқа нишонлар ҳам киради.

Тренажёр стандарт, интерактив, статистик ва ҳаракатланувчи нишонлар билан жиҳозланган [4]. (2-,3-расм).



2-расм.



3-расм.

Ўзбекистоннинг “ОТИШ КОМПЛЕКСИ “ПКСТ-2МП”, “ЛАЗЕРЛИ КОМПЛЕКС “ДКСТ-440-1” каби стационар, интерфаол, лазерли отиш комплексларида барча ҳарбийлаштирилган ташкилот ходимларини ортиқча ўқ-дори сарфламасдан, хавфсизликни таъминлаган ҳолда аниқ мўлжал олиш, тезкор қарор қабул қилиб, вазиятга қараб қуролланган жиноятчини зарарсизлантириш, яъни ҳаракатланмайдиган ва ҳаракатланадиган (тўсатдан пайдо бўладиган) нишонларга ҳаракатда тез отиш ва панадан мўлжалли отишга киришишни ўргатиш имконини беради [4]. (4-, 5-расм).




4-расм.




5-расм.

Курсант ва тингловчиларнинг отиш маҳоратларини оширишлари учун улардан тинимсиз отиш назарияси, қуролларнинг моддий қисми, отиш қоида ва усулларини мукаммал ўзлаштиришлари, ўз устида мустақил таълим соатларида ишлашлари, ҳар бир машқни қайта-қайта бажаришлари талаб этилади. Буни эса юқорида келтирилган тренажёрлар орқали ўқ-дориларни тежаган ҳолда амалга ошириш имкони мавжуд.

Интерфаол методларга асосланган технология билан қуролланган ўқитувчи ижодий ҳаммуаллифлик тартибида

ишлаш, асосли ўзгартиришларга тайёргарлик ва масъулиятли қарорлар қабул қилишга ўрганади. Таълимнинг интерфаол методлари педагогка:

– курсантларнинг машғулот мавзусига қизиқишини таъминлаш;

– ўқув материалининг янада кучли ва чуқур ўзлаштирилишига эришиш;

– танқидий фикрлашни ривожлантириш;

– коммуникатив кўникмаларни шакллантириш;

– барча таълим олувчиларни фаол ўқув фаолиятига жалб этиш учун шароит яратиш;

– ўқув гуруҳида мақбул психологик микроиқлимни таъминлаш ва бошқа имкониятларини беради.

Таълимнинг интерфаол методларига мисол сифатида қуйидагиларни келтириши мумкин.

“9 мм ли Макаров пистолети” мавзусига оид блиц-сўров жавоблари (намуна):

1. Калибр – ўқотар қуроллардаги ствол каналининг ички диаметри ҳисобланади.

2. Жанговар хусусиятлар – ўқотар қуролларнинг жанговар отиш тезлиги, ўқнинг бошланғич учиш тезлиги, самарали отиш масофаси, шикаст етказиш масофалари тушунилади.

3. Констуктив маълумотлар – қуролнинг ўлчамлари, оғирлиги, ўқ-дори сиғими кабилар киради.

4. Қурол таркиби – ўқотар қуролнинг қисмларга ажратилган ҳолатидаги тузилиши.

5. Отиш қоидалари – отишга тайёрланиш (пистолетни ўқлаш, ўқ отиш ҳолатини эгаллаш);

– ўқ отишни амалга ошириш (мўлжалга олиш, тепкини қўйиб юбориш);

– ўқ отишни тугаллаш (тепки ҳалқаси думига босишни тўхтатиш, сақлагични ёпиш, пистолетни ўқсизлантириш).

“Калашников автомати”нинг “Синквейн” стратегияси ёрдамида ёритилиши (намуна):

1-қатор. Калашников автомати (1та от).

2-қатор. Тўхтовсиз автоматик ва битталаб (OD) ўт очиш хусусиятига эга (2 та сифат).

3-қатор. Душман қўшинларини сафдан чиқаради, найза пичоққа эга бўлади, қўл жанги олишуви пайтида қўлланилади (3 та феъл).

4-қатор. Қуролли Кучлар сафида қўлланилади (4 та сўз).

5-қатор. Ўқотар қурол (1 та сўз ёки гап).

Ушбу методлар орқали курсантларни ўйлашга, фикр юритишга ҳамда машғулотга қизиқтиришни уддасидан чиқишимиз мумкин [5].

Хулоса ўрнида шуни айтиш жоизки, шахсий таркибни маънавий, руҳан тайёр бўлиши билан бирга, жанговар тайёргарлигини талаб даражасида оширишимиз,албатта, замонавий педагогик технологиялар ҳамда янги авлод техник воситаларидан фойдаланиш заруратини туғдиради.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР


1. *Мирзиёев Ш.М.* Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг 29 йиллиги муносабати билан Ватан ҳимоячиларига байрам табриги // Ватанпарвар. – 2021. – 14 янв.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 апрелдаги ПФ-5005 фармонининг 1-илова. 34-банди. https://Lex.uz. (мурожаат санаси 20.04.2021 й.).

3. Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 2018 йил 17 январдаги 17-сонли “Ички ишлар органларида хизмат, жанговар, жисмоний ва ахлоқий-психологик тайёргарлик машғулотларини ўтказиш қоидалари тўғрисида”ги буйруғи. – Т., 2018. – Б. 12–20.

4. Интернет сайтлари: www.virtra.com; www.tirist.ru; www.dkst.uz; www.pkst_ver2.uz. (мурожаат санаси 08.04.2021 й.).

5. *Рўзиева Д.* Интерфаол методлар: моҳияти ва қўлланилиши: Методик қўлланма / Рўзиева Д., Усмонбоева М., Холиқова З. – Т., 2013. – Б. 17, 60.